



Туықандық әуендері



ҚАЗАҚСТАН
ЖАС
ЖАЗУШЫЛАРЫНЫҢ
ӘНГІМЕЛЕРІ



АЛМАТЫ
«ЖАЛЫН» БАСПАСЫ
1982

Қардошлик Қўшиғи



ЕШ ҚОЗОҚ
ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ
ҲИКОЯЛАРИ



ТОШКЕНТ
УЗБЕКИСТОН ЛҚСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
1982

Қардошлик қўшиғи. Ёш қозоқ ёзувчиларининг ҳикоялари / [Қозоқ тилидан тарж., Тўпловчи Қалдарбек Найманбоев; Кириш сўзи. Абдужамил Нурпейсов].—Т. «Ёш гвардия», 1982.—288 б., расм.

Песня дружбы. Рассказы молодых казахских писателей.

С (Каз)

Тўпламга қозоғистонлик ёш ёзувчиларнинг она-юрт, дўстлик, инсон қадр-қиммати, ўзаро меҳр-муҳаббат, умр, вақт қадри тўғрисидаги энг яхши ҳикоялари жамланган.

Ушбу тўплам «Жалын» нашриёти билан ҳамкорликда тайёрланган.

Тўпловчи ҚАЛДАРБЕК НАЙМАНБОВ

Қозоқ тилидан таржима

К 70303—147
356(04)—82 57—82 4702230000

© Составление. Издательство «Жалын» 1982
© «Ёш гвардия» нашриёти, 1982, (таржима)

ОШКОРА ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ушбу китоб кўп сонли қозоқ ёзувчилари шажараси бутун бир авлодининг коллектив портретидир.

Ушбу тўплам муаллифларининг бирлари тинч даврда, ўттинчи йилларнинг сўнгида туғилган, бошқалари — алаңғали йиллар—жангу жадал давр фарзандлари. Бу авлод кўз ўнгимизда биз чеккан қувончлар, ташвишлар таъмини тўлиқ тотиган ҳолда униб-ўсди, кучга тўлди. Уша вақтдаги оёқяланг овул болакайлари эндиликда балоғатга етган, жиддий кишиларга айланишди. Энди уларнинг ўзлари ота, ғамхўр ака, оила таянчи, китоблар муаллифидирлар. Уларнинг нигоҳи ўткир, қадами қатъий, фикри барқамол. Улар адабиётимизга билим ва маданият билан қуролланган ҳолда, унинг маънавий камолоти чоғида кириб келишди. Анчадан бери мен бу авлодни нафақат умид билан, балки қизқиш, эҳтимолки ҳатто «ҳасад» билан кузатаман.

Бу авлод қисматида қандайдир умумийлик бор. Ана шу умумийлик уларнинг барча асарларига ҳам сингиб кетган. Бу—Улуғ Ватан уруши акс-садоси, болалик қалбида чуқур из қолдирган машғум кунлар хотирасининг қайта жонланишида кўрилади. Улардан ёши каттароқлари ўзларининг ҳали қотмаган елкаларида урушнинг беқиёс оғирлигини катталар билан баравар кўтариб ўтдилар. Бошқа, ёшроқлари эса, урушдан қайтган оталари кучогини, уларнинг тер ва қон ҳиди сингган гимнастёркаларини, солдатчасига лўнда ва этни жимирлатадиган ҳикояларини бир умр эслаб қолдилар. Ҳар икки ҳолда ҳам уруш ёш гражданиннинг руҳий ва маънавий қиёфасини шакллантирган ижтимоий ҳодиса, ёки аниқроғи ижтимоий туртки бўлди. Шу боисдан халқимиз бошига тушган буюк синов арафасида ҳамда ундан сўнг туғилганлар ягона, моҳият эътибори билан битта авлод бўлиб таркиб топганликлари шубҳасиз.

Ушбу тўпламда ҳам бу бирлик, руҳий кечинмалар ягоналиги аниқ сезилади. Унинг мундарижасини ташкил этган асарлар,

шубҳасиз, мавзуи, жанр ранг-баранглигига, услубига кўра турлича ва шу маънода бир-бирини тўлдириб турибди. Бироқ уларнинг ҳаммаси гоъвий жиҳатдан бир-бири билан оҳангдош. Уларнинг муаллифлари—эндиликда тажрибали адиблар, воқелигимизнинг ранго-ранг қирраларини кўра биладилар, уларнинг ҳар қайсиси ўз бадийи ингоҳига ва услубига эга, лекин уларнинг ҳаммасини ягона дунёқараш, ижтимоий ҳодисаларга ягона муносабат ҳамда у ёки бу социал воқеликка баҳо беришда умумийлик бирлаштириб туради.

Қозоқ ёзувчиларининг бу авлоди адабий тўлқин юзига жамиятимиз тараққиётини белгиловчи кескин ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида қалқиб чиқди. Бу ўзгаришлар айниқса инсон руҳияти соҳасида, замондошларимиз маънавий қиёфасида бутун мураккабликлари билан, ҳатто баъзан мўъжизавий тарзда акс этади. Зеро, бу тўпламга кирган ҳикояларда асосий эътибор умумбашарий ахлоқий муаммоларга қаратилганини ҳам шу билан изоҳлаш керак. Тўплам муаллифларини чуқур ҳаяжонлантирган мавзулар: инсон ҳаётининг маъноси ва мақсади, бахт нима ва ҳар бир киши бахтли бўлиши учун инсоният нималар қилиши керак, умр мазмуни курашдан иборатми ёки муштаракликданми, инсоннинг ҳар томонлама камол топиши шарти нимада, инсон ва атроф муҳит, эркак ва аёл муносабатларидаги ҳадсиз-ҳисобсиз жиллолар ва бу муносабатларнинг жамият иқболлидаги аҳамияти, олам ва одам тақдири хусусидаги абадий умумбашарий тапшиш—булар ҳамиша тараққиёт кун тартибда турувчи умрбоқий мавзулар туркумига киради.

Қозоқ адибларининг янги авлоди бу мавзулар юзасидан мушоҳада юритар, инсониятни азалдан ҳаяжонга солиб келган масалаларга жавоб берар экан, турмуш тажрибалари сўқмоқларида аллақачоноқ аниқланган, ҳаммага маълум ҳақиқатни тасдиқлаш йўлидан боришмайди. Қадимий муаммолар теша тегмаган йўсинда, янгича тараннум этилади. Муаллифларнинг кўпчилиги новаторлиқни аввало фикрлаш ва бадий талқиннинг оригиналликда, чуқур фалсафий умумлашмаларга интилишда деб билди.

Маълумки, янги, беандоза фикрни, соф мулоҳазани ифодалаш учун янги, оҳори тўкилмаган воситалар зарур. Ушбу тўплам муаллифлари бу борада, менимча, кишини севинтирадиган кўпгина янгилıklar кашф этишга эришганлар. Улар зерикарли баёнчиликдан, рўзғор тасвирига берилишдан, бир маромдаги лутфғўйликдан маълум даражада қутулишган. Уларнинг турфа рангли бўёқларидан, овозлари сероҳанглигидан, аниқ тасвир яратишдаги, характерни, портретни акс эттиришдаги ихчамлиги-

дан, талқиннинг ҳаётийлигидан, хуллас, фақат ички саранжомликни бадий ифодалай олишларидангина эмас, шунингдек, руҳиятнинг мураккаб ҳаракатини таҳлил қила билишларидан, кечинмаларнинг кўп қирраллигини кўрсата олишларидан қувонмай бўладими. Сўнгги йиллар қозоқ прозасига хос бўлган аниқ ва ширали бадий деталлардан кенг фойдаланиш кўзга яққол ташланади. Ҳозирги замон қозоқ ҳикоячилигига элегик, лирик, кўтаринки-романтик, драматик, юракдан ошкора сўзлаш каби ҳолат ҳамда оҳанглар бегона эмас. Шунингдек, унда фалсафий эссе, социологик очерк, ҳатто детектив хусусиятлари ҳам тез-тез кўриниб қолади. Бироқ, бу жанрларнинг тасодифий «аралашиб кетиши» эмас, балки ҳикоя ёки қиссанинг бадий табиатидан келиб чиқадиган қонуний ҳодисадир.

Ҳозирги замон қозоқ адабиётида худди шу жанр—ҳикоя ва кичик қисса — республикамизда кейинги йилларда рўй берган кўлами катта, ажойиб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришларни ҳар томонлама ва қамровли акс эттиряпти. Ҳикоя хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига кескин кириб келди. Замонавий қозоқ овули ва шаҳар, чорвадор ва ғаллакорлар ҳаёти, дашт кенгликлари ва бугдойзорлар, илмий лаборатория ва студент аудиторияси, мозий ва бугунги долзарб кун — буларнинг ҳаммаси қозоқ ҳикоялари ва қиссаларида ўз ифодасини топди. Ҳикояларда бугунги қозоқлар социал ва руҳий ҳаётининг жилолари ниҳоятда серқирралиги муносиб акс этди. Шу боисданмикан, ҳозирги замон қозоқ адабиётида ҳикояга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Бу нарса худди шу жанрда янги мавзуларга қўл урилаётганида, ўткир, мураккаб муаммолар хусусида самарали мушоҳада юритилаётганида, янги характерлар кашф этилаётганида, ҳаётга ўткир ва тиниқ нигоҳ ташланаётганда, замондошларимиз руҳиятидаги нозиклик ҳамда силжишларни теран ва аниқ сеза билишда айниқса яққол кўринади. Бу қувончли ҳол. Шунингдек, сўзсиз шарафли ҳам.

Замонавий қозоқ ҳикояси — моҳият эътибори билан ёш авлоднинг муқаддас ошкора қалб сўзидир. Бой имкониятларга ва юксак бадий қудратга эга бўлган ана шу жанрда, ифтихорли турмушимиз юзага чиқарган янги ижодий парвозлар ўзини ҳар томонлама тўлиқ ва ёрқин намён этди. Аминманки, қозоқ ҳикоячилигининг ҳамма фазилатлари ва ютуқлари вақт ўтиши билан кўп жанрли бутун қозоқ адабиётининг мулкига айланиб қолади ва унинг янги сифат поғонасига кўтарилишига имкон яратади.

Шу боисдан ҳам, қадрли китобхонлар, адабиётга кейинги 10—15 йил ичида кириб келган қозоқ носирлари асарлари билан

танишар экансиз, ўзингиз учун қатор янги номларни ҳамда уларнинг ўзига хос ижодинигина кашф этиб қолмай, шунингдек, адабиётимиз келажаги ҳақида, миллий маданиятимизнинг ҳадсиз масъулиятли, залварли юкини ўз елкасига олиш вазифаси кутаётган умидли адиблар ҳақида ҳам муфассал тасаввурга эга бўласиз.

Бу китоб — бир авлоднинг ошкора қалб сўзлари, қозоқ адибларининг ўзбек китобхонлари билан самимий, очиқ-ойдин мулоқоти.

Сўхбатингиз ёқимли бўлсин!

**АБДУЖАМИЛ НУРПЕИСОВ,
СССР Давлат мукофоти лауреати**

МЕҲМОНЛАР

Кекса Ергабил гарчанд курортдан қайтаётган ва йўл-йўлакай уйга кириб ўтишга қарор қилган ўғлини кутиб, ярим кечаси кўзи илинганига қарамай, қуёш бош кўтармасданоқ яна оёққа туриб олди. Қоронғида жимгина кийинди, юпқа матодан қилинган пайтавасини ўраб, юмшоқ махсини оёғига тортди-да, қўқисдан қаттиқ ва хирқироқ товушда:

— Носқовоғим қани?— деб сўради.

Кампир унинг гапини эшитмай қолдими ё ширин уйқуда жавоб беришга эриндими, ҳайтовур қимир этмади. Ергабил унинг устига энгашди.

— Носқовоғимни кўрмадингми, кампир?— унинг овози энди сал майинлашди.

— Вой, шўрим-эй!— пўнғиллади кампир ўрнидан тураркан.— Куни билан қаниқани, деб жағинг тинмайди. Қаерга қўйган бўлсанг, ўша ерда-да! Ма.

Чол жимгина носқовоғини олди. Бир отим носвойни тилининг остига ташлади-да, носқовоғни чўнтагига беркитди. Кампир бошини қўли билан ушлаганча яна жойига ётди.



ТУЛАН
АБДИКОВ



Тўлан Абдиков 1942 йили чўпон оиласида туғилган. С. М. Киров номи Қозоғистон Давлат университети битирган. «Уфқ», «Кузги япроқлар», «Ҳақиқат» номи китобларнинг муаллифи.

— Мени бошқа безовта қилма, сенсиз ҳам бошим ёрилиб кетай деяпти ўзи.

— Оёқларингни узатиб ётиб олишни хаёлингга келтирма. Йўқса Богила кампирни бошлаб келаман,—гапини ҳазилга айлантирди чол.

— Байталмон! Бир оёгинг гўрда-ю, ўйлаб топганингни... Болалар бир ёқда, биз бу ёқда, Қоратубекдан сени икки қадам ҳам жилдириб бўлмайди, бамисоли ернинг жаннати худди шу жойдек. Гапингни қара-ю... Сапабек келсин ҳали, ўғлим билан кетаман. Бир ўзинг қолавер шу ерда...

— Кеча яхшилаб боғлаб қўймабсан, энди тойчоқни роса қидириш керак. Ечилиб кетибди чоғи...

— Сен боғдан келсанг, бу тоғдан келади-я...—жаҳли чиқди кампирнинг.

— Сен бўлсанг, ўзинг нима хоҳлашингни ҳам билмайсан,—чол ўтирган жойида пиджагини кия бошлади, қўли енгига тиқилиб қолди.— Ўғлим, у... енгимдан торт-чи. Бошингни кўтар, ахир! Маҳкамроқ ушла... Болалар шу ерда ўсиб улғайишган, яна шу ерга қайтиб келишади. Киндик қони тўкилган ерга. Маҳкамроқ ушла деяпман. Отларимни ташлаб кетолмайман, ахир. Сен мен учун яккаш ўзинг ҳал қилма.

— Бутун дунё сенинг шу иккита отингга қараб қолибди-да. Ўзинг билан гўрга олиб кетармидинг. Ёки уларни қабринг устига ҳайкал қилиб ўрнатишади деб ўйлайсанми? Бутунлай миянг айнаб қолибди...

Чол димоғида алланимани хиргойи қилганча таёғига тиралиб ўрнидан турди.

— Оҳ, яна белдан олди шекилли.

— Сен билан жиддий гаплашаётганда одамни чалғитма, қулоқ сол!—талаб қилди кампир.

— Эслолмайсанми, мен эрталабки намозни ўқидимми?

— Мана, энди худонинг устидан ҳам куляпсан,—деди кампир фиғони чиқиб.— Ҳали намоз ўқийсан, ҳали худога шак келтирасан...

— У-ку, кечиради...—Ерғабил хўрсиниб, эшик томонга жилди.— Нима, мен атайлаб қиламанми? У ҳаммасини кўриб турибди, тушуниб турибди... Негадир энди юрагимда санчиқ пайдо бўлди. Йўқ, намоз ўқишим керак. Сен бўлсанг, кампир, маҳмадонагарчилик қилишни ўрганиб олибсан, эҳтиёт бўл...

Ергабил ташқарига чиққанида тонг ёришиб улгурган эди. Шарқ осмонида заррин нурлар жилоланар, ҳавода тонгда эриб кетган туман ҳиди кезарди. Қўлини пешонасига айвон қилиб қария чор-атрофни кўздан кечирди. Худди саҳро узра сароб чорлаётгандай, олис уфққа хира нигоҳини тикди. «Арқонни калтароқ қилсам бўлар экан,—ўйлади у кечаси онасига боғлаб ўтлашга қўйиб юборган тойчоқни эслар экан.— Ишқилиб арқонга ўралашиб қолмаган бўлсин... Улар ҳув нариёқда, мавзенинг нариги чеккасида ўтлаб юришгандир ҳойнаҳой... Оёқлари тушовланган бўлса ҳам, шунча узоққа кетиб қолишганини қаран! Шайтонлар! Ахир кечаси уларни бутунлай боғлаб қўйишим керакми энди!..»

У бир қўли билан белини ушлаганча олға юрди. Аҳён-аҳёнда қўлидаги таёғи билан ён-атрофдаги ўт-ўланларнинг шудрингини қоқиб қўяр эди. Белидаги оғриқ кучайиб, у танасида чарчоқ ҳис қилди. Таёғига вазмин тиралиб туриб қолди, хўрсинди, сўнгра яқинидаги тепаликка юриб бориб, бир амаллаб ўтирди.

— Уф, қарилик қурсин-а! Ё қудратингдан!—чўнтагидан дастрўмон олиб, пешонасидан сизиб чиққан терни артди. Ўзини исиб кетгандай сезиб, юпқа бархтдан тикилган пиджагини ечди. Бармоқлари билан тиришган юзларини силади. «Бордию, ҳозир ўлсам, кийимларимнинг жуда озлиги дарров маълум бўлади, — деб ўйлади у бирдан.— Кўмиш маросимида уларни тарқата бошлашади, чоллардан кимгадир етмай қолади-ю, қарабсизки, жанжал бошланади: «Машҳур Бектемирнинг ягона ўғли Ергабилни худди қашшоқлардай кўмишди-я!..»

«Ҳо-ҳо-ҳо!»—У пиджагини силкиб қоқди-да, кейин хафсала билан тахлаб тиззасига қўйди.

Сўнгги кунларда уни ўз ҳолига қўймай, узлуксиз таъқиб қилаётган манзара энди унинг кўз олдида ёрқин гавдаланди. Уни кўмиш маросими... У яқинда ўлган Айтбой чолнинг кўмиш маросимидан ҳеч нарса билан фарқ қилмайди. Аммо нариги оламга равона бўлган одамнинг хотираси учун фахрий меҳмонларга бериладиган камзуллар Ергабилда анча кўпроқ қолган. Афтидан, Саривўзак ва Оққудуқ овулларининг аҳолиси битта қолмай келганга ўхшайди. Катта намоздан кейин ҳатто пойга ҳам қилишди. Қизиқ, одамлар нима дейишаркин?

— Э-э, ҳаёт кимга ҳам шафқат қилибди дейсиз! Қанақа одамлардан жудо бўляпмиз! Бунақалар бошқа туғилишмайди.

— Ҳақиқий ўғил тарбиялаган деб мана бунақа одамларни айтишади. Сапабек отасининг кўмиш маросимини росаям тўкин-сочин ўтказди. Бутун саҳрони ларзага солган бунақа маросим анчадан бери ўтмаганди.

— Бечора Ергабил... Кечагина чопқиллаб юрганди, хотинига бошқасини бошлаб келишини айтиб, ҳатто нўписа ҳам қиларди...

Мўйсафид жилмайганича оёққа турди. Ҳа, у керагича яшади, ҳаётида яхши ишлар оз бўлмади, энди яккаш лашкарга ўхшаб киши билмас ўлиб кетавермасдан иззат-икром билан узлатга жўнаса ҳам бўлади.

— Нега Сапабек кечикди экан?— деди у ўзича мингирлаб.— Телеграмма бўйича кеча келиши керак эди.

Бот-бот ҳордиқ оларкан, Ергабил мўлжаллаган жойига етиб келди. Лекин у янглишган эди. Отлар янаям нарида, ўтмишда Шайтонқўним деган қадимий овул бўлган жойда ўтлаб юришарди. Чол мазор ёнидан ўтаркан, тезгина қуръон ўқиб, қўлларини юзига тортиди. Зимдан Айтбойнинг мазорига қаради; қабрнинг тупроғи ҳали қуриб улгурмаган эди. У қизғиш-жигаранг ёки оловранг тусда эди. «Одамдан қоладиган бор-йўқ нарса мана шу»,— дея хаёлдан ўтказаркан мўйсафид қадамини тезлатди.

У энди ҳордиқсиз олға жилар, кайфияти ҳам сезиларли даражада ёмонлашганди. «Тупроқ сен учун момиқдай бўлсин,— ўйлади у яна Айтбойни эслаб.— Ерда ким қанча юриши кераклигини фақат оллоҳ-таолонинг ўзи ҳал қилади. Бўлмаса ўша чол ўзидан бир ёш кичик эди-я...»

Тойчоқ соғ-саломат эди. Мўйсафид уни бўшатдида, уйгача яёв ета олмаслигига кўзи етгач, бияни ариққа ҳайдаб, бир амаллаб устига миниб олди.

— А-а-а, қуриб кеткур етмиш беш,— деди у худди ёнида турган кўзга кўринмас аллаким билан гаплашаётгандай.— Ё сиз мени енгасиз, ёки мен саксон бешгача яшайман... Афсуски, буни аниқ билиш мумкин эмас... Чу-у!—У бияга қамчи урди.— Юр, жонивор, кечаси билан ўтлаганинг етар.

Қуёш уфққа кўтарилганди. Улкан саҳро бўм-бўш,

фақат у ер-бу ерда бу бўшлиқни жоңлантириб ўтлаб юрган отлар тўдаси кўзга ташланарди. Бия йўл-йўлакай ўтларни юлқиб тишлар, шошилиб ва шовқин кўтариб чайнар экан, худди эгасининг ўйларига қўшилаётгандай бошини силкиб қўярди. Озодликка эришган тойчоқ бирдан олдинга чопқиллаб кетар, кейин орқага қайтар ва яна олға интиларди. «Эҳ, ёшлик! — маънос жилмайди мўйсафид, уни кузатаркан. — Ўз вақтида биз ҳам роса шўхлик қилардик. Гапирсанг — биров ишонмайди...» У кўзларини юмди, чеҳраларини севинч табассуми ёритди. Унинг беғубор болалик йиллари кўз олдида гавдаланганди. Ергабил уйига етиб келганида ҳам миясида ҳамон қувноқ ёшлик йиллари ҳақидаги хотиралари чарх урарди. Кампир унга қараб қўяркан, истеҳзо билан димоғида: «Ҳмм...» — деб қўйди.

Бия қўра яқинида тўхтади.

— Узоқ кетиб қолибдими? — Кампир тойчоқни жилловлар экан, арқоннинг бир учини қозиққа боғлади. — Чарчадингми? Чой қўяйми? Ё пича дам оласанми?

— Чой қўй.

Мўйсафид ўтов олдидаги кичик дамба сари юрди. Таёғига тиралиб маънос куйни димоғида хиргойи қилганча анча турди. Дарё соҳилининг яқинида унинг эски, пастак қишлови қорайиб кўринар ва унга тикиларкан, чол кампирининг эрталаб айтган сўзларини эслади: «Икки қадам ҳам Қоратубекдан чиққиси келмайди, худди ер юзининг жаннати шу ерга жойлашгандай. Ҳали Сапабек келсин, кетаман у билан. Бир ўзинг шу ерда қолавер».

Ергабил оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олди. Эрталаб кампирга нима деб жавоб бериши лозимлиги фақат ҳозиргина миясига келди: «Нималар деб валдираяпсан, қария! Сенгача мен уч марта уйланганман. Озми-кўнми умр кечирган бўлсам, омадли ишларим кўп бўлди, аммо анча омадсизликни ҳам кўрдим. Кўряпсанми? Сенинг бунақа нарсаларни тушунишинг қийин. Бахт—гоҳ сенга қучоғини очади, гоҳ орқасини ўгириб олади, номини ҳам эслолмай қоласан. Аммо мен ўз киндик қоним тўкилган жойни, аждодларим яшаб ўтган мана шу Қоратубекни ҳеч қачон тарк этган эмасман!»

Кампирдан ўта аччиғланган чол отхона томонга

ўғирилди, ҳатто ёнига бориб, ўша қалтис гаплари учун бошлаб койимоқчи ҳам бўлди. Камшир бияни соғиб бўлиб, энди тойчоқнинг олдида ивирсиланар, ёлларини тараш билан банд эди. Ергабил дарров ҳовуридан тушди, чунки умуман олганда, бу гапларга хотинининг алоқаси йўқ эди. Ахир инсоф билан мулоҳаза қилинса, у кексаликка қарши нима ҳам қила оларди?

Олтмиш йилча муқаддам, унинг биргина қишлоқ ўтовни турган жойда бутун бошли овул бўлган экан. Бектемирлар сулоласи. Ҳеч ким у ердан ташқарига чиқмаган, ғам-қайғуни ҳам, қувончни ҳам бирга баҳам кўришаркан. Баҳорда унча узоқ бўлмаган жойга кўчиб ўтиб, дарё соҳилига ўтовлар қуришар экан. У маҳалларда ёш бола — Ергабил йигитларга эргашиб, тунги от ўйинига чиқар экан.

— О, шумтака, сен ҳам отбоқар бўлмоқчимисан? — ҳайрат билан кулар эди катта акасининг хотини Қаншойим уни кутиб олар экан. Жуда соҳибжамол аёл эди, яратганнинг ўзи асагур...

У кунларнинг бирида йигитлар ва қизларнинг кўз олдида, тунги от ўйинидан қайтгач, қизи кетган отнинг эгаридан тушмай айтган қўшиғини хотирлади:

Сулувгинам кеннойим,
Учқур-учқур отларни
Қўрасинга ҳайдадим.
Сенинг каби инсонни
Мен бошқа учратолмам,
Сулувгинам кеннойим!

Унутилаётган ожиз ва илиқ хотиралари юрагини қўққисдан ларзага солиб, чол титраб кетди. Беихтиёр оёқлари мадорсизланди. «Қанча йиллар ўтди, — хаёлидан ўтказди у. — Улар Сирдарё соҳилига кўчиб кетишганди. Шу кетганча қайтиб келишмаганди... О, барака топкур аёл, сен ҳозир тирикмикинсан? Мабодо ҳозир қайта учрашиб қолсак, шу биргина учрашув бутун бир ҳаётга баробар бўларди».

Аёлдан унинг бир ўзини қолдириб кўчиб кетганларнинг тақдири ҳақида сўрашини кўз олдида келтираркан, Ергабилнинг бўғзига алланима тиқилгандай бўлди. Бироқ сал кейин у орадан қанча йиллар ўтиб кетганини, ўзи етмиш беш ёшга чиққанини, Қаншойим эса, ундан анча каттароқ эканини эслаб, хўрсиниб қўйди.

У қалбига яқин бўлган одамларни учратиши ҳақидаги умидларининг пучлигини ҳис қилиб, дамбадан пастга тушди, айти пайтда шу ёшида анча қувватини олувчи ожиз хотираларга берилгани учун ўзини-ўзи койир экан, кампир уни ақлдан озганликда айблаганида ҳақ эди шекилли, деб ўйлади. Зотан унинг киндик қони тўкилган ерга муҳаббати кўпроқ сароб орқасидан қувишга ўхшар эди.

Ўчоқ бошида Ергабил қўлини ювди ва дастурхон қошига келиб ўтирди. Чой ичаётган маҳалда одатда у кампир билан гаплашмас эди. Ҳозир ҳам у пиёладан кўз узмай бир неча фурсат сукутда ўтирди, кейин қўлидаги йўғонлашган қон томирларига тикилиб, оппоқ соқолини силаб қўйди. Бирдан ўтовнинг панжарасимон деворига тираб қўйилган дўмбирага ўгирилди. «Кайфияти чатоқ,—ўйлади кампир,—ҳозир яна бир нима деб жаврайди». Лекин чол жимгина нигоҳини пастга туширди.

— Яна қуй-чи,—Ергабил қўлидаги пиёлани чертди,—сира чанқоғим босилмаяпти, негалигини ўзим ҳам билмаяпман.

Кампир чой қўйди-да, ўзини ташвишга солаётган нарсга ҳақида гап очди.

— Нега Сапабек йўқ? Ахир у кеча келиши керак эди-ку.

— Бугун келади.

— Сен менга очигини айт,— деди кампир чолнинг жаҳлини чиқармасликка тиришиб.—Сен Женисни бизга қолдиришларини хоҳлаяпсанми? Неварамизни бизга қолдиришмаса-чи? Улар билан ўзимиз кетамизми?

— Бекорчи гапларни қўйсанг-чи.

— Нега бекорчи бўлар экан?— деди кампир яна ҳам юмшоқроқ оҳангда.— Нимага ярашимни ўзинг кўриб турибсан-ку, сенга чойни ҳам зўрға дамлаб кел-япман.

— Сен қачонлардир мени қари ҳисоблардинг, ҳатто тўйимизгача ҳам бу фикрингдан қайтмагандинг. Энди биринчи бўлиб ўзинг таслим бўлмоқчимисан?

— О, уятсиз!— қўлларини бир-бирига ишқалаб қўйди кампир.— Уят ҳам, виждон ҳам қолмабди сенда! Тилингни бир қарич қилгандан кўра гуноҳларингни ювишни ўйласанг бўларди... Худо кўриб турибди, сен

бунақа аҳмоқона гапни бегона одамлар олдида ҳам гапираверган бўлардинг!

Чол кулиб юборди ва рўмолчаси билан кўзларини артди.

— Мен бўлсам, сен ҳам энди соб бўбсан деб ўйлабман. Ахир, қачон қарама, ҳали у ерим оғрияпти, ҳали бу ерим оғрияпти, деб нолиганинг-нолиган. Ёки...— Чол тиззаларини қўллари билан пайпаслаб рангсиз кўзларини кампирга тикди.— Энди тиззаларда ҳам мадор қолмаяпти.

Бутунлай жаҳли чиқиб кетган кампир жимгина ўрнидан турди-да, бўш самоварни кўтариб ташқарига чиқди. Ергабил чалқанчасига тушиб етди. Утов туйнуги ярим очиб қўйилган ва у ердан осмонда қимир этмай осилиб турган булут тўдалари кўзга ташланарди.

— Қариб кучдан қолган қарғага қарға одимидай масофани босиб ўтиш ҳам оғирлик қилиб қолади,— деди ўйчан ҳолда киприкларини пастга тушириб. Унинг ўйлаганида кўзларини юмиб оладиган эски одати бор эди. «О, ҳаёт! Худди бир дақиқадай ўтибди-я, мана энди унинг охири ҳам кўриниб қолди. Бахтимга, ўғлим бор. Ўсиз нима қилган бўлардим? У бўлса, ташвишимизни чекади, ҳар йили шаҳарга кўчиб ўтишимизни илтимос қилади.—Ергабил кампирининг гапларини эслади: «Йўқ, тентак аёл, одам ўз узлати олдидан тинч жой қидириши керак эмас. Шу ердан тинчроқ ва иссиқроқ жойни мен бари бир тополмайман. Узлати олдидан бегона шаҳарда нима қилади у, ахир?»..

У кўзларини очди. Булутлар худди ўтовнинг панжаралари орасига кириб қолгандай ҳаракатсиз осилиб турарди. «Ҳаёт мана шундай орқа-ўнгига қарамай ўтиб кетади деб ким ўйлабди дейсиз? Ўз вақтида биз кучли эдик. Ҳеч нарсадан тап тортмай ўйнаб-кулардик. Охири нимага эришдик?» Ергабил уйқуга кетганини пайқамай қолди.

У машина овозидан уйғониб кетди. Қуёш тиккага келганди. Бир қўлига нур тушиб турарди.

— Ўғлимиз Сапабек келди!—Кампир ўтовга чопиб кирди.— Мен унинг бугун келишини билардим.

Машина шундоқ уйнинг олдига келиб тўхтади, мотор сўнгги бор кучаниб, кейин ўчди. Хушчақчақ овозлар эшитилди. Ергабил азбаройи ҳовлиққанидан дарров ўрнидан туролмай қолди, эмаклаб ўтов деворига ёпишди.

Шу пайт эшик томондан:

— Саломалайкум!—деган бардам овоз эшитилди.

— Тур, тур, қария! Тезроқ қимирла!

Ҳамма кулиб юборди.

— Хурсандлигидан шунақа бўляпти,— деди кампир эрини ҳимоя қилишга тиришиб.

— Тўғри гап! Хурсанд бўлсанг ҳам, ўта қўрқиб кетсанг ҳам оёқда мадоринг қолмайди,— эшикдагилар яна кулишди.

— Сизни табриклаймиз, бува!..

Ерғабил оёқларини керган ҳолда худди энди атакчечак қилиб юра бошлаган болага ўхшаб ўрнидан турди-да, юзлари узунчоқ Сапабекни қучоғига олди. Кейин калта енгил йўл-йўл кўйлак кийган оқ-сарик, хушбичим юзли аёлнинг пешонасига истамайгина лабларини теккизди.

— Тирмизакларинг қани? Олиб келдингизларми?

— Олиб келдик, ота,— жавоб берди Сапабек.— Женис! Қанисан? Женис!

Оёқ-қўллари хипчиндай ингичка, олти ёшлар атрофидаги бола кўзларини қисиб, бир оёғи билан ўтов остонасидан ҳатлаганча тўхтаб қолди. У қуритиш учун симга осиб қўйилган қуртлардан бир-иккитасини олишга ҳам улгурганди.

— Буванг билан сўраш!

Чол уни ўпиб, кўксига босди. «Вой, шумтака-ей, сенга бувани нима кераги бор дейсан»,— қария аёлларнинг рўмолига ўхшайдиган катта оқ рўмолчаси билан кўзларини артди. Боланинг ўз ёнига дарров келмагани уни бирмунча ранжитганди.

— Бери кел, жоним!— чақирди болани эшик ёнида турган бувиси.— Кела қол, жамолингни бир томоша қилай...

Лекин қисик кўз бола кампирнинг гапига эътибор ҳам қилмади. Қўлини узатган бувисига у бошқа яқинлашмади.

— Кела қол!— чақирди кампир.— У қозоқчани биладими?— сўради у ўғлига мурожаат қилиб.

— Бир оз билади,— жавоб берди Сапабек.

— Бу қанақаси,— койиди кампир ўсалланиб,— она тилини билмасдан у қандай яшайди, ахир?

— Онаси қозоқча гаплашмагандан кейин боласи қаёқдан билсин,— Сапабек хотинига худди у қозоқча-

ни билмаслигидан хурсанддек жилмайиб қаради:— Тома!—муружаат қилди у хотинига рус тилида.— Боланинг кир-чирлигини қара, ювинтирсанг бўлармиди.

Бу пайтда ўтовга қўшнилар йиғила бошлашди. Ергабил ташқарига чиқиб, семиз такани танлади, пичоқ билан сўйиб, ёшроқ қўшниларида бирига терисини шилишни илтимос қилди, кейин нимталарга ажратиб, гўшти аёлларга берди. Уйда жонли суҳбат борар, тўғрироғи, Сапабек гапириб, қолганлар унга қулоқ солишаётганди.

— Умуман, геология халқимиз учун муҳим ҳаётий фан соҳасига айланди.— Сапабек ҳамма ўтирганларни бирма-бир ўзининг синчков нигоҳи остидан ўтказди; одатда ўқитувчи дарсинг муҳим жойига шоғирдларининг алоҳида эътиборини тортиш учун шундай қилади.— Мана шу ер остида битмас-туганмас бойликлар яшириниб ётибди. Бизнинг Қозоғистонда ўта камёб элементлар учрайди. Қимматбаҳо тошларни айтмайсиэми! Булар ҳали ҳаммаси эмас. Гранит билан бирга учрайдиган ялтироқ, қизил ва ҳаворанг слюда, қизғиш микроклин, кўк флюорит, тўқ-яшил турмалин, қон рангидаги қип-қизил гранит—булар бебаҳо нарсалар. Агар билсангиз, бу соҳада бизнинг Қозоғистон бутун дунёга танилган.

— Азиз, Сапабек!—катта қирғийбурунли чол—Абил бошини кўтарди. Унинг кўзларида айёрона бир учқун милтилади.— Бизга ўша тошларингдан биттасини олиб келсанг, ундан қандай фойда чиқишини бир кўрардик.

Абил чолнинг гапга чечанлиги-ю, аскиячилигини яхши билган қоратубекликлар қувноқ ҳолда кулиб юборишди.

— Бу тошларнинг фойдаси жуда катта, бобой. Бу фойдага бўй баравар кўмилиб кетиш мумкин. Масалан, Украина ўз гранитига эга эмас ва уни биздан олади. Гранитни қайта ишлаш усуллари ҳам, масалан, бизнинг олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган. Бу ишнинг аҳамияти, агар билсангиз, бу ишнинг аҳамияти жуда катта.

— Билмайман,—хулоса қилди Ергабил ўғлининг сўзларидан эмас, балки нўноқ талаффузидан норози бўлиб.— Аҳамиятини билмайман. Лекин ўша тошларнинг ортидан қувиб биздан ажралиб қолаётганинг

ҳаммага маълум. Биз билан ҳеч бўлмаса бир йилда бир ҳафта ҳам туролмайсизлар.

Сапабек зўраки кулди. Қорамағиздан келган семиз Ерметай—иккинчи ферманинг ветеринар санитарни жаҳл билан гапга аралашди:

— Эҳ, қариялар, сизлар орқага тортишдан бошқа нимани ҳам биласизлар ўзи. Хўп, яхши, Сапабек шу ерда яшаб қолди ҳам дейлик, унда нима бўлади? Болаларни тарбияларди, сизларга қарарди, шунақами? Шунинг ўзими? Бўлмаса у нега шунча йил ўқиди, ахир? Ўз билимларини у бу ерда нимага сарф қилган бўларди? У ўзини фанга бағишлабди, унга омад ёр бўлсин. Абай: «Ёшлиқда керакли фанни ўзлаштирмабмиз»,— деб бежиз фигон чекмаган эди-ку. Биз, майли, қандай ўсган бўлсак, шундай яшаб қолаверамиз. Ёшлар фанни забт этишгани маъқул. Шундай эмасми? Ё нотўғри гапиряпманми?

— Тўғри, албатта,— уни қўллаб-қувватлашди баъзилар.

Сапабек хотиржам тортиб, бир неча фурсатдан сўнг Лондон ва Будапештга, шунингдек, Марокко ва Италия шаҳарларига қилган сафар таасуротлари ҳақида гапга тушиб кетди. У олис ўлкаларда ўзи учратган машҳур одамлар—турли халқларнинг одат ва удумлари ҳақида гапириб берди. Аммо чоллар кўп ўтмай Сапабекнинг гапларидан зерикиб, кўнчиликдан ажраган ҳолда ўзаро суҳбат бошлашди. Эшик олдида Тома якка-ёлғиз ўтирар, полда ўтириш унга ноқулай, шунинг учунми, гоҳ қўлига таянар, гоҳ букчаяр экан, доно гапларга деярли тушунмай, жимгина қарияларга тикиларди. Қайнонаси самовар кўтариб келаётганини кўриб, Тома ирғиб ўрнидан турди-да, унинг истиқболига отилди.

— Буви, беринг мен олиб борай,— деди у русча-қозоқча сўзларни аралаштириб.

Кексалардан кимдир аста кулиб қўйди.

Самовар биқирлаб қайнарди. Йўл-йўл қизил дастурхонга қовурилган алвон бўғирсоқларни тўкишди. Тома чой қуйишга киришди. Кампирнинг бу ишда унга унчалик ишонмаётганлиги кўриниб турарди, у келинининг қаршисига ўтириб, вақти-вақти билан қандай чой қуйиш кераклигини ўргатиб турар, чоллардан сизга кўпроқ, кимга сут қўшиб қуйишни узук-юлуқ сўз-

лар ёрдамида тушунтирар, шундай қилса, Тома яхшироқ англайди деб ўйларди.

Сапабек ёстиққа ёнбошлаганча гапида давом этарди:

— Келажак геологияники бўлади. Бу аниқ-таниқ гап. Бирорта ҳам жамият усиз мавжуд бўла олмайди.

— Шу пайт кексалар даврасида тиниб-тинчимас Абил Ергабилнинг биқинига туртди:

— Бари бир тан олишинг керак, нариги дунёга бориб нималар бўлаётганини билиб келиш навбати энди сеники. Нега имирсилайсан?

— Ҳа, ҳа,— қўллаб-қувватлади уни кимдир.— Бектемирлар авлодида ҳеч ким етмиш бешга етган эмас. Нима дема, бари бир сенинг навбатинг. Ёки эгнингдаги кийиминг чиримагунча яшаш ниятинг борми?

— Телпагингни, билиб қўй, ўзим оламан!— кулди қорамағиздан келган чол калта соқолли даҳанини юқори кўтариб.

Ергабил кўзларини юмганча беозор кулди.

— И-э...

— Чопонинг менга қолади,— гапни илиб кетди бошқа бир чол.

— И-е,— Ергабил унга ҳам бош ирғади.

— Ўтган йили, эсингдами, почасига гул тикилган махси тикдирган эдинг?

— И-е.

— Камзулинг меники!

— И-е.

— Таёгинг, афтидан, менга қоладиганга ўхшайди.

Ергабилнинг бирданига кўзлари очилиб кетди.

— Тилингни тий!— қичқирди у ғазаби қайнаб.— Сенга гапиришни ким қўйибди, Қозибойнинг исқирт лайчаси! Тек ўтир! Менинг ҳассам ўғлимга қолади!

Бирови тишсиз оғзини очиб, бири кафти билан мўйловини беркитиб, яна бирови унсиз ёки йўтал тутиб, кексалар мириқиб кулишди. Ергабил яна кўзларини юмди.

Утовга Ергабилнинг невараси югуриб кирди, онасининг олдига чўккалади:

— Ойи, ойи, болалар кўлга кетишяпти...

— Эсингни едингми?— Ўғлининг гапини бўлди Тома худди илон чақиб олгандай.

Мўйсафидлар бақироқ аёлга хавотир билан қараб

қўйишди. Тома жуда ҳаддидан ошириб юборганини пайқаб, ўғлининг қулоғига энгашди-да, жаҳл аралаш шивирлаб адабини берди.

Сапабек даҳани билан ўғлига ишора қилди:

— Бизнинг Женис ҳам геолог бўлмоқчи.

— Демак, отасига тортибди-да.

— Бўлмагур гапни гапирманглар! — Ергабил жаҳл билан ёшлар ўтирган томонни нигоҳидан ўтказди. — Агар қозоқларнинг удумини билса, мана шу ўтовнинг хўжайини бўлсин.

— Ҳамма ёшлар ўзи шунақа, — ҳатто хушчақчақ Абил ҳам хўрсиниб қўйди. — Менинг неварам ҳам... нима эди-я, хуллас, кимдир бўлмоқчиман дейди. «Қариганимда ким мени боқади?» — деб сўрасам, ҳе-ҳе-ҳе, мен боқмайман, дейди.. Шуни билиб олдим, ҳе-ҳе-ҳе...

— Мана кўрдингми.

Ергабил яна ўйланиб қолди.

— Бўлмаса биз нега уларни дунёга келтирдик? — сўради у қўққисдан. — Агар улар ота-оналарининг тақдири ҳақида ўйлашмас экан...

Сапабек отасининг сўзларининг ўзига тааллуқли эканлигини пайқаб, ҳамсуҳбатларига кўзини қисиб қўйди.

Ўтириш ниҳоясига етаётганди. Ергабил димоғида уйига ҳамиша бахт ва омад ёр бўлиши ва ҳамма бахтсизликлар душманларга рўбарў келаверишини тилаб, фотиҳа қилди. Меҳмонлар ҳамжиҳатлик билан чолни қўллаб-қувватлашди, ҳатто Тома ҳам қўлларини юзига тортди.

Кун бота бошлаган, қуёш нурлари энди ўтовнинг тепа қисмларигагина тушаётганди. Мўйсафидлар кечки намозни ўқигани ташқарига чиқишди. Ўтовга улар анчагача қайтиб киришмади. Бу пайтда Сапабек чамадонидан югослав коньягини олиб, йигитларни меҳмон қилди. Ҳар бирига шишанинг жажжи қопқоғига қуйиб узатар экан, Югославияда, умуман, ғарб мамлакатларида коньякни мана шунақа оз-оздан ичишларини мароқ билан тушунтира кетди.

Меҳмонлар янги сўйилган қўй гўштидан еб бўлишгач, мезбонлар билан хайрлашишди. Уларнинг ўрнига яқиндагина ишдан қайтган ва кундузи Сапабек билан саломлашишга, Ергабилни ўғли келгани боисидан табриклашга улгурмаганлар киришди. Яна гўшт қай-

натила бошлади, овқат олдидан тагин югослав коньяги қуйилди ва Югославияда коньякни шиша қопқоғида ичишлари таъкидлаб ўтилди.

Ергабил арча новдасидан қилинган тиш ковлагич билан тишларини тозалаб ўтирар, Сапабек эса, Помир тоғларида гўё истиқомат қилувчи қор одам ҳақида гап очганди.

— Вайсашни бас қил,— деди Ергабил сабри тугаб. — Яхшиси Аспандиёрга дўмбирани узат, куйлаб берсин.

Қариялар жонланиб кетишди:

— Тўғри, ашула эшитайлик.

— Даҳани олдинга туртиб чиққан барзанги йигит йўғон бармоқлари билан торларни чертиб, эски дўмбирани шошилмай созлашга киришди. Кейин моҳирлик билан куй чалишга тушаркан, Сапабекка, гўё сен келганинг шарофатига куйлашман, демоқчидай, дўриллаган овозда вазмин чўл қўшигини бошлаб юборди. Лекин қўшиқ ярмига ҳам бормаи узиб қўйди-да, тагин дўмбирани созлашга киришди.

Ергабил энди чалқанчасига ёстиққа бош қўйиб ётиб олган, осмонда милтиллаётган юлдузларни кузатиш билан банд эди. Уни бугун кўп нарсалар— неварасининг дарров олдига келмагани ҳам, келини ўзининг ёшидаги одамларга ёқмайдиган кўйлак кийиб олгани ҳам, ўғлининг узлуксиз вайсаётгани, бунинг устига на унга ва на қоратубекликларга мутлақо фойдаси бўлмаган нарсалар ҳақида жавраётгани ҳам— ҳамма-ҳаммаси отани ранжитаётганди.

— Ҳой, Аспандиёр! Қўшиқ айтадиган бўлсанг, тузукроқ айт!— тўнғиллаб қўйди у йигитга.— Раҳматли отанг Дуйсенбой ҳеч қачон икки марта илтимос қилдирмас эди. Бунақа шалвираб кимга ўхшайсизлар ўзи, ҳайронман.

Аспандиёр худди шу сўзларни кутиб тургандай, шашт билан торларни чертишга тушди. Йўталиб олди. Баланд ва кучли овоз билан қўшиқ бошлади, сўнгра куй чалиш учун озгина пауза қилиб, худди ўша кучли, лекин паст овозда давом этаркан, бармоқлари йўғон симларни аста чертар эди.

О-о-о-о...

Нечук дўмбира куйламас,

О-о-о-о...

Нечук дўмбира куйламас
Ўз доно қўшигини.

Ергабилнинг кўзларида бугун биринчи марта илиқлик пайдо бўлди:

— Э-э, мана бу бошқа гап!

Ғоятда нозик оҳу ёнда боласи бўлса,
Бир ўзи ўқдан қолса, истар ўлим сиртмоғин.
Аҳмоқ ота тарбиясин олган фарзанд
Аниқ: бетушов туядек ўзин ҳар ён урмоғи.

— О-о!— ҳузур билан бошини лиқиллатди Ергабил. Аспандиёр халқ термасини айтиб, анча фурсат симларнинг бирини чертиб турди. Ўтовда қўшиқ эшитишни хоҳлаганларнинг ҳаммасига жой етмай қолганди. Қизлар ва аёллар эшик олдига тўпланишганди.

— Куйла, Аспандиёр!— кулди Ергабил.— Баландроқ куйла!

Аспандиёрнинг овози яна янграб кетди. У энди халқ қўшигини куйлар ва ғамгин қўшиқ йиғилганларни аллақандай юксакликларга чорлаётгандай эди. Ергабил ҳаётидаги энг яхши нарсаларни эслашга тиришиб кўзларини юмди. Қўшиқ энг баланд нуқтага чиқиб, унда аллақандай изтироб ва чорасизлик аниқ янграганида, Тома қўрқув билан кўзларини Аспандиёрга қадади.

Ергабил осмонга қаради, унинг назарида осмон ер устида гўё қўшиқ туғилганини шарафлаб чайқалаётгандай эди. Ўтовнинг очиқ туйнугидан юлдузлар милтиллаб кўринарди.

Сен-ла ажралишган узоқ ҳижрон тунида
Келгуси тонгни олқишлаб олти қўшиқ куйлайман.

— О-оҳ, фалак!— чидай олмай қичқириб юборди Ергабил. Қайноқ кўз ёшлари қовоқларини куйдирди. У яна бир марта қичқирмоқчи бўлди-ю, лекин товушдан қолди. У титроқ қўллари билан соқолини силар экан: «О, ёшлик!»— деб ғўлдираб қўйди.

Қўшиқ нақоратининг сўнгги сатрлари такрорланганида, Аспандиёр ўрнидан турди, гўё зулмат қўйнига таралаётган қўшиғи ортидан учиб кетмоқчидай бўйини юқорига чўзди. Фақат ашулагина эмас, балки унинг ижросининг ўзи ҳам жудолик олдидаги ожиз-

лик ва саросиманинг аччиқ онларидан таркиб топганди...

— Ҳе, онангни...— сўкинди Ергабил ўзини тутолмай, лекин унинг кимни сўкаётганига ҳеч ким тушунмади.

Қўшиқ тинди.

Сапабек ҳаяжон билан бошини чайқади.

— Ажойиб! Ажойиб! Сен ким бўлиб ишлайсан, Аспандиёр?

— Тракторчи,— деди кимдир.

Аспандиёр унинг орқасидан такрорлади:

— Тракторчи.

— Шунақа овоз билан-а! Ахир сен ҳақиқий операчининг овозига эга экансан-ку! Шунақами, Тома? Сенга ёқдимми овози?— сўради у русчалаб, хотинига ўғириларкан.

— Чинданам кучли овоз,— тасдиқлади Тома.

Ергабил гаши келиб тескари ўғирилди.

Ниҳоят, меҳмонлар тарқала бошлашди. Бир неча фурсатдан сўнг уйда ўзлари қолишди. Ергабил оёқларини чалиштирганча ўз кўрпасида ўтирарди.

— Неча кунга келдингизлар?— у ўғлига қаради.

— Эртага кетамиз, ота. Отпуска тугади. Ишга кеч қоляпмиз, сизларни йўқлаб ўтишга улгурмаймиз, деб қўрққан эдик. Ҳозир вақт шунақа, самолётга яқинлашиб бўлмайди...

— Бола-чи? Женисни қолдирасизларми? Қарғишга қолгандай кампир икковимиз қачонгача ёлғиз яшаймиз?

— Ўзингиз ҳал қилинг ота. Сизларни чарчатиб қўймасмикин? Жуда шўх бола.

Чол ҳеч нарса деб жавоб бермади. Ечинмасдан кўрпага чўзилди. Лекин уйқуси келмади. Бугун ухлай олмаслигини у биларди. «Аспандиёрнинг қўшиғи зулматга тарқаб кетди,— ўйлади у.— Қизиқ, ҳозир у қаерларда изғиб юрган экан? Фаройиб... Қўшиқ туғилаётганини осмон ҳам ҳис қилар экан чоғи!..» Унинг вужудини секин-аста ташвиш эгаллади, кўксига юраги таранглашиб «гуп-гуп» ура бошлади, чол аллақандай кўнгилсиз ҳодисани олдиндан ҳис қилаётгандек бир неча фурсат тек ётди. Кампир оҳиста нафас олар, парда орқасида ёшлар рус тилида алланималар деб

пивирлашишар ва қариянинг тушунишича, келини Сапабекни нима учундир койиётганди.

Эрталаб ўғли дарров йўлга ҳозирлик кўра бошлади. Чамадонидан совғалар ва пул олиб қарияларга берди.

— Тома сизлар учун йиғиб юрган эди. Сизларни эсласа бўлди, ташвишга тушади,— гап бошлади у совуққон бўлишга тиришиб, лекин қалбининг аллақаярига яширинган изтиробни гап оҳангидан пайқаш қийин эмас эди. Чол ўзи билан ўғли орасида улкан жарлик юзага келганини пайқаб, бирдан ўзини лоҳас ҳис қилди, лекин асосий масала ўғлининг мағизсиз гапларида эмас, унга мутлақо зарур бўлмаган пулида ҳам эмас, балки ҳамма гап унинг маънавиятида, ҳаёт тарзида эди.— Мен ҳеч қачон пул сақлашни билмайман, ўша заҳоти сарф қилиб ташлайман. Яхшиямки, Тома қора кунимизга яраб қолар деб йиғиб қўяди... Уйга боришимиз билан сизларга посилка жўнатамиз. Манави тирмизак бўлса...— У Женисга ишора қилиб, чамадонини имирсилаб беркитишга урина бошлади.— Қулфи занглаб қолибди шекилли. Қозоқча бирорта сўз гапиришни ҳам билмайди. Бу ерда эса, рус мактаби йўқ. Бу йил у биринчи синфга бориши керак...

Ергабил жавоб беришга шошилмай, анчагача сукутга толди:

— Уни ўзларинг билан олиб кетаверинглар,— унинг овози бўғиқ эшитилди.— Ўзинг ўқит. Ундан ўзингга ўхшаган саёқ одамни тарбиялаб етиштир.

Сапабек айбдорона кулди.

— Нима деяпсиз, ота! Ахир уни бирмунча вақт кўрмасам, мени ўлиб қолади деб ўйлайсизми? Афсуски, бу ерда рус мактаби йўқ. Бўлмаса...

— Олиб кет, олиб кетавер ўзинг билан,— деди чол.— Оқ йўл.

Тушлиқдан кейин район марказидан Сапабек олдиндан ёллаган машина келди. Тома билан Женисни у кабинага ўтқазди. Кейин ота-онаси билан хайрлашиб, худди ўтган йилдагидай юзларидан ўпиб қўйди, сиҳат-саломатлик тилаб, ундан хафа бўлмасликларини илтимос қилди. Сўнгра ўзи шошилмай машина кузовига чиқди.

Машина жойидан жилиб, бир зумда тезлаб кетди. У тепалик ортидан кўздан ғойиб бўлгач, кампир рўмолчасининг учи билан кўз ёшларини артди.

—Бас қил!— бақириб берди унга чол. Кейин секингина қўшимча қилди:— Йиғлама.

* * *

Эртасига чол кетмонни олиб қишлик уйи яқинидаги қўрага қараб юрди. У қишга ёнилғи тайёрлашга қарор қилганди: қий кўчириб, қуришиб қўймоқчи эди. У олдинга юраркан, ёшлигини эслади. Аллақачон нариги дунёга равона бўлган одамларни, азиз чеҳраларни кўз олдига келтирди. Қаншойимни эслади, Сирдарё соҳилларига жўнаб кетиб, қайтмаган қариндош-уруғларини хотирлади. Лекин бу хотиралари уни одатдигича хотиржам қилмади. Гўнг ва ўт-ўлан ҳидига тўла қўрага кириб, томдаги ҳас-хашакнинг шитир-шитири остида гўнгнинг қалин қатламига шўшилмай кетмон ура бошлаганидагина, қариянинг кекса томирларидаги қон ёзилиб, танаси қизигандай бўлди, чолнинг назарида аччиқ ўйлари юрагидаги одатий хотиралари ва мавҳум умидларига йўл бериб тарқала бошлагандай туюлди.

ҚАРИБУҒУ

А-аууа!

Қудратли бўз Қарибуғу (бу ерларда буғулар подасининг серкасини шундай деб аташади) бугун ҳам сув ичмади. У жудаям чанқаган эди-ю, лекин лаблари четлари жим-жима бўлиб музлаган муздек булоқ сувига тегиши билан аъзойи баданини титроқ босар, оёқлари шундай бўшашиб кетар эдики, йиқилиб кетай дерди.

У ортга тисарилди.

Лекин ташналик ҳиси кучли келиб Қарибуғуни олдинга ҳайдар, талаб этар, ичини оловдай куйдирарди, у булоқ олдига уч марта келиб, уч марта қайтиб кетди. Сабабини ўзи ҳам тушунмасди: бу қанақаси бўлди, ўзининг сув ичгиси бор, мана оёғи олдида булоқ шўх биқирлаб ётибди-ю, унинг бўлса тумшугини сувга ботиришга ҳеч юраги дов бермайди.

Ҳа, тўғри гап, у чиндан ҳам қариди, қувватдан кетди, э, дунёда бундан ҳам оғир дард, мусибат борми.

Лекин орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас у бошқача ўйлай бошлади: «Йўқ, йўқ, у ҳали унчалик қаригани йўқ, бўз серка буғунинг ҳали шодон кунлари келади. Йўқ,



УРОЛХОН
БҶКЕЕВ



Уролхон Бўкеев 1943 йилда туғилган. Мактабдан сўнг совхозда тракторчи бўлиб ишлаган. С. М. Киров номи Қозоғистон Давлат университетини сиртдан тамомлаган. Район газетасида ҳамда ёшларнинг «Ленинчил жас» газетасида ишлаган. Бир қанча насрий китоблар муаллифи. Драматург сифатида танилган.

бўшашгани—бу қариллик аломати эмас. Шунчаки бугулар урчийдиган уюр вақтида уч кун мижджа қоқмади, оёқларига ҳам, шохларига ҳам дам бермади, бунақада албатта тинкаси қурийди-да».

У ўтган йилги уюрни ҳам эслади, лекин ўшанда бунчалик толиқмаган эди, узоқ йили бутун бир урғочи бугулар подасини эплади, биттасини ҳам қуруқ қўймади. Хўш, энди нима бўлди? Ё бу йил эрта келган куз одатдагидан совуқроқ ва изғиринли бўлиб, совуқ суяк-суягидан ўтиб кетдимикин? Лекин куздан кейин олти ойли қиш келардию, бу ернинг қаҳратон совуғи унга пашша чаққандай ҳам бўлмасди-ку? Тўғри, бу йил куз жуда барвақт келди, қуёш ҳам сел пайтидаги катта ва оғир муз парчаларидай қуюқ булут орасига яшириниб олиб, сира юз кўрсатай демайди. Осмон ҳам анча пасайиб қолгандай, сира очилмайди, эртаю кеч тинимсиз ёмғир шариллайди. Қиялаб ёғаётган ёмғир томчилари шу қадар майда, совуқ эдики, уларнинг зарбидан ер ҳам инграётгандек туюларди.

Совуқ шамол ҳам тинимсиз увиллайди, нинадек санчилади, ёмғир томчиларини қаёққадир учириб кетади. Лекин ҳаммадан ҳам ўрмоннинг увиллашини эшитиш қайғули. Унинг мунгли овози ёмғир, шамолнинг овозига қўшилиб мисоли ушалмаган орзу-умидлар ҳақидаги бир мунгли қўшиққа ўхшаб кетади. Қарибуғу чўзиб, узоқ увлади: «А-а-а-а-у-у-а-а-а!».

Унинг овози энди илгаригидек эмасди-ю, лекин бари бир унда бурунги куч-қудратнинг акс-садоси сезилиб турарди. Ҳа, фақат акс-садо! Илгарилари акс-садо унинг қудратли ҳайқириқларини узоқ-узоқларга олиб кетарди, теварак-атрофдаги ҳамма нарса—қорли тоғлар, замирида ўлим ва даҳшат яширинган даралар унинг янгроқ овозини илиб олиб, юз карра кучли садо билан қайтарарди.

Энди унинг овозини ҳеч ким эшитмаяпти. Мана энди кекса буғу ёмғирдан сўнг тўлиб-тошган анҳор бўйида туриб, ё аҳволдан нолибми, ёҳуд битта-яримтадан ёрдам сўрабми, ув тортарди. Лекин унинг кеч қолган ноласига ҳеч ким жавоб бермади. Қани, илгариги чопқирлик? Қани, ўша куч ва жасорат? Умрининг ҳар бир дақиқасини зўр завқ-шавқ ва фахр билан эслашга арзигулик. Мана энди ҳаммаси учди-кетди, у қариди, сўққабош, кўзларидан ёш қуйилади.

Лекин бари бир буғу таслим бўлмайди, бўш келмайди. Йўқ, у ҳали қариганича йўқ. Шунчаки урғочи ёш буғуларнинг жонсараклиги, кузнинг нобоп келиши уни бир оз чарчатиб қўйган эди. Ҳа, ҳали сафдан чиқишига бор, ўзини бемалол эплайди. У анҳордан сал тисарилди-да, ўз подасини чақирган бўлиб яна бир бор қичқирди, лекин бу эркак буғу, қудратли Қарибуғунинг голиб нидоси эмас, балки подасидан қолиб кетган буғунинг ноласи эди. Жавоб бўлмади, у бирпас кутди-да, секин тоққа кўтарила бошлади. Лекин тоғлар ҳам худди аксига олгандай бошқача бўлиб қолганди, ўсганми, нима бало, у ҳамон кўтарилар, бироқ довоннинг охири кўринмасди. У тошдан-тошга аранг тиришиб-тирмашиб чиқарди. Нафаси сиқилар, томоғи қичишарди. Уни нимадир елкасидан эзиб, қўйиб юбормаётгандек эди. У нафасини ростлаш учун тўхтади... боши осилиб тушганди. Ҳа, ҳали куни битмаган бўлса ҳам, лекин энди тақдирга тан бермасдан бошқа иложи йўқ эди. Унинг мағрур боши эгилган, бир вақтлар баланд кўтарилиб турадиган кўкси энди толиққан—у худди қабрдай унсиз ва бўм-бўш. Ҳар йили шохини қирқиб олишса-да, лекин ҳатто елкасини ҳам силатмайдиган ёввойи ўжар ҳайвон энди жуда ювош, беозор бўлиб қолганди—бундан ортиқ хўрлик, ҳақорат бўлмайди. Энг сўнгги жангда биқинидан еган қаттиқ зарба (ўзи ҳам бир тонна куч билан тегди-да) оғриғи ана шундай азоб бера бошладики, йиқилишига сал қолди.

Ана ўшанда ўзича ўйлади: ёш буғунинг ўйинини энди фақат тушимда кўролсам керак, олдидан савлат тўкиб ўтиб бораётган она буғунинг биқини ё елкасига ҳеч қачон эркалаб теголмайман, қуюқ туман ичида адашиб қолгандай, тошқин дарё гирдобига чўкиб кетгандайман, бу гирдобдан сузиб чиқолмайман. Мана шу мудҳиш манзара унинг кўз олдидан бирма-бир ўтди, бутун ўй-хаёлини чулғаб олди, у бошини кўтарди, оғриқдан изтиробдан титраб-қақшаб бўкирди:

—А-а-а-а-а —уууу—аааа!

Кеча саҳарда Қарибуғу одатдагидай урғочи буғуларни подга тўплаб, тоққа олиб чиқиб кетаётганида эркак буғулар уни ўраб олишди, уларнинг қарашидан, туриш-турмушидан ўлсак-ўламизки, лекин урғочи буғуларни сен билан юбормаймиз, деган маънони уқиш мумкин эди. Лекин Қарибуғу ҳам осонликча жон бе-

радиганлардан эмас, ахир неча йилдирки поданинг серкаси бўлиб келди-я, яккама-якка олишувларда ҳар йили ғолиб чиқарди. У урғочи буғуларни ҳайдаб юборди-да, бурун тешикларини керганича қичқирди: «Аа-ууаа». Пода дарров икки томонга бўлиниб кетди. Урғочи буғулар ҳар томонга тўзиб кетишди, эркак буғулар шохларини тиккайтириб, туёқлари билан ер депсиниб уюр бўлишди-да, олишувга шай туришди. Улар бир-бирларига қарама-қарши туришиб, пишқиришиб, Қарибуғуга ўқрайиб қарашарди—ҳар бири ғолиб чиқишга умид қиларди.

Қарибуғунинг рўпарасида турган ёш, бақувват буғу кўзларини олиб қочди. Ие, бўлмасам-чи! Серкага қарши чиқишнинг ўзи бўладими? Лекин Қарибуғу ҳам ўзини ундан яхши ҳис этмасди. У бу йилги уюрнинг ўзи учун айниқса оғир бўлишини жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам подани барвақтроқ ҳайдаб кетмоқчи эди. Лекин ёш буғулар унинг йўлини тўсишди. Қарибуғу рақибига назар ташлади: у анча ёш, шохи ўн беш бутоғли, юмшоқ, Қарибуғу бўлса ундан ҳадиксираб ўтирибди-я! Хўш, олишувнинг охирида энг зўри билан юзма-юз келиб қолса-чи? Рақиблар ўзларидаги бир лаҳзалик ҳадикни енголмай, бир оз туришди-да, сўнгра бирдан кучларининг борича бир-бирларига ташланишди.

Трах!

Жанг бошланди.

Кетма-кет кучли зарб бериларди. Бутоқлана бошлаган бақувват шохлар ҳавони шув-шув тиларди. Буғуларнинг шохдор бошларидан ерга учқун сочилаётгандай бўларди. Бу ҳаёт-мамот жанги, етакчи бўлиш учун олиб борилаётган жанг эди. Буғуларнинг гўё моҳир уста томонидан нозик қилиб ишлангандай гўзал бошлари юқорига кўтарилиб, кейин қаҳр-ғазаб билан бир-бирига уриларди. Уларнинг қорасигина кўринарди, холос, чунки теварак-атрофни фақат Олтойдагина бўладиган қуюқ туман босганди. Лекин мана, туман этакларини судраганича пастликка сузиб кета бошлади, ана шундагина сарғиш-кўкимтир ўтлоқда фақат Қарибуғу билан унинг ёш рақибни Ёшбуғу қолганини аниқ кўриш мумкин бўлди. Бошқаларининг ҳаммаси енгилиб, худди туман қўйнида эриб кетгандек, кўздан ғойиб бўлганди.

Яккама-якка олишув! Бу—буғулар қудратли авлодининг мардлик ва куч-қудрат қонуни эканини Қарибуғу биларди. Лекин у бу қонун Одам атонинг доно фарзандлари орасида ҳам борлигини, улар буларникидан ҳам қонли ва ёвузроқ эканлигини билмасди. Ахир, одамлар буғуларга ўхшаб йилида бир марта тўс-тўполон қилиб, кейин ёнма-ён тинч-тотув яшай олмайдилар-ку. Қарибуғу бу ҳақда ҳеч нима билмасди-ю, лекин у баъзида, нега одамлар ёввойи ҳайвонларни қўтонларда тутишади, буғуларнинг ковак шохларига бунчалик ўч бўлишади, деб ўйлаб қоларди.

Яккама-якка олишув бўлган жойда адолат ва ҳақиқат бўлади. Бир зумлик хотиротга берилиш ўтиб кетди. Кекса серка олдида ер депсиниб Ёшбуғу турарди. Қарибуғунинг кўз олди қоронғилашди, қаттиқ зарбалардан тинимсиз шанғиллаётган бошини аранг кўтарди, шундагина чинданам қаттиқ чарчаганини сездди! Лекин Ёшбуғу ҳамон унга ёвқараш қилиб, тўхтовсиз пишиллар, улкан танаси таранг тортилган бўлиб, у ҳар дақиқа ташланиб қолиши мумкин эди. Шу лаҳзада Қарибуғу бирдан Ёшбуғуда душман рақибни эмас, ўз ёшлигини кўрди. Куни битаётганини аниқ тасаввур қилди-ю, кўзларини юмди, чаккалари бирдан лўқиллаб оғрий бошлади. Агар олишувга даъват этувчи кучли чақприқ янграмаганда, эҳтимол у шу туришида юз тубан йиқилиб, бошқа туролмасмиди? Ёшбуғу серканинг бўшашиб кетганини, кучи қолмаганини кўриб турарди, у кучли бир зарб билан уни гумдон қилиши мумкин эди, лекин у буғучасига ҳалол курашишни истарди. Қарибуғу хижолатда қолганини ҳис этди. У ота-боболарининг ҳеч қачон панд бермаган меросини — ўзидаги бор куч ва иродасини йиғиб, шохдор бошини мағрур кўтарди. Унинг катта очилган кўзлари бир вақтнинг ўзида ҳам рақибини маҳв этар, ҳам шафқат сўраб илтижо қиларди: «Ўз навбатингни бир марта менга бер, ҳали ҳаётингда сен ҳамма нарсани кўрасан. Рози бўлгин... Балки келгуси кузга етмасман ҳам».

Ёшбуғу орқасига тисарилди-да, қон тўла кўзларини тикиб, олишувга тайёрланди. Бир зум Қарибуғуга, олдида буғу эмас, қўларра ушлаган бераҳм, серсоқол чол тургандай бўлиб туюлди, чол ҳозир унинг ўн саккиз бутоғли қимматбаҳо шохини арралашга ту-

шадигандай эди. Алам ўти бутун вужудини куйдиргандай бўлди. У ғазабдан титраб кетди. Мана у, қонқўр душмани! Улар юзма-юз туришар, атрофда эса бошқа буғулар бемалол, хотиржам ўтлаб юришарди, ким мағлуб бўладию, ким серка бўлади, улар учун бари бир эди. Қарибуғу бир пишқирди, сержун туёқлари билан бир парча ерни ўйиб олди-да, орқасига тисарилди. Кейин рақибига худди ўқдай ташланди.

Трах!

У бир зум ҳушини йўқотди, ўзига келиб Ёшбуғунинг гандираклаб, судралиб кетаётганини кўрди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди, у худди ёшлигидагидай, кучининг борича наъра тортди:

— Ааааа—уууу—аааа—ууууу!

...Қарибуғу бошини кўтарди, сарғайган қайин баргини узиб олди-да, эрталабдан буён биринчи бор чайнай бошлади. Туман ҳали ҳам бутунлай тарқаманган эди. Туман пардасини йиртиб, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ёмғир севаларди. Ҳаво ниҳоятда нам эди. Ерда ҳам, кўкда ҳам—ҳаммаёқда сув оқарди, қайин дарахтига тегиб кетгудай бўлсанг, ундан ҳам томчилар тўкиларди. Нимага қўл теккизмагин, ҳамма ерда кўз ёши. Ўрмонда тирик жон йўқ, афтидан, бу ёруғ дунёда биргина бахтсиз Қарибуғу қолган. Ҳатто унинг чақириги ҳам эшитилмайди. Унинг якка ўзи, подадан асар йўқ.

— Ҳа, бу соғлом, ҳирсли ёш урғочи буғуларнинг ҳаммасига унинг кучи ҳам етмасди. Шунинг учун ҳам улар бунинг ожизлигини сезишган-у, дарров қочиб қолишган. Ахир, қариб, мункиллаб қолган буғунинг ёш буғуларни қувиб юриши яхши эмас-да. Лекин Қарибуғу уларни шохи билан туртарди, ёш буғулар у кўрсатган томонга чопарди. Бугунги олишувда мағлуб бўлган Ёшбуғу ҳам (у оёқларини аранг судраб босар, кўринишидан кучала еган итга ўхшарди) бошқалардан орқада қолмасди. Қарибуғу шохини ваҳимали энгаштириб, бир неча бор ўгирилиб қарайди—махв этилган рақибни ўзини четга олади, яна бир зумдан кейин пода орқасидан каловланиб эргашади. Қарибуғу сал ўгирилди дегунча ҳамма ёш урғочи буғулар Ёшбуғунинг олдига чопиб келишиб, уни ҳидлай бошлашарди. Унинг ўзи ҳам ағрайиб турмасди. Эҳтимол сўнгги жангда аранг ғолиб келган Қарибуғу бундан кейинги ишларга ўзида на куч, на хоҳиш қолмаганини тушу-

нар. Лекин у бурун тешикларини кериб, жуни қоп-қора навқирон буғу — куч-қудрати ёғилиб турган Ёшбуғу атрофида айланарди. Қарибуғунинг суяклари зирқираб оғрир, бутун бўғинлари бўшашиб, аъзойи бадани қақшарди. Ахир, жанг кун бўйи давом этди-я. Қани, илгариги кучи, қаҳр-ғазаби? Унлаб урғочи буғуларни уюр қилиб, ҳар бирини эркалаган ўша тотли кунлар қаёққа йўқолди... Ҳозир ҳам ёш буғуларга ташланар, биқини билан суйканар, эркалар, сакрарди-ю, лекин юрагида гўё оғир қора тош ётгандай, ҳеч нима қилолмас эди. Тинчини йўқотган, эҳтироси жўш урган ёш урғочи буғу ўзининг аянч тўла чиройли кўзларини яқинлашишга юраги дов бермай, сал четроқда турган Ёшбуғуга тикарди. Лекин, афсуски, Қарибуғу ожиз эди. Унинг бир замонлар қудратли бўлган танасида ҳозир бир амаллаб бардош бериш истагидан бошқа нарса қолмаганди. Шу пайт Ёшбуғунинг тоқати-тоқ бўлди, ортиқ чидаёлмади—бу даҳманалар, кексаликка хос мағрурона ожизлик, бу кексанинг ҳатто шохларини кўнгилдагидай силкита олмаётганлиги унинг кўнглига текканди. У, мисоли ёш қоплондай ташланди. Қарибуғу, гўё ичаклари узилиб кетгудай бўлиб, ёш урғочи буғу олдида тиззалаб қолди. Шунда Ёшбуғу ўкириб, пишқириб, унга яна отилди (ҳа, қари ит, кунинг битса ҳам кўнглинг яна нималарни истайди!) ва биқинига шундай қаттиқ урдик, ўн йил мағлубият нималигини билмаган қари серка юз тубан йиқилди. Унинг дармонсиз оёқлари аянчли бир тарзда тарвақайлаб ётарди. Буни кўрган ёш буғулар ғолибнинг олдида чопиб келишиб, атрофида гирдикапалак бўлишиб, унинг лабини ялай бошлашди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас Ёшбуғу подани довлонлар оша ҳайдаб кетди. Қарибуғу ҳам ўрнидан сакраб туриб, подага етиб олиши мумкин эди. Ёшбуғу бўлмаса, ҳар ҳолда, ҳар қандай бошқа бақувват она буғу уни кўкрагидан итармас эди. Лекин энди ундаги барча хоҳиш-истаклар аллақачон сўнган эди. Ўзи ҳам ҳайрон, нега энди олишди, нимани исботламоқчи эди, бу олишувнинг нима билан тугашини яхши биларди-ю. Эҳ, қарилик, қарилик, нега энди тақдирингга тан бергинг келмайди. Ёшликка хос завқ-шавқ билан ўтадиган кун сенга қанчадан-қанча азоб-уқубат келтириши мумкин.

Қарибуғу куч йиғиб, узоқ ётди. У олдинига жон аччиғида, чамаси, оғриқни унчалик ҳис этмаганди. Энди унинг бутун аъзойи бадани зирқираб оғрирди. Оёқларини кўтаролмасди, ўрмон чеккасиғача бир амаллаб етиб чакалакзор ичига тушди-да, чўзилиб ётиб олди, эрталабғача қимир этмади. Тонг ёришиб, қуёш кўтарилгандагина секин анҳор бўйига келди.

У сув ичди-да, тоққа кўтарила бошлади. Яқиндагина томоғидан аранг ўтган қовжираган қайин барги жуда қийнарди. Афтидан у танглайига ёпишиб қолганди, Қарибуғу ундан сира қутула олмади. Қорни ғўлдирай бошлади—уюр олдидан лаби ўтга теккани йўқ. Биқинлари ич-ичига ботиб, гўё ичидан бир-бирига ёпишиб қолгандай эди. Шохининг энди чиқаётган новдалари зирқираб оғрирди. Бу шохлар унга шунча азоб ва бахтсизликлар келтирдикки, энди у бу ёруғ дунёда ҳамма нарсадан умидини узиб қўйган эди. Ҳозир у шу атрофда қалин бир ирвитзорни қидириб топиб, унинг устида узала тушиб ётмоқчи ва ўй-хаёлга, хотиротга берилмоқчи бўлди, шу ётганича кейинги сувлоққача ёки умрининг охириғача турмоқчи эмасди—ҳа, ажал ҳам қош билан қовоқдай яқин. Лекин у энг аввал, уни майиб қилган Ёшбуғунинг шодиёна овозини эшитди. Овоз узоқдан, тоғ ортидан келарди. Бу тантанавор ҳайқириқ унга таниш эди. Бир вақтлар кекса серканинг пешонасини ёриб ва подага эга бўлиб, ўзи ҳам бу янғроқ зафар қўшиғини айтган эди. Лекин бу дунё ўткинчи дунё, оламда ҳамма нарсанинг ҳам ниҳояси бўлади.

«Аааа-уууу-аааа!»

Эҳтимол, Ёшбуғу билан насл-насаби бирдир, унинг зурриёти, ўғлидир. Фақат унинг шохи ўн саккиз эмас, ўн беш бутуқли. Балки Қарибуғу ўн саккиз новдали шохга эга бўлган ноёб буғулар наслининг энг сўнги вакилидир. Ҳали шундай ҳам бўлиши мумкинки, ҳозир ҳайқириғи тоғларни тутиб кетган мана шу ёш тен-так буғудан ҳам ўн уч новдали шохи бор буғуча, ундан ўн бир, кейинчалик ўн, саккиз новдали шохи бор буғучалар туғилиши мумкин. Бора-бора умуман шохсиз тўқол буғу туғилади, уни буғу дейишга ҳам тилинг бормайди. Ҳа, ҳаммаси бўлиши мумкин. Ҳали, Ёшбуғу Қарибуғунинг ҳарёққа ёйилган ўн саккиз новдали шохини ҳурмат-иззат қилиш керак эди, чунки ўзи ҳеч

қачон бундай шох соҳиби бўлолмайди. У эса ҳурматлаш, эъвозлаш ўрнига олишиб, подани тортиб олди. Хўш, бу беҳаё урғочи буғуларнинг ақли-ҳуши қаёқда эди? Ким кучли бўлса, уларга шу ҳукмдор, унга итоаткорона эргашиб кетаверишади. Урғочи буғуларнинг на ақли, на шохи бор, уларнинг тўқол бўлиши бежиз эмас-да.

Ўз вақтида урғочи буғу қалин қарағайзорда кичкинтой Қарибуғуни туғди. Танҳоликда—бу ерга одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам қадам босишмасди—у боласининг оёққа туришини кутди-да, шундан кейингина подага бошлаб келди. Ўшандан бери у нималарни кўрмади: яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрди, нималарга севинмади, нималарни ўйлаб қайғурмади. Лекин тортган биринчи изтиробини шу вақтгача сира-сира унутолмайди.

Ўшанда буғулар тоғ этагида, сойликларда бемалол, хотиржам ўтлаб юришарди, бирдан ҳаммаёқни қийқириқ тутиб кетди—буталар орқасидан сиртмоқларини ўйнатиб чавандозлар чиқиб қолишди. Қарибуғу нима гаплигини билмай, довдираганча туриб қолди. Бирдан пешонасида оқ қашқаси бор қора отдаги серсоқол одамнинг тўғри у томонга бостириб келаётганини кўриб қолди. У ўзини ўнглаб олишга улгурмасданоқ, шохларига сиртмоқ ташлашди. Қарибуғу бошқа буғуларнинг пастликка қараб ўқдек учиб бораётганини кўрди-ю, ўзи ҳам улар орқасидан чопди. Лекин учқур отлардаги одамлар қий-чув кўтаришиб, ҳар томондан сиқиб келиб, уни аввалига катта тўсиқ, сўнгра кичикроқ тўсиқ орқасига қувиб киришди. У шу тариқа қўтондан-қўтонга ўтиб юрди, қўтонлар тобора кичрайиб борар, ниҳоят у ўзини кичкина бир эшикка урди-ю, орқасидан у шартта ёпилди. Кимдир қўлидаги узун таёғи билан уни туртиб-суртиб, зич қоқилган ёғоч девор ёқалаб ҳайдади-да, сўнгра тахта супага чиқишга мажбур қилди ва олдини тўсиб қўйди. Қарибуғу қимир этмасди, қўрқув ичида оёқларини дам-бадам кўтариб босарди. Бу кичкина ҳужрага нима учун ва қандай қилиб кириб қолганини тушунмасди. Қутуламан деб, қопқонга тушиб қолди. Шу пайт бирдан чаккалари худди омбур сиққандай лўқиллаб оғриб, узилиб тушгандай бўлди, тахта супа қаёққадир, ер қаърига ағдарилди. Омбур тобора қаттиқ сиқар, кўз ўнги қо-

ронгилашиб, осмон ерга узилиб тушгандай, ўрмону тоғлар, одамлар кўкда муаллақ осилиб қолгандай—буғунинг ёшланган кўзлари олдида бутун олам, борлиқ ағдарилиб ётгандай эди. Бу олам эгаси бўлмиш инсон эса дастаррасини шай тутиб, атрофда айланиб юрарди, унинг сира тўймас, хасис кўзларида буғу ўз аксини кўрди. Арранинг қинғир-қийшиқ тишлари шохларининг илдизига қаттиқ ботганда, Қарибуғуга миллион-миллион чумолилар унинг миясини кемираётгандай бўлиб туюлди-ю, унинг марвариддай оппоқ текис тишлари қисилиб, жони оғриди. Унинг қўрқув, илтижо акс этган катта кўзларига қон тўлиб, косасидан чиққудай бўлганди. Тепаликдан-тепаликка, пастликдан-пастликка елдай учиб юрган мағрур, озод буғу ҳаётнинг аччиқ-чучуги, завқ-шавқи нималигини мана энди биринчи бор чуқур англади.

Уни исканжадан бўшатдилар, тўсиқдан сакраб тушди, шохларини силкитмоқчи эди, лекин шохсиз боши гўё бўш бочкадай ҳувиллаб, қуриб-қақшаб қолган эди. Бирдан ундаги қаҳр-ғазаб мисоли вулқон бўлиб тошди. Қарибуғу боғлоғлик турган қора ит устидан шартта сакраб ўтди-да, қуюндай учиб кетди. Боши оққан томонга, одамлардан йироққа кетди. У нафас олмай, тўхтамай, тинимсиз чопарди, куч-қувват етгунча чопишга тайёр эди, лекин олдидан яна бир тўсиқ—янги ходалардан қилинган девор пайдо бўлди. Қарибуғу охирига тезроқ етиб олай деган ниятда девор ёқалаб чопди, лекин девор тугай демасди. У ҳамма тоғу дараларни айланиб яна ўзининг аввалги жойига қайтиб келганида, улар—ҳамма буғулар қўтон ичида яшашини тушунди. Қозиқлар билан ўралган бўшлиқда яшайдилар. Ёзда қўтон жуда кенг бўлади, ичида юриб бемалол сувлоққа боришади, ўтлашади, қиш келиши билан уларни кичикроқ, торроқ қўтонга ҳайдаб киришади. Қишда улар музламайдиган анҳордан сув ичишади, ачитилган ем-хашак (силос) ейишади. Ёзда уларни тор йўлакка ҳайдаб киришади. Буғулар учун чинакам эркинлик бўлмаган, афтидан, ҳеч қачон бўлмаса керак...

Қарибуғу қалин бутазор қўйнида ётаркан, шохларини биринчи бор қирққанларида озодликни қўмсаб изтироб чеккан кунларини эслади. Шундан буён қиш неча бор келиб, қанча баҳор ўтиб кетди, шохларидан

неча бор маҳрум бўлди... Эҳ, афсуски, ўн саккиз бутқоқли шохларини муддати келиб, умрида бирон марта ўзи ташлаган эмас.

У зада бўлган итдай дир-дир қалтираб, узоқ ётди. Унинг олдига ҳеч ким келмади. Одатда, айни мавсум пайтида арилардай ёпирилиб келадиган одамлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлишганди, уюр вақтида атрофида гирдикапалак бўлиб, сира тинчлик бермайдиган ўша урғочи буғулардан ҳам биронтаси ёнига келмади. Эрта баҳорда музни синдиришга биринчи уни юбориб, ўзлари орқасидан итоаткорона эргашадиган дўст буғуларни қаёққа кетишди. Ҳаммалари кетди, Қарибуғуни ҳаммаси тарк этишди. Энг даҳшатлиси, алам қиладигани—ҳамма унутиб, ҳеч кимга керагинг бўлмай, ёлғизликда ўлаётганингни билиш, ҳис этишдир. У яна ўзининг куч-қувватга тўла ёшлик йилларини, урғочи буғулар, ҳатто қуш қаноти билан тегиб кетмасин, деб уни ниҳоятда эҳтиёт қилишган вақтларини эслади. У ҳаммиша ўртада юрарди. Ҳаммаёқ яхлаган кунларда ҳам, ҳар қандай хавф-хатар таҳдид солган пайтда ҳам урғочи буғулар унинг на олдинда, на орқада бўлишига йўл қўйишмасди, поданинг ўртасида юрарди—бу анча хавфсиз эди! Энг мазали ўтлар ҳам, энг тоза, тиниқ сув ҳам унга аталарди. Мана энди, уларнинг хўрланган, тинкаси қуриган собиқ серкаси узала тушиб ётибди. Унинг олдига ҳеч ким келмайди. Умидсизлик ҳисси яна Қарибуғунинг бутун вужудини чулғаб олди.

Ақалли бир қултум сув бўлса-чи! Қўрғошиндай оғир туман тарқалиб, ниҳоят дарахтлар орасидан қуёш яна мўралади. У гўё Қарибуғудан мулойимлик билан: «Хўш, аҳволинг қалай?»—деб сўраётгандай эди. Тоғ дарёси тошдан-тошга урилиб, шовиллаб оқарди. Фақат она табиатгина уни унутмаганди. Қарибуғу буталар орасидан аста кўтарилди-да, оғирлашиб қолган пешонасини қуёш нурига тутди ва бўғиқ бир овозда чўзиб: Ааа-ууу-ааа!—деб қичқирди-ю, ўз овозидан ўзи қўрқиб кетди.

Унинг овози ҳам ўзи билан бирга сўниб борарди. У узоқдан оқариб кўринган тоғнинг қорли чўққисига тикилди.

Болалик йилларида, у кичкина буғуча вақтида бу чўққи унга жуда юксақ бўлиб кўринганди, ёши улға-

Йиб катта бўлганида у гўё пастлашиб қолгандай туюлди, мана энди яна осмон гумбазига тутлашиб кетгандай, ҳечам чиқиб бўлмайдигандай. Бу қорли чўққи Қарибуғу учун сеҳрли бир орзудай эди. У ўша чўққини қўмсар, унга умидла боқар ва кунлардан бир кун туёғи оппоқ, тоза қор юзига тегишига ишонарди. Умрининг оғир дамларида кўзини юмиши билан кўкимтир тутун пардаси орқасидан оқ тоғ, унинг орзу-умиди— Оқчўққи ўзининг бутун салобати билан қалқиб чиқарди, уни ўзига чорлар ва жарангли «ааууа» овози билан чақирарди. Баъзида бу оқ-кўкимтир чўққи шундай кўз ўнгида кулранг бўри ёки серсоқол буғучага айланарди—ана ўшанда Қарибуғу кўзларини очарди-ю, шу-шу бошқа юммасди. У ота-боболари шу Оқчўққи тоғи этакларида истиқомат қилишганини билмасди. Унинг авлод-аждодлари юз, минг йиллар муқаддам ҳеч қачон ичсон бақирик-чақирикларини эшитмай, кўм-кўк тепаликларда бемалол, эркин ўтлаб юришган. Буғулар подаси сиртмоқ нималигини билишмаган, ўтлари хушбўй, қалин, кўм-кўк яйловларни танлашган, сувлоққа суви тоза, тотли чашмаларга боришган. Улар тепалиқдан-тепаликка, пастликдан-пастликка шошмай ўтишар, чарчаган жойларида тўхташиб, секин тун қўйнида мириқиб ухлашарди. Ой нури чарақлаб турган тунлари у ер-бу ерда ўтлаб юрган минг буғулик подалар сирли бир қўшиннинг беғам, бепарво лашкарларига ўхшаб кетарди. Лекин осмон четлари тобора кўпроқ қизара борарди-да, пода тоғ этакларидан янада юқорига ўрмаларди, аста-секин текисликлар устини қоплаган оппоқ булутлар қўйнига кириб, кўздан ғойиб бўларди. Кейинчалик буғулар тураржойларини ўзгартиришди. Улар ота-боболар юрти билан бирга озодликдан ҳам маҳрум бўлганликларини ана ўшандагина тушундилар. Уларнинг сертук шохларига жарангдор қўларрачаси биринчи бор теканида буғулар қандайдир бир зарурат туфайли ўзлари учун энг азиз бўлган ўша шохлари тагидан қирқиб олинишини, илгариги эркинликнинг энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини тушунишди. Ҳа, буғуларнинг ўзларининг кўҳна масканларидан ҳайдаб, мана шу тор дарага қувиб келган ўша одам фақат буларга нисбатан эмас, шунингдек бу ерларда кўпдан бери яшовчи отларга нисбатан ҳам ёвузлик қилди. Кимдир

оқ подшога хат ёзганмиш-у, подшо унга ҳамма ўтлоғу яйловларни берибди, отбоқаларни эса отлари билан ўт кам ўсадиган тап-тақир чўлларга ҳайдаб юборибди. Буғулар ўзлари туғилиб ўсган ерларидан маҳрум бўлишди, уларни бировларнинг ўтлари ва сувлари ҳечам хурсанд қилмасди, шу-шу буғулар насли йилдан-йилга аста-секин қирилиб кета бошлади...

Қарибуғу бирпас ётиб дам олганидан кейин ўрнидан турди-да, тўсиқ томонга аста юрди. Ёмғирдан шишиб кетган ёғоч тўсиқ одатдагидай узоқдан оқиш-кулранг бўлиб кўринарди. Бултур ҳам шундай эди, бу йил ҳам аҳвол шу, ҳамиша шундай бўлади... Қарибуғу тумшугини қўрқа-писа чўзди-да, шотига ишқаланди. Димоғига ўлимтик ҳид урилди. Қарибуғу пишқирди-да, бошини силкитди, кейин орқасига бир қадам тисарилди. У Оқчўққига яна бир бор қаради—у яна орзу қушидай кўкиш тутун орасида оқариб кўринди. Чўққи томондан енгил шабада эса бошлади, у янги соғилган сутдай илиқ ва тотли эди, бинобарин янги куч ва тетиклик бахш этарди. Бу ерда узоқ вақт бўлган ва тоғлар ҳавосидан нафас олганларнинг ҳаммасига буғуларнинг янгроқ садоси, қудратли «аууа»си—мардлик ва жасорат рамзи бўлмиш жанговар чақириғи эшитилгандай бўлди. Эркин, беғам, беташвиш ҳаёт! Фақат шу ерда, оқ тоғлар қўйнидагина шундай ҳаёт кечириш мумкин. Лекин жонсиз, қўланса ҳид тарқатувчи бу тўсиқ оқ тоғларни беркитиб турарди, лекин бари бир бу ўтиб бўлмас ғов эди. Агар ўша тўсиқ бўлмаганда Қарибуғу ҳам бу ерларда юрмасди. У оқ тоққа аллақачон кетиб қолган бўларди, тумшугини қорга тикиб, ўт бўлиб ёнаётган аъзойи бадани, ғам-алам ўтида ўртанаётган юраги муз бўлиб қолмагунча қорни гичирлатиб еяверарди. «О, қани ўша менинг эркинлигим!—деб бўкирарди у.—Ў, она табиатим? Ў, эрким, ихтиёрим!» У мана шу машъум тўсиқ орқасида туриб, оқ тоққа шу қадар узоқ, суқланиб тикилдики, тоғ чайқалиб, мисоли сароб ёйилиб кета бошлади. Қарибуғу чуқур нафас олиб, шундай уввос тортдики, гўё тоғдаги қорлар нагста кўчгандай, мисоли гўрдай ҳувиллаб, қуриб-қақшаб қолган кўкси пора-пора бўлгандай эди. Бу узук-юлуқ, энтиктирадиган, сирасини айтганда аянчли бир ҳайқариқ эди: «Аааауууааауууааа!».

Лекин кулранг қоялар кекса бугунинг ҳайқиригига жавоб беришни ҳам эп кўришмади, улар қимир этмас, биронтасидан садо чиқмасди.

Жазирама офтоб тобора тафтига олар, кўм-кўк баргларда маржон доналардек ялтираб кўринган шудринг узилиб тушиб, ғойиб бўларди. Лекин тўйим билмас ер ҳар бир томчини очкўзлик билан шимиради.

Илгарилари бу ерларда қушлар тинимсиз сайрарди, энди биттаси ҳам кўринмас, овозлари аҳён-аҳёнда баланд-баланд қоялардан эшитилиб қоларди.

Алвидо, алвидо, алвидо!

Қаёқдандир, узоқ-узоқлардан, сойликдан Ёшбуғунинг янгроқ овози эшитилди, лекин шу пайт бирдан ўқ овози янгради-ю, буғу жим бўлиб қолди.

Ҳа, доим мана шундай бўлади—ёшлар келади, қарилар кетади, ожизларни ўлдиришади, ҳаёт эса бари бир ўз маромида давом этаверади.

Шу атрофда, қаергадир вертолёт қўнди: инсонга доим нимадир етишмайди, мана энди осмонга ҳам чанг солди.

Энди Қарибуғу ҳеч нимага ишонмайди, ҳеч нимани кутмайди, ҳамма нарсадан умидини узиб қўйди.

Шу пайт унда қандайдир буюк куч ва журъат, жасорат пайдо бўлди. Қарибуғу бу тавқи лаънат тўсиқни тарк этиб, озодликка чиқиши керак. Унинг аъзойи бадани қақшаб оғрир, юраги ачишиб, нафаси сиқиларди, лекин у бутун кучини тўплади, ҳар муччасига умид жо этди. Бу жасорат унинг учун сўнггиси эди. Ҳозир у ўзини босиб, эзиб турган ҳамма нарсадан—инсондан, унинг омонсиз панжасидан, беҳаё ёш ургочи буғудан, ёш рақиблари олдидаги хўрликлардан, кексаликдан, ниҳоят, бу тўсиқдан қутулади.

Унинг кўзлари чўғ бўлиб ёнарди, Қарибуғу кучининг борича олдинга ўқдай отилди—мана, ўша озодлик! Бир неча дақиқа нима бўлганини тушунмай, эсанкираганича қимир этмай турди, сўнгра тўсиқ орқада қолганини, озод ер устида турганини, энди ҳеч ким хўжайинлик қилолмаслигини англади-ю, оқ тоғ томонга елдек учиб кетди.

У чолиб бораркан, орқасига ўгирилиб қарашга қўрқарди, бу лаънати тўсиқни кўришга кўзи йўқ эди.

Мана унинг орзуси—оқ тоғ. Унинг олдида қандайдир устун қаққайиб турарди, Қарибуғу уни ҳидлади,

бурнини, кейин биқинини ишқалади, теварак-атрофга бир қараб олди-да, бутун вужудини титратиб, бирдан ҳайқириб юборди:

«Аааа-ууууу-аааа-ууууу-аааа!»

Шу бир лаҳза у яна ўзини ёш ва кучли ҳис этди, подада ундан бақувватлироқ буғу йўқ эди. Афтидан, буни тушунди шекилли, барча қоялар кучли акс-садо берди, у тоғлар устида узоқ вақт гулдираб турди, зеро ўша «ааааууууаааа» билан унинг бутун умри тугаган эди.

Ҳа, афтидан шундай бўлди шекилли, у атрофга мағрур боқарди: ҳар қандай жасоратга тайёр, ёш ва кучли эди, худди шу пайт икки ўқ келиб шохи ўрнига, булоқлари қирқилгандан кейин қолган, ловиллаб ачишаётган икки жойига пичоқдай қадалди. Қарибуғу— шу вақтгача мағлубият нималигини билмаган серка ерга гурс этиб йиқилди. У ҳатто оёғини ҳам қимирлатмади—Қарибуғу тил тортмай ўлган эди.

Қарибуғу тўсиқдан анча узоқда, қаердадир ётарди, унинг мағрур руҳи эса аллақачон ота-боболар изидан ҳақиқий ва мангу озодлик томон борарди.

Бу фожиа ана шундай тушунтириб бўлмайдиган бир тарзда юз берганди, лекин ҳар томондан ўқ узишгани аниқ эди, афтидан бир-бирларидан қўрқишган-у, ўлик буғу олдига келишга ҳеч бирининг юраги дов бермаган.

Шу вақтгача мағлубият нималигини билмаган, қудратли серка Қарибуғу шу тариқа оқ устун тагида, кимсасиз ялангликда ётарди.

Унинг олдига ҳеч ким келмади, эркин ер қўйнида озод буғу кўкрагига отилган ўққа ҳеч ким кўксини тутмади. Ҳолбуки, қўтон ичидан, ходалар устида шодон ҳайқирик янграрди, итоаткор пода, барча эркагу урғочи буғулар ўша чақириққа чопиб боришарди.

Бу ўз ғалабасини тантана қилаётган янги серка— Ёшбуғунинг ҳайқириги эди.

Гап мана шу. Лекин Қарибуғунинг ўлимига ҳамма ҳам кўникиб кетолмади. Жўшқин ёш буғулар Қарибуғунинг оқ тоғ этаклариди сайр этиб юрганга, баъзида ҳатто унинг янгроқ овози «аауу»сини эшитиб қолишлари мумкинлигига қаттиқ ишонишарди. У эркин, озод. Лекин қари буғуларнинг билгани-билган— буғулар нариги дунёдагина озод бўлиши мумкин.



ДУКЕНБОЙ
ДУСЖОНОВ



Дукенбой Дўсжонов 1942 йилда йилқичи оиласида туғилди. С. М. Киров номи Қозоғистон Давлат университети филология факультетини битирган. «Қасос», «Буюк дарё», «Ипак йўли» романларининг, «Утрор», «Фаробий», «Туркистон», «Тулпор изидан», «Ажриқ ва гуллар» повестларининг муаллифи. Д. Дўсжонов асарлари рус, молдаван, немис, венгер, поляк тилларида chop этилган.

Енгил газик район маркавидан тоғ бағирлаб кетган йўлдан шартта бурилиб, Ранг дарёси соҳили бўйлаб ғарб томонга юрганда Упилмаликнинг киприклариға ёш қалқиди. Ёнидаги шофер йигит буни сезмасин дегандек у иягини баланд кўтариб, машинанинг олдинги ойнасидан ястаниб ётган Қоратов тизмалариға суқланиб қаради. Қараган сайин болалик йилларини аниқ хотирлай бошладди: ўша пайтларда у беғам, оёқлари ингичка, она сути оғзидан кетмаган бир бола эди, отаси урушға кетганди, ёлғиз онаға бирин-кетин катта бўлаётган тўрт болани боқиб анча мушкул эди. Шунинг учун ҳам онаси Упилмаликни қариндошлариникиға олиб бориб қўйди. У ўн уч ёшгача тоғасининг қўлида ўсди. Бундай ўйлаб кўрса, бештавиш болалиги ўша ерда қолипти. Мана, ўша оёғиға ботган чағир тошлар, ана балиқ-овлаган ўзан, унинг сува камайиб кетибди, шекилли. Бошқа нарсалар ҳечам ўзгармабди, овулнинг пастак-пастак қозоқи лой томлари бурунгидай дараға кираверишда қалашиб ётибди, қўй, эчки сингари майда моллар қама-

ладиган ўша қўтонлар, четан деворлар, мўрилардан чиқиб кўкка ўрлаётган ўша суюқ тутун ҳиди.

Узоқ Қоратов этакларидаги кўҳна овулда истиқомат қилувчи тоғасиникига бирор сабаб билан келиш фикри унинг етти ухлаб тушига кирмаган эди.

Ҳамма гап Упилмаликнинг тўсатдан ишдан бўшашидан бошланди. Ишдан кетиши ҳам ғалати бўлди. Ҳар ҳолда уни бу томонга етаклаган ўша қадрдон овулнинг туз-насибаси эмасмикин. У шаҳардаги тилшунослик институтининг катта илмий ходими эди. Фан кандидати деган унвони бор эди, бирор сабаб билан кетиб қолмаса, эринчоқлик қилмаса, раҳбари ҳам қаттиққўл бўлса, бир-икки йилда докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилиб оламан, деб юрганди. Упилмаликнинг қобилиятига, иқтидорига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Фақат «ишдан мажбурий кетиш» унинг учун сира кутилмаган воқеа, томдан тараша тушгандай бўлди. Аввалига жаҳл устида ариза бериб қўйди, кейин хотиржам ўйлаб кўрса, буларнинг ҳаммаси бемаъни бир иш бўлиб, худди нолоқ нарсага теккандай унинг ғашини, ғазабини келтирарди. Йўқса қандайдир «Бўтакўз», «Мол келди» деган атоқли отларнинг қандай ёзилиши хусусида бўлим мудири билан талашиб тортишиб ўтирармиди?

Илмий кенгашда у морфологик принципга қатъий амал қилиш, яъни бу сўзларнинг таркибий қисмларини дастлабки ҳолида сақлаб қолиш керак, деб ўзиникини маъқулламоқчи бўлди, муҳолифи эса сўзларнинг талаффузига қараб, яъни фонетик принцип асосида ёзиш керак, деб оёқ тираб туриб олди. «Хизмат» деган сўздаги «з» ҳарфидан кейин «и» ҳарфи ёзилиши керакми-йўқми деган мавзудаги баҳс ҳам унинг ярасига туз сепгандай бўлди. Упилмаликнинг «қозоқ тилида диалектизм йўқ» деб кўпдан бери қилаётган даъвоси ҳам бутун бир бўлимнинг тадқиқотчилик ишини йўққа чиқарарди, гўё унинг устига тупроқ тортгандай бўларди. Ахийри, Упилмалик бу ғалва-жанжаллардан институтдан кетиб қутилди. Авваллари дўст-биродарлари: «Парво қилма, ҳаётда бунақа ишлар бўлиб туради, бирпас дамнингни ол, ишсиз қолмайсан, сендай истеъдодли олимни ҳар қандай институт ҳам қучоқ очиб қарши олади»,— деб унга тасалли беришган бўлишди.

Лекин бари бир кўнгли таскин топмади, ишлаб юргандагидай бўлмас экан. Ҳадемай у бир чеккага чиқиб қолди. Баъзи бировлар папка кўтармаган, яхшимиймонми, каттами-кичикми, бирор ишнинг бошини ушламаган одамни бирпасда сафдан чиқариб қўйишади. Кўчага чиққундай бўлса, илгарилари қуюқ саломини канда қилмайдиган таниш-билишлари энди қўл учига кўришиб, «иш кўп, иш кўп» дейишиб, кетишга шошиларди. Энг оғири—ўзингни ўзинг кераксиз, фойдасиз эканлигингни ҳис этиш, шекилли. Ке, қўй, манманликни йиғиштирай, деб ўйлади-да, иш хусусида педагогика институти раҳбарларига бориб учрашди. Кўзга яқин бирор бўш ўринга конкуре эълон қиламиз, хоҳласангиз қатнашинг, деб мужмал гап қилишиб, кузатиб қўйишди. Уйда болалари билан чақчақлашиб ўтириш ҳам бора-бора кўнглига сиғмай қолди. Илгарилари қош-қовоғига қараб, парвона бўладиган хотини ҳам энди салга жириллайдиган, ноз-фироқ қиладиган бўлиб қолди. Упилмалик рўзгор ишларида унга қарашиб юбормоқчи бўлса, хотини «қозон-товоққа аралашиб нима қиласиз, ундан кўра рўзгор ғамини енг», деб жеркиб ташларди.

Мана шундай нима қиларини билмай саросимада юрганида узоқдаги тоғасидан хат келиб қолди. «Кейинги пайтларда соғлигимнинг мазаси йўқ, кичкиналгингдан қўлимда ўсдинг, катта бўлдинг, соғиндим, сени кўргим келади», деб ёзибди. Упилмалик, қадрли одамимнинг кўнглини олай, ўзим ҳам бир оз ёзилиб келай деди-да, эртасигаёқ поездда жўнаб кетди.

Тоғаси элга танилган, обрў-эътиборли, «кимсан—чавандоз Сазонбой» деб номи чиққан дилкаш киши эди. Ҳақиқатан ҳам тоғаси озиб ўзини жуда олдириб қўйган, гарчи кўрпа-тўшак қилиб ётмаса ҳам, аҳволи анча оғир эди.

Жияни эшикдан кириб келганида тоғаси ёруғ хонада, сийрак чўққисоқолини селкиллашиб, устунга суйанганича қамчи тўқиб ўтирарди. Сира кутилмаганда енгил машинада кириб келган жиянини кўриб, чол севинганидан юраги ёрилгудай бўлди. Чехраси севинчдан порлади. Упилмаликни бағрига босиб: «Арслоним, йўлбарсим, қашқирим, қарсоғим, лочиним, шунқорим, булбулим!..»— деб ўттиз йил бурунгидай меҳр билан эркалаб, юз-кўзларидан ўпарди. Алп кишининг қучоғи

Упилмаликнинг ўспиринлик йилларини эсга солиб, кўнглини бўшаштириб юборди. Сазонбой тоғаси ҳам енгил хўрсиниб, қадини ростлаб, уст-бошини тузатган, тўғрилаган бўлди, кейин қўлига ҳассасини олди.

— Бу уйнинг одамлари қаёққа кетишган-а?— деб бақирди уйни бошга кўтаргудай бўлиб.

«Нима бало, сени биров бўғяптими»— деб хотини Тўйбола чошиб келди. Упилмаликни кўриб, ёшлиги эсига тушдими, ё узоқдаги қайин синглисини соғинганиданми, хўнграб йиғлаб юборди. Упилмалик билан кўришар экан, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Шу пайт эшик шартта очилиб, тоғасининг яккаю ёлғиз ўғли Ҳамза кириб келди. «Дарс бераётгандим, мактаб деразасидан кўриб қолдим, аввалига совхоз директори деб ўйлабман»... деди-да, кулимсираб келиб кўришди. Бефайз, қоронги кўринган уйга бирпасда нур таралгандай, ёришиб кетгандай бўлди. Тўрга кўрпачалар солиниб, ёстиқлар ташланди.

— Қўйсаларинг-чи, энди! Йўл юриб келган одамни ҳам шунчалик юлқалайсанларми! Ҳой, ботирим, марду майдоним, азаматим, донишмандим!.. Тоғасини излаб келган жигарбандим! Ҳамза, бор мол олиб келгин. Қўшқарбоққанга айт, жияни келди дегин, қўйининг энг семизини берсин!.. Ўрнига кейин бир қўзи бераман! Кечқурун келиб бир қўбиз чалиб берсин.— У ғайрати жўшиб кетиб, чўнтагидан нос қовоғини олди-да, тиззасига уриб-уриб қўйди. Упилмалик бўсағада қолган чамадонини очиб, пойтахтдан олиб келган совға-саломини дастурхонга қўйди. Сазонбой тоғаси: «Пайгамбарнинг овқати-ю», деди-да, хурмодан биттасини олиб оғзига солди. «Тишимни зирқиратади», деб анор-олмага қўл ургани йўқ. Уйдагиларнинг сиҳат-саломатлигини сўраб-суриштирди. «Намунча чўпдай бўлиб озиб кетдинг», деб Тўйбола янгаси ҳам гапга аралашди, унинг кўзларида меҳр ўти порларди.

— Озмай нима қилади?— деди тоғаси,—ҳали ҳам жони тошдан экан. Агар мен бўлганимда, бир кундаёқ суробим тўғри бўлиб қоларди. Уларнинг кўкат шўрвасини ичиб, ичагим ичагимга ёпишиб, ўлишимга сал қолганман. Протезимни тўғрилагани борувдим. Урушда ўрисчани унча-мунча ўрганганим сал бўлсаям жонимга оро кирди. Оқсоқланиб қаёққа ҳам борардим: меҳмонхонадан чиқсам—Кўк бозор, Кўк бозордан

чиқсам меҳмонхона. Кўк бозорнинг ёнидаги чойхонада сал юрагимни бўшатиб келаман. Хуллас, бир ҳафтача юриб, тузатиб олиб келган протезим улоқда дабдала бўлиб кетди. Дўстмағамбет тунука билан парчинлаб берди. Ҳа, чиқаси пулга эгасининг ўзи сабабчи бўлади дейишади-ю.

— Улоқ деса еб турган овқатингни ташлаб кетасан, бўлди-да, худо деб оёгингни узатиб ётмайсанми,— деди Тўйбола ранжигансимон.

— Эшак минадиганларга қўшиб, суягимни хўрлама. Кўзим юмулгунча от ушлаганим ушлаган.

Шу пайт бошига нўғойча телпак кийган бир чол кириб келди. Упилмалик қозоқча, қирғизча қалпоқларни кўрганди-ю, лекин жияги қизил ип билан тикилган нўғойча телпакни биринчи бор кўриши эди.

— Дўстмағамбет деган каттамыз шу одам,— деди тоғаси.

— Тутуннинг қуюқ чиқишини кўриб, иштаҳам очилиб келсам, товада нон ёпиб ётибсизлар-у,— деди у афсусланиб.— Жиянинг келиб, хурсанд бўлиб қолдингми? Хўроздек хезланиб қолибсан.

— Ҳа-да, пойтахт арконларидан бири— жияним келганда узала тушиб ётсам ярашмас.

Дўстмағамбет томоғини бир қириб қўйди-да, Упилмаликка кўз қирини ташлади.

— Ким бўлиб ишлайсан, жиян?

— Ҳозир бўшман, умуман илм билан шуғулланман.

— Дарёни терс оқизадиган илмми, ё одамларни чалғитадиган илмми?

— Оқсоқол, мистика билан шуғулланмаймиз. Ҳозир икковимиз гаплашаётган тилимизнинг асосини ўрганамиз, дарсликлар ёзамиз.

— Ундай бўлса тоғаннинг тўмтоқ, айқаш-уйқаш сўзларини ҳам китобда ўқир эканмиз-да,— деди чол хиринглаб куларкан.

Чолнинг тилининг бигизи бор экан. Бир қарашда солда гапиргандай бўлади-ю, лекин ўрни билан узиб олади. Дастурхон ёзилиб, заранг косаларда айрон берилди. Қайноқ товадан ҳозиргина олинган нон билан ичилган айрон томоқдан худди эритилган мойдай ўтарди. Тоғаси чўққисоқолини силаб, бир нимага қулоқ солаётгандай, безовталаниб ўтирарди.

Ҳа, бунинг сабаби бор эди. Бу юртда меҳмон тушган уйга чақирса-чақирмаса ҳамқишлоқлари бирин-кетин келаверади, бу одат бўлиб қолган. Мезбон ҳам, меҳмон ҳам қовоғини солмайди. Ҳали кўрамиз: кечга бориб бу уй ҳам бахшининг уйидай одамга тўлиб кетади. Одатда бўйнини ичига тортиб олиб, миқ этмай юрадиган одамлар ҳам сўзамол бўлиб кетишади, мақолу маталларни тўкиб ташлашади. Улар меҳмоннинг кўнглини олар, қўлидан келганча уни хурсанд қилар, эртасига яна учрашиб, уйларига таклиф қилишарди. Тоғаси бўлса ҳозирча тайёргарлик кўрганча йўқ, айронга оғиз чайиб, това нонига керилиб ўтирибди.

Ташқарида от дунури эшитилди-ю, сал ўтмай Ҳамза кириб келди. «Қўшқарбоққан қўрасидаги энг семиз қўйни берди, дада» деди у. «Жуда зерикиб, юраги сиқилиб ўтирган экан, жиянининг келгани ҳурматига улоқ берайлик, деб туриб олди. Учқур Оқсумбанинг танасида ортиқча ёғи бор, улоқда бир терласа, зарар қилмайди, деб аранг қутулдим. Човкар отини елдириб, ҳадемай ўзи ҳам келиб қолади».

Бу сўзни эшитиб тоғасининг сал жаҳли чиққандай бўлди.

— Қизиталоқ мунча ҳовлиқмаса. Нима, мени бир улоққа чамаси келмайдиган қурумсоқ деб ўйлайдими? Тўғри, ҳамёним кўтармайди, қўлим калта, қўрамнинг эшиги очик, менда мол турмайди. Насибам халқим билан. Буёғи кун чиқинш, буёғи кун ботишдан келган қанчадан-қанча тулпорларни бир чўқишда қочирган Оқсумбани шунинг қирчанғиси олдида хор қиламанми, буни қаранг-а!

— Ўзингдан ўзинг намунча хуноб бўласан, қўйсанг-чи, отингни ҳеч ким ёмонлаяпгани йўр-у,— деди Тўйбола.

Тоғасининг ор-номуси ўша учқур отида. Бу учқур отисиз у афсун-сеҳридан маҳрум бўлган эмчидай бир гап. У бутун умри пойгага, улоққа от боқиб келади. Уйига келган одам: «Отингиз тобида экан»,— деб бир оғиз илиқ сўз айтса бўлди, тоғаси меҳмонни бошига кўтаради, уни ўтқизгани жой тополмайди. Тунни кунга улаб, тулпорининг зоти, авлод-аждоди тўғрисида соатлаб ҳикоя қилади. Борди-ю, битта-яримта отининг камчилигидан гап очиб қолгудай бўлса, тамом, унга кун йўқ: дастурхонни йиғиштиради-ю, уни эшакли-

ларга қўшиб, сўкиб-койиб уйдан қувиб чиқаради. Сазанбойнинг бу табиатини яқин-узоқдагиларнинг ҳаммаси биларди.

— Оқсумба ўша бурунги Оққўяннинг боласи эмасми?— деб сўради Упилмалик ҳам тоғасининг кайфиятига шерик бўлиб.

— Оққўян катта пойгада доимо бош совринни олиб келган, от эмас, бир дев эди. Упкасида босқони бормиди, нима бало. Ундан атиги биртуёқ—Кулранг қашқа қолган. Йилқига қирон келган йили Кулранг қашқани минишиб, қонини қуюлтириб юборишган. Шу-шу ёлчитиб чопа олмади. Зоти яхши-ю, деб унинг ўрнига соғин сигиримни бердим-да, ярим йилча арпа бериб боқдим, кейин уюрга солиб, бир тойчалик бўлиб қолдим. Оқсумбани Оққўяннинг невараси десанг бўлади. Ҳамза, қўйни тезроқ бир ёқли қилгин-да, овулга бориб қимиз олиб кел. Жиянимга айрон тўғри келмади, шекилли, яхши ичолмади. Рўзада толқонга бўкиб ўтирган овул чолларига қарама, уларни чақирмасанг ҳам ўзлари келаверади.

— Сазанбой, мана сен элликдан ошдинг, йигит оғаси бўлдинг, нега рўза тутмайсан? Доимо қоқилиб-сурилиб юрасан, шаккоклик қиласан, қуръон оятларини шубҳа остига оласан, бу яхшимас, нима, бу дунёдан беимон кетмоқчимисан,— деди чол гина аралаш.

— Менга ўргатма, олла таолога қуллуқ қилиб, кечирим сўрайдиган гуноҳим йўқ, тозаман, покман! Бригадир бўлиб юрганингда оғзингдан оқ ит кириб, қора ит чиқарди-ю, ўша гуноҳларингни ювиш учуноқ рўза тутасан-да.

— Куфрлик қилма, кишига озор берма!

— Ёлгон гапирмайман, ўғирлик қилмайман, бировнинг ҳақини емайман, ерда нон ушоғи ётса, олиб қўяман—мана менинг рўзам, имоним.

— Ёпирай, жиян боланинг олдида уят бўладиёв,— деб гапга аралашди Тўйбола.— Бугун сенларга нима бўлди ўзи, нима бало, чап ёқларинг билан турганмисизлар. Яхши гаплашиб ўтириш ўрнига нуқул талашиб-тортишасизлар.

— Куфрлик қилган одам билан ош-қаттиқ бўлмайман, бир дастурхон атрофида ўтиролмайман,— деди чол тасбеҳини йиғиштириб кетишга шайланаркан.

— Мулла ака, гапимни кўнглингга оғир олма, ҳам-

масини қайтиб олдим. Сенга бир саволим бор эди,— деб ётиги билан гапирди тоға.— Чавандоз тасбеҳ олиб юролмаса керак, қийналади, бармоқларимни учини санаб юрсам бўлмасмикин, тангри қабул қилармикин?

— Оғзи шалоқ одам билан ади-бади айтишиб ўтирмайман,— деди чол чопонини кия бошлар экан.

Упилмалик кулгидан ўзини аранг тийиб, ташқарига чиқиб кетди. Ҳовлининг бир четида, катта дарахт соясида Ҳамза энгашганича қўй сўярди. Упилмаликнинг келганини пайқаб, мийиғида бир кулиб қўйди. У ўзида йўқ хурсанд.

— Ҳали кўрдим, ялангликда каклик кўп экан. Қўшоғиз милтиқни олиб, эртага саҳарлаб каклик отиб келмаймизми,— деди у.

Чиндан ҳам ҳозир какликлар полапонларини учирма қилиб, семирадиган пайт. Айниқса, сувга қониб учиб келаётганида дуч келсанг борми, халтанг қуруқ бўлмайди, шартта-шартта отиб тушураверасан. Упилмалик каклик овини болалигидан яхши кўрар. қонқонига сингиб кетган, тотли гўштининг мазаси бир умрга оғзида қолганди.

Упилмалик қош қорайиб, одамлар оёғи тийилгунча сув бўйида айланиб, оёғининг чигилини ёзмоқчи бўлди.

Оқсумбани уйни орқасида қантариб қўйишганди. У чиндан ҳам сағриси кенг, оёқлари ингичка чиройли от эди. Бегона одамнинг келганини сезган жонивор қулоқларини чимириб қўйди, лекин қайрилиб қарамади—бу зотлилигининг, сиполигининг белгиси эди. Овул тоғ бағридан чиққан Ранг дарёсининг бўйига жойлашганди. Бир вақтлар бу овул катта колхоз маркази эди, эндиликда «Қизил байроқ» совхозининг бир бўлими, холос. Ферма мудури билан веттехник овулнинг энг мартабали одамлари эди, бошқалари унчалик кўзга тушмайдиган чорва кишилари эди. Теварак-атроф тап-тақир, ерлар пайҳон қилинганди. Роса икки ой бу ерлар подалар учун эркин яйлов бўлганди, энди уларнинг кенг, нотекис излари пастликларга, Чу дарёси соҳиллари томон йўналганди. Йўл четидаги қабристон, мол кирмасин, деб сим билан ўраб ташланганди. Дарёнинг ўйдим-чуқур бўлиб ётган тик соҳиллари, сурилиб чиқиб қолган харсангтошлар, ўзанининг ҳар томонга қайрилиб-буралиб кетиши баҳорда тошқиннинг кучли бўлганини билдириб турарди. Бир за-

монлар бу ерда какликлар, булдуриқлар, каптарлар гиж-гиж бўлиб, йўрғалаб юришарди. У жазирама офтобда куни билан чўмилиб, балиқ овларди. Тоғасининг товада қоврилган балиғини еб, томоғига қилтаноқ тикилиб қолгани ҳали-ҳали эсида... Дарё ёқалаб юқорига кўтарилган сайин сувнинг шовиллаши тобора қаттиқроқ эшитилиб, соҳиллар торая борди: сал баландликда ушқат, арча, дўлана дарахтлари ўсиб ётарди. Бу арчаларнинг овулнинг тиш қовлаш, сурнай чалишга ишқивоз чоллари билан болаларидан қандай омон қолгани ажабланарли эди. Бирпасда қош қорайиб, ҳаво ҳам салқин тортиб қолди. Упилмалик шариллаб оқаётган дарё сувидан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичди-да, кейин орқасига қайтди. Уни қидириб юрган Ҳамзага дуч келди.

Уйга кирганида тўрда қўлида қўбиз ушлаб ўтирган бақувват, норғил йигитга кўзи тушди. Бошқалари шу овулнинг оқсоқол, қорасоқол қариялари эди. Улар бараварига кўришиб, сиҳат-саломатлигини сўраб-суриштириб, Упилмаликка ўрталаридан жой кўрсатишди. Қўбизни сайратишга шай бўлиб ўтирган Қўшқарбоққан исмли йигит экан. Йигитнинг асли исми Нонжауар бўлган. Янгалари: «Нонсиз кунимиз ўтмайди, уни отини атаб чақиролмаймиз» дейишиб, бир кунда унга бошқа исм қўйишган. Ўша вақтларда у колхознинг зотдор қўчқорларини боқиб юраркан. Бу ўринни у баднафс ферма мудирига бир қўй бериб олган, деб сўз ҳам қилишди одамлар. Ҳозир у тўрдаги устунга суянганича шу йигитнинг энг нуфузли одами сифатида савлат тўкиб, керилиб ўтирарди.

Упилмалик чап томондаги атлас кўрпача устига бориб ўтирди. Тоғаси худди шуни кутиб тургандай: «Қани чироғим, энди қўбизингни сайрат», деб қўл силтади. Қўшқарбоққан бир қарашдагина семиз, қўпол кўринаркан. У кўп ялинтириб ўтирмасдан, қўбиз устига сал энгашди-да, камончани енгил тортиб, завқ билан чала бошлади. Упилмаликнинг қулоғи эстрада куй-қўшиқларига ўрганиб қолганиданми, қўбиз овозини ҳадеганида ҳазм қилолмади. «Угай-ай, угай-ай, е-е-ей» деган мунгли ҳазин куй, мақомдан-мақомга ўтиб, киши қалбининг энг нозик торларини чертарди.

«Ёпирай,— деб ўйлайди ўзича Упилмалик,— кўримсизгина, камгап, рангпар шу йигит қалбида шунча

эзгулик, гўзаллик яширинганми-а? Бу куй ҳар қандай тошюракни ҳам эритишга қодир-ку!» Бурунги замонларда ота-боболаримиз мана шу сеҳрли куй билан ақлдан озган камбағалнинг жинларини ҳайдаган, унга эс-ҳушини қайтарган. Мана шу куй билан илонларни авраб, йиғлаган болани юпатишган. Қўбизчи бу дилрабо, оромбахш куйни узоқ чалди, давра қуриб ўтирганлар худди сеҳрлангандай куй оҳангига аста чайқалишарди.

— Бу куйни мутлақо билмас эканман, — деди Упилмалик юзидаги маржон-маржон терни артаётган йигитга ўгирилиб.

Худди елкасидан оғир юк босиб тургандай энгашиб ўтирган қўбизчи йигит бу сўзларни эшитиб қаддини ростлади. Унинг кўзлари ёнар, ёноқлари қизариб кетганди.

— Бу куйни бултур озулимизга меҳмон бўлиб келган татамдан ўргангандим. «Кўнгил ёзиш» куйи мана шу, — деди у паст овозда.

«Тата» дегани моҳир қўбизчи Жаппас Қаламбоев эди. Унинг ўзи оламдан ўтган бўлса ҳам, лекин санъати, булбул навосидай ўлмас куйи мангуга қолганди.

Қўбиз овози тинса ҳам, лекин унинг таъсири, жозибаси анчагача тарқалмади, эзгу туйғулар тизгинини ҳали ҳам қўйиб юбормаганди. Шу вақтгача куй оҳангига маст бўлиб, қимир этмай ўтирган меҳмонлар секин ўринларидан қўзғала бошлашди. Тоғаси эшикда хизмат қилиб юрган Ҳамзага: «Отга ем бер», деб буюрди. Қадди-қомати келишган, нимча кийган ёш келинчак меҳмонлар қўлига сув қуя бошлади, дастурхон ёзилди. Дўстмағамбет қўлини ювиб, қаддини ростлади. У қаҳр-ғазабини аранг тийиб, зўрга ўтирган экан.

— Қўбизнинг овози эшакнинг ҳанграшидай бир гап, — деди у кесатиб.

— Занг босган қулоқларимизга сал бўлсаям жон киритганига қувонайлик-да, Дўсака.

— Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, жиян, мен сенга бир воқеани гапириб бераман, эшит. Пайғамбар ҳали ҳаёт вақтида Ажимаж исмли сеҳрли бир қўбизчи яшаган экан. Ажимаж қўбиз чалганида одамлар ишини ташлаб, ҳамма нарсани унутиб, эс-ҳушларини йўқотиб,

унинг орқасидан эргашиб кетаверар экан. Кунлардан бир кун одамлар бутунлай тирикчилигини, ишини йиғиштириб, йиғлаб-сиқтаб Ажимажнинг орқасидан кетаверишган. Шундан кейин Исо пайғамбар бандаларига раҳми келиб, уларни аяб Ажимажни ушлабди-да, Қон тоғининг энг чуқур горларидан бирига қамаб қўйибди, дейишади. Ажимаж гордан чиқмоқчи бўлиб неча замонлардан бери йўл қазиркан. Бу дунёда рўза тутадиган битта ҳам одам қолмаганида у горни тешиб чиқармиш. Кейин у қўбизни чалиб, ер-кўкни ларзага келтириб, юртни орқасидан эргаштириб дўзахнинг қилкўпригига бошлаб олиб боради.

— Бу дунёнинг офати кўнгил кўзини очган қўбизда бўлмаса керак. Рўза тутмаганим учун у менга теккизиб гапиряпти.

— Қуръоннинг сўзи азизми ё Қўшқарбоққаннинг минғиллагани азизми?—деб сўради Дўстмағамбет қошлари чимирилиб.

— Қани, овқатга қарайлик, Қонеке!—деб Ҳамза ўтирганларнинг эътиборини ўртага—уч ерга уюб қўйилган гўштга қаратди.

Қўйнинг калласи алоҳида лаганда қўйилди.

— Қуйруқ ейдиганлар ўртага чиқсин!

Тоғасининг овулида «Қуйруқ ейиш» кўпдан бери одат бўлганди. Думбаси катта семиз қўй сўйиларди. Гўштнинг ҳаммасини қозонга солиб, қуйруқни алоҳида пишириб, дастурхонга олиб келиб қўйилади. Оппоқ қуйруқни тилим-тилим қилиб кесиб ўртага қўйишади. Бундай пайтда ёғ ейдиган йигитнинг ўзи истак билдириб, ўртага чиқади. Кун билан мол орқасида каловланиб юриб, оч қолган молчи учун уни ейиш унчалик оғир иш эмас. Баъзи бир йигитлар қуйруқни пок-покиза тушириб, ҳеч гап бўлмагандай ўринларидан туриб кетаверади, бошқалар сўлагини оқизиб ўтираверади. Лекин чой-нондан нарига ўтмай, аччиқичакдай чўзилиб қолган баъзи бировлар қуйруқни ейман деб шарманда бўлишарди. Бунга аҳд қилган киши тилим-тилим қилиб кесилган қуйруқни тўграмай, чайнамай, бутунлай ютиши керак. Агар ҳаммасини еса, уй эгаси яна бир қўй сўярди, бордию, «мой ютқич» еёлмаса, қўйнинг пулини тўларди. Дўстмағамбет ёшлигида қуйруқ ютаман, деб мойга тиқилиб, ўлишига сал қолган,— бақувват бир йигит елкасидан муштлаб туширмаганида бир

корихол бўларди. Мана энди кўзлари киртайиб, мой солинган идишга қарагиси ҳам келмайди.

Қуйруқ ютишга талабгор ҳадеганда чиқавермади. Пойтахтдан келган Упилмаликдан уялишдими ё овқат еб қўйишганиданми, хуллас оппоқ қордек бўлиб диркиллаб турган мойга ҳеч ким яқинлашай демасди. Ҳеч ким чиқмаслигига ақли етган тоғаси косани олдига тортди-да, қуйруқни кесиб-кесиб, ҳар бир товоққа солиб чиқди. Лекин ўзи гўштга қўл чўзгани ҳам йўқ, ярим косача норин еди-да, кейин чўнтагидан арча чўпи олиб, тишини кавлашга тушди.

Упилмалик ҳадеганда яхши пайқамаган экан, ҳақиқатан ҳам тоғасининг алп танасидан гўшт кетиб, озиб-тўзиб, анча чўкиб қолибди. Иштаҳаси ҳам илгаригидай эмас, овқат ейишининг мазаси йўқ. Боятдан бери овул чолларига ҳазил-мутойиба қилиши, жирига тегиши бу шунчалик бошқаларга тетик кўринишнинг бир йўли эди. Бўлмаса у Қоратов қўзғалса ҳам пинагини бузмайдиган жуда оғир, иродаси мустаҳкам одам эди. «Жон чиқса ҳам, иродасизлигингни ҳеч ким кўрмасин» деб кўп гапирарди тоғаси. У уруш пайтида ҳам фронтга сира пинагини бузмай, хотиржам жўнаб кетганди, ўнг оёғидан айрилиб келганда ҳам сира бўшашмади, ҳеч кимга ҳасрат қилмади.

«Епирай, бошқалар урушга кетаётганда ҳам, омонсон қайтиб келса ҳам қариндош-уруғи, уйдагилар билан йиғлаб-сиқтаб кўришади, Сазонбой эса чурқ этмайди-я», дейишарди одамлар. Урушга кетаётиб ҳам Қоратов томонга маънос бир назар ташлаб, уйдагиларга: «Отимни эҳтиёт қилинглар, қаровсиз қолмасин», деб тайинлаган экан. Икки йилдан кейин она қишлоғига қайтиб келганда ҳам, биринчи бўлиб отини сўраб-суриштирган экан. Бир неча йил йилқичилик фермасига мудирлик қилган. Ахийрида баднафс раис билан қаттиқ уришиб қолиб: «Начальник бўлмасам ҳам очимдан ўлмасман», деб раҳбарлик ишидан бутунлай юз ўгирган. Колхозда табелчи бўлиб ишлади, қоровуллик қилди, боғбон бўлди, хуллас, ўз насибасини ҳалол териб еб келди, одамларнинг кўзига дадил боқди. Эллигинчи йилларнинг бошида ҳеч нимадан кам қилмайман, деб юрган ёлғиз онасини яхшиларнинг кетидан охирги йўлга кузатиб қўйди. Онасидан кейин арча новдаларидай сўлқиллаб ўсган икки қизини ҳам

бедаво дард баравар олиб кетди. Ушанда ҳам Сазон-бойнинг оҳ-ноласини ҳеч ким эшитмади. Энг яқин одамларидан жудо бўлгандан кейин кўксини зах ерга бериб, узоқ ётди-ю, лекин яна ўзини қўлга олиб, оёққа турди. Энди унинг биттаю битта умиди, қувончи—ўғли Ҳамза эди. У бу ердаги бошланғич мактабнинг ҳам директори, ҳам муаллими эди. Ҳамза хотини билан бўлак турса ҳам, отасининг олдига тез-тез келиб турар, «дада, дада» деб хизматини аямасди. Шунисига ҳам шукур. Кўриб юрибди-ку, ота-онасининг уйдан ажралиб чиққандан кейин, ёш хотинининг чизган чизигидан чиқмай, «сен мени кўрганинг йўқ, мен сени кўрганим йўқ» деб қорасини кўрсатмайдиган суллоҳлар оз эмас.

Упилмалик тоғасини қудратли, мустаҳкам қайроғочга ўшатарди, мана энди шу дарахтни ич-ичидан дам-бадам қурт кемираётгандай эди. Алл дарахт ҳали ҳам бўш келмай, ҳаёт нашъасини сургиси, яна япроқ ёйгиси келади, лекин иложи йўқ, кучи қолмаган, шамолда бутун танаси билан чайқалади. Қадрдон заминга чуқур илдиз отган дарахт томирларида ҳаёт учун, яшаш учун омонсиз кураш кетаётганини Упилмалик ич-ичидан сезиб туради. Бу унинг дилини сиёҳ қилади, кўнглига қўрқув солади. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Наҳотки, бу диёр учқур тулпорларини кўз-кўз қила олган, қўбизнинг дилрабо куйини тинглашга мажбур эта олган, бирор баҳона билан ҳар куни оғайнилар бошини қўшадиган олий ҳиммат саркоридан жудо бўлса? Наҳотки узоқдан соғиниб келганида «арслоним, суянчиғим» деб эркалаб, қучоқ очиб кутиб оладиган меҳрибонидан айрилса?

Овқатдан кейин йилқичилар овулидан олдирилган қимиз тортилди. Лекин ҳозир унинг томоғидан ҳеч нима ўтмасди.

— Оғир гапирсам кўтариб, енгил гапирсам кулиб қўядиган сабр-тоқатли, бағри кенг оғайниларим, эл юртим! Менинг аччиқ-чучук, енгил-елпи гапларимга чидадиларинг, кўтардиларинг. Ҳаммасига розиман. Жиянимнинг келишига улоқ чопинглар!—деди тоғаси иягини кўтариб. У ҳозир шу ўтиришда учишга тайёрланаётган қари бургутни эслатарди.

Кўпчилик унинг гапини ҳар томондан маъқуллаб, бош ирғашди. Улар ҳам ич-ичидан ниманидир сезади,

улар ҳам ниманидир кутади. Айниқса, Қўшқарбоққан қувончининг чеки йўқ. Унинг кўзлари порлаб, ҳиринг-ҳиринг кулади. Ташқаридан Оқсумбанинг қўнғироқдай кишнаган овози эшитилди. Меҳмонлар уй эгасига миннатдорчилик билдириб, ўринларидан қўзғала бошладилар.

«Ҳа, умр қисқа, лекин қувончининг умри узун бўлсин,— деб ўйлади тоғаси.— Шу ёшгача нималарни кўрмади бу бошим. Баъзи одамлар топган-тутганини уйига ташиб, тўрва-халтасини тўлдириш пайида бўлса, мен боримни далага сочибман. Пойга, улоқ учун от боқдим, айтишувларда иштирок этдим, қанчадан-қанча сулув чавандоз қизларнинг белидан қучдим, боримни одамлардан аяган эмасман, торлик қилганимни ҳеч ким кўрган эмас. Жияним мени йўқлаб келганда елкамни қисиб, қурумсоқлик қилармидим. Боримни сочиб, улоқ берайин, Оқсумба оёқларининг ҳар бир чигили ёзилсин, чопиб ҳуморидан чиқсин. Негалигини билмайман-у, кўнглим нимагадир нотинч, елкамдан оғир юк босиб тургандай, ичимда бир дард борми, ҳайронман, хуллас ўзимни ғалати сезяпман».

Упилмалик ҳам ўй сурарди: «Ҳа, тақдиримдан нолимайман, шукур, мевасиз дарахтдай якка-ёлғиз шўппайиб ўсмадим. Шукур, узоқ-яқиндан ойда-йилда бир келиб қолгудай бўлсам, қучоқ очиб кутиб оладиган тоғам бор. Ишдан бўшаб, кўнглим чўккан пайтларда болалик йилларимни эслатиб, жонимга оро кирганингиз учун сиздан бир умр миннатдорман. Бир кунда шунчалик ўзгариб, қанот ёзиб, ўзлигимни туншунганимни сезиб турибман. Ахир, кеча ким эдим, бугун кимман? Қуруқ гапдан нарига ўтмайдиган қуруқ савлат олимлар билан олишавериб, тинкам қуриб, меров одамдай ғалати бўлиб юрардим. Эҳтимол, бу ерда содда, дилкаш одамлар орасида юриб, эс-ҳушимни йиғиб, ўзимни ўнглаб оларман, балки у-бу ёзарман ҳам».

Эртага улоқ деган куни Упилмалик яна дарё бўйини айланиб, икки каклик отиб қайтди.

Тоғаси улоқ чопилишидан бир кун аввал чўмилиб, тоза кийимларини кийди, соқол-мўйловини олди. Бўзарган юзига қон югуриб, чарчаш нималигини билмай, отини ташқарига бир неча бор олиб чиқиб терлатди,

кейин аста-секин совутди, ёлларини меҳр билан силаб-тарашлади. Анчадан бери боқувда турган Оқсумбанинг атрофида парвона бўлиб, борини оғзига тутушига қараганда тоғаси бир нимани ўйлаб қўйган. У ташқарига чиқди, арғумоғи худди ёш сулув келинчақдай бутун баданини ўйнатиб, гоҳ у биқини, гоҳ бу биқини билан ўгирилди, кўзлари чақнаб, тинимсиз депси-нарди. Тоғасининг гапига қараганда Оқсумба пойгада ҳам, улоқда ҳам бирдай чопадиган зотдор чайир арғумоқлар наслидан экан.

Улоқ кунни тоғаси Оқсумбани жиянининг олдига етаклаб келди. Упилмалик отда юришдан чиқиб қолганман, деб баҳона қилиб, улоққа Ҳамзанинг мотоциклида бормоқчи эди, тоғаси кўнмади. Упилмалик, ўзингиз бориб, бир кўнглингизни ёзиб келсангиз-чи, деса ҳам тоғаси рози бўлмади. «Менга қўшнимнинг тўриқ оти ҳам бўлаверади», деди у. Упилмалик ноилож Оқсумбага минишга мажбур бўлди. От ўша заҳоти олдинга ташланди, йигитни юраги ўйнаб, қулоқлари ғувуллади. Орқасида отини йўрттириб келаётган тоғаси нуқул: «Тизгинни ҳадеб тортаверма, қамчинни ўйнатма! Ўз эркига қўй!.. Оқсумба қистовга олганни, ҳайдаганни ёқтирмайди!.. У эгасининг ниятини тақимида сезади!.. —деб йўл-йўлакай маслаҳат берарди. Упилмалик тоғасининг панд-насиҳатларини тингларкан, ўзини ғалати сезарди, юраги қисиларди. Аввалига кўйлаги шамолда ҳилпираб, худди йиртилиб кетадигандай бўлди, тақими терлаб кетди. Тизгинни сал бўшатса, тақимини сал қисса, от қулоқларини чимирганча ўқдай учиб кетадиганга ўхшарди.

Улоқ чопиладиган ялангликка етгунча отда лўкиллаб анча толиқди. Ёпирай, деб ўйлади у, олдидан ёпирилиб чиққан сон-саноқсиз чавандозларни кўриб. Сал йўртиб келганимга ичакларим узилгундай бўлди-ю, улоқда қандай чопаман, улар билан қандай олишаман, ҳойнаҳой, отнинг остига юмалаб тушарман. Ҳамманинг олдида шарманда бўлмасам гўрга эди. Ҳали ҳам бўлса, бош омонлигида, отини ўзига қайтариб бериб, бу балодан қутулганим маъқул.

— Тоға, Оқсумбани дастлаб ўзингиз терлатинг, илтифотингиз учун раҳмат, мен розиман,— деди Упилмалик.

— Э, бу далалардан неча-неча бор от сурганман,

чирогим, танангдаги ортиқча ёғларинг эриб кетади, ўзинг чопавер,— деди тоғаси.

— Улоқ чопишни менга ким қўйибди,— деди жияни.

— Оқсумбанинг устида маҳкам ўтирсанг, улоқни қўлингдан чиқармасанг бўлгани, буёғини аргумоқни ўзига қўйиб беравер, сени олиб чиқиб кетади.

— Э, бунинг нимасини талашиб-тортишиб ўтиради...

Ана, улоқ бошланди ҳам. Қўшқарбоққаннинг қийқириғи қулоқларни батанга келтирарди, сағриси кенг, бақувват оти бошқаларнинг отини ҳар томонга суриб, туёқлари билан кесакларни орқасига итқитиб, тўдадан олдинга қуюндек отилиб чиқди. Оқсумба улоқни эгаллаган чавандозга даврани иккинчи айланишида етиб олди. Жазавага тушган Қўшқарбоққан, Упилмалик ҳар ҳолда меҳмон-ку, уни сийламасам уят бўлар, деб ўйлаб улоқни берадиган эмас, у баттар қийқириб, шаҳарликни тортишувга чақирарди. Мана улар тенглашди, узангилар бир-бирига жаранглаб урилди. Упилмалик улоқнинг бир оёғини энди ушлаган ҳам эдики, Оқсумба кутилмаганда шартта бурилди, Упилмалик ўзини тутолмай эгардан учиб кетди-да, гурс этиб йиқилди. У чанг-тўзон тарқалгандан кейингина ўрнидан турди. Тўдадан ажралиб чиқиб, алоҳида чопаётган Оқсумбани тоғаси дарров кўрди-да, юрагини ҳовучлаганча жиянининг олдига тез етиб келди. Ёвшан орасидан чанг-чунг бўлиб чиқиб келган Упилмаликнинг у ер-бу ерини ушлаб кўрди-да, ҳеч қаери лат емаганига ишонч ҳосил қилди. Бошқа чавандозлар ҳам шу томонга бурилишди.

— Йўқ, бўлмади,— деди тоғаси ва тўриқни жиянига бериб, Оқсумбага ўзи минди.— Эшитган қулоқ, кўрган кўздан уят эмасми. Қариганда болалар билан улоқ талашиб юрибди, деган сўзга қолмай деб, ўзимни четга тортувдим. Энди-чи, энди Оқсумбани бир терга пиширмай, улоқни қўлга туширмай овулга қайтиш йўқ, бу катта гуноҳ!— тоғаси шундай деди-да, отнинг бошини шартта буриб, ўзини оломон ичига урди.

Ёвшанзорда уймалашиб юрган улоқчилар энди Ранг дарёсининг бош томонига қараб боришарди. Лекин бу ерларнинг ҳаммаси майда тош, от туёқларини қоқиб ташлайди... Нима бўлса ҳам улоқнинг йўлини

кесиб чиқиш керак. Йўқ, улоқчиларнинг тақими ҳозирча терлагани, жазаваси тарқаб, ҳовуридан тушганларича йўқ, сувсизликдан қақраб ётган ялангликда, ёвшанзор оралаб, ҳарсиллаганларича ҳамон от чоптириб юришибди. Улоқни териси чидаб берса, уни олиб қочишни кун ботиш олдидан бошлашмоқчи.

Тоғаси от тизгинини икки марта силтаб тортиди-да, сал ўтмай, ҳаммадан олдинда бораётган улоқчига етиб олди. Тоғаси улоқни доимо чап томондан тортишга ўрганган, чунки ўнг оёғининг протези халақит беради. Оқсумба ҳам эгасининг ўй-ниятини тақимини қимирлатишидан тушунишга одатланган. У улоқни олиб келаётган йигитнинг ўнг томонидан келиб чап солди. Лекин у йигит ҳам анойи эмас экан, дарров улоқни бошқа томонига олди. Тоғасининг ёнма-ён чопиб бораётган отнинг ёли устидан энгашиб, улоқни тортишдан бошқа чораси қолмади.

Чавандозларнинг орқасидан аранг улгуриб бораётган Упилмаликнинг кўнглини негадир ваҳима босди. Уша қорақурум отлиқлар боши устида кўзга кўринмай, одамларга сездирмай машъум ажал шарпаси сузиб юргандай бўларди. Йўқса одатда қўй оғзидан чўп олмайдиган одамларнинг кўзларига қон тўлиб, шу қадар жазовага тушишармиди?.. Бир-бирини топтаб кетгудай бўлиб олишишармиди?.. Қарини қари, ёшни ёш дейдиган пайт эмас. Гўё неча йиллар пойлаб юрган хундор душманининг изини топган одамдай орқа-олдидагиларга қарамай олдинга чопишади. Узоқдан кўрган одам сурувга оч бўри кириб қолибдими, деб ўйлаши мумкин. Бийдай дала қўйнида қуюн келаётгандай бўлади. Ҳа, Упилмалик ёшлигида отни кўп минган-у, лекин йигирма йиллик шаҳар ҳаёти унинг кўнглини отдан анча совитиб қўйган эди. Илгарилари от дупурини эшитса, қони жўшиб, ўрнидан туриб кетарди, ҳозир эса жуда хотиржам, юраги қилт этмасди. Ҳа, энди ҳаммасини тушунапти: кўримсизгина ҳаёт кечирадиган, мол боқиб, экин экиб, бола ўстириб, тинч-хотиржам юрадиган қозоғимнинг бир феъли, табиатининг сирли хислатларидан бири шу улоқда яширинган эмасмикин, деб ўйларди Упилмалик. Ҳа, улоқ билан қозоқ эгизакдай бир гап.

Бу орада Оқсумба қуюқ чап-тўзон ичидан улоқни маҳкам ушлаган тоғасини олиб чиқди. Баланд бўйли,

бақувват чавандоз қуюндай учиб кетаётган от устида энгашиб ётиб олган. Бошқалар қий-чув кўтаришиб, орқасидан изма-из қувишади. Оқсумба учқурлигини яна бир бор кўрсатди, у таъқиб қилиб келаётганлардан узоқлашиб, сал ўтмай, қоп-қора ёлини хилпиратганча бир ўзи чоғиб кетди.

— Ҳа, Сазонбойни асил чавандоз деса бўлади!

— Тақими бўш жиянининг ҳақини олди!

— Бу чолга нима бўлди, ўз улоғини ўзи олиб қочгани нимаси?

Бу гап-сўзлар Упилмаликнинг қулоғига чалинди, лекин у унчалик эътибор бермади. Упилмалик баъзида тубсиз осмон қўйнида оппоқ из қолдириб учаётган реактив самолётга узоқ тикилиб қоларди: ҳозир бийдай далада қуюндай учиб бораётган Оқсумба ўша самолётни эслатди. Туёқлари тагидан кўтарилган чангтўзон ерга қўнмасданоқ бир чавандоз у томонга шартта бурилди. Булутни ёриб чиққан қуёш нурунинг тафти кучли бўлганидек, йўлни кесиб чиқиш ҳам анча хатарли. От қоқилиб, устидаги одам учиб кетиши мумкин. Бунинг сезган Упилмалик тўриғига устма-уст қамчи босиб, тоғасининг олдига шошилди. Лекин тўриқ қамчи зарбига парво қилмади, қадамини тезлатмай, илгаригидай лўкиллаб кетаверди. Эрталаб ичган қимизи чайқалиб, бўғзига келгандай бўлди! Э, ҳаром ўлгур!.. У аниқ кўрди, худди кучли отилган найзадай ён томондан ўқдай учиб келаётган йигит кеча оқшом қўбиз чалиб, ҳаммани ҳайрон қолдирган ўша Қўшқарбоққан эди. Унинг қийқириғи еру кўкни тутиб кетганди. Қўшқарбоққан улоқ олдидан, ҳойнаҳой, кўкнори ичиб олган бўлса керак. Унинг вужудини қиздириб, қонини жўштираётган ўша кўкнори кайфидир. Шамолдай учиб келаётган Оқсумбани кўксидан ё сағрисидан келиб урса, икки отнинг ҳам коптоқдек юмалаб кетиши аниқ. Улоқчининг авзойи бузуқ, нияти ёмонга ўхшайди. Кўра-била туриб, индамаслик гуноҳдир. «Йўлини тўсма!.. Қоидани бузма, ўзбошимчалик қилма!..» — деб бақирди Упилмалик овозининг борича, отига кетма-кет қамчи ураркан. Бу гаплар Қўшқарбоққаннинг қулоғига етдими-етмадими, маълум эмас, ҳар ҳолда кўз олдида чанг тўзони кўтарилди. У отда лўкиллаб келаркан, ўзича: «Тузим енгил, шўрпешона одам ақанман, — деб ўйларди. — Бу тўс-тўполонни, улоқни

менга нима кераги бор эди, шаҳардаги кўп қаватли уйда ташқи дунё билан ишим бўлмай, қулоғимни беркитганимча сўз ўзақлари устида бош қотириб, чўзилиб ётаверсам бўлмасмиди?»

Чанг-тўзон орасидан аввалига Оқсумба отилиб чиқиб келди, юзи қизариб кетган тоғаси улоқни тақимининг остига босганича, ўзини сал орқага ташлаб, бош бермаётган отининг ҳадеб тизгинини тортарди. Қўшқарбоққаннинг чавқари тўдадан чавандозсиз ўзи чиқди, эгари бир томонга оғиб кетганди. Упилмалик отидан сакраб тушди-да, сал нарида чўнқайиб ўтирган йигит олдига борди. Худди кулга ағанаган одамдай ҳаммаёғини чанг босган бу йигит қўллари билан икки чаккасини чангаллаганича, секин инграб чайқаларди. Ҳеч ери жиддий лат емаган шекилли, Упилмаликнинг елкасига қўлини қўйганича, энтикиб секин ўрнидан турди.

Шу пайт бошини бир томонга эгганича тоғаси етиб келди.

— Падарингга лаънат, одамни олдини тўсиб чиқмаларинг деб қанчадан бери жаврайман! Оқсумбага раҳмат дегин, агар у бўлмаганда ҳаммамиз ўлиб кетардик!

Тоғаси тақими остидаги улоқни тортиб олиб, қуршаб турган чавандоз йигитлар олдига ташлади-да, улоқни тугатинглар, деб маслаҳат берди. Тоғаси гарчи бир ўлимдан қолган бўлса ҳам, яна бир бор хотамтойлик, мардлик қилди.

Қони қизиган, жўшқин улоқчилар ҳар томондан миннатдорчилик билдиришди-да, отларини йўрттириб жўнаб қолишди. Бирпасда чанг-тўзон тарқалиб, от туёқларини дупури узоқдан эшитила бошлади. Тоғаси отининг бошини овул томонга бурди, иккови бошларини ҳам қилганича унга эргашишди. Ярим йўлга етганда чавандоз тилга кирди.

— Ҳали одамларни чўчитмай дедим, боя тўқнашганимизда чап оёғим қаттиқ лат еди, суяги синдиёв.

Чиндан ҳам тоғасининг қўнжиси узун сахтиён этининг ўкчасидан қон сизиб оқарди. Қўрқув ҳисси Упилмаликнинг юрагини чимдиб ўтгандай бўлди. Айни вақтда тоғасининг темир иродасига, чидамига яна бир бор тая берди-ю, лекин унга ич-ичидан ачинди.

Тоғаси уйга етганида жуда ҳолсизланиб қолди. Уни отдан қўлтиғидан олишиб, авайлаб туширишди-да, ўрнига ётқизишди. Ҳамза бирпасда докторни чақиртирди, синиқчини ҳам топиб келди. Узанги қаттиқ урилиб, чап оёғининг болдири чатнаган экан. Тоғаси тишини-тишига қўйиб чидади, сездирмади. Докторнинг уколидан кейин оғриқ сал босилгандай бўлди. Синиқчи чол жуда тажрибали, чаққон экан, суягининг синган жойини сиртидан бир-икки силади-да, уни жойига солди.

Упилмалик тоғасининг олдидан жилмай, унинг лабини дам-бадам ҳўллаб, ёстиғини тўғрилаб турди. У шу топда ўзини илҳом бир умрга тарк этган шоирдай, жодусидан маҳрум бўлган афсункордай ҳис этарди.

Ожизлик ҳисси уни ҳозир қаттиқ қийнади, жонидан ҳам азиз кўрган, пири мададкорим деб билган энг яқин одами кўзи олдида қийналиб, азоб чекиб ётса-ю, у ёрдам беролмаса, жонига оро киролмаса. Ахир, мана шу фалокатга ўзи сабабчи бўлмадимми. Мен бўлмаганимда, мен бу ерга келмаганимда одамларнинг тинч-хотиржам ҳаёти аввалгидай давом этавермасмиди. Қўшқарбоққан кўкнорига тўйиб олиб, қўбизини ғийқиллатиб чалаверарди. Тоғаси Оқсумбани суйиб, эркалаб, оқсоқланиб атрофида парвона бўлиб юраверарди. Дўстмағамбет тасбеҳини шилдиратиб хонадон-ма-хонадон ҳар уйнинг қозонини овлайверарди. Мўминқобил овул одамларининг тирикчилиги ўз маромида кетаверарди. Лекин сен келдингу, ҳаммаёқни остин-устун қилиб юбординг. Сенинг шаънингга «ғам-ғусса йўқолсин» куйи чалинди, улоқ берилди, далада чаңтўзон кўтарилиб, йилқилар ҳар томонга питраб, икки-бирдай азамат отларидан учиб кетди. Бу ҳам камлик қилгандай Қўшқарбоққан: «Бошимни ичига тўрғай кириб кетгандай тинимсиз шангиллайди» — деди-да, ўткир табибга кўрсатгани шоша-пиша жўнаб қолди. Қимирлашга мажоли қолмай, узала тушиб ётган тоғаси бир пайт уни имлаб олдига чақирди.

— Тепамда қоровул бўлиб, ўзингни қийнаб нима қиласан, тирикчилигингдан қолма, уйдагиларингга салом айт, сенга руҳсат, кетавер, шунча жойдан келиб кўрганнингга мингдан-минг розиман. Охирги илтимосим: Оқсумбани миниб кетгин, унга ўзинг эгалик қилгин,

куним битиб ўлиб кетгудай бўлсам, бу элда отни қадрига етадиган одам йўқ.

Тоғасининг энтикиб-энтикиб айтган ҳар бир сўзи Упилмаликни қаттиқ эзар, заминида оғир дард ётганини у ҳадеганди пайқамасди. У бу мусибатни кўтари олармикин, кўтариши, нима бўлганда ҳам сир бермаслиги, ожизлигини кўрсатмаслиги керак. У тоғасининг кўзи юмилгунча ёнида бўлишга, боши тепасида туришга аҳд қилди. Докторлар ҳам қўлларидан келган ҳамма тадбиру чораларни кўрдилар: ҳар кун бир неча бор келиб-кетишади, укол қилишади, ярасини ювиб-тозалаб, боғлашади. Лекин тоғасининг аҳволи кун сайин оғирлаша борди. Бир кун енгил тортиб, бир кун оғирлашиб ётган беморнинг бошида мижжа қоқмай туни билан ўтириб чиққан Упилмалик баъзи-баъзида довулда йиқилган алп дарахтни қўз олдига келтирарди. Қанча ҳаракат қилмагин, ҳар қанча елиб-югурмагин, унга ғамхўр, меҳрибон бўлмагин, бари бир у бошқа кўтарилмайди, куртак ёзиб, новда чиқармайди. Ҳозир тоғаси ана шундай дарахтга ўхшарди. Тонг саҳарда кўзи илинган экан, тиззасида ётган чавандознинг бақувват қўли бир силкинди-да, секин совий бошлади. Жума кун саҳарда Сазонбой мангуликка кўз юмди. Юрагини жудолик ўти ўртаётган Упилмаликка, унинг ўзини ҳам қора ер ўз бағрига тортаётгандай туюларди.

Тоғасини қора ер қўйнига топшириб, еттисини ўтказиб йўлга ҳозирлик кўра бошлади. Шундагина сал ўзига келди. Қариндош-уруғ, овул-аймоқ у билан хайрхўшлашди. Уй орқасида устунга боғлаб қўйилган Оқсумба ҳам ғамгин кишнаб, эгаси билан хайрлашаётгандек, уй ҳам ҳувиллаб, чўкиб қолгандай эди.

Ҳамза Упилмаликни район марказига олиб борадиган тош йўлгача кузатиб борди, хайрлашаётганда ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

— Излаб келадиган тоғанг ҳам оламдан ўтди, биламан, энди биз томонларга қайтиб келмайсан, — деди у овози қалтираб. — Лекин, сенга доим оқ йўл тилаб, дуосини аямайдиган тоға юртинг борлигини унутма. Туғилиб ўсган ерингни, она юртингни соғинсанг, қайтиб келгин, доимо уйимизнинг тўри сеники, қучоқ очиб кутиб оламиз.

Упилмалик томоғига бир нима тиқилгандай бўлди,

оғиз очиб бир нима деёлмади. Ёнида кўз ёшени аранг тийиб турган Ҳамзанинг елкасидан қучиб, индамай қўлини сиқиб, бош ирғарди, холос. Упилмаликнинг кўнгли ғам-ғуссадан пора-пора бўлганди...

У қўшни колхоздан келаётган юк машинасига қўл кўтарганди, сал ўтиб тўхтади. Машина кабинасидан ёш бир келинчак мўралаб қаради. Шапкасини чаккасига қўндириб олган шофёр йигит: «Кузовда кетишга рози бўлсанг, майли, ўтир»,— деб қичқирди. Упилмалик «хўп» дегандек бош ирғади. У қўлидаги чамадонини машина ичига ташлаб, Ҳамза билан хайрлашди-да, кейин кузовга чиқиб, орқасини ўгирганча чўнқайиб ўтирди. Машина шиддат билан қўзғалиб, ҳашпаш дегунча йўл четида турган Ҳамзани чангга кўмиб, узоқлашди. Олисда қолган Қоратов ҳам туман қўйнида чайқалиб, у билан хайрлашаётгандек эди. Унинг юраги бир орзиқиб тушди.

Упилмалик сўнгги нафаси чиққунча тоғамнинг бошида турганим яхши бўлди-да, деб ўйларди ўзича. Сўнгги сафарга кузатиб, қабрига бир сиқим тупроқ ташладим. Хўш, энди уни у ёқда, пойтахтда ким ҳам кутяпти, Упилмалик қачон келаркин, деб кимни кўзи учиб турибди? Ёв қувгандай намунча шошиб кетяпти?! Елиб-югуриб борарман ҳам, шу ишимни деб, обрў-эътибор деб яна талашиб-тортишарман, уриниб-суриниб юриб доктор ҳам бўлиб оларман. Хўш, шунчалик ўлиб-тирилганинда туғилиб ўсган ерингга, она-юртингга заррача бўлса ҳам фойданг тегдими, обрўсига обрў қўшдингми, оғаларингнинг оғирини енгил қилдингми, бир инсонга яхшилик қилдингми? Тоға юртингга энди қачон қадам босасан?

Нега бу ҳақда илгарилари ўйламаган эканман!.. Ҳар кунги икир-чикир ишлар, югур-югурлар билан бўлиб, кўп нарсаларни ўйламаганман, ўзим билан ўзим ўралашиб қолганман; амал зинасидан қандай қилсам тез кўтариламан, деб ўйлаб, кечалари ухламай чиқардим; ўз бошимни, ўз ҳаловатимни ўйлаб, умримнинг ярмини ўтказиб юборибман. Вақтнинг бунчалик тез ўтишини илгари нега билмаган эканман. Энди кўп деганда яна йигирма беш, ўттиз йил яшарман, йигирма беш марта баҳорни қарши оларман, йигирма беш марта қалдирғочларнинг қайтиб учиб келганини кўрарман; одам шайтон эмас, янги йилни кўп деганда йи-

гирма беш марта кутиб оларман, байрам қиларман. Шу кўз қорачигидай асраган, эҳтиёт қилган йигирма беш йилнинг учдан бири уйқу билан, беш-олти йили еб-ичиш билан, майшат билан ўтади. Хўш, товоқ тубида қолган сарқитдай арзимас вақтни нимага сарф қиласан, нима мақсадда фойдаланасан? Ана шу азиз, қадрли вақтни арзимас, майда-чуйда нарсаларга сарфлаб бўлармикин?! Ҳа, ана шу югур-югурлар ичида сал тўхтаб, нафасингни ростлаб олишга имконинг бўлмаган, қилаётган ишингни, босаётган қадамингни ўйлаб кўрмагансан? Агар бир неча кун тоғангни олдида бўлиб, у билан дардлашмаганингда, одамлар билан сирлашмаганингда, «ишим кўп, ишим кўп» деб ҳали ҳам бўзчининг мокисидай тиним билмасдан югуриб-елардинг.

Бутун ҳаётимни, жон-жаҳонимни остин-устун қилиб юборган тоғамдан мингдан-минг розиман. Қани энди ҳар кимсанинг ана шундай азиз, доно, меҳрибон кишиси бўлса! Сенинг ана шундай кишинг, толиққанда нафасингни ростлаб, ўй-хаёлларингни бир жойга тўплаб, орқа-олдинга қараб оладиган хосиятли жойинг бор, бунга нима етсин.

Упилмалик хаёл дарёсига фарқ бўлиб пайқамабди: Қоратов яна ҳам узоқлашиб, уфқда янада чиройли кўринарди. Минг ўйланиб, ўйининг тагига етолмай, неча йиллар давомида ечолмаган жумбоғига энди жавоб топгандай ўзини енгил ҳис этди, ҳаётнинг янги томонларини кашф этгандай бўлди. Замонлар ўтар, янги авлодлар келар, лекин инсоннинг хайрли иши ҳеч қачон исзиз йўқолмайди, бахтинг шуки, сен бу дунёда хайрли иш билан абадий из қолдирадиган яхши одамларга сал бўлса ҳам яқинлашдинг, уларга ҳамдард бўлдинг.

БИРИНЧИ ҚИРОВДАН КЎКЛАМГА ҚАДАР

Пахта йиғим-терими туга-
гач, ерга биринчи қор учқун-
лари қўнгандан кейингина
Қораспан тизмалари ғарбий
этагига жойлашган кичкина-
гина овул аҳли нафасини
ростлайди. Эрта кўкламда,
нозик таъб ғўза айриқулоқ
бўлиб қизғиш ерни ёриб чи-
қиши биланоқ, ўз ортидан
ёруғ дунёга ҳадсиз ташвиш-
лар тизимини етаклаб келади.
Ҳар бир овуллик шу билан
кеч кузнинг лойғарчилигига
қадар ўзлигини унутади-қўя-
ди. Қуёш тиғида куйиб-пиш-
са, ич-ичигача чанг ўтиб кет-
са ҳам, одамлар ўзлари учун
умумий бўлган ишни яхши-
ми, ёмонми уддалайдилар.
Фақат ерни биринчи қиров
энлаши билан, чамаси ўн кун-
лар мобайнида, қандайдир
сархуш оромга бериладилар.
Раис бригадирни, бригадир
колхозчиларни ахтармайди.
Бир қанча вақт ўтгач эса,
деҳқонларнинг қорамағиз,
шўралаган юзлари ёришиб,
қизиллик югуради. Эркаклар
ёз бўйи ҳовлида йиғилиб қол-
ган ахлат ва гўнгни чиқариб
ташлашга чоғланадилар-у,
бўйинлари ёр бермайди. Қўл-
даги белкуракни бир четга
қўйганча, хонтахтада шиғил-
лаб турган самоварни ҳам



ДАВЛАТ
ИСАБЕКОВ



Давлат Исабеков 1942
йилда туғилган. 1966
йили С. М. Киров ном-
ли Қозоғистон Давлат
университетининг фи-
лология факультетини
битирган. «Бекат», «Ач-
чиқ асал», «Нотинч
кунлар», «Ўз уйинг» ва
бошқа китобларнинг
муаллифи. Д. Исабеков
асарлари СССР халқла-
ри тилларида ҳамда
венгер, чех, немис тил-
ларида босилган. Унинг
сценарийси асосида
«Гавҳартош» бадий
фильми суратга олин-
ган. Драматург сифати-
да ҳам танилган.

унутиб, негадир жимжит бўлиб кетган қўшнилари-ни-ниги ошиқадилар. Бўлажак улфатчилик ташаббускори дастлаб ҳовлига мўралайди—у ерда уй эгаларидан биронтаси бўлиши мумкин. Жилла қурса ит акиллайди-ку... Ит ҳуридимми, билингки, кимдир чиқиб келади. У одам салом-аликни ҳам унутиб, уй бекаси чиқса: «Ҳой, нўхталанмаган айғиринг қаёқда?» деб, агар ўгли ё қизи чиқса: «Дайди отанг уйдами, чақирвор-чи...» деб бақиради. Сўрови тугамасданоқ, ичи пишиб турган уй эгаси ҳам чиқиб келади: «Э, сенмисан?..»

Яна ҳам авжга миниб акиллаётган итни «йўқол, итдан тарқаган» деганча уясига қувиб киритади-да, меҳмонга қучоқ очади: «Вой-боёв, кирсанг-чи. Нега энди бригадиримизга ўхшаб эшик ортидан чақирясан? Уйингдагилар тинч-омонми? Ҳай-ҳай-ҳай... э, ўша сени...» — қувониб жинни бўлаёзганидан аччиққина сўз ҳам қистириб қўяди.

Бирпасдан сўнг улар уч киши, чорак соат ўтгач, тўртовлон бўлишади. Мезбон хотинига топшириқ беради: «Ҳой, кампир, бу баччағарларга гўшт қайнат». Бақир-чақир, турли томонга тараша учган, печка мўрисида қуюқ тутун бўралайди. Хонадон кутилмаган ташвишдан уйғониб кетган гўё. Болалардан каттароғи дарслигини бир четга суриб қўйиб магазинга югуради.

Ўтириш қизиган чоғда кимдир куйлашни таклиф қилади, одатда «Маржон қиз»дан бошлашади. Қўшиқ авжига чиққанда узилади, муҳими, жўраларнинг чақчақлашиб кўнгил ёзгани қолади. Гурунг чоғида улардан зўрию ақллиги, саховатлиси-ю, илғори йўқ. Аллаким эса эҳтиётсизлик қилиб беихтиёр: «Э, ўша вақтда хўп аҳмоқ эканман-да...» — деб аҳмоқлар қаторидан жой олганини ҳам билмай қолади. Гурунг гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб бутун дунёни кезиб чиққач, яна қадрдон овулга қайтади. Шунда кимдир бошқалардан кўра қизишиб: «Ҳаммасига минг лаънат! Агар мен сизга айтсам, яхши қўшничиликдан зўрроқ нарса йўқ. Мана гурунглашиб ўтирибмиз—нима сабабдан? Чунки ўртамызда ҳурмат бор. Кимга? Мана бунга!—у уй эгасига ишора қилади.—Эртага меникига борасизлар...» — ниманидир қойил қилиб қўйгандек ўз-ўзидан мамнун, бўш пиёлани олдида гир-гир айлантиради-да, самовар томонга узатиб юборади.

Ана шу пиёла айлантиришдан бир қадар сукутта кетган овулда жонланиш бошланади. Қўшнилар бир-бирини йўқлаб турадиган бўлиб қолади. Ташрифлар зиёфатга айланади. Зиёфатда биласизки, аччиқлашиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Аччиқлашув эса жанжал билан тугайди. Жанжал ўз навбатида яраш оши билан... Шундай қилиб, турналар келгунга қадар овул ўз ташвиш ва қувончларига ўралиб яшайди, қайноқ ҳаёт қўйнида қолади.

Бу воқеа бутунлай бошқача—бир йўла муштлашишдан бошланди. Ҳар қандай жанжал тортишиб қолишдан бошланиши равшан. Тортишув чўпон билан почтаци Утар ўртасида туғилди. Муштлашиш эса тортишув бўлаётган жойда томдан тараша тушгандек пайдо бўлган звено бошлиғи Урисбой билан дўкончи Мусир ўртасида чақнаб кетди.

Бу воқеа тўла-тўқис айтганда бундай бўлган эди:

Рўзанинг йигирма тўққиз кун итиб, охириги бир кун қолган, яъни ёлгон арафа. Ундан ташқари Кемпирбойга Киевдаги авиация институтида ўқиётган ўғлидан хат келганига тўққиз кун бўлган. Уғли ўз хатида: «Дада, айтганларингизни бажардим. Посилкани кеча жўнатдим. Чолларни чақириб ҳайит қиларсиз», — деб ёзган эди. Кемпирбой ҳар кун саҳарлаб почтаци Утар остонасига бош уриб келади: «Ўғлимдан посилка келмадими?» У эса: «Йўқ» дейди. Утар шу сўзни айтarkan, чолга ўгирилиб қараса, аввал саломатлигини сўраб, сўнг: «Йўқ, ота, ҳали келганича йўқ. Келиб қолса, ўзим айтаман», деса ҳам бўларди. Йўқ, аксинча, чолни кўриши билан кирпидек сочи тикка бўлади. Бунинг устига бутунлай бошқа томонга қараб туриб: «Йўқ» дегани ортиқча. Эрталабдан кечгача оғзи тинмайдиган, уйга қайтаётганда чакаги қўрғошин қуйгандек осилиб қоладиган Утар, иш ҳақида гап очилса, димоқ-фироқ қилишига, айниқса, чидаб бўлмасди.

Шайтон Утарнинг бугун ҳам саҳарлаб марказга жўнаворишидан қўрқиб, Кемпирбой кўчада унинг усти ёпиқ машинасини илҳақ бўлиб кутаётган эди. Тушгача кутди. Эртага—арафа. Киевдан келадиган посилкага ишониб, Қораспанга бозорга ҳам тушгани йўқ. Қандай шармандалик. Одамлар олдида уятга қоладиган бўлди. Чол, айниқса, Эсқора гап-сўз қилиши-

дан қўрқарди. Бир пайтлар унинг Эсқора билан чигал муносабатларидан хабар топган ўғлининг ибораси билан айтганда «улар иккови икки қарама-қарши платформада турадиган одамлар». Кемпирбой—чўпон. Эсқора—қўриқчи. Мол—мол-да: шайтон етакласа, фақат Кемпирбойгагина эмас, ҳаммаси бир бўлиб йўлини тўсиб чиқса-да, колхоз активларига ҳам қарамайди. Думини хода қилиб бедазорми, экин-тикинми бостириб кириб кетаверади.

Кемпирбой бир ўзи, қорамол эса икки юз элликта, қайси бирига қарасин. Эсқорага бу чўт эмас. У бедазорга кирган сигирларни ҳайдаб ўтирмайди. Отдан ҳам тушмай, Кемпирбойнинг етиб келишини ҳам кутиб ўтирмай, акт ёзишга тутинади. «Қўл қўй», дейди. Кемпирбой бош тортади. «Бедазордаги сенинг сигирларингми?» «Меники». «Ундай бўлса, қўл қўй-да». «Бекор айтибсан». «Қўл қўясан». «Қўймайман». «Ахир сен давлат хашагига зиён етказдинг-ку». Сен давлат бедасини қўриқлаётган бўлсанг, мен давлат молини боқяпман. Бедангни еган бўлса, бари бир ахир шу мол ейиши керак-да. Фақат қуриғини эмас, ҳўллигича еяпти, холос».

Эсқорага Кемпирбойнинг инжиқлиги ботмай, жаҳл устида носвойини ютиб юборади. Тортишув қизигандан-қизиб, иккови бир-бирига хириллаб қолгунча бақиради. Охири сигирлар ҳам четда қолиб, шахсий адоватга кўчилади. «Хой-хой, оғзингга қараб гапир,—огоҳлантиради Кемпирбой,—ўзим ёмон бўлсам ҳам, ўғлимни Киевда ўқитяпман...», «Менинг ишим нима? Аэропланда учаман деб Киевда ўралашиб юрибди-да. Осмонда аэропланинг бўлгунча, ерда бир қучоқ беданг бўлсин». «Сен ҳали шошмайтур, ўғлим келса, сени аэропланининг ёнига яқин йўлатмайман». «Менинг ҳам кўзим учиб тургани йўқ. Узинг ўша аэропланинг билан қўшмозор бўл. Ушанда қутурган сигирларингдан ҳам қутулармидим!»

Бекорчилар тўпланмайдиган бўлса, тортишув тугайдиган эмас. Иқтисодчи Утеш ўз зиммасига ҳакамлик вазифасини олиб, Кемпирбойни инкор этиб бўлмас далиллар билан мот қилади. «Буёққа қаранг,—дейди у.—Яхшилаб эшитиб олинг. Ҳаммамиз кўриб турибмиз, сигирларингиз бедага тушган. Ахир Эс¹ аканинг

¹ Эсқоранинг қисқартма варианты.

бедаси сизнинг сигирларингизга бостириб келмагандир. Энди тушундингизми?»

Кемпирбойнинг тоқати тоқ бўлади. У бедага тушган сигирларини ҳам, атрофига йиғилганларни ҳам болохонадор қилиб сўкиб, актга қўл қўяди.

Эсқора Кемпирбойнинг ўғли Киевдан посилка юборганини ҳам эшитган. Агар посилка шу бўйи гумдон бўлиб кетса, Эсқора ич-ичидан севиниб «баттар бўл» дейиши турган гап.

Ўтарнинг усти ёпиқ машинаси тушдан оққанда кўринди. Кўприкдан гувиллаб ўтиб, тўғри почтачи эшигига келиб тўхтади. Отига қамчи босиб, Кемпирбой ҳам етиб келди. «Ўтаржон, бизларга хабар йўқми?» — сўради у одатдагидек. Ўтар уйга кириб кетиб, челак кўтариб чиқди. Кемпирбой ўзи айтар, деган умидда саволини қайтармади. Ўтар радиатордаги қайнаб кетган сувни тўкиб ташлаб, совуқ сув қуя бошлади. Кемпирбойни бормисан, йўқмисан демайди. «Хов, мен сендан сўраяпман, ҳеч гап борми?» — эндиги сафар ғазаб билан сўради чол. Почтачи бўлса паришон, ҳорғин ҳолда негадир яна радиаторни титкилай туриб мингирлади: «Бор!» Кейин копотни шарақлатиб ёпиб уйга кириб кетди.

Кемпирбой терисига сигмай хурсанд. Киевдаги ўғлини ҳам, у юборган посилкани ҳам, олиб келган Ўтарнию ҳатто лой чапланган, ифлос фургонни ҳам дилида ширин сўзлар билан эркалади. Бироқ Ўтарнинг бепарволиги бари бир унинг жигига тегар, шунда ҳам жаҳли чиқиб кетмасин учун бир нарсая дейишга чўчиб турарди.

Томоғини қириб секин сўради:

— Ўтаржон, машинангни очиб посилкани олиб берсанг бўлармиди...

— Мумкин эмас.

— Нега энди.

— Идорада рўйхатдан ўтказиш керак.

— Кейин қачон қайтасан?

— Эртага.

— Вой-бў, шу ерда бериб қўя қол. Қолган ишни кейин қилаверасан. Идора ахир поезд эмас-ку, кетиб қолади, десанг.

Кемпирбой қайтанга ғалва сотиб олди.

— Бермайман. Эртага паспортингизни ола келинг,
— деди тутақиб Утар.

— Бошпуртни нима қиласан?

— Қоидаси шунақа.

— Оббо, менга ишонмай, бошпуртга ишонасанми?

— Паспортга ишонаман.

— У падарлаънатни нима қиласан?

— Оқсоқол, сўкинманг.

— Сўкиняпманми, ким сўкиняпти?

— Сиз. Бунинг учун ҳали жавоб берасиз.

— Э, бу жинни нима деяпти ўзи? — Кемпирбойнинг жиғибийрони чиқди. — «Жавоб берасани» нимаси? Гўё қулоқлари сўкинишни илгари сира-сира эшитмагандай. Вой-баёв, бошпурт сўраб мазах қилгани ҳам майли-я, ўз ўғлингдан келган посилкани бермагани қизиқ. Бунинг устига «жавоб берасан» деб пўписа қилишига ўлайми... — Кемпирбой чинакамига сўкинади. — Мана сенга сўкиниш! Қалайсан? Энди посилкани бергин-да, судга югур. Ҳеч қанақа бошпурт-мошпуртингни билмайман. Посилка меникими? Меники. Ўғлим жўнатганми? Ўғлим. Мени биласанми? Биласан. Сенга яна нима керак? Оч, машинангни. Кейин марказгами, нариги дунёгами, жўнаб кетавер—ихтиёр ўзингда!

Утарнинг сочи тикка бўлди:

— Акт тузаман!

— Нима? Акт?!

— Ҳа, отамнинг хотирасини ҳақорат қилганингиз учун.

— Э, ит эмган, сўкинган бўлсам, отанг ахир менинг тенгқурим эди-ку.

— Тенгқур, тенгқур... менинг ишим нима? Уни сўкишга ҳақингиз йўқ.

Пахмоқ калласини силкитганича, Утар яғири чиқиб кетган дафтарини олиб капот устига қўйди-да, ёза кетди. Актбозликнинг оби-тобини олган кўринади, кўз очиб-юмгунча битиб ташлади. Уқиб ҳам берди: «Район халқ судига. «Қораспан» колхози № 4 бўлинмасининг почта узели бошлиғи Толемисов Утар бугун, 1976 йилнинг 27 ноябрида аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга йўналтирилган хизмат вазифасини ўтаб турган чоғида...»

— Ҳой!—чўрт кесди Кемпирбой кўзларини қисиб.
— Қанақа бошлиқ ҳақида валдираяпсан. Қанақа?

Сенми ўша бошлиқ? Қаерда бошлиқсан? Ургимчак иси босган, итга ҳам раво кўриб бўлмайдиган ҳужрадами? Сен ҳали ўзингни бошлиқман деб юрибсанми? Кимга бошлиқсан? Ўзингга-ўзинг бошлиқмисан?

— Оқсоқол, шовқин кўтарманг,— Утар чолнинг сўзларидаги ҳақиқатни тан олгандек қип-қизариб кетди.— Буёғини эшитинг.

— Эшитмайман. Қариганимда актларинг етмай турганди. Сен билан Эсқорани оналаринг қоғозга ўраб туққанга ўхшайди. Вой-бў, ҳозир шунақасан, каттароқ почта тегиб қолса, ҳолимиз нима кечади? Осмонда қуш учиб ўтишига ҳам рухсат бермай қўяр экансан-да...

Ким билсин, балки ярим соат ўтиб, ҳатто унга етар-етмас, ҳар икки томон бор заҳар-заққумини сочиб бўлгач бир битимга келарди, эҳтимол. Лекин қаёқдандир дўкончи Мусир билан звено бошлиғи Урисбой келиб қолишдию жанжал яна авж олди. Албатта, аввало улар нима гаплигини сўраб билиб олишди. Ҳар икки жанжалкаш воқеани ўз раъйича, шундоқ ҳам чирсиллаб турган бош қисмини бузиб баён қилди.

— Мен ундай деганим йўқ.

— Айтдингиз.

— Айтмадим, туҳмат чаплама менга!

— Туҳмат эмас, бу—факт.

— Факт-мактинг билан қўшмозор бўл! Билагон бўлиб кетибсан! Шошмай тур, ўғлим келсин, сенга...

— Ўғлингиз аэроплан минса, мен ҳам ундан қолишмайман, машина ҳайдайман. Кўрамиз ҳали Қораспанга—бозорга аэропланда бора олармикансизлар. Бари бир менга ялиниб келасизлар...

Тортишувга Мусир тиқилди. Актни диққат билан ўқиб чиқиб, ўзининг бу ишда устамонлигини намоён этди. Грамматик хатоларини тузатди, жумлаларга расмий тус берди. Демак, у Утарнинг ёнини олмоқчи. Урисбой анчадан бери унинг шаккоклигидан норози, кўзлари билан еб қўйгудек тикилиб турганди.

— Қачондан бери профессор бўлиб қолдинг?— сўради у ҳам жанжалга қўшиларкан.

— Сенинг ишинг бўлмасин...— жавоб берди Мусир. Киссасидан қутисига лотин ҳарфида «Марлборо» деб ёзилган сигарет чиқариб, ёзувларини кўз-кўз қилаётгандек Урисбойга узатди.— Кечирасиз, тамакига қа-

лайсиз? — шундай деркан бошини хиёл эгиб, қўлини кўксига қўйди. «Қалайсан?» дегандек тиржайди.

Ўрисбой ҳам унинг кўзларига тик боқди. Лабларида заҳарханда жилва қилди. Мусир шундагина Ўрисбой уч бармоғини қовуштириб алланимани кўрсатаётганини сезиб қолди. Мусир ўз сўлагига қалқиб кетди.

— У... ҳў, виждонсиз. Ни-ма... Бу? Мен сенга тўғрилиқча...

— Бор, бор—валдирама!—Ўрисбой Мусирнинг таги бўшашиб қолган руҳий таянчини ҳам бир силтовда ағдариб ташлади.

— Ҳов, валдирама деганинг неси?! Оғайничалиш, оғзингга қараб гапир. Йўқса туққан уйингни ҳам тополмайдиган бўлиб қоласан!—Сертакаллуф Мусир қай тарзда жўжахўроз Мусирга айланиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аслида-ку, «Қораспан»нинг тўртинчи бўлинмасида унинг кейинги хислати билан яхшироқ танишарди.

Жаҳл устида Мусир чекиб улгурмаган сигаретини чертиб улоқтириб юборди. У ҳам худди жўрттага қилгандек Ўрисбойнинг кўзлари ёнгинасидан «йилт» этиб учиб ўтди. У-бу тушунтириб ўтиришнинг ҳожати қолмади, Ўрисбой Мусирга ташланиб ёқасидан олди. Шу вақтгача ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқлари оёқ ости қилинганидан хафа, бир четда қолиб кетган жанжал сабабчилари Кемпирбой билан Утар яраштирувчиларни ажратишга киришишди. Улар аллақачон бир-бирига наридан-бери мушт тушириб улгурган эди.

Халойиқ йиғилди. Муштлашганларни аранг ажратишди. Уларни зўр билан судраб олиб кетиш ноқулай: ахир бири—сотувчи, иккинчиси—звено бошлиғи бўлса. Уларнинг ўзлари буни унутиб қўйгандек, охиригача муштлашишга тайёр.

Бир оз вақт ўтгач, албатта эҳтирослар ўз-ўзидан сўниб қоларди-я, лекин яна Кемпирбойнинг товуши эшитилиб қолди.

— Хўш, нима дейсизлар, ҳой, адолат қилувчилар, — деди у Мусир ва Ўрисбойга юзланиб, — мен посилкани нима қилай энди?...

Иккови ҳам чолга ўқрайишди.

— Посилка... Э, ўша посилкангизни ел учирсин... қочиб кетармиди?—дейишди улар алам билан ва бош

оғритишга топган вақтини-чи, дегандек тескари қараб олишди.

— Э, парвардигор!— қичқириб юборди Кемпирбой. — Ҳеч нарсани тушунолмаяман. Ҳали нима сабабдан мушглашганингизни унутиб қўйибсиз-да... Ҳов, Утар, посилкамни берасанми, йўқми? Бермасанг шаҳарга тушишим керак. Эртага арафа, одам чақириб қўйганман, ўзингиз биласиз...

Утар пешонасини тириштириб, худди ҳеч нарса бўлмагандай, район миқёсидаги масалани ҳал қилмаётгандай ўйга толди.

— Ола қолинг, худо йўлига!— деди у машина эшигини очар экан.

— Э, барака топ, бола-чақангнинг роҳатини кўр. Боятдан бери шуни айтмайсанми.

— Айб ўзингизда...

— Ҳа, балки ўзим айбдордирман,— деди Кемпирбой «ўз айби» нимадалигини тушунмаётган бўлса-да.

— Хўш,— у посилкани олгач, кетолмай тўхтаб қолди.— Анови... акт... нима қиласизлар энди уни?

— Тегишли жойга топширамиз.

— Қаерга?

— Судга-да.

— Утаржон, ахир келишиб олдик-ку? Ўзимизни кўпчиликка кулги қилиб нетамиз? Кел, биргаликда йиртиб ташлайлик.

— Мумкин эмас. Гувоҳлар ўқиган, хатосини тузатган. Ўзингиз кўрдингиз-ку.

Кемпирбой бошқатдан қизишиб кетди. Ўзи ҳам шикоят ёзиши, Киевдаги ўғлига айтса, қойил-мақом қилиб ёзиб бериши мумкинлиги билан пўписа қилди. Киевдаги ўғлини эслатиши билан Утарнинг лабларидан қон қочди.

— Оқсоқол, оладиганингизни олдингизми, йўлингиздан қолманг!— дея қўлини силтади.— Керак бўлиб қолсангиз суд чақиртиради.

Шу чоғ бурилишда бўлинма бошлиғи Қуролнинг машинаси кўриниб қолди. Шприц кўтарган ҳамширани кўрган ёш боладай ҳамма турган жойида қотиб қолди. Бошлиқ машинадан тушиб, бекорчилар тўдасини кўздан кечирди. Кейин ёқавайрон, кўйлаги шимидан чиқиб кетган Ўрисбой билан Мусирга назар ташлади. Хижолатдан кўзларини олиб қочишаётган, от

минган Кемпирбойга ва пастдаги Утарга қаради-да: «Хў-ў-ш...» — деди чўзиб.

Бу — «хаммаси тушунарли...» дегани эди.

У: «актив сизлар билан келаси ҳафта шуғулланади», — деб Урисбой билан Мусирга жавоб бериб юборди. Кейин ўйланиб қолди: Утар билан Кемпирбой иши, кўринишидан, уларнинг ўзлари ўйлаётганидан ҳам мураккаброққа ўхшайди.

— Ҳамма айб сизда, оқсоқол, — деди у масалани бир оз ўргангач. — Хў-ў-ш... шундай бўлса ҳам, актни районга жўнатмаймиз. Уртоқлик суди билан чекланиб қўя қоламиз.

Шу гапдан сўнг тарқалишди.

Кемпирбой уйига қош-қовоғи осилиб қайтди. Юраги аламдан сиқилар, ташқарига отилиб чиқиб кетгудек бўларди. У шундай оғир дақиқада ёнида бўлмагани учун ўғлини, чеки-охири кўринмаётган унинг ўқишини ҳам қўшиб хаёлан қаттиқ койиди. Сўнг, оппоқ соқоли билан судга олиб кетишаётганини кўз олдига келтириб, юраги ҳаприқиб, ичида ўт ёниб кетгандек бўлди. Ғам-алам қалбини лим-лим тўлдирди. Эсқоранинг сўзларини эслади: «Осмонда аэропланинг бўлгунча, ерда бир қучоқ беданг бўлгани яхши...»

Уйда Кемпирбой ўн бир яшар набираси — шаҳарга келин бўлган қизининг ўғлини ёнига чақириб олди. Киевга хат ёзишни буюрди.

— Ёз! — дедию жим бўлиб қолди. Аввалгидек узундан-узоқ саломномаю, соғлиқ тилаб чўзилиб ўтиргиси келмасди, кайфияти йўқ. Бу хатнинг ўзи ҳам бошқача бўлиши керак эди-да. У соқолини бармоқлари билан тутамлаб, томоғини қирди. Тилининг учида турган сўзларни йўқотиб қўйганди. У тўсатдан набирасига дўқ қила кетди: — Ёздингми?

— Нима деб ёзай?

— «Тоға» деб ёз. Нима, биринчи марта ёзяпсанми?

— Ахир мен эмас, хатни сиз ёзяпсиз-ку, нега энди «тоға» дейишим керак?

Кемпирбой довдираб қолди. Кейин яна болага ёпишиб кетди:

— Отини айтмаган бўлсам нима қипти? Энди уни тоға дейишим қолувмиди. — У яна жимиб қолди. Набираси «диктант»ни кутиб қўлини чаккасига тираб ўтирарди. Остонада турган посилка тез-тез нигоҳини

Ўзига тортарди: кута-кута энди қўлингни чўзсанг ета-диган жойда турганида, лоп этиб хат чиқиб қолди... Хат бўлганда ҳам ҳали замон тугайдиган хатга ўхшамайди...

— Ёз!

Болани зумда посилка ҳақидаги ўй-фикр тарк этди.

— Ёз: «Ҳол-аҳволинг қалай, ит эмган!» — чол бир-данига ўглининг айбини посилка қутисидан чиқариб олгандек бўлди. — Ёз, нега анқаясан? Нима десам, ҳаммасини ёз. Ёздингми? Хўш... — Кемпирбой айтиши лозим бўлган аччиқ-аччиқ сўзлар газетага ўраб посилкага солиб қўйилгандек, ундан кўзини узмасди. Сўнг шифтга тикилиб гўлдираб қўйди: «Қизиқ, бу ит эмган нималар жўнатган экан?». Шуни айтди-ю, набирасининг олдида ўзини ноқулай сездди. У ҳам дарров қоғозга тикилиб қолди: — Нима деб ёздинг?

— Ўзингиз айтдингиз-ку, нима десам ҳаммасини ёз деб...

— Учир! Бу итвачча мени гўрга тикади, — у яна Киевда юрган ўглидан хафа бўлиб кетди.

— Ҳой, Панзаргул, мана бу лаънати қутини олиб чиқиб кет, ҳеч бир ишни ўзинг билиб-билиб қилмайсан-да! — энди Кемпирбой айбсиз айбдор хотинга зум қиларди.

Кампир эрининг дили хуфтон бўлиб келганини аллақачон сезган, шунинг учун унинг кўзидан нарида юрган эди. Ҳозир ҳам лип этиб эшикдан кирдию қутини олиб тезгина чиқиб кетди.

— Хўш, нима деб ёзган эдик?

— «Ҳол-аҳволинг қалай, ит эмган».

Чол набираси жумлани қоғозга қарамай ўқиб берганидан бола бу хатдан норози эканини билди. Чўзиб ўтирмаслик учун, томоғини қириб давом этди: «Сен ўша Киевингда ўйнаб-кулиб юравер, бу ерда мен бўлсам ҳар қанақа дашномга чидаб ўтиравераман. Яхши-си — у ерда нималар билан машғул эканингни ёзиб юборсанг бўлармиди? Уқияпсанми ё бизларни лақил-латиб юрибсанми? У қанақа ўқиш эканки, чеки-чега-раси кўринмаса? Мен сенга айтгандим Қоплонбекдаги техникумга киргин, деб. Йўқ, ўша тупканинг тагига бориб ўқишинг керак бўлиб қолди. Ўша аэропланингга минг лаънат, ундан кўра ўз оғимда арава ҳайдаб юрганинг яхши эди. Ана, Қуролини олиб кўр, сендан

бор йўғи саккиз ёш катта. Қоплонбекдаги техникумни тугатиб келиб, бутун бир овулни ётқизиб-турғизапти. Шундай дамда ёлғизлатиб қўйдинг... Ҳар кимнинг ҳақоратига қолди куним...»

Кемпирбой нафаси бўғзига тиқилиб, гапиролмай қолди. Набираси югуриб келиб олдига чўккалади.

— Ота, сизни хафа қилишдимми?

— Йўқ! Ёз!— чол набирасини итариб юборди.— Балки сен қайтиб келгунингча бўлар иш бўб бўлар. Мени суд қилишмоқчи. Ҳа, ҳа, суд?!

Набираси ручкани улоқтириб, яна бобоси ёнида тиз чўкди. Бўйнидан қучиб олди. «Ота-а...»

— «Ота» эмиш! Йўқол! Нима, мени душманлар таслим қилди деб ўйлаяпсанми. «Ота»... Кўрамиз ҳали, катта бўлганингда. Сен ҳам қандайдир Киевни ўйлаб топасан-у, оёғингни қўлга оласан!

Бола йиғлаб юборди. Жойига бориб ўтирди.

— Бўлди!— бу ёғини Кемпирбой чўрт кесиб қўя қолди.— Посилкани олганимизни қўшиб қўй. Бўлдингми?

— Бўлдим...— деди бола бурнини тортиб.

— Ана энди хатни Ўтарнинг қутисига элтиб ташла.

Бола конвертта адресни шошмасдан тиришқоқлик билан ёзди. Расманасига кайфияти синиқ бобосини ташлаб кетгиси келмасди. Ҳатто у ўн кун кутган посылка ҳам кўз ўнгида аҳамиятини йўқотди.

Эрта кўкламдан то кеч кузга қадар машаққатли меҳнатдан сўнг овулда ҳукм сураётган сокинлик бузилди.

Тўрт кундан кейин одамлар ялписига ўртоқлик суди бўладиган чоғроққина клубга йиғилди. Ҳар йилги ҳисобот сайлов мажлисларида ҳам клуб ярим-ёрти тўлар, колхоз активлари уйма-уй юриб одамларни аравага босиб олиб келишарди. Бу сафар игна ташласанг ерга тушмайди. Жой етмаганлар дераза, эшик олдида тик туриб қолган. Кемпирбой масаласининг ўртоқлик судида кўрилиши «Қораспан» колхозининг тўртинчи бўлинмаси учун айтайлик, жаҳонга машҳур Нюрнберг жараёнидан қолишмайдиган воқеа эди. Мўъжазгина саҳнадаги узун столга қизил алвон ёйилган. Столда сув тўлдирилган графин (бошқа вақт уни клубдан чироқ ёқиб тополмайсиз), қоғоз, қаламлар... Электр чироқлари одатдан ташқари ёрқин. Буларнинг

ҳаммаси ўртоқлик судида бугун ниҳоятда муҳим масала кўрилишини ва бу масала, ҳар қандай иш талаб қилганидек, жуда ҳам одилона ва қаттиққўллик билан ҳал қилинишини билдирарди. Саҳнадан совуқ уфурар, залда сукунат ҳукм сурарди.

«Жараён» тезда бошлана қолди. То саҳнага чиққунча Кемпирбойни одамлар шовқини кузатиб борди. Олдинги қаторларда ўтирган қулоғи оғирроқ чоллар кўзларини намлаб ҳам олишди.

Йигилганлар аввало ўртоқлик суди таркиби билан таништирилди.

РАИС—Маҳаллий совет депутати товуқбоқар — Мулдабой.

СУД аъзолари—Қурол—бўлинма бошлиғи (банд бўлгани туфайли ҳозирча иштирок этмаяпти).

Ўтеш—секретарь.

Кумушбой—зоотехник.

Алиқул—колхозчи.

Уларнинг қисқача характеристикалари:

Мулдабой Нурмуғамбетов—товуқбоқар. Ишга ҳалол, виждонан ёндашади, адолатсизликка муросасиз. Атеист. Айниқса ислом динини ёқтирмайди. 1969, 1973, 1975, 1976 йилларда колхоз умумий мажлисининг делегати бўлган.

Қурол Утинчиев—1972 йилдан бери бўлинмага раҳбарлик қилади. Шу бўлинмада туғилиб ўсган. Икки йил мобайнида Қоплонбек зоветирнаррия техникумида сиртдан ўқиб, узоқ йили битирган. Лаёқатли ташкилотчи, софдил, ҳалол гражданин. Кулгининг қадрига етади. Ўтган йили район вакили келганида унинг «Қурғоқчиликка қарши қандай курашяпсизлар?» деган саволига доводи раб қолмасдан: «Худо йўлига икки марта қурбонлик қилдик...» деб жавоб берган эди.

Ўтеш Оймаутов—бухгалтер. Чимкентдаги бир йиллик бухгалтерлик курсини битирган. Бўлинмадаги ўртоқлик судига асос солганлардан бири. Арақ хўжаликка 121437 сўм 74 тийин зиён келтиришини ҳисоблаб чиққанидан бери ичишни бутунлай ташлаган. Тўй базми дастурхонига ҳам арақ қўймаслик керак, деган янги удум жорий этмоқчи. Бу таклифини республика гражданилик кодексига киритишни сўраб, Қозоғистон

ССР Маданият министрлигига мактуб йўллаган. Ҳозирча жавоб олгани йўқ.

Парҳеда.

Кумушбой Жийдабоев—зоотехник. Назарий билимга эга бўлмаса-да, амалий жиҳатдан ўз ишининг устаси. Чорвани урчитиш бўйича колхозда биринчилардан бўлиб СЖК усулига ўтган. Чили ватанпарварлари билан бирдамлик митингида, турмада азоб чекиб ётган Луис Корваланга пул ёрдами бериш ташаббусини кўтариб чиққан. Лекин пул жўнатишга тўғри келмади, чунки хабар қилишларича, Луис Корвалан бизнинг митингимиздан бир кун аввал Москвага келишга муяссар бўлган экан.

Алиқул Тозабеков—колхоз аъзоси. Ҳар қандай ишни завқ билан бажаради. Бўлинма халқ контроли комитетининг раиси. Ўтган йилги мажлисда икки соат ишга кечикиб келганлиги учун ўз хотинини қаттиқ танқид қилган. Адабиёт мухлиси. Айтишларича, у бўлинма ҳаёти ҳақида тарихий дoston ёзаётган, бугунгача 140 та ўқувчилар дафтарини тўлдирган эмиш. Рус ёзувчиларини ниҳоятда ҳурмат қилади. Бир ўғлининг исмини Мамин, иккинчисини Сибиряк қўйган.

Ўртоқлик суди йиғилишини Мулдабой очди. У халқ орасида биринчи марта сўзга чиқаётгани йўқ. Гапирадиган гаплари ёд бўлиб кетган. Нутқ моҳияти асосан колхоз раиси—Жабборқул Усмонов билан бўлинма бошлиғи Қурол Ўтинчиев мадҳиясидан иборат бўлди.

— Уларнинг оталарча ғамхўрлиги остида хўжалигимиз йилдан-йилга юксалиб борапти, колхозчиларимиз даромади ўсяпти, давлатга пахта топшириш плани ошириб бажариляпти. Уларнинг бетиним ғамхўрлиги туфайли ҳар бир колхозчи ўз уй-жойига эга, болаларни тарбиялаб, муносиб ўринбосарларни ўстиряпти.

Мулдабой Ўтарнинг ўртоқлик судига йўллаган ақтини ўқиб эшиттирди. Шунингдек у «ўз қулоғимиз билан эшитдик» деб имзо чеккан иккита гувоҳнинг иловасини ҳам ўқиб берди.

Гувоҳ тариқасида Урисбой ва Мусир залда пайдо бўлганида, Кемпирбойнинг таажжубдан оғзи очилиб қолди.

— Шундай қилиб, ўртоқ Бойжигитов,— давом этди Мулдабой довриаб қолган Кемпирбойга мурожаат қи-

лар экан,— шу йилнинг 27 ноябрь куни аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга йўналтирилган хизмат бурчини ўтаб, марказдан қайтаётган Ўтар Толемисовнинг отаси номини тилга олиб сўкинганингиз ростми...

— Сен нега буни мендан сўраясан,— унинг сўзини бўлди Кемпирбой кўзларини қисиб,— анави гувоҳлардан сўра. Қара-я, «ўз қулоқларимиз билан эшитдик», деб қўл қўйишга ҳам улгуришибди-я...— Кемпирбой газабдан ўзини тутолмай қолди.— Вой-бойёв, сизга нима, а? Сиз, итлар ахир мени деб муштлашиб кетдиларинг-ку! Қара-я, энди адолат ҳимоячиларига айланиб қолишибди. Ахир сизлар кейин келдингиз-ку? Ёки ўзларинг уйда ўтириб, қулоқларингизни машинага ташлаб кетган эдингларми. Мени эмас, уларни сўд қилиш керак, уларни!

— Ўртоқлар... ўртоқ Бойжигитов,— Мулдабой столини тақиллатди.— Бу бошқа масала. Сиз Толемисовни сўкканингизни тан оласизми?

— Ўртоқ эмиш... Нар и тур-е, кемтик,— Кемпирбой тобора ёниб борарди.— Қачондан бери менга «ўртоқ» бўлиб қолдинг. Хўп, сўкибман, хўш, осмон узилиб ерга тушибдимми? Сўксам одамни сўкибман, ўз тенгимни сўкибман. Ўзинг яқинда рўзанинг муқаддас кунлари, худодан қўрқмай, товуқларни болахонадор қилиб бўралаётган эдинг-ку!

— Худони тилга олма. Бу ерда кўпчилик— коммунистлар,— тартибга чақирди атеист Мулдабой.

Кемпирбой анчагина уни кўзлари билан пармалади.

— Мулдабой, қараб тур, букчайиб қоласан-а. Сен ўзинг эҳтиёт бўл, худога шак келтирма... Ана, мачитлар ҳам давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ҳадеб аравани қуруқ олиб қочаверма...

Кемпирбойнинг далил-асосли луқмаси Мулдабой обрўйига анча путур етказди. Залда жонланиш содир бўлди. Бироқ Мулдабой таслим бўлиб ўрганган эмас. У воқеани тезда керакли оқимга буриб юбориш зарурлигини тушуниб қолди.

— Шундай қилиб, бир одамни сўкканингизни бўйингизга оласизми? Бизга ҳозирча шунинг ўзи кифоя.

— Айтдим-ку, бўйнимга оламан. Кўтариб юрганинг қулоқми ё кўршапалак қанотими? Сўкдим! Ҳамма сў-

кинади. Раис ҳам, Қуролбой ҳам сўкинади. Қани, умрида бирон марта сўкинмаган одам ўрнидан турсинчи!— у залдагиларни бир-бир кўздан кечирди.— Айтинг-чи, қани қай бирингиз авлиёсиз?

Бирон киши миқ этмади.

— Ана, ҳамма сўкинади. Демак, ҳамманинг ўрнига мени суд қилаётган экансизлар-да? Шуни деб халқни овора қилиб тўплаганингиз ортиқча. Очигини айтсам, Мулдабой, товуқчалик миянг йўқ сенинг.

Мулдабой ғазабнок ўрнидан туриб кетди.

— Сиз... сен... ўртоқ... оғзингга қараб гапир!.. қаерда турибсан ўзи? Мени ким деб ўйлаяпсан? Биласанми, кўрсатиб қўйишим мумкин! Сен чўпон бўлгандан буён ҳамма сигирлар айнаб кетди. Бировларнинг ҳовлисига бостириб киргани-кирган.

— Сенинг товуқларинг ҳам қолишмайди. Шунанганги қарови яхшики, ҳар қадамга биттадан «тухум» ташлаб кетади. Ҳаммаёққа ахлат экиб ташлашган. Пати тўкилган, думи юлинган, кўрганнинг кўнгли айнайди. Дўл ёққанда, эсингдами, товуқларинг ҳушини йўқотиб, патсиз яланғоч, даштга тумтарақай қочишганди. Аравага ўтириб бутун даштни кезиб йиғиб чиққан сен билан мен эмасмидик? Менинг сигирларимни кўрсанг-чи! Бу атрофда меникидан семизроғи бормикан? Силлиққина, йилтиллайди, елинлари ерда судралади. Сен ўзингга қарасанг бўларди, хумпар!

Мулдабойни қудуқдан сув чиқараётган мотор каби титроқ босди.

— Ни-ни-ма дедингиз?

— Ўзи битта эди.

— С-сен... ўртоқ...

— Мен сенга ўртоқ эмасман, адашма.

— С-сен... сен... Хулигансан... Хулиган!

— Ўзинг хўл-еган.

— Сигирларинг қаёқлардадир шаталоқ отиб санғиб юради, ўзинг уйда оёқ узатиб ётасан, текинхўр!

— Менми, ҳали текинхўр?! Э, падарингга...— Кемпирбой Мулдабой томонга отилди. Ўртоқлик суди аъзолари, даъвогар Утар, гувоҳлар Ўрисбой ва Мусир Кемпирбойни зўрға ушлаб қолишди.

Одамлар шовқин кўтарди. Саҳнада англаб бўлмас тўполон юз берди. Шу вақт тўсатдан остонада колхоз раиси билан бўлинма бошлиғи пайдо бўлишди. Улар

халқ театри спектаклигами ёки тўртинчи бўлинма клубигами, қаерга келганларини тушунолмайдиган гарангсиб қолишди.

Халойиқ қимир этмайди. Саҳнадан саккиз жуфт кўз янги келганларга бақрайганча тикилган...

Аввал клубни раис тарк этди. Унинг кетидан бўлинма бошлиғи ҳам сирғалиб чиқиб кетди.

— Бу қанақаси? — бўлинма идорасига келгач сўради раис.

— Ҳм... м... ўртоқлик суди...

— Қанақа ўртоқлик суди!

Қурол воқеа қандай бўлганини бошдан-охир гапириб берди.

— Хў-ў-ш. Мияннга яхшилаб қуйиб ол: бундан кейин бунақа нарсаларни мени хабардор қилмай туриб ўтказилмасин, тушунарлими? Бўлинмадаги носоглом бетартиблик учун правление йиғилишида жавоб берасан. Кечирим сўратиш, тил топишиб, келиштириб қўйиш мумкин эмасмиди? Дабдурустдан ўртоқлик суди эмиш-а... — Зудлик билан тарқалишсин. Активлар кетмасин.

— Хўп бўлади!

Ўртоқлик суди натижасиз тугади.

* * *

*

Эрталаб уйдан, «бу қанақа шармандаликки, қарганимда қандайдир ўртоқлик судига тушсам», деган хаёл билан, ичига чироқ ёқса ёришмайдиган аҳволда чиқиб кетган Кемпирбойни кечга томон кўрсангиз. Энди у отини гижинглатиб, ниманидир хиргойи қилиб келарди.

Колхоз раиси бўлинмага зудлик билан ҳал қилиш лозим бўлган масала юзасидан келган экан. Ун кундан кейин Москвада очиладиган чорвадор мутахассисларнинг Бутуниттифоқ конференциясига колхоздан иккита делегат бориши керак эмиш.

Делегатни танлаш масаласига жуда жиддий ёндашишди. Чорвадорларнинг рўйхатини бир неча карра кўздан кечириб, Кемпирбой номзодига тўхташдан ўзга чоралари қолмади. Ун бир йил давомида унинг пода-

сидан фақат иккитагина мол нобуд бўлган. Бирон йил йўқки, планини бажармаган бўлса.

— Уятга қолибмиз-ку, тоза, — деди раис кекса чорвадор кўрсаткичлари билан танишиб. — Нега энди биз шунақа одамларни илғамаймиз, нега сиз маълум қилмайсиз? Бечорани ўртоқлик судида дўппослаганингиз ортиқча. Бу қанақа бўлди, ўртоқ бўлинма бошлиғи? Сўккан бўлса, сўкибди-да! Кекса, хизмат кўрсатган одамларимизнинг эркалигини кўтариш керак! Гап шу — райондан кўрсатма келиши билан уни орденга тавсия этинг. Ҳозирча ҳужжатларини тўғрилаб қўйинг.

Шу десангиз, колхознинг бош зоотехниги Ўринбой Дузенов билан чўпон Кемпирбой Бойжигитов райондагина эмас, область бўйича ҳам энг яхши чорвадор мутахассис бўлиб чиқишди. Москвага ҳам шуларни юборишга аҳд қилинди.

— Кампир! Ҳов, кампир! — Кемпирбой уйига шод қийқириб кириб келди. — Чолинг делегат бўлди. Эшит-япсанми, кампир, де-ле-гат!

— Бу нимаси, шунақа жазо беришдими?

— Э, сен нимани тушунардинг! Москвага кетяпман, Москвага! Эрта билан чолингни суд қилишмоқчийди, энди бўлса у де-ле-гат!

— Вой, шўрим қурсин, уёқда нима бор экан?

— Йиғилиш бўлар экан, каттакон йиғилиш. Бутун мамлакатимиздан чорвадорлар тўпланишади. Энди, кампир, бир қўй сўйиб, меҳмон чақирмасак бўлмайди. Сафар бехатар бўлсин учун, дегандек. Кейин бор овозда куйлай кетди:

— Эй, хо-ҳу, ҳа, хо-ҳу, ҳа-ҳи... Хо-ҳу, хоҳ-хей...

Куйни эзиб айта-айта ҳовлидан чиқиб кетди.

Кейинги кунларда шундоқ ҳам боши айланиб юрган кампир ҳеч нарсани англай олмай елкасини қисди:

— Вой, айланайин-ей, эси жойидамикин? Қанақа сўд, қанақа делегат? — Кейин чолинг кетидан юғуриб чиқиб, қайта сўраб олди:

— Ростдан ҳам йиғилишга кетяпсанми?

— Бўлмасам-чи! — деди қўрадан қўйни етаклаб чиқиб оёғини боғлаётган Кемпирбой. — Ё мени уёққа соқчилар қўриқлаб кетади деб ўйлаяпсанми?

— Шўрлик, ахир русчани билмасанг, нимани тушунасан?

— Йўқол, кўзимга кўринма,— дея чол унга ўқрайди.— Қара-я, ҳали ақл ўргатмоқчи. Нима, бошқа борадиганларнинг шохи бор эканми? Ундан кўра қайреқтошни олиб кел!

Оқшом Кемпирбой набирасини эртанги меҳмондорчиликка айтиш чиқиш учун қўшниларникига жўнатди. Бармоқларини букиб: «Фалончини айтасан, писмадончини ҳам», деб бирма-бир санаб берди.

Бола: «Ур-ра! Бобом Москвага кетяпти»,— деганча югуриб дарвозага етганда Кемпирбой уни тўхтатди.

— Ҳой, шошма... Анали қитмир Ўрисбой билан Мусирни айтишни ҳам унутмагин.

— Хўп. Ўтар акани-чи?

— Майли уни ҳам айта қол, яккамохов бўлиб қолмасин!

Вақт хуфтондан ўтгач, овуликларнинг кўпчилиги уйқуга ётаётган паллада, Кемпирбой кампири ва набираси билан янги сўйилган қўй гўштидан иссиққина жарқонни еб, чой ичиб ўтиришарди.

— Мулдабойни бугун бекор хафа қилдим,— деди чол жимликни бузиб.— Эртага унинг олдига каллани¹ қўйинглар. Нима бўлганда ҳам эски қадрдонлармиз. Ўзи ҳам ҳумпар, яхши йигит-да! Шунақанги ҳақиқатчи-ки отасини аямайди.

Куни билан чеккан уқубатлари таъсир қилдими, ҳадеганда томоғи қуриб қолаверди. Чол алламаҳалгача майдалаб, бир қултум-бир қултумдан жимгина чой ичиб ўтирди. Шу кўйи ўтириб-ўтириб тўсатдан «Вой-бў!» деб юборган эди, кампир чўчиб, қўлидаги пиёласи чайқалиб кетди.

— Астафурилло! Худойим-ей, нима бўлди, жиннинни бўлиб қолдингми?

— Хат... хат... Анови хат!

— Қанақа хат?

— Қанақа бўларди... о парвардигор! Боласи тушмагур овора бўлиб келиб юрмаса эди!

— Қайси бола?

— Э, даф бўл-е, шўртумшуқ. Қайси бўларди, Киевдаги боланг-да! Ё мени яна бирон жойда бекитган бо-

¹ Анъанавий меҳмондўстлик одати—энг ҳурматли меҳмон қўйнинг калласини бўлиб, уни меҳмонларнинг ёши ва мавқеига қараб улашади.

лам борми? Сафаржон, ирғиб тургин-у, Утарникига югур. Билиб кел-чи, ўша хатни қутидан олганмикан, ё йўқми.

Бола ялангоёғини ботинкага тиққанча елиб кетди. Кампирнинг «болани тинч қўясанми?» деб жавраши-ни чол худди айбини бўйнига олгандек индамайгина эшитди. Энди кампирини узиб олмоқчи бўлиб турга-нида эса ҳаллослаб Сафаржон қайтиб келиб қолди.

— Нима? Жўнатворибдими?

— Йўқ. Эсидан чиқиб қолган экан. Эртага ўзи олиб келиб берармиш.

— Баракалла, катта киши бўлгин, дастерим! Эрта-га Утарга ошиқли илик¹ тортиш керак бўлади. Қизи-талоқ жуда тажанг йигиту, лекин кўнгли очиқ...

Хурсанд бўлганидан Кемпирбой яна чойга ружу қўйди. Самовар пишиллаб шовқин қилар, чол эса ун-дан кўзини узмай хаёл сурарди: «Неча кунгача у лаъ-нати почта қутисининг яқинига ҳам йўламаган бўлса керак. Ишга совуққонлигини қаранг... Актдаги «аҳо-лига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга йўналтирилган...» деган жумлани эслаб, Кемпирбой шарақлаб кулиб юборди.

— Вой, худо-ей, сенга нима бўлди,— кампири ба-қариб берди. У яна чўчиб, чойини тўкиб юборганди.— Одамни жинни қилиб қўйишинг ҳеч гап эмас. Ол, ўзинг қуйиб ич!— чойнакни чолнинг олдига суриб қўйди-да, набирасини етаклаб чиқиб кетди.

Чол аллазамонгача чой ичиб, ўйларига эрк бериб ўтирди. Балки нималарнидир эслагандир... Агар шун-дай бўлса, табассум лабларини сира тарк этмаганидан, бу хотиралар нақадар ёқимли эканини англаш қийин эмас...

* *
*

Кемпирбой Москвага бориб қайтди. Яна меҳмон чақариб зиёфат берди. Кейин эса Мулдабой, Эсқора, Урисбой, Мусир, Утар ҳамда ўртоқлик суди аъзолари бирма-бир қўй сўйиб уни меҳмонга чақаришди.

¹ Ошиқли илик меҳмонга дўстлик ва аҳиллик рамзи сифати-да тортилади.

Бу орада Эсқоранинг ўртанча қизи қўшни овуллик йигитга эрга тегиб кетди. Икки овул йигитлари келин тараф—куёв тараф бўлиб муштлашиб олишди. Охиروقибатда, иккала тараф яна ярашди.

Кўкламга чиқиб: «Ўтар ўшанда хотиним билан қизимни Арисга олиб боришга ваъда бергани учун актга имзо чеккан эдим», деб Ўрисбой Кемпирбойдан узр сўради. Шу муносабат билан у Кемпирбойни яна бир карра меҳмондорчиликка чақирди.

Шундай қилиб, то турналар келгунча овулнинг боши хурсандчиликдан чиқмади. Кўклам келиши билан эса, бўлинма ўша эски тартибда яна дала ишларига киришиб кетди.

Бу йилни ҳам бўлинма аъзолари яхши яқунлади. Давлатга маҳсулот топшириш процент ҳисобида қуйидагича бўлди:

Пахта—133,4

Гўшт—148,9

Жун — 119

Тухум—121,5

Ем-хашак тайёрлаш—142

Яна кузги лойгарчилик бошланди.

Ҳозирча тинчлик-хотиржамлик.



**АВИШ
КЕКИЛБОВЕВ**



Авиш Кекилбоев 1939 йилда туғилган. «Олтин нур» шеърлар тўплами, «Дашт дostonлари», «Вир сиқим тупроқ» номли повесть ва ҳикоялар тўпламларининг ҳамда «Давр билан юзма-юз» деган танқидий мақолалар тўпламининг муаллифи.

А. Кекилбоев асарлари СССР халқлари тилларида ҳамда немис, венгер, румин ва болгар тилларида чоп этилган.

БАХТ ЧУПИ

Ха-а... агар омад келса ишлар йўргалаб кетаверар экан. Ўз этагини ўзи босиб йиқилиб юрадиган, чой қайнатиб келгунча эл-юрт бир жойдан кўчиб, бир жойга ўрнашишга улгурадиган ивидиқ Сақип ўша куни қора қумғонни бир зумда қайнатиб келди. Етти овулни қидириб топиб бўлмайдиган саёқ саман ҳам атайлаб биров арқонлаб қўйгандай овул орқасидаги майсазорда ўтлаб юрарди. «Асли ишим бароридан келадиганга ўхшайди», — деб кўнглидан ўтказди Сақипнинг эри Қорабола узангига оёғини қўя туриб. Кейин, тизгинни энди ушлаётганда: «Ёспирай, ҳалиги фикрим куфрлик бўлмасин-да!» — деган гап кўнглидан ўтди. Ичида уч марта калима келтирди. Кейин: «Ё олло, ўзинг ёр бўл!» — деб, товоли билан саманнинг биқинига нуқди.

Қораболанинг табиати жуда қизиқ: унинг учун бировга илтимос қилишдан ҳам ортиқроқ жазо йўқ. Лекин бугун илтимос қилишга тўғри келадиганга ўхшайди. Бетингни қаттиқ қилиб сўраганга яраша илтимосинг қондирилса майлига-я, бироқ елка қисиб кирган эшикдан сўлжайиб

чиқсанг бир замбил лэй бўлдим деявер! Худога шукур, босқон билан қора болға орқасида кун кўриб келатир, унга доим одамларнинг иши тушиб туради, ўзининг эса уларга иши кам тушади. Тонг отгандан кун ботгунча овул четидаги устахонадан чиқмайди. Бошқа қарияларга ўхшаб тўй-маъракаларга яқинлашмайди ҳам. Тўғри, бирор киши вафот қилса марҳумнинг руҳини ранжитмаслик учун унинг таъзиясидан четда қолмайди. Борганда ҳам баъзи овул сўзамолларининг валақлашига қулоқ солмай якка ўзи четроқда ўтиради.

У овулдошлари орасида камсўз, танҳоликни ёқтирадиган киши сифатида ном чиқарган эди. Мана энди ўша доим уйдан чиқмайдиган, индамас Қорабола ундай-бундай жойга эмас, тўғри район марказига кетяпти.

У қудасиникига меҳмондорчиликка эмас, зарур иш билан улкан бошлиқнинг олдига кетяпти. Уни бу ишга қариндоши жанжалкаш Ўнгбой мажбур қилди.

Ўнгбойи тушмагур ниҳоятда тиниб-тинчимас одамда! Қаерда йиғилиш бўлса кафтига тупуриб, биринчи бўлиб минбарга чиқади. Овулга қанча бошлиқ сайланмасин, улар билан биринчи бўлиб Ўнгбой танишади. Қаерда жанжал чиқса Ўнгбой давранинг ўртасида бўлади. Бу борада унга ҳеч ким бас келолмайди.

Яқинда у боласи орқали Қораболани чақиртириб келди. Қорабола остона босиб ўтмасданоқ Ўнгбой унга қарчиғайдай ташланди:

— Туғилмай кетгурлар, оғайни бўлиб омонлиғимизни ҳам билмайсанлар. Ораларингда бақириб юргандagina кераги бор эканда Ўнгбойнинг? Бетобланиб ётиб қолганимга роса ярим йил бўлди. Биттанг ҳам шум бошингни эшикдан суқмадинг. Падарига лаънат мана-ви қийшиқ таёқнинг! Унга осилиб диконглаб юришга бундан-буён тоқатим қолмади. Ҳукумат биздақаларга машина ажратади. Тезликда ҳаракат қилмасанг туянинг қумалоғини ҳам ололмайсан. Районга бориб, шу юмушни пухталаб кел. Ўзинг биласан, идорама-идора юриб рамазон айтмасанг, ишинг битмайди. Ҳозир ўз бўксам ўзимга юк бўлиб турибди, мен боролмайман. Ота-боболаримиз бир мастон кампирнинг кўкрагини сўрган, ҳимматингни кўрсат. Темир-терсагингни бир кун тақиллатмасанг осмон ерга узилиб тушмас, бо-

риб кел. Агар шу айтганларимни бажармасанг, эртага, мен ўлганда «вой бағримлаб» ёнимга келсанг, манови болдоқ¹ билан қоқ манглайингга солиб қоламан, ҳа, билиб қўй!

Қорабола унинг пўписасини эслаб, жилмайди, мўйловининг учи силкинди. «Хумларнинг даъвосини қара, ўлаётганда ҳам одамларнинг ёқасига ёпишмоқчи-я. Тагин ҳам ўзини босиб ўтирди. Бояқишнинг қуруқ шақиллаган суяги қолибди. Бари бир одамнинг раҳми келади. Ҳа, жуда қийналибди. Қуруқ териси билан суяги қолибди. Узоқ бўлса ҳам ҳар қалай қариндошчилиги тўғри. Ундан ташқари, бирга ўқишган».

Ажаб, Унгбой ёшлигидаёқ урушқоқ эди. Ун беш ёшга тўлар-тўлмас жамики қизи бор уйларнинг деворига тайлоққа ўхшаб суйкангани-суйканган эди. Урушдан ўнг оёғини йўқотиб қайтди. Бир оёғини судраб бўлса ҳам овулнинг бир четидан кириб, иккинчи четидан чиқиб юрди. Ўғри мушукдай баъзи бева хотинларнинг уйини овлаб чиқди. Бир неча марта қариялардан қамчи ҳам еди...

Унгбой ёшлигида бирор кимсадан курашда йиқилиб қолса:

— Бари бир Унгбойнинг ошиғи олчи, — дерди иштонига юққан чангни қоқаётиб. Ҳақиқатан ҳам унинг иши доим бароридан келарди. Кейинги пайтларгача ғам нима эканлигини билмади. Кичкина бўлса-да, мустаҳкам хўжалиги бор эди. Кузга келиб ишлар чаппасига кетди, қишда эса остона хатлаб кўчага чиқолмай ётиб қолди. Ёши улғайгандан кейин эски яра оғриққа киргандай бўлди.

Унгбой тўшакка ётиб қолгандан кейин идорадагиларнинг қулоғи тинчиб қолди. Бироқ гапириб ўрганган оғиз уйда ҳам тинч турмайди. Ишқилиб: «Унгбой ундай депти», «Унгбой бундай депти», — деган миш-мишлар кишилар оғзидан эшитилиб қолади. Баъзи бировлар: «Ўлим тўшагида ётган шу чўлоққа нима зарур экан-а?» — деб ғижинса, бошқа бировлар: «Бечора, қариганда ёмон қайтди», — деб афсусланади. Унинг қилмишини қораловчилар кўп, аммо ёнини олувчилар оз эди. Бутун ҳаёти давомида у кимлар учундир курашиб келди, кимларнидир ҳимоя қилди, идорама-идора

¹ Болдоқ — қўлтиқтаёқ (қовоқча).

югурди, мана ҳозир эса, ўз касаллиги билан курашиш навбати келганда ўзининг ожизлигини пайқаб қолди. Болалари бўлса худди қасдма-қасдга олгандай қайсар отасига тортмади, ўз этагини йиғиб ололмайдиган бўш-баёв онасига ўхшаб ўсишди. Ҳаммаси ҳам оғзидан сўзи тушган латта базм болалар. Тўнғич ўғли шофёр эди. Бўшлиги туфайли бурнининг тагидан машинасини олдириб қўйди. «Ҳаммаси менинг ётиб қолганимдан. Гавдамни судраб юришга қодир бўлганимда ўғлимнинг бошлиғининг бошига болдоқ билан тушириб, асфаласофилинга жўнатар эдим!» — деб гижинади. «Ундай демадингми, бундай демадингми», — деб боласини сўкади. Ўғли эса эшитилар-эшитилмас, «Кўка¹, қўйчи!» — деб минғирлайди. Кейин ўғли судралиб олисдаги бир отарга сақмончи² бўлиб кетди.

Ана шундан кейин Ўнғбой ўғлидан ҳеч нима чиқмаслигига кўзи етгач Қораболани чақиртирган эди. Ўнғбой Қораболани қариндошим деб юради. «Манглай терингни қанча оқизсанг ҳам анови овул оралаб, қарта ўйнаган Ҳасанга ега олмайсан. У қўйларни бола-чақасига боқтиради-да, шон-шуҳратга ўзи эга бўлади. Олмаотада, Москвада бўладиган виставкага доим шу боради. Ҳар борганда гилам орқалаб, ҳинд чойини яшиклаб олиб келади. Яхши мақтов сўзини доим у эшитади. Сен бўлсанг эртадан-кечгача сандонга болға уриб босқон ёнида кун ўтказасан, — деб таъна қилади.

Қорабола бутун ҳаёти давомида район марказига иккинчи марта бориши. Биринчи марта йигитлар билан военкоматга борган эди. Бу воқеа уруш бошланган биринчи кунда бўлган эди. Уни фронтга яроқсиз деб топишди. Тизсанг чиққан дедими, тўпигинг қийшиқ битган дедими, ҳайтовур, аскарга олишмади. Икки-уч марта хотинининг қўшни овулдаги қариндошлариникида меҳмон бўлди. Шундан бери қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Мана бугун яна йўлга чиқишга қарор қилди. Йўлга чиқишга чиқди-ю, юраги ҳаприқиб, зиғир ёғи ичиб қўйган одамдай кўнгли озиб борар эди. Ўзича бюрократ деб ҳисоблаган район бошлиқлари билан учрашишни кўз олдига келтириб борар эди. Ўнғбойнинг фикрича раҳбарларнинг бири қанча илти-

¹ Кўка — дада.

² Чўпон ёрдамчиси.

жо қил, қанча ишонтир, бари бир, раҳми келмайди, ўлжасини пойлаган бургутдай жим тураверади. Иккинчиси бўлса, туққан отасини ҳам қабулхонада икки соат кутдириб, кейин қабул қилади. Учинчисини эса, қишда бировга қор бермайдиган, ёзда чўпни ҳам қизганадиган, арзи-доди битилган қоғозни бурни тагидан юз марта ўтказиб, сарсон-саргардон қиладиган тош-юррак одам деб ҳисоблайди. Ўнғбойнинг гапига қулоқ солсанг, бутун бошли районда битта ҳам гапга тушунадиган киши йўқ. Унингча, қовурғаси синмаган ўнталикни кўргандагина закускаси билан яримта «оқ бола»ни муҳайё қиладиган официантка хотингина яхши, холос. Малол келадигани шундаки, Ўнғбой уни бюрократлар уясига юбориб машина ундириб келишни талаб қилди. Оқ тоғни айириб, қора тоғни қайириб олиб келадиган қудратни унга ким берибди? Шундай бўлса ҳам у виждонини оқлаш учун, бемор қариндошининг илтимосини ерда қолдирмаслик учун районга боришга рози бўлди. Қирчанғи оти ҳам ҳар қадамда туртиниб, аранг оёқ ташлайди. Ҳар замонда Қорабола узун резинка қамчинни эриниб силкитиб қўяди.

Бийдай чўл. Бўрондан кейинги таниш манзара: ер торс-торс ёрилиб кетибди. Қаерга қарасанг судралиб бораётган тошбақага кўзинг тушади. От туёғининг майин овозини эшитгач, беозор жонивор ташбақа сергакланади, бўйнини ичига тортиб, тош қотади, сағал нари кетишинг билан яна судралиб кетаверади. Табиатнинг ажойиб каромати! Ана, битта тошбақа, това ўрнидай ёриқдан чиқиб келаётиб, чалқанча бўлиб, тўнтарилиб қолибди. Бояқиш жон-жаҳди билан оёқларини ўйнатади, ток занг-новдасига ўхшаган хунук бўйнини уёқ-буёққа айлантиради. Оғзида битта чўп бор эди. Буғдой донидай чағир кўзларда қўрқув сезилиб турибди. Кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу жонивор от устида ўтирган киши нима қиларкин дегандай мўлтираб қарайди.

Ағдарилишга уринаётган тошбақага Қораболанинг раҳми келди, эгардан эгилиб, қамчи дастасини у томон узатаётганда қадимгиларнинг баҳорда чўп тишлаб кетаётган тошбақа албатта бахт келтиради деган гапини эслаб, отдан тушди. Тошбақанинг ёнига бориб, чўнқайди: «Бисмилло!» — деб унинг оғзидаги чўпни олди. Бу чўлда ўсадиган оддийгина ингичка чўп эди. Уни

кафтига қўйиб сийпади. Кейин чалқанча бақрайиб ётган тошбақани ағдариб қўйди. Отига минди. Бир оз юриб яна кетига ўгирилиб қаради. Муқаддас тошбақа ҳали бўй чўзмаган ёвшанлар томон тирмашиб, ўрмалаб борарди. «Епирай-ей, ишонайми, ишонмайми? Яратган эгамнинг суйган бандаси бўлдим шекилли. Қайси қилигим билан ёқдим экан», хаёлидан ўтказди Қорабола. Кутилмаган бахтдан юраги гуп-гуп уриб кетди. Боядан бери қийналиб келаётган: «Районга бориб, ҳеч нима битирмай қайтсам Ўнгбой бошимда данак чақади-ку»,— деган ўй ҳам ёдидан чиқиб кетди. Кафтидаги чўпни хотини дори олиб келиш учун берган рецепт қоғозига ўраб, қўйин чўнтагига солиб қўйди. Ҳаяжонланганидан қамчи дастаси билан жийроннинг сағрига шарт-шурт туширганини сезмай қолди... От думини силкитиб, йўрғалаб кетди.

— Малла жийрон, ҳой, малла жийрон,

Қиз билан йигит кувда пишар айрон...

Хиргойидан Қораболанинг мўйлов учлари титради. Аксарият кўнгли шод бўлганда Ўнгбойдан эшитган ҳалиги қўшиқни айтиб юборганини сезмай қолади. Ҳа, тўполончи Ўнгбой ўтириш, йиғилишларда бўлар-бўлмасга бирор кишига тирғалади, тегажоқлик қилади, жанжалга баҳона қидиради. Кейин, кўзларини олайтириб даҳанаки жангга киришиб кетади. Бир оздан сўнг жанжалда ғолиб чиқса хурсандчиликдан кўзлари ёниб, ўйин тушгандай бўлади. Бордию рақибдан енгилса, пешонасининг тери қотар-қотмас болдоқни қўлтиққа олиб ароқ тўла стакан ушлаган қўлини кескин сермаб, бор овоз билан бақиради:

— Малла жийрон!..

Бу ашулани эшитгач дастурхон атрофида ўтирган хотинлар хиринглаб кула бошлайди. Қорабола бўлса қанақа малла жийрон, қиз билан йигит нима учун кувда айрон пишади, буларнинг ҳозирги воқеага қанақа алоқаси борлигига тушунмай боши қотади. Ишқилиб бир-бирига сира боғланмаган мана шу маъносиз, мантисиз икки сатр ашула унинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган. Бир нарсадан хурсанд бўлса шу сатрлар тилининг учида ўралаверади. Қораболанинг ашуласи Ўнгбойникидай одамларнинг ичак силласини қотириб кулдирмайди, балки кишининг уйқусини келтирадиган, мунгли чиқади. Бироқ ўзи шунга ҳам хур-

санд. Үзича, унинг ашуласини тинглаган қўшиқ шинавандалари ёз чилласида чўллаб айрон ичган йўловчидай ҳузур қилади.

Қораболанинг отаси туябоқар, чўлда якка ўзи яшар эди. Шунинг учун бўлса керак, унинг ўгли, яъни Қорабола ёввойи, одамови бўлиб ўсди. Тортинчоқлигидан ота-онасининг пинжига тиқилгани-тиқилган эди. Мана, ҳозир ҳам кимсасиз, жимжит чўлда хиргойи қилиб, хавотирланиб атрофга қараб қўйди. Худо кўрсатмасин, унинг ашула айтганини биров эшитиб қолса борми, ана унда кўрасиз етти овулга жар солишларини...

Шип-шийдам чўл ҳавоси баҳор фаслини эслатади. Қиш бўйи мовийлигини йўқотган осмон ғарибона хира кўринади. Худудсиз чўлда тўрт оёқлилардан ёлғиз ўзимман, дегандай от жонивор пишқириб, бошини силкитиб борарди.

Қорабола ёшлигини, бўлиб ўтган воқеаларни эслаб илжайди. Овул советининг ҳовлиқма секретари уни отасининг қўлидан тортиб олгудай бўлиб, мактабга олиб борди. Мактаб биноси бир вақтлар мачит бўлган эди. У овул четида жойлашган бўлиб, оқ тошдан қурилган, товуқнинг катагидай тор эди. «Оқ мачит» оти ўзгариб, «Оқ мактаб» бўлган эди. Бироқ, халқ уни «Оқ мачит» ҳам, «Оқ мактаб» ҳам демай, «Оқ школ» дерди. «Оқ школ»га ўрдан-қирдан йигирма чоғли бола тортилди. Уларнинг ичида энг катталари ўн икки яшар Унгбой билан Қорабола эди. Унгбойнинг зеҳни ўткир, Қорабола эса, алифни калтак дея олмайдиган, ўйинқароқ эди. Ҳисоб дарсида туя, йилқи, қўй, эчки мисолида сонларни олиб, қўшганда сира мудрамасди, бироқ ўша китобда ёзилган симга қўниб турган тўрғайларнинг, боғдан териб келтирилган яшик-яшик олмаларнинг, икки шаҳардан бир-бирига қарама-қарши йўлга чиққан велосипедларнинг тезлигини ҳисоблашга келганда мияси ишламай қоларди. Унгбой бўлса тонг отар-отмас кўзини оча солиб велосипед миниб, боғдан олма териб ўсгандай, симга қўнган тўрғайларни санаб катта бўлгандай «ол» десанг ҳам, «қўш» десанг ҳам, «бўл» десанг ҳам, «кўпайтир» десанг ҳам, лаби-лабига тегмай сайраб кетарди. У «Оқ школ»нинг барча илмини эгаллаб, қўшни колхоздаги еттинчи синфни ҳам битирди. Қорабола қўшни колхозга бориб ўқиш уёқда турсин,

«Оқ школ»нинг озгина билими билан кифояланди, ўқишдан совиб кетди. Ўнгбой сочини бир томонга силлиқ тараб, қордай оқ кўйлак, қора шим кийиб юрадиган олифта йигитга айланди. Намлаб тараган сочи ҳам, оппоқ тиши ҳам, доим кулиб турадиган кўзи ҳам, ҳар куни мойлаб турадиган қоп-қора туфлиси ҳам ўтган-кетганнинг диққатини ўзига тортади. Қорабола бўлса, этаги ер супурадиган узун чопон, оёғида ағдарма этик, доим ёқавайрон бўлиб юради. Овулда Ўнгбойдан ишқий мактуб олмаган бирор қиз қолмаган. Ўнгбойнинг чўнтаги қизлар совға қилган ҳошияли рўмолча билан тўлиб-тошиб ётади. Бирор йиғилиш бўлса кўзлари ўтдай ёниб ўртада пайдо бўлади. Қўйларнинг жунини қирқишми, пичан ўришга бағишланган йиғилишми бўлса докладчидан кейин албатта унинг оти тилга олинади. Халқ маъқуллаб чапак чалади. Залда ўтирганлар ҳам, тўрда ўтирганлар ҳам бошларини қимирлатиб, танглайини тақиллатади. Юқоридан келган вакиллар «келажаги порлоқ ўткир ёш йигитнинг» қўлини қисиб, елкасига қоқишади. Ҳа, агар уруш бошланиб қолмаганида Ўнгбой катта дўкай бўлиб кетарди ҳам. Шуларни ўйлаганда Қораболанинг юраги қисилиб кетади. Дўсти одамларнинг оғзига тушганда сира ичиқоралик қилган эмас: «Ўнгбойни мақтамаганда кимни мақтайди, ундай йигит қаерда топилади?» — деб кўнглидан кечиради у. Ўнгбой болалигидаёқ отасининг этагидан ушлаб, соядай эргашиб юрарди, Қорабола бўлса, йигит чоғида ҳам отасининг орқасига яшириниб юрарди. Одамлар унинг дўстига ҳавас билан қараганда, бир четда турган Қораболанинг оғзи қулоғига етгудай бўлар эди. Докторлар уни урушга ярамайсан деб қолдириб кетганларида ҳам, саф олдида ғоздай кўкрак кериб турган Ўнгбой билан хайрлашаётганда ҳам кўз ёшлари ёмғирдай ёққан эди. Ўнгбой лабини тишлаб, унинг қўлини қисиб хайрлашган эди. Шунда Қорабола етим боладай букчайиб овулга қайтган эди. Дўстининг оқарган пешонаси, унинг жиддий қарашлари кўз олдидан сира кетмас эди. Шундай ажойиб йигитчани ўқ ёмғири остига жўнатиш унга жуда эриш туюлган эди.

Аввал бошданоқ ўзгаларни бир бошқа, дўстини бир бошқа санаб ўсган Қорабола сафга ғоз қатор тизилиб турган ёшлар орасида фақат ёлғиз Ўнгбойнигина ўзига яқин кўрарди. Ўнгбой урушга кетганда Қорабола

овулда юришга қаттиқ уялар, виждони азобланарди. Эл-юрт: «Қанчадан-қанча бўз йигитлар қон кечиб юрганда манови юзи қоранинг омади келганини қара», — дейишидан ор қилиб, одамларнинг кўзидан ўзини олиб қочиб юрди.

Шу аҳволда тўрт йил темир сандон билан босқон олов ёнидан нари кетмади. Уруш тугашига бир йил қолганда Унгбой фронтдан қайтиб келди. Қорабола тутун қорайтирган ишхонасидан ўша куни ташқарига чиқди ҳисоб. Тўрда қўшэстиққа суяниб ўтирган дўстини, унинг деворга суяб қўйилган болдоғини, пойгакдаги эскирган якка этикни кўриб, Қорабола ҳайкалдай қотиб қолди. У бир оғиз ҳам гапирмай, иккала қўли билан дўстининг қоқ қўлини қучди, ҳарбий кийимдаги дўстининг қонсиз юзига айбдорларча кўз югуртирди, кейин худди дармони қуригандай ҳолсиз ўтириб қолди.

— Қалай, соғ-саломатмисан, дўстим? — деб сўради Унгбой бармоқлари билан мўйловини силаб.

Унинг бу гапидан баъзи овулдошлар ноқулай аҳволга тушди: гўё Унгбой бу билан: «Овулда юрган ени қайси ёв оларди», — дегандай бўлди. Қорабола унга эътибор бермади. Кечагина эл-юртни оғзига қаратиб келган сўзамол Унгбойга бир оёқли ногирон бўлиб қайтиш осонми? Чуқур тушиб кетган кўз қорачиқларидаги учқун ўрнини қаҳр-ғазаб эгаллабди. Унгбой кимга мурожаат қилса кескин зарда билан гапирарди.

Шу йили кузда Унгбой колхоз раислигига сайланди. Бир оёғи узангида, болдоқлари эгарнинг орқасига ўнгариклик. Чўлоқ раис сира кутилмаган жойда тўсатдан пайдо бўлиб қоларди. Одамлар кўрмаган нарсасини кўради, билмаганини билиб туради. Уроқчи аялар раис келиб қолишидан чўчиб соя-салқинда валақлашиб ўтиришмайди. Хирмон кўтарган қариялар дон янчиб бўлгандан кейин ирм деб таниш-билишларга пақир-пақир дон улашишларини бас қилишди. Колхоз конторасининг хизматчилари оёқ учуда юрадиган бўлди. Унгбойнинг колхозни районда биринчи бўлиб заёмга ёзилиш планини бажарди. Бўйдоқлик солиғи ҳам у келгандан кейин биринчи бўлиб бажарилди. Унгбой раис бўлгач, ўн икки ой бекор ётадиган қирга мол ёйилди. Унгбойдан олдин кийик билан олқардан бошқа жонивор кўринмайдиган ўтлоқларга ўроқ туш-

ди. Ўнғбой даврида арпа, буғдой, тариқ экилди, сой тўсилиб, ҳовуз қурилди. Ўнғбой даврида барча пойгаларда соврин олишга қодир аргимоқлар пайдо бўлди. Ҳатто у раислик қилган пайтда деворий газеталар, жанговар варақалар ўз вақтида чиқа бошлади. Ўнғбой раис бўлгач, биринчи марта меҳнат кунига пул берила бошланди. Ўнғбой даврида одамови Қорабола мажлисларда гапга чиқадиган бўлди. Оёқяланг чопар болалар овулма-овул югуриб дам конторада, дам бошқармада бўладиган мажлисга одамларни чақиради. Колхознинг шуҳрати бутун районга ёйилди... Афсуски бир оёқли раиснинг даври узоқ давом этмади.

Майда хўжаликларни йириклаштириш ҳақидаги чақириққа биринчи бўлиб Ўнғбой жавоб қилган эди. Тез кунда қўшни уч колхоз бирлашди, бироқ раисликка Ўнғбойни эмас, бошқа кишини сайладилар. Ўнғбой раисга муовин бўлиб қолди. Бироқ, икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамаслиги ҳаммага маълум: раис билан муовин тил топиша олмадилар. Мажлисларда бир-бирлари билан даҳанаки жанг қилиб, халқ олдида бир-бирининг обрўсини тўка бошлади. Бу қарама-қаршилиқ тезда душманликка айланди: юқори ташкилотларга ариза ёзиш бошланди. Жанжал раисни узоқдаги бошқа бир колхозга раҳбарлик қилиш, муовинни эса, фермага мудир қилиб тайинлаш билан тугади. Ўнғбой қўл силтаб ётиб олди, ишга чиқмади. Бир ой ўтгач уни районга чақириб, гўшт тайёрловчиликни таклиф қилишди. «Торозига термулиб ўтиришга зор эмасман», — деб бормади. Ундан кейин унга солиқ йиғадиган хизматни таклиф қилишди: «Тийин санаб ўтиришга вақтим йўқ», — деб унга ҳам кўнмади. Шундан кейин ҳеч ким уни йўқламади. Нар итди, бери ётди, нолиди, куюнди, жаҳлланди. Бир неча бор юқори ташкилотларда ишлайдиган бошлиқларга Ватан олдидаги хизматларини эслатиб, шикоят ёзмоқчи ҳам бўлди. Худди шу пайтда унинг бахти чошиб, районга нефтни, сувми қидираётган экспедиция келиб қолди. Қайси қилиғи билан ёққангани бир худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Ўнғбой уларга маъқул келди. Уни оғбор мудир қилиб тайинлашди. У вақтларда колхозда бензин ҳам, машинанинг эҳтиёт қисми ҳам тахтчил эди. Мана энди, бензин ҳам Ўнғбойда, машинага зарур бўлган темир-терсак ҳам Ўнғбойда. Колхоз бош-

лиқларининг саломлашишдан бошқа қўлидан ҳеч иш келмайди. Ана энди, Ўнгбой кўканг, ҳушига келса, чиройли қилиб русчалаб бир сўкинади-да, бензинни қуяди. «Бориб мишиқи бошлиқларингга айт!»—деб бир қанча нордон гапларни қаторлаштириб ташлайди. Ҳамма шофёрларнинг оғзидан Ўнгбойнинг исми тушмай қолди. Модомики шундай экан, Ўнгбойнинг гапини ерга ташлаб бўладими? Шунинг учун ҳам унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди.

Овулдаги каттаю кичик «Ўнгбойнинг қўлидан ҳамма иш келади», дер эди. Колхоз омборидан чиққан бир челак бензин қаёққа кетишидан қатъи назар, овулда дув-дув гап бўлиб кетарди.

Ҳаммадан кўра ҳам янги раисга оғир бўлди. Шофёрлар Ўнгбойнинг «саломини» иссиқ ҳолича унга етказганларида, бояқиш худди саксовул чўғини ютиб юборгандай сакраб тушарди. Қизарарди, бўзарарди, кўкарарди-да: «Шошмай тур, чўлоқ, сени бир қопқонга туширмасам отимни бошқа қўяман»,—деб яниб қўярди. Бир куни овул магазинидан бир яшик коньяк, бир яшик ароқ олди, битта қўй сўйиб, овул активлари билан бирга экспедиция бошлиғини уйига таклиф қилди. Аммо-лекин, экспедиция бошлиғи пихини ёрган одам чиқиб қолди. Зиёфат пайтида дам раиснинг хотинини маржа деб мақтайди, дам болаларини—«баранчуклаб» эркалайди, дам «бешбармоқни» мақтайди. Қўйнинг калласи ажойиб экан деб, бармоғини шақиллатди, қимронга тан берди, қимизни кўкларга кўтарди, хушбўй вино билан аччиқ ароқни ҳам унутмади, тун яримдан оққанда эса мезбоннинг елкасига қоқиб, уй тўла аёл-эркакни бир четдан ўпиб, кўзига ёш олиб, хайрлашди. Бироқ «кладовшик Ўнгбой Бисанов» масаласига келганда кўнгил учун кулгани билан томоғини қириб, бирор ўринли гап айтмади. Раис рақибини ёмонламоқчи бўлган эди, маккор бошлиқ бошини сараксарак қилиб кулди. Раис Ўнгбойни шарманда қилмоқчи бўлса, экспедиция бошлиғи эса, хиринг-хиринг кулади. Раис қайси томондан келмасин, бошлиқ меҳмон яккаш: «Бисанов—ақлли одам!»—деб ўзининг фикрини тасдиқлайди. «Ўнгбойни тинч қўй», дегандай сирли илжаяди.

Пичан тайёрлаш керак, ҳосилни йиғиб олиш керак, молнинг туёғини ошириш зарур. Қисқа қилиб айтган-

да, планни бажариш керак. Планни тўлдириш учун эса, машиналар юриб туриши керак, уларга эҳтиёт қисм керак, биринчи навбатда бензин ҳаводай зарур. Ахир ҳозирги техника қаёқда-ю, бурунги ўроқ, мола, омоч қаёқда! Ўнгбойни қанчалик ёмон кўрма, бари бир унга ялинишга тўғри келади, унга таъзим қилишга мажбурсан. Ўнгбой ҳам ўз қадрини яхши биларди. Ой охирлаб қолганда ё квартал охирида, айниқса, йил ту-гаганда, шофёр, бригадир, механик уёқда турсин, у ҳатто инженер билан ҳам гаплашишни хоҳламас эди. Бошлиқ аралашмагунча иш битиши қийин эди. Колхоз бошлиқлари ноилож унинг ёнига бўйинларини ҳам қилиб боришар эди. Бироқ, уларнинг қувончи узоққа чўзилмасди. Бир амаллаб план бажарилганда, кўнгил энди тинчиганда овулда: «Ўнгбой бўлмаганда колхоз бошлиқлари тиканга ўтириб қоларди»,—деган миш-миш оралаб қоларди.

Аммо ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади. «Осмондан тушган ботмон қуйруқ»—экспедиция қайтиб кетди. Ўнгбойдан безор бўлган кишилар, энди унинг қўли ҳам, тили ҳам кесиладиган бўлди деб қувонди. Бироқ ундай бўлмади. Унинг қўли калта бўлса ҳам, тили беш қарич узайиб кетди. Тўғриси айтиш керак, тушган зарба анчагина залварли эди. Ҳамма нарса ўзгарган эди. Аввалига «маълумотли раҳбарлар» керак бўлди, кейин эса, «ёш, ишбилармон» ходимларга суяна бошлашди. Ўнгбой яқинда ўзига номуносиб деб ҳисоблаган иш билан шуғулланиб, тийин устида тиш синдира бошлади. У тарози ёнида туриб савдо қилишга мажбур бўлди. Буниси ҳам ҳолва. Яқиндагина қўйнинг ҳидидан бурнини жийирадиган олифта йигит энди жун ва терининг бадбўй ҳидига кўниккан эди. Зах омборда қўлтиқтаёғига суяниб чўт қоқади. Овулда жун ва тери кўпайиб қолганлиги сабабли, ҳамманинг Ўнгбойга иши тушарди. Унинг омборида керакли ҳамма нарса топиларди. Асл фамилчой дейсизми, ўткир носвой дейсизми—бари бор эди. Бурчакдаги яшиқда эса, одамнинг ҳаваси келадиган оқ, жигарранг, кумушранг ичимликлар сақланарди. Ўнгбойнинг номи яна ҳамманинг оғзига тушди. Аксарият у ишдан чарчаб чиқиб, оқсоқланганича уйига қайтарди. Йўлда бирор даврага йўлиқиб қолса, уларга албатта қўшиларди.

Уларга қўшилгандан кейин бирор кимса билан санманга бормагунча кўнгли жойига тушмасди.

Яқиндагина кишилар орасида «учар», «шинаванда» деб ном олган Ўнгбой тез кунда «ғаламис», «тўполончи», «уришқоқ» деган ном орттирди. Аввал унга асалга ёпишган пашшадай ўралашган одамлар энди ундан тутундан қочган чивиндай қочиша бошлашди. Ўнгбой кўчага чиқиб олиб, томоғи йиртилгандай душманларини сўкарди. Сўнгра ёлғизлик жонига тегиб, Қораболаникига йўл оларди. Дўстининг уйига кириб, намага яхшилаб жойлашиб олгач, болдоғини остонага улоқтирарди. Қораболанинг хотини Сақий меҳмон олдига оппоқ дастурхон ёзиб, ёнбошига парёстиқ қўярди. Томоғини ҳўллаш учун мезбондан яримта талаб қиларди. Қораболанинг ичишга нўноқлигини билганлиги учун ўзига стаканни тўлдириб қуяр, дўстининг пиёласига бир-икки томизиб қўярди, холос. Қорабола озгина ичиб олса бас, лаблари осилиб бўлар-бўлмасга кулаверарди. Иккинчи қадаҳдан кейин эса ёнбошлаб хуррак отишга тушарди. Ўнгбой қовурдоққа роса тўйгач, аччиқ чой ичиб мудрарди, кейин ҳамсуҳбатидан ажралиб қолмаслик учун унга озгина ичириб, гапга соларди.

— Ҳа, шўрпешона!— дейди Ўнгбой индамас тенгдошига мастона кўзларини сузиб қараб.— Манглайинг шу қадар кенг-ки, худди яйловга ўхшайди. Шундай бўлса ҳам омад кулиб боқмайди. Нима, сен бошқалардан кам топаяпсанми? Ёки афти башаранг хунукми? Бекор гап! Бунақа тўла юзли, басавлат, хушимўйловли қозоқнинг расми ҳар қандай газетани безайди. Раҳбарларнинг ақли бўлганда, мана бизнинг машъалимиз, қаҳрамонимиз деб сени кўтар-кўтар қилиши керак эди. Улар бўлса аллақандай Ҳасани кўтар-кўтар қилишяпти. Унда на афт бор, на ангор. Шуям қаҳрамон бўлди-ю! Уят! Қуруқ суяк! Омад, дўстим, бу инжиқ хотинга ўхшаган нарса. Бахт эса бир кўзли махлуқ. Бахт кўтар-кўтар қилинаётган одамни кўрмайди. Кўриб қолгудай бўлса, баланддан бир йўла гирдобга улоқтиради. Мени айтди дерсан, анави ўлимтик Ҳасан осмонга учиб кетади. Кўрасан!

Шундай деб бир оз жим қолади. Кейин стаканни тўлдириб ичиб юборади. Даҳшатли олов унинг ичини ёндиргандай туюлади. Бу оловни ароқ билан ҳам, ач-

чиқ пиёз билан ҳам, ёглиқ қовурдоқ билан ҳам, ўткир чой билан ҳам ўчириб бўлмайди. Фақатгина дағал сўзларгина боса оларди.

— Эҳ, ишим юришиб кетса бахтни эгарингга қаққайтириб қўярдим.

— Оҳ, нимасини айтасан, азизим...

Чой қуйиб ўтирган Сақипга бу гаплар мойдек ёқарди. Ҳа, албатта, ўша даврлар ҳозир бўлганда Ўнгбой булар учун кўп нарса қилиб берган бўларди.

— Ҳа, ҳа, ҳа!— Сақипнинг фикрини сезгандай гапида давом этади Ўнгбой.— Ўзим айбдорман. Ўзим!— У қутуриб, ёстиқни эзғилайди.— Колхозларни йириклаштиришаётганда мени раис қилиб кўтармоқчи бўлишди. Мен бўлсам район активида раҳбарларнинг қоғозбозлик стилига қирғийдек ташланиб, биринчига тегиб ўтдим. Танқидим унинг тақир бошига тегиб кетганини сезмай қолди. Аммо-лекин кўз олайтириб қўйди. Шу кундан бошлаб ишим орқага кетиб, мени худо уриб қолди. Бу дунёда индамасларга ҳам, бақи-роқларга ҳам, ҳаддан ташқари кўп ўйлайдиганларга ҳам, ақллиларга ҳам бир хилда ёмон. Жуда бадавлат бўлсанг ҳеч нарса демасликлари мумкин, лекин жуда ақлли бўлсанг ҳар ким ҳам сени кечиравермайди. Улкан ақл баъзида оёққа кишан бўлади. Худо бермаган бўлса ёки бериб олиб қўйган бўлса ҳам хафа бўлмасдим. Сенга ваъда қилиб беришмаса ёки бурнинг тагидан олиб кетишса жуда алам қилар экан. Уни то ўлгунингча эсингдан чиқармайсан. Мана шунақа, оғайничалиш.

Ўнгбой тенгдошига синчковлик билан қараб, шишада қолган ароқни стаканга ағдарди. Кейин Қораболанинг елкасига бир қўли билан суяниб шиддат билан ўрнидан турди. Сақип шоша-пиша қўлтиқтаёқни тутқазди. Ўнгбой башараси бўздай оқариб, бошини чайқаб, бақириб ашула айта бошлади. Олдинига албатта русча қўшиқ бошлади. Юракни эзадиган, изтиробли ғалати қўшиқ. Қорабола билан хотини қўшиқ сўзларини тушунишмайди, шундай бўлса ҳам оҳангидан юрак бағирлари эзилади. Ўнгбой тобора авжига чиқади. Оғзини беркитиб турган ўсиқ мўйловлари диккаяди. Кейинги пайтда анча чўкиб қолган, хўмрайган кўзларда яна ўйноқи шуълалар пайдо бўлади. Гезарган лабларига яна жон киради. Унинг туришини кў-

риб, Унгбой қўлтиқтаёқда эмас, балки икки оёғида тик тургандай туюлади. Тўсатдан русча қўшиқ қозоқча билан алмашади, ҳаяжонланиб кетган Сақипнинг кўзларида ёш пайдо бўлади. Қораболанинг нигоҳи хиралашиб, кўз атрофидаги томирлари асабий титрай бошлайди. Уй эгаларининг кўнгли бўшашиб кетганини сезган Унгбой мунгли ашуласини авжга чиқаради. Раҳмдил кишиларнинг кўз ёшлари унинг қалбидаги аламни ювиб юборгандай, ҳозиргина очилган ёнақ сувнинг кучини кесгандай, юракни сиқаётган ғам-алдужни нари ҳайдагандай бўлади.

Қўлларини эр-хотиннинг елкасига қўйиб чуқур хўсиниб:

— Вой, бояқишларим-ей! Бизга қарашли ўн чоғли уйда мендан бошқа битта ҳам юрагида ўти бор одам қолмади. Эрта-индин мен анов-манов бўлиб кетсам, қайси биринг бел боғлаб чиқар экансизлар, — дейди.

Қораболанинг унга сари юраги эзилиб:

— Суянчиғим, Асқар тоғим, — деб қўяди.

Эр-хотиннинг дилини вайрон қилган Унгбой болдоғини «тақ-туқ» қилиб уйдан чиқиб кетади. Болдоғининг «тақ-туқ» этган товуши узоқ вақт эшитилиб туради. Қорабола шу куни кўз юмолмайди.

Девқоматли, кучли эркак ўз ҳаётида кўп нарсага эътибор бермас, уни билишга қизиқмас эди ҳам. Худого шукр, қўлини қовуштириб бекор ўтиришни билмайди. Сақип ҳам ивидиқ бўлгани билан уй ишларини тебратиб туради. Уғил билан қиз туғиб берди. Уғли бўлакча чиққан, жуда чаққон, йилқичи. Қизи қўшни овулга турмушга чиққан, ўз бошпанаси бор. Ҳар ҳолда яшаш мумкин. «Қорабола, фалон нарса ясаб бер» десалар ясаб беради. «Қорабола, ана шу жойга бориб кел-чи», деб илтимос қилсалар бориб келади. Худого шукр, шу вақтгача бирор киши манави ишни қилмабсан», деб шикоят қилмаган. Шунинг учун бўлса керак, бўлар-бўлмасга нолийвермайди. Фақат Унгбой келиб-кетгандагина унда шубҳа пайдо бўлади, ҳақиқат, адолат ҳақида ўйлаб қолади. Юрагида алланималар ғимирлайди. Нима учун дўстидан бахт юз ўғиргани, омади кетгани ҳақида фикр юритади. Ё Унгбойнинг сирли шамаларида бир гап бормикин? Ахир, бу овулда Унгбойга кек сақловчи бирор киши йўқ-ку? Оғир пайтларда ундан ҳеч ким юз ўғирмади.

Бари бир, унинг турмушига биров ҳавас ҳам қилмайди. Гап нимада? Балки ҳаёт Қорабола тасаввур қилгандан бошқачароқдир? Ундаги шунча тажриба, шунча ҳунар нима бўлади? «Ўзимдан бўлди, вақтида ундай қилмадим, вақтида бундай қилмадим»,— дейди. Эҳтимол шундай ҳамдир. Омад кетса шунақа бўлар экан-да. Бўлмаса, Ўнгбой ўқимасмиди? Ўқиганда шундай аҳволга тушармиди, балки катта одам бўлиб кетармиди!

Мана ўзи шу ёшга етгунча топганида кийиб, буюрганини ичиб, ҳеч нарсанинг ваҳимасини қилмади. Ота-онаси дунёга келганда китоб ҳам очтирмабди, қулоғига азон ҳам айттирмабди. Қора ўглининг исмини Қорабола қўйибди вассалом. Мана, ана шу Қораболани шу ёшга келганда ҳеч ким эркалаб «Қорака» деган эмас. «Қораболанинг иши», «Қораболанинг ҳунари», «Буни Қораболага ишлатиш керак» дейишади, холос. Йигин-маракаларда ҳам тўрга чиқмай, пойгакда ўтиради. «Худо ҳам қизиқ-да» деб кўнглидан кечиради-да, кейин: «Тавба қилдим, тавба»,— деб қўяди. Қизиқ-да, чўп тишлаб кетаётган ҳосиятли тошбақа «ман-ман» деган тақводорларга эмас, фақат қирқ йил бурун уч синфни тугатган мендай омий темирчига йўлиқди. Ундан кўра, учиб кетаётган қушнинг парини юлиб оладиган Ўнгбойларга учраса бўлмайдами? Бу бахт унга буюрса—эҳтимол олашовур Ўнгбой ёшлигига қайтармиди.

Кўзга яқин шўх йигит қўшни район мактабини эмас, Олмаота, ҳатто Москвадаги катта мактабларни битириб машҳур киши бўлиб кетармиди. Улкан олимлар билан президиумда савлат тўкиб ўтирармиди. Овулдан борган болаларни олий мактабларга жойлаб қўярмиди. Бу овулдан борган бемор, меҳмонхона талаблар унинг уйига тушармиди. Ўнгбой телевизорда чиқиб, радиодан гапирадиган кишиларнинг бири бўлиб кетармиди.

Ана шунда унинг ёнига бориб: бирга тепкилашиб ўсган эдик, ўғлим Қувватбек пулни супуриб оляпти— лекин ўта тортинчоқ, уятчанг, машина зарур эмиш, бунинг учун навбат кутиш керак эмиш. Одамларнинг айтишига қараганда машина олиш учун фақат пул кифоя қилмас эмиш, таниш-билиш керак эмиш. Қани шунга ёрдам килиб юбор. Уша ўзинг кўрган қизим

Жангил турмушга чиққан, майда-чуйда болалари ўс-япти, ўзининг уй-жойи йўқ, уни қўллаб юбормайсанми. Бошлиқларга телефонингни жиринглатиб қўйсанг бас. Кўринган одамдан: «Қорабола деган тенгдошим бўлар эди, у соғ юрибдими?» — деб сўраса мен учун обру эмасми... Хулласи калом, иши юришиб кетса ҳозиргидай итнинг думи сингари судралиб юрмас эди. Бояқишнинг пешонасини ажин тириштириб юборибди. Кўзларининг ости салқиб қолибди. Қошлари сийраклашиб диккайган. Мўйлови осилиб қолган. Кўз қорачиғида хасталик белгилари сезилиб турибди. Эски қуроқ кўрпачага ўралиб олган бу хаста одамни фақатгина аччиқ, кинояли сўзларидангина бир вақтлар ҳаммани даҳшатга солган Ўнгбой эканлигини билиб олиш мумкин эди.

Қорабола саманни товони билан ниқтади. Йўқ, унинг сафари албатта ўнгидан келиши керак. Чўп тишлаган тошбақани йўлда учратгани бежиз эмас. Агар касал ётган тенгдошининг илтимосини амалга ошира олса, ким билади дейсиз, балки бечора ўрнидан туриб кетар.

Тушга яқин район марказига етиб борди. Чанг босган қийшиқ кўчаларда адаша-адаша йўловчилардан сўраб-суриштириб охири, керакли идорани топди. Қошлари қора ипдай терилган жувон, ноз билан ғоздек кеккайиб, овулдан келган тортинчоқ қозоқнинг арзини тинглади. Сўнгра кабинетга кириб кетди. «Кираверинг», деди у хонадан қайтиб чиққач. Эшик қаршисидаги девор тагига қўйилган, қарағайдан ясалган стол ёнида, пальтосини елкасига ташлаб олган қотма киши ўтирарди.

Оқ маъдан қопланган тишини ялтиратиб, Қораболанинг нима юмуш билан келганлигини суриштира бошлади. Қораболанинг илтимосини тингларкан у газета варағини шарт-шурт очиб, мақолаларга кўз югуртирарди. Қорабола сўзлашдан тўхтагач, у газетадан кўзини узди. Кекирдаги туртиб чиққан узун бўйинини чўзди-да, бошини ғалати қилиб қийшайтирганча, келувчининг иягидан пешонасигача, сўнгра пешонасидан иягигача қараб чиқди. Кейин илжайган эди, оқ маъдан қопланган тишлари ярқ этиб кетди.

«Ўнгбой ғоятда аниқ тасвирлаб берган экан, — хаё-

лидан ўтказди Қорабола.— У ҳақиқатан ҳам тулки уяси олдида турган тозига ўхшайди».

— Билаган, билаган, оқсоқол,— деди қотма одам. — Сиз анави жанжалкаш Бисенов ҳақида гапиряпсиз. Бизда, унинг район раҳбарларини сўкиб ёзган хати турибди. Бир йўла ота-онамизни ҳам қуруқ қўймабди. Албатта, ўч олиш учун бу ғаламисни роса овора қилсак бўларди. Лекин сиз атайлаб келган экансиз, йўқ дея олмайман. Умуман олганда, унга машина берилиши шарт. Буни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳам бор. Аммо уни биринчи ярим йилликда машина олувчилар рўйхатига қўшишни фақат бошқа идора ҳал қилади. Агар уёқдан буйруқ бўлса, биз ишингизни тўғрилаб берамиз. Сиз инсофли, номусли одам кўринасиз. Сизга йўқ дейишмас. Шундай экан, марҳамат қилиб уларга мурожаат қилинг.

Қотма киши шундай деб Қораболага яна тикилиб қолди. Қорабола аранг ўрнидан турди.

— «Искра» қалай? Қишловдан яхши чиқдимми? Қўзилар омонми? — қизиқиб сўради қотма киши.

— Худога шукр, ёмон эмас...

Қорабола бу бесўнақай, бўйни узун одамни қаерда кўрганини эслашга уринди. Эшикни бекитаркан, у томонга яна бир қараб қўйди. Аммо эслай олмади.

Кейинги идорада одам аввалгисига қараганда кўпроқ эди.

Қабулхонасининг узун деворлари ёнига қатор қилиб юмшоқ стуллар қўйилган. Уларнинг деярли ҳаммаси банд эди. Ўтирганларнинг тиззасида семиз папкалар бор эди. Ҳойнаҳой бошлиқ ушланиб қолган бўлса керак. Машинкасини чиқиллатиб ўтирган малласоч, ёқимтой қиз тез-тез жиринглаётган телефон трубкасини кўтариб, узун-қисқа жавоб қайтаради.

— Йўқ. Йўқ. Ҳали келгани йўқ. Одам кўп.

У ҳар гал трубкани кўтарганда, қабулда ўтирган кишиларга кўз қири билан қараб қўяди. Ўз навбатида папкасини тиззасига қўйиб, одоб сақлаб ўтирган жиддий одамлар секретарь қизга қараб-қараб қўйишади. Ниҳоят қора дерматин ёпиштирилган эшик очилиб, бошлиқ кириб келди.

У паст бўйли, ихчамгина одам эди. Қарашлари ўткир, синовчан. Ёноқ суяклари туртиб чиққан. Кичкина бўлса ҳам, савлатли кўринади. У ҳеч кимга эътибор

бермай шаҳдам қадам ташлаб, қора дерматин қопланган кабинетни томон йўналди. Эшигини ярим очиб, секретарь қизга ўтирилди-да, бир нима деди, шу пайт кўзи беҳосдан энг чеккадаги стулда ўтирган Қораболага тушиб қолди. Қошларини чимириб, бир нарсани эслашга уринди. Кейин юзига бирданига қон югуриб, сал илжайганича бошини қимирлатиб қўйди.

— Саломат бўл, қадрдоним,— шошиб деди, ўридан хиёл қўзғалиб Қорабола. Сўнгра нимадир эсига тушиб қизариб кетди. Қабулхонадаги кишиларнинг ҳаммаси унга қараётганини кўриб, ўнгайсизланди. Зум ўтмай қўнғироқ жиринглади. Секретарь қиз ўридан туриб, ичкарига кирди-да, бир зумда қайтиб чиқди.

— Оқсоқол, кирар экансиз.

Қорабола довдираб, атрофда ўтирганлардан кечирим сўрагандай қараб қўйди-да, хонага кирди.

Кабинет пойга ўтказса бўладиган даржада улкан эди. Ялтироқ мебелларнинг кўплигидан Қораболанинг кўзлари қамашиб кетди. Эшик қаршисидаги девор ёнига катта жигарранг стол қўйилган. Ориққина қирғий бурун киши ўридан туриб, Қораболага пешвоз чиқиб, қўлини маҳкам қисиб қўйди. Сўнгра унинг тирсагидан ушлаб, катта столга тақаб қўйилган кичик стол ёнидаги креслолардан бирига ўтқизди.

Табуреткадан бошқа нарсага ўтириб ўрганмаган Қорабола креслога тап этиб ўтирди-ю, «чўкиб» кетгандай бўлди. Шошганча бошидан қалпоғини ечиб, ёнида турган кичик столга ташлади. Сўнгра пойма-пой қилиб иши ҳақида гапира бошлади. Озғин киши миқ этмай унинг гапини тинглаб ўтирар, вақти-вақти билан қоғозга нималарнидир ёзиб қўярди. Қорабола сўзини тугатиши билан, столдаги яшил кнопкани босди. Хаял ўтмай илтифотли секретарь қиз пайдо бўлди.

— Илтимос, мени аввал Есенқулов билан, сўнгра Жузбаев билан боғланг.

— Хўп бўлади.

Секретарь қиз эшикни бекитар-бекитмас телефонлардан бири жиринглаб қолди. Ориқ киши трубкани кўтарди.

— Салом... Бундай денг!.. Ундай бўлса қоғозларни расмийлаштираверинг. Ҳечқиси йўқ, бирор нарса ўйлаб топамиз... Майли.

Юзлари тошдан йўнилгандай қуруқ, ориқ киши бўлиб-бўлиб кескин гапирарди. Унинг ишбилармон киши эканлиги кўриниб турарди. Трубкани қўйди дегунча иккинчи телефон жиринглади.

— Ҳа. Салом. Демак, ўша учта машина ҳали ҳам жойида турган экан-да? Яхши! Биттасини инвалидга ажратамиз. Нима? Қарор бўлади дейсизми? Хавотирланманг! Ишлабчиқариш илғорларини ҳам хафа қилмаймиз.

Телефонда гаплашаётган одам ҳам анойилардан эмас экан, алланималарни тушунтиришга ҳаракат қиларди.

Ориқ киши афсусланиб пешонасини буриштирди.

— Биринчи ҳали келмади. Келса ўзим гаплашаман. Мени буюрди денг. Тушундингизми?

У қовоғини солди. Сўнгра бармоқлари билан столни черта бошлади. Сигарет қолдиқлари билан тўлиб-тошган гулдон «рақсга» тушди. Ўнғбой уни амалпараст деб таърифлаганда унинг чўрткесарлигини назарда тутган бўлса керак. У гапини тугатиб, Қораболага ўтирилди.

— Оқсоқол, яна бояги кирган хонага кириш. Қоғозларни оласиз. Кейин ўртоқ Жузбоевнинг олдига кириш. У нима керак бўлса ҳаммасини бажаради. Бошқа илтимосингиз йўқми?

— Йўқ, бағрим, улкан раҳмат. Толеинг доим баланд бўлсин!

— Сизга ҳам раҳмат. Ўтган йили бизни бир ташвишдан қутқаргансиз. Ҳалок бўлган жангчиларга ҳайкал ўрнатиш менинг зиммамга юклатилган эди. Сиз бўлмаганингизда жуда уятга қолардим.

Қорабола ўтган йили баҳорда парторгнинг илтимосига кўра, зангламайдиган пўлатдан ясаб берган лавҳаларини эслади. Ҳа, у шуни назарда тутган экан-да. Хона соҳиби ўрнидан туриб Қораболанинг қўлини маҳкам қисди-да, уни эшиккача кузатиб қўйди.

Жузбоев деганлари бутун бошлиқ район савдо тармоғининг раҳбари бўлиб чиқди. Шу кунга қадар, Қорабола бу ерда игнанинг тешигидан ҳам ўтиб кетадиган чаққонлар ишласа керак деб ўйлаб юрарди. Жузбоев тўла, қирра бурун, қуюқ сочли азамат йигит экан. У суҳбат асносида жимжилоғи йўқ қўли билан столни силаб-силаб қўярди.

— Демак, ҳурматли оқсоқол, сизга машина керак бўлиб қолибди-да?

— Менга эмас.— Ногирон қариндошимга. Уша учун жон куйдирыяман.

— Нима қилсак экан-а? Ҳозир раиснинг олдига сиз кирганмидингиз?

— Ҳа, мен эдим...

— Оқсоқол, гап мана бундай. Биз ҳозиргача инвалидлар фондидан биронта ҳам машина олганимиз йўқ. Тўғри, базада учта машина бор. Лекин, улар бюро қарорига кўра илгор чўпонларга берилиши керак. Улардан бошқа ҳеч кимнинг бу машиналарга кўз олайтиришга ҳаққи йўқ. Энди бўлса, битта машинани инвалидга ажратиб бер, дейишябди. Шундай қилсам менга сўз тегиши мумкин. Сизнингча, мен нима қилишим керак?

— Билмайман, боврим... Аммо... менга ҳамма нарса ҳал бўлди дейишувди...

— Ҳм... Тўғри, инсонга яхшилиқ қилиш эзгу иш. Аммо... қонун деган нарса ҳам бор-да. Қонун билан ҳам ҳисоблашиш керак. Шундай эмасми, қария?

— Энди... қонунга хилоф бўлар, албатта...

— Йўқ! Йўқ! Нималар деяпсиз, оқсоқол? Сизнинг бунга алоқангиз йўқ.

— А-а...

— Нима қилсак, экан-а?!

Жузбоевнинг боши қотиб қолган эди. У аввал, қоғозларни титкилаб кўрди. Сўнгра, стол тортмасини ағдар-тўнтар қилди. Ниҳоят, қандайдир қоғозни олди-да, ликопчадай катта кўзойнагини тақиб, овоз чиқармай ўқиб чиқди. Кўрсаткич бармоғи билан столни тақиллатди.

— Умуман, қонунга хилоф эмас, албатта. Фақатгина бюро қарорини айтмаганда... Сиз «Искра» совхозиданмисиз?

— Ҳа.

— Чорвадормисиз?

— Йўқ... темирчимаан.

— Шунақаами? Ҳм...м Исмингиз нима?

— Қорабола.

— Ҳм-м... Қаранг-а. Кўпдан бери темирчилик қиласизми?

— Мен ўша ерда туғилганман. Меҳнатни сандон ёнида бошлаганман.

— Эллик учинчи йилдаги ем-хашак қаҳатчилиги ёдингиздами?

— Бўлмасам-чи.

— Овул ёнида музлаб қолган машиналарни ҳам эслай оласизми?

— Албатта, эсимда. Машиналар ер юмшагунга қадар ўша ерда туриб қолганди. Кўпларининг ўқи синиб кетганди. Мен бир ой давомида уларни ремонт қилиш билан овора бўлганман.

— Ҳали шунақа денг! Ёдимда, у ерлик темирчининг қўли олтин деб гапиришганди. Демак, ўша сиз экансиз-да!

Қорабола қизариб, бошини қуйи солди. Унинг уялганини кўриб Жузбоев ўз ўрнида қимирлаб қўйди.

— Уша тўс-тўполонда мен ҳам бор эдим. Ҳамма машиналардан ем-хашакни тушириб, яқин ўртадаги овуллардан келтирилган туяларга той-той қилиб ортиб, чўпонларнинг манзилига етказишга мажбур бўлгандик. Ушанда қанчадан-қанча отарни қутқариб қолган эдик. Шу билан бирга анчагина қўйлар қирилиб кетганди! Ҳа-а...

— Э-э. Бундан чиқди сиз ижроқум раиси Жузбоев экансиз-да?

— Ҳа, мен ўшанда ижроия комитетида ишлар эдим.

Иккови ўша воқеани эслаб бир қанча вақт жим бўлиб қолди. Қорабола кўз ўнгида тиниб-тинчимас ба-савлат кишининг қиёфаси гавдаланди. Уша йили қиш ниҳоятда совуқ келган, узоқ давом этган эди. Ҳамма ана баҳор келади, мана баҳор келади деб кутиб турган бир пайтда, босиб-босиб қор ёғди. Катта-катта қор уюмлари пайдо бўлди. Қўйлар ниҳоятда ориқлаб кетган эди. Улар бирин-кетин қирила бошлади. Одамлар эсанкираб қолишди. Бир пайт райондан хашак, кийим-кечак ва озиқ-овқат ортган машиналар колоннаси йўлга чиқди, деган хабар келди. Колоннани ўртоқ Жузбоевнинг ўзи бошқариб келаётган экан. Ҳақиқатан ҳам, бир кун ўтгач овул орқасидаги тепалик ортидан машиналарнинг гулдираган товуши эшитилди. Кейин шовқин бирдан тўхтаб қолди. Машиналар адир этагидаги қор уюмларига тиқилиб қолди. Колонна

бошлиғи ўртоқ Жузбоев Ўнгбойнинг олдиға келиб, тезликда туя ва отларни тўплашни буюрди. Ҳар бир ҳовлиға бирма-бир кириб кишиларни оёққа турғизди. Икки кеча-кундуз колхознинг қирчанғисини миниб тепаликдан овулга, овулдан тепаликка бориб келиб юрди. Ўзини ҳам аямади, бошқага ҳам тинчлик бермади. Кимнингдир эскирган пўстинини кийиб олиб, белини чарм тасма билан қисиб боғлаб, қора терга ботиб машиналарни бўшатишга ва хашак тойларини боғлашга ёрдамлашди. Сўнгра нортуюга миниб, хашак тойлари ортилган карвонни қор босган доволардан чўпонларнинг манзилиға бошлаб кетди.

Овулда райондан келган тиниб-тинчимас, ишбилармон, оғир пайтда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмай, донолик билан иш юритган бошлиқ ҳақида узоқ вақт эслаб юришди. Яна унинг Ўнгбойдан қаттиқ хафа бўлиб: «Сен ўзингнинг хўжалигинг учингина жон куйдирасан, қўшниларга эса заррача ҳам раҳминг келмайди», деганларини эслади Қорабола.

Кейинчалик: «Жузбоев амалдан тушган эмиш», деган гап тарқалган эди. «Демак у, бу ерда савдо бўйича раҳбар экан-да»,— деб ўйлади ўзича Қорабола.

Кенг яғринли, жингалак соч, қорачадан келган азамат йигит бир нарса ҳақида ўйлаб азоб чекиб ўтирарди.

— Нима қилсак экан-а? Майли. Сиздай кишининг илтимосини рад қилсам, уят бўлади... Машинани олиб кетишга бирорта одам борми!

— Ҳа, топилади, ўша ногирон кишининг ўғли—шофёр.

— Ундай бўлса келиб, машинани олиб кетаверсин.

Улар ўринларидан туриб, бир-бирининг қўлини маҳкам қисиб қўйишди.

— Хўш, «Искра»да ишлар қалай кетяпти?

— Ёмон эмас. Бу йил қор кўп ёғди.

— Жуда яхши! Демак, ҳосил мўл бўларкан.

Идорадаги ишларни тугатгач, Қорабола посёлканинг нариги чеккасидаги тшовлаб қўйган оти томон йўл олди. Бир чеккада турган гиштин иморат ёнидан ўтиб бораркан, идиш-товоқларнинг тақир-туқур товушини эшитиб, бирдан эрталабдан бери туз тотмагани эсига тушди.

«Ҳа, ҳойнаҳой Ўнгбой кўкларга кўтариб мақтаган

чойхона шу бўлса керак»,— деб ўйлади Қорабола бинога яқин келиб, эшикни залвор билан тортган эди, аёл кишининг чийилдоқ товуши эшитилди.

— Бўлди, бўлди! Танаффус!.. Бешда келинг!

— Соат бешгача, чирогим, мен овулимга етиб оламан, ҳозир қорним оч.

— Майли, кира қолсин...—бу гал бошқа бировнинг товуши эшитилди.— Узоқдан келган кўринади. Қорни ҳам очганга ўхшайди. Қорабола ичкарига кириб, биринчи стол ёнига ўтирди. Кўкракдор официантка зум ўтмай унинг ёнига етиб келди.

— Нима буюрасиз, оқсоқол?

Қорабола унинг дўппайиб турган ярим очиқ кўкракларига кўз қирини ташлаб, уялганича юзини бурди.

— Кўнгиллари нима истайди? Балки олдин иштаҳани очиш керакдир?

— Азизим, анави шайтон сувини назарда тутяпсанми? Йўқ, йўқ, уни ёқтирмайман.

Официантка елкаларини қисиб, бўялган лабини буриштирганча жилмайиб қўйди. Бир оздан сўнг у, Қораболанинг олдига тунука тарелкада карам шўрва билан устига уч бўлак ё ўпка, ёки жигар солинган гуруч тўла идишни келтириб қўйди. Сўнгра белидан пастини ликиллатганча залнинг бир чеккасида овқатланиб ўтирган ўзига ўхшаш тўла, оппоқ халат кийган аёллар ёнига борди. Улар нима ҳақдадир завқ билан гаплашиб ўтиришарди. Аёллардан бири бир нарса деб ҳиринглаган эди, бошқалари унга қўшилиб қиқирлай бошлашди.

Қорабола хўмрайиб, шоша-пиша овқат ейишга тушди. Карам шўрва ниҳоятда совуқ ва шўр эди, гуручли овқат бўлса чала пиширилганиданми чайнаб бўлмас даражада эди. Қорабола қора терга тушиб кетди. У қошиқни тарақлатиб овқат ер эди. Шу пайт иккита кўк пашша қаёқдандир учиб келиб, атрофида гингиллай бошлади.

Қорабола дунёда ҳаммадан ҳам, эркакларнинг олдида уялмасдан ҳиринглайдиган бети очиқ аёлларни ёмон кўрарди. Бир вақтлар чақириқ пунктида шундай бўлган эди. Бошқа идоралардан деярли фарқ қилмайдиган бу жойнинг бир ёмон одати бўлиб, кап-катта кишиларни ҳам қип-ялонғоч ечиниб туришга мажбур қилишарди. Эркаклар уятли жойларини бекитганча,

қаро терга тушиб азоб чекишарди. Улар шу ҳолатда турганда хонага бир гала оқ халат кийган аёллар кириб келди. Ёқимтойгина ёш жувон столга бемалол ўтириб, яланғоч эркакларни бирма-бир текшириб кўра бошлаган эди.

«Эй, худойим! — деб ўйлади ўзича Қорабола, — мен эркак бошим билан оппоқ жувоннинг олдига қандай бораман?! Бунақа шарманда қилгандан, тўппа-тўғри оқопга, душман ўқи ёғилаётган жойга юборишса бўлмасмиди!..»

Жувон бўлса, парвойифалак, уларга тикилиб қарарди. Қорабола ўзининг фамилиясини эшитиши билан яшин ургандай чўчиб тушди. Тебранганча, тиззалари қалтираб, зўрға стол ёнига етиб келди. Уялганидан ғужанак бўлиб олди.

— Қўлингизни, — деди ёш жувон унга кўз югуртириб олгач.

— Нима? — деди Қорабола ғулдираб.

— Марҳамат қилиб қўлингизни олинг, — дея оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди жувон.

— Синглим... ахир ноқулай-ку... уяламан...

Жувон хўмрайди. Шу пайт атайлаб қилгандай, кўк пашша учиб кирди-да, Қораболанинг боши устида айлана-айлана елкасига қўнди Сўнгра ғимирлай бошлади. Қорабола елкаларини учуриб ҳам кўрди, қимирлатиб ҳам кўрди. Бошини бир-икки марта силкитди. Лаънати пашша бўлса масхара қилгандай жойидан қимирламасди. Қораболанинг жаҳли чиқиб кетди. У иккала қўли билан елкасини, гарданини шапиллатиб савалай бошлади. Қораболанинг довдираб қолганидан фойдаланган айёр жувон уни тезгина текшириб чиқди-да, қоғозига бир нарсаларни ёза бошлади. Жувон кулиб юборишдан қўрқиб, зўрға ёзиб ўтирарди. Охири чидай олмади шекилли, қоғоз билан ручкани бир чеккага улоқтириб шарақлаб кулиб юборди. Уятни ҳам, ноқулай вазиятни ҳам бир дақиқага унутган йигитлар унга қўшилиб кула бошлашди. Ушанда ҳурга ўхшаган ёқимтой жувон Қораболага нақ Азроил бўлиб кўринганди. Ҳозир ҳам, залнинг бир чеккасида ҳиринглашиб ўтирган семиз аёлларнинг гурунги қулоғига чалинаркан, улар орасида ўтирганлардан бири ўша аёлга ўхшаб кетди. Овқатланиб бўлгач, у вешалка ёнига шошилди. Бир қўлтиғига пўстинини, иккинчисига қу-

лоқчинини қистириб, эшкни итарди. Остонадан ҳатлаб ўтар-ўтмас хотинларнинг шақиллаб кулган товушини эшитди.

— Вой, бемазалар-ей!— деб ўйлади у.— Бу чойхона эмас, иблиснинг уяси-ку! Кўк пашшалар ва ўйноқи хотинлар салтанати.— Бир оздан кейин кўнгли равшанлашди. «Заготскот» ҳовлисида боғлиқ турган саман отига миниб, катта йўлга чиқиб олгач, ўзини енгил ҳис қилиб, беихтиёр куйлаб юборди.

Малла жийрон, ҳой, малла жийрон,

Қиз билан йигит кувда пишар айрон...

Сўнгра, ўзидан-ўзи хафа бўлиб, оз бўлмаса оғзидан уят гап чиқиб кетмаганига хурсанд бўлди. Чуқур хўрсиниб: «Эй, худойим. Марҳаматингни дариг тутма»,— деб қўйди.

Саман илдам йўртиб борарди. Ҳойнаҳой у ҳам уйга кетаётганига суюнаётгандир. Қорабола кўҳна дағал эгарда савлат тўкиб ўтирарди. «Мана,— дерди у ўзига-ўзи.— Бу ишни ҳам бажардим. Яна қандай денг? Унгбой район раҳбарларини амалпараст деб сўккан эди. Бекор гап экан. Учала раҳбар ҳам гапларимни жон қулоғи билан тинглади, қўлидан келганча ёрдамлашди. Ҳатто иккитаси мени шахсан танир экан. Анави кумуш тишлиси ҳам танишга ўхшаб кўринди. Ҳа, уни қаердадир кўргандайман... Бироқ қаерда, қачон?.. Тўхта, тўхта. Қайнонамнинг маъракасида кўрган эмасмиканман? Йўқ, унда эмас. Қайнотам иккинчи маротаба уйланганида кўрдимми экан? Унда ҳам эмас. Ҳойнаҳой, йигим-терим пайтида тўдалашиб келадиган масъул раҳбарлардан бири бўлса керак. Ҳаммасини эса сақлаб бўлармиди? Уларнинг ҳам мен билан ишлари йўқ, фақатгина вақти-бевақт машиналарини тузатиш керак бўлганда эслашади. Ҳа, айтганча, ўтган йили бўлса керак, иккитаси брезент билан қопланган газик машинасида келган эди. Уйга ҳам кирмасдан, отахон, ёрдам беринг, рессор синиб қолди, деб ялиниб-ёлворган эди. Тун бўйи машинаси билан овора бўлгандим. Тонг отар-отмас жўнаб кетишувди. Менимча, улар овга боришган бўлса керак. Ёдимда, чўтир юзли, басавлати ўзини қўйгани жой топа олмаган эди. Мени тезроқ ишлашга ундаб, шошилтириб турувди. Менимча, тишига оқ маъдан қоплагани худди шунинг ўзи эди. Майли... Нима бўлганда ҳам, бечора Унг-

бойнинг иши ҳал бўлди-ку. Бу бақироқ, жанжалкаш, район раҳбарларини нималар деб сўкмади. Бари бешойда... Мен—иккита галли бир-бирига боғлай олмай ҳолдан тоядиган Қорабола, бу ишни бир уринишда ҳал қилдим. Бу Тошбақанинг оғзидаги ҳосиятли чўп туфайли бўлди. Ҳа, ота-боболаримиз бу чўп бахт келтиради деб бежиз айтмаган. Мана, бахт Унгбойга кулиб боқди. Ҳозир, ҳужжатларни кўриб, бечоранинг юраги ёрилиб кетса керак. Сўнгра ўзига келиб, шум бошини орқага ташлаганча қаҳ-қаҳ отиб: «Буни қара-я, бу аммамнинг бузоғидан иш чиқар экан-ку»,— деса керак. Майли. Қулса кулаверсин. Ажаб эмас, кўнгли енгил тортиб, қовоғи очилса.»

Қорабола йўл-йўлакай Унгбойнинг уйига кирди. Унгбой девор ёнига тўшалган пўстакда ёстиққа суяниб ўтирарди. Хона холи, қоронғи эди. Унинг хотини, бола-чақалари нафас олмаётгандай, оёқ учида юришарди.

Унгбой хўриллатиб чой ичаркан, сабри чидамай макрли кўзларини қариндошига тикди. Бошини қимирлатиб ўтиришга таклиф қилди. Қорабола ўтирди. Кейин энди гапириш учун оғзини очган эди, Унгбой заҳархандалик билан илжайди.

— Гапирмасанг ҳам бўлади. Аввал чой ичиб ол.

Қорабола чойдан бир ҳўплади, аммо чой томоғида тиқилиб қолди.

Унгбой чойини ичиб бўлгач, пиёлани тўнкариб қўйди. Ёстиққа ёнбошлаб, йўл-йўлакай аёлини кўкрагигача тортди.

— Хўш, қалай бориб келдинг? Хўжайинлар омонсонми?— деди у истехзо билан.

— Худога шукр.

— Сени ҳойнаҳой қучоқларини очиб кутиб олишган бўлса керак?

— Ҳа. Ёмон кутиб олишмади.

Унгбой қошларини чимирди. Бир чимдим носни оғзига яқинлаштириб, дарров қўлини тортиб олди.

— Тишига маъдан қоплагани нима деди?

— Ҳамма қоғозларни тайёрлаб берди.

Унгбойнинг кўзидаги ичиқоралик учқуни бир дақиқа сўнди.

— Анави гердайган ориқнинг ёнига кирдингми?

— Кирдим.

— Ҳойнаҳой, туғаётган сигирга ўхшаб бўкирган бўлса керак?

— Йўқ.

Ўнгбой тирсагига суяниб турди-да, қариндошига «нималар деб вайсаяпсан», дегандай тикилиб қаради.

— Анави туя-чи? Ҳойнаҳой, ўзини бечора қилиб кўрсатгандир? Етимман деб? Ўзини ҳар томонга ташладими?

— У: базада учта машина бор, биттасини олсин, деди. Мана, ҳужжатлар.

Ўнгбой аҳтиёткорлик билан қоғозни очиб кўрди. Кўзойнагини бурни устига қўндириб, шошилмасдан ўқий бошлади. Кейин қоғозни ҳар томонга айлантириб кўрди. Бошини ликиллатиб, тўнғиллади. Сўнгра юзи яна истеҳзоли тус олди.

— Бу инсофсизлардан қишда қор сўрасанг бермасди. Бирданига қўллари очиқ бўлиб қопти-да, а?

Қораболанинг елкасидан оғир юк ағдарилгандай бўлди. У қувониб тошбақанинг оғзидаги чўп ҳақида, бахт чўпи ҳақида гапириб бермоқчи бўлди. Лекин, Ўнгбойнинг хасталиқдан ва ғамдан эзилган юзи бирдан қизариб, шишиб кетганини кўриб ҳеч нарса демади. Уйдагиларнинг биронтаси Қораболанинг келтирган қувноқ хабарига заррача ҳам эътибор бермади.


Ўнгбой бирданига чўлоқ оёғига ёпишиб, тишларини гижирлатди. Кейин оҳиста ёстиққа ёнбошлади. Юзи буришиб, оқариб кетди, ёноқ суяклари туртиб чиқди. Қийналиб секингина деди:

— Майли. Раҳмат, уйинга бора қол.

Қорабола ўрнидан туриб, қулоқчинини бостириб кийди. Қамчисини олди-да, эшик ёнига етганда Ўнгбойга ўгирилиб қаради. У қимир этмади. Унинг юзи тошдай, нафратга тўла кулги лабида қотиб қолган эди.

Қорабола кўчага чиқа солиб, бахт чўпи турибдимикан деган хаёлда қўлини чўнтагига тиқди. Шундагина рецепт хаёлига келди. Саманни жиловидан ушлаб, овул чеккасидаги уйи томон йўл олди. Йўл жуда узоқ туюлди унга. Қоронғилиқда йўл ҳам узаяди деб тўғри айтишган экан. Уй яқин бўлса ҳам, сира ета олмас эди.

Қорабола тўс-тўполонда хотини тайинлаган дорини олишни унутган эди.



МУХТОР МАҒОВИН

Мухтор Мағовин 1940 йилда туғилган. С. М. Киров номли Қозоғистон Давлат университети филология факультетининг қозоқ бўлимини, қозоқ адабиёти кафедраси қошидаги аспирантурани битирган. Филология фанлари кандидати. Урта асрлар қозоқ шеърляти тарихини ўрганади. «Қўбиз тароналари» монографияси, «Алдаспан» қадимги қозоқ шеърляти антологияси (1971 йил) «Қозоғистон шоирлари» тўплами (Ленинград, 1978 йил). «Оқ қор, момиқ қор», «Ака-ука ва опа-сингиллар», «Узоқ қишлоқ» повестлари ва ҳикоялар тўпламларининг, «Мовий туман» романининг муаллифи. Таржимон сифатида ҳам танилган.

У билан кўчада тасодифан учрашиб қолдик. Битта шаҳарда яшасак ҳам, кўришмаганимизга бир йилдан ошиб кетибди. Бултурги, ундан аввалги йилги ҳам эмас, бундан ўн йил муқаддам, аспирантурада бирга ўқиб юрган кезларимизда қандай бўлса, ҳамон ўша-ўша. Ҳеч ўзгармаган. Бошида пешонасига бостириб кийган фетр шляпа, бўйнига оқ-қора шарф ўраган. Эғнида калта авра пальто, самоваркарнайдек тор шим, оёғида дастаги қалин, баланд пошна-ли туфли. Қора чарм қўлқопини чап қўлида шунчаки чангаллаб турарди. Модалар янгиланади, йил фасллари алмашади, бироқ Сембекнинг кўриниши ҳеч ўзгармаган. Куз ёмғирида ҳам, қиш совуғида ҳам бир хил кийиниб юраверибди. Фақат кийимгина эмас, туриш-турмуши, феъл-атвори ҳам, ўй-хаёли ҳам, ақл-идроки ҳам ўн йил илгари қандай бўлса ҳамон ўша-ўша.

Даставвал танишганимда бу йигитнинг катта билимига қойил қолганман, келажаги порлоқ ажойиб олим бўлишига шубҳа қилмаганман. Ёши

Йигирма иккида. Тарих факультетини имтиёзли диплом билан битириб, илмий кенгашнинг қарорига кўра аспирантурада қолдирилганди. Русча ва қозоқчаси бирдай. Немис ҳамда инглиз тилларини ҳам ёмон эгалламаган. Эшитишимга қараганда, форс, араб тилларини ўрганишда ҳам анча ютуқларни қўлга киритган, келгусида хитой тилига қўл урмоқчи экан. Мен ҳам яқинда йигирмадан ошдим. Мен ҳам университетни имтиёзли битирганман. Мен ҳам... мен ҳам... Бир сўз билан айтганда, мендан ўтадигани йўқ эди назаримда. Шундай бўлса-да, Сембекнинг ўзимдан баланд туришини, у ҳақиқий илм кишиси эканини орадан кўп ўтмай фикран тан олдим. Рост, ихтисосимиз турлича, бундан ташқари, тил ўрганишга бўлган қобилият билан илмий фаолиятга нисбатан қобилиятни бир хил дейиш мумкин эмас. Мени ҳайратда қолдирган нарса Сембекнинг уддабуронлиги эмас, ҳофизасининг теранлиги, гоят чексиз билимдонлиги эди. Орадан кўп ўтмай, унинг олдида ўз фаним—филология юзасидан оғиз очолмайдиган бўлдим. Бир менгина эмас, ётоқхонадаги бутун аспирантлар аҳли Сембекни пир деб билардилар. Унинг муддатидан олдин ҳимоя қилишга, кўпчилигимиз ҳали кандидатликни тугатолмай юрганимизда, у докторлигини ҳам юмалоқ-ёстиқ қилиб ташлашига ҳеч қайсимиз шак келтиролмасдик.

Ёшлик шундай паллаки, бу пайтда одамни ақлдан кўра кўпроқ ҳис кўтариб юради. Бир лаҳзада яхши кўриб қолиш ҳам ёки ёмон кўриб қолиш ҳам ва шунингдек ишониб юрган нарсангдан ҳафсаланг пир бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бир йил ўтди, икки йил ўтди, Сембекнинг донолигига ва фавқулудда қобилиятлигига шубҳа кўпайди. Учинчи йилнинг ўрталарига бориб, у ҳам ўзимиз қатори оддий, ҳатто айримларимизга етолмайдиган жўн одамлигига ишондик. Шунча вақт мобайнида бор-йўғи иккита кандидатлик минимуми топширди. Битта ҳам мақола эълон қилгани йўқ. Диссертациясини ҳатто бошламабди ҳам. Дангасалик қилдими, маишатга берилиб кетдими, эгри йўлга кириб қолдими—йўқ, асло ундай эмас. Кутубхоналарда, архивларда кун-тун демай ўтирди. Икки марта Қозонга, бир мартадан Москва ҳамда Ленинградга бориб келди. Бари бир ҳеч иш чиқара олмади. Ниҳоят ётоқдош йигитларнинг аксарияти аспирантурани тугатишди, олди

ҳимоя қилиб, ҳимоя қилмаганлари яқинлаштириб қўйиб, ишлари ўнглиниб, ким академияга, қайбирлари олий ўқув юртларига кетаётганларида Сембек учта минимумини ўтказиб, аспирантуранинг назарий курсини тугатди, деган бир варақ гувоҳнома билан Марказий архивга оддий ходимлар қаторида ишга жойлашди.

Иккаламиз қалин дўст бўлмасак ҳам, муносабатимиз яхши эди, баъзан кўчада учрашиб қолгудек бўлсак, номига бош силкиб ўтиб кетавермай, қўл олишиб омонлашар эдик. Уй-жой, бола-чақа, иш юзасидан сўраб-суриштирардик. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, тўхтаб мен қўл узатар, у бўлса у-буни суриштира кетарди. Одамни менсимганиданми ёки кўрмаганиданми—рўпарасида турсанг ҳам сезмас, олдиндан ўзинг саломлашсанггина худди уйқудан чўчиб уйғонгандек шошиб қўлини чўзарди-да, кейин ҳеч нарса қолмай — хотинингнинг ишлари, болаларингнинг саломатлигини, докторлик диссертациянгни қай аҳволдалигини худди терговчидай икир-чикиригача сўраб-суриштириб чиқарди. Унга эса бундай саволлар беришга юрагинг бетламайди. Унинг хотини йўқ, хотини бўлмаганидан кейин бола-чақа нима қилсин унда. Кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилмаганидан кейин, докторлигига қаёқда киришарди. Бир кўришганда сўрайсан, икки кўришганда сўрайсан, учинчи бор учрашганда сўрайсан—кейин ҳафсаланг пир бўлиб индамайсан.

Сўққа бош, ҳамма нарсдан маҳрум одам билан гаплашиш жуда ҳам оғир. Мақсадига ета олмаган, иши юришмаган, омадсиз кишилар ниҳоятда гиначи бўладилар. Башарти ўз ҳаёт йўлини ўшандай одам билан ёнма-ён бошлашигга тўғри келган бўлса, қийин кунга қолдим деявер. Гаплашмаслик ҳам мумкин эмас, ул-булни сўраб-суриштириш ҳам ноқулай. Сен бир нарсага эришдинг, у ҳеч нарса чиқара олмади. Менсимаяпти деб қолиши мумкин. Бу—калтакнинг иккинчи томони. Яхши томони шуки, ўзинг яхши биладиган одамга кўзинг тушдими бас, унга нимани айтиш, нимадан эҳтиёт бўлиш лозимлигини биласан.

Ун йил мобайнида мен ҳам Сембекни жуда яхши билиб олгандим. Қўлларимизни қисишиб, анчадан бери кўришмаганимизни айтишиб, соғ-саломатлигимизни сўрашиб, бир оз тургач, олдинги таассуротим алдамчи эканини, Сембекнинг вужудида катта ўзгариш юз

берганини пайқаб қолдим. Оқишдан келган, рангпар юзи олдингисидан ҳам бўзарибди. Одатдан ташқари юпқа лаби қаттиқ юмилган, ўнг жағи бурчида аччиқ киноя ўйнаб турибди. Кўзлари сўник, бурни баайни ингичка тортгандек. Қалин қошлари туташган жойда пешонасининг деярли ярмисигача кесиб ўтган ёлғиз чизиқ пайдо бўлибди. У одати бўйича, ўзи бир марта ҳам кўрмаган менинг хотинимнинг соғ-саломатлигини, ҳали мактабга бормаган болаларимнинг қайси тилларни ўрганаётганлигини, нималарга қизиқишларини суриштирмади. Қўлимни қоқ суяк икки кафти ўртасига олиб қисган ҳолда юзимга қадалиб қараганича туриб қолди. Бир нарса демоқчи бўларди. Мен бирон нимани хабар қилишини кутиб жим турардим. Лекин Сембек шундай бўлса-да, ҳеч нарса демади. Менга қараб бақрайиб тургани билан мени кўрмаётганини, хаёли бу ердан узоқларда, бошқа юртларда, ўзга сайёраларда юрганини бирдан сезиб қолдим. Сембекнинг юзида, худди мени масхара қилаётгандек, аллақандай иблисона тиржайиш пайдо бўлди-да, қотиб қолди, юпқа лаблари юмилди. Бироқ унинг хаёли ҳали олисда эди.

— Саломатлигинг қалай?— деб сўрадим индамай тураверишга сабрим чидамай.

— А?— дея чўчиб тушди Сембек. Шунда менинг ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

— Ориқлаб кетибсан,— дедим қўлимни темир қисқичдан бўшатиб олишга тиришиб.

— Самат оқсоқол оламдан ўтди,— деди у.

Яқин қариндоши бўлса керак, деган хаёлга бориб, кўнгил сўрадим.

— Қариндошим эмас,— деди Сембек.— Сен уни танийсан. Архив бошқармасида ишларди. Ўнг оёгини оқсаб босадиган кичкина чол бор эди-ку. Ўша.

Мен у чолни танирдим. Одамга кўзларини қисиб, кибр билан менсимай қарарди. Тийрак, серҳаракат чол эди. Лекин у... лекин унинг...

— Ахир у аллақачон кўкариб чиққан-ку...

— Гапинг тўғри.— Ниҳоят қўлимни қўйиб юборди у. Ориқ одамнинг бунчалик чайир бўлишини биринчи кўришим.— Биз аспирантурада ўқиб юрган вақтимизда қазо қилган эди. Мана, бугун тўппа-тўғри етти йилу тўққиз ой, йигирма кун бўлди ўлганига.

Этим жимирлашиб кетди. Одамлар орасида, Сембек ўқийман деб мияси суюлиб кетибди, деган миш-мишларни аспирантурада юрган пайтдаёқ эшитгандим. Унга ишонмаган эдим-ку, лекин кўнглимга қачондир аллақандай гумон ин қуриб олганди.

— У мендан қўрқди,— деди Сембек.— Мендан енгилишини сизди. Шунинг учун ҳам изини яширди. Аммо мен ҳозирнинг ўзидаёқ у билан баб-баробар меҳнат қилдим дея оламан. У—улуғ олим эди. Шундай бўлса ҳам, ҳар қалай мендан ўзиб кетишига йўл қўймадим. Унинг қўли етмайдиган ерлар кўп. У ерларга мен етаман. У ерлар қаерда эканлигини биласанми? Истамбул университетининг кутубхонасида. Кейин Британия музейида...

Мен бош силкиб, гўё унинг гапини қувватлаган бўлдим-да, жўнаб қолиш пайига тушдим. Лекин Сембек бирдан мени кифтимдан ушлаб тўхтатиб, бетимга шубҳа билан қаради-да, хаҳолаб кулиб юборди.

— Худо ҳаққи, ҳозир сен мени ё маст, ёки яна бирон нима деб ўйлаяпсан. Балким, бировларнинг гўё мени жин чалгани ҳақидаги гапларига ишонсанг ҳам керак?

Мен ундай эмас деб ишонтаришга тиришдим. Кутубхонага кетаётганимни, шошиб турганимни айтдим. Кўнглимда бошқа ҳеч нарса йўқ, деб икки марта қайтардим.

— Майли,— деди кулгиси пичоқ билан кесилгандай шартта тийилган Сембек.— Одамлар нима деб ўйласа ўйлашаверсин—менга бари бир. Лекин сен менинг эски кўз опнамсан. Шунинг учун билиб қўйишинг керак менинг кимлигимни. Кейинги ўн йил мобайнида нима иш билан шуғулланганимни ақалли сен билиб қўйгин. Кутубхонангга кузатиб ҳам қўя қолай. Менинг ҳикоям беш-ўн минутдан ошмайди...

— Аспирантурага янги кирган кезларимда менинг қандай кучли бўлганлигимни сен яхши биласан,— деб ўз ҳикоясини бошлади Сембек.— Ҳамма мендан катта иш кутди. Илм даргоҳига порлаб кириб боришимга, яна кўпи билан икки-уч йил ичида бу иш амалга ошишига ўзим ҳам шубҳа қилмасдим. Бунинг учун етарли билимим ҳам, ақл-идроким ҳам, куч-ғайратим ҳам бор эди. Аспирантурага қабул қилинганимдан сўнг ярим соат ўтмай, архивга бориб, папкалар,

ҳужжатлар уммонига шўнғидим. Мен шошдим, қаттиқ шошдим. Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, ўйин-кулги, кино-театр нималигини билмадим. Ҳар куни ўн беш-ўн олти соатлаб меҳнат қилдим. Яна, сенинг хабаринг бор, мен бошқаларнинг беш соат, беш кун, ҳатто беш ойда қиладиган ишларини бир соатда ўйнаб-кулиб қилиб ташлай олардим.

Архивни ковлашга киришган дастлабки кундан бошлаб, ўзимни бир одам таъқиб остига олганини пайқаб қолдим. Қандай иш, қандай қоғозларни ахтардим, унинг қай саҳифасини ўқиб, қаерини кўчириб олдим—ҳеч қайсиси ҳам унинг назаридан четда қолмади. Нурсизланиб қолган қари кўзларини қисиб, узоқдан туриб бир мартагина қарайди, бўлмаса бўйнини ҳам бурмасдан ёнингдан лип этип ўтиб қолади, лекин мана шу лаҳза ичида ўзига керакли маълумотни олиб улгурганига шубҳаланмайман. Бошда ҳайрон бўлдим, бора-бора қизик туюла бошлади, бироқ кундан-кунга, ойдан-ойга такрорланаётган бу ҳол умуман олганда менинг гашимга тега бошлади. Таъқибчимни адаштириш учун, фақат адаштириш учунгина эмас, мазах қилиш учун нималар қилмадим дейсан. Ўзимга мутлақо но-керак папка—ишларни сўраб олдирдим, икки-уч папкани қатор қилиб олдимга ёйиб қўядиган бўлдим, аммо у қачон бўлмасин менинг нимани излаётганимни, менга нима кераклигини, нимани топганимни янглишмай билиб оларди. Архивда ишлаш нималигини ўзинг биласан. Гоҳида арзимаган бир нарсани топиш учун бир неча кун, балки ойлаб саранг бўлиб қидирасан, ойлаб вақтинг бекорга кетади, гоҳида эса атиги бир кунда бир йилга етиб ортадиган хазина устидан чиқиб қоласан. Уша таъқибчим, кунларим самарасиз ўтганда менинг қошимга келмасди, қорасини ҳам кўрсатмасди. Бордию, бирон ниманинг учи кўрина бошлади дегунча—ажобо!—атрофимда ўралашиб қоларди. Менга ипсиз боғланиб қолган ана шу кичкина сариқ чолнинг хислати борлигига ишона бошладим.

Ёзга яқин ишим ўнгидан келиб, тақдир менга кулиб боқди. Архивдан қозоқ тарихига оид, ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган, илм оламига номаълум гоят муҳим ҳужжат топдим. Бу ҳужжат агар матбуотга олиб борилса, унинг саҳифаларида жон-жон деб чоп этилиши, қўлма-қўл бўлиб, шов-шув кўтариши, мени кенг жа-

моатчиликка танитиши, шуҳрат келтириши шубҳасиз эди. Эндигина илм йўлига кирган барча ёш йигитлар сингари мен у пайтда шуҳратга ниҳоятда ўч, жуда кибрланиб кетган эдим. Нима қилиб бўлса ҳам кўзга тушишга, иложи борича ҳаммадан олдинга ўтиб олишга интилардим. Омадим келиб, шуҳрат орттиришимга, илмда янги сўқмоқлар яратишимга имоним комил эди. Шунинг учун ҳам ўзим кашф этган янгиликни хамир учидан патир деб билдим. Ҳар қалай қувончимнинг чеки йўқ эди. Хужжатни диққат билан ўқиб чиқдим. Фотокопиясини олдим. Керакли жойларини ҳозирги қоида бўйича қорозга туширдим. У ҳақдаги мақоланинг қораламасини ёздим. Ҳамма нарса тайёр бўлди. Худди мана шу пайт бутун қиш бўйи мени кузатиб чиққан сариқ чол билан юзма-юз учрашувимга тўғри келди.

Обдан этим ўлиб қолдими ёки ишга берилиб кетиб, унга назар солишга фурсатим бўлмадими, сўнгги кунлари чолнинг мени атрофдан кузатганини, ёнимга келиб туриб олганини сезмаган, унга етарли аҳамият бермаган эдим. Айниқса, ишларимни тугатиб, архивдан чиқиб кетаётганимда, сариқ чолнинг мени эшик олдида кутиб турганини кўриб, ҳайрон бўлдим. Бунгача у мен билан ҳеч қачон гаплашмаган, ҳеч вақт йўлимни пойламаган эди. Мен унинг қаерда ишлашини, нима иш қилишини ҳам билмасдим. Олдидан ўтиб кетаётган эдим, чол: «Ассалому алайкум!» — деб икки қўлини бирданига чўзиб, тавозе билан кўришди. Илгари йил бўйи ҳар куни кўришиб юрганда, ҳеч вақт бунақа омонлашмаганмиз. Бугун узун кун битта жойда ўтирган бўлсак ҳам, ақалли бош силкишмагандик ҳам. Кулгим қистаб кетди. Шундай бўлса ҳам, оқсоқолнинг саломини олиб, жавоб қилдим. Жуда уялиб кетдим. Саломни одатда кичик ёшдагилар олдин берар эди. Сирдош бўлмаса ҳам, кўз таниш одам, олти ой қишда бир марта ҳам бошимни кўтариб, омонлашмаганман. Оқсоқол мени уялтиргани пойлаб турган экан, деб ўйладим.

Шундоқ бўлгани ҳам яхши эди, бироқ чол гапни бошқа ёқдан бошлади.

— Сиз кейинги ҳафтада унумли иш қилдингиз, — деди. — Табриклайман. Ғоят муҳим хужжатни топдингиз.

Мен ҳеч нарса дея олмадим. Фақат ўзимнинг бе-
парволик қилганимга, чолнинг олдимга келаверишига
ўз вақтида барҳам бермаганимга афсусландим.

— Энди нима қилмоқчисиз?— деди чол.— Чоп эт-
тирасизми?

— Бўлмаса-чи,— дедим-да, автобус бекати томон
йўл олдим. Чолдан тезроқ қутулмоқчи эдим. Лекин у
қилтанглаб югуриб келиб, етиб олди-да, олдимга ўтиб,
йўлимни тўсиб, юргизмай қўйди. Энди менинг чинака-
мига жаҳлим чиқиб кетди.

— Менда нима ишингиз бор, оқсоқол, айтинг,—
дедим.

— Олдин тўхтаг, — деди чол.

Тўхтадим.

— Қани, айтинг. Кейин менинг олдимдан нарироқ
юринг, кўзимга кўринманг,— дедим.

— Афв этасиз, афв...— деди чол энтикиб, ўпкасини
боса олмай.— Мен билан бундай гаплашишга ҳаққин-
гиз йўқ! Мен ҳам сизга ўхшаган олим одамман. Бу-
нинг устига ёшим ҳам катта. Ҳеч бўлмаса соқолим-
нинг оқини ҳурмат қилинг.

Мен кечирим сўрадим. Вақтим зиқ, ишим шоши-
линчлигини айтдим.

Чол бу гапларимга парво ҳам қилмади. Худди мен
қочиб кетадигандек, тирноғи ўсган бармоқларининг
учи билан кифтимдан ушлаб олди-да, юзимга юзини
тақаб, кўзимга қадалиб қаради.

— Сиз, мана,— деди у, ияги билан қўлимдаги порт-
фелга ишора қилди,— портфелингиздаги ҳужжат ҳа-
қида ўзингиздан бўлак ҳеч ким хабардор эмаслигига
ишончингиз комилми? Кўкрагингизга уриб, бу янги-
ликни даставвал кашф этган одам аканг бўлади, деб
айта оласизми?

Мен ўйланиб қолдим.

— Аҳа!...— деди чол.— Айта олмайсиз. Чунки бу
сиздан бурун ҳам маълум нарса эди.

— Қаерда, қачон босилиб чиққан?— дедим мен.
Бу ҳужжатнинг ҳеч қаерда босилмаганига ишонардим.
Шундай бўлса-да, юрагим мой ичгандек қалқиб кетди.

— Ҳеч қаерда, ҳеч қачон эълон қилинмаган.

Бирдан кўнглимда аччиқ киноя пайдо бўлди.

— Сиздирсиз-да? Уни олдин кашф қилган одам
сизмисиз?

— Худди шундай,— деди чол ифтихор билан.

У қаддини ғоз тутганча икки қўлини кўкрагида чалкаштирган ҳолда турарди. Пастки лабини чимириб тишлаб олган, қисилган қўйкўзларида аллақандай ёқимсиз нур ўйнардди.

— Тушунарли,— дедим мен ғижиниб.— Кеча кеч-қурун кўргандингиз. Сизни аввал бошдаёқ столимнинг ёнидан юргизмаслигим керак эди. Сочингизнинг оқини ҳурмат қилгандим.

Чол бошини чайқади.

— Қандай қизиққон экансиз. Бу қозоққа хос хислат эмас. Лекин мен сизнинг аҳволингизга тушунаман. Тушунганим учун ҳам кечираман. Акс ҳолда мана бу сўзларингизни қайтариб олишингизга тўғри келарди. Хатолигига ўзингиз ҳам тушуниб оларсиз. Юринг, бизнинг уйга борайлик.

Бир фурсат иккиланиб турдим-да, чолнинг орқасидан эргашдим.

У ошхонаси умумий бир хонали квартирада ёлғиз ўзи турар экан. Эшикни очган пайтда кўзимга тушган нарса остонадан тўргача тўшалган газеталар бўлди. Полос ўрнига тўшаб қўйибди. Беш қават, ўн қават, балки йигирма-ўттиз қаватдир. Устидагиси эскиргандан кейин, бетига янгиси солинавверганга ўхшайди. Акс ҳолда, ҳаммасини бирданига алмаштириш учун ҳар куни бир неча килограммдан газета керак бўлур эди. Чиндан ҳам шундай экан. Чол кавшандозга резинка пошнаги кигиз ботинкасини ечди-да, пальтосининг сиртқи чўнтагидан бир неча букланган бир боғлам газета олиб, тўшашга киришди. Эшикдан деразагача бўлган масофага узунасига ёзилган тўртта газета етар экан.

— Юқорига чиқинг,— деди у, «гилами»ни янгилаб бўлгандан сўнг менга қараб.

Оёқ кийимини бўсагага ечиб, тўрга чиққандан кейингина ён томонимга разм солиб қарадим. Дераза томондаги бурчакда суянчиғига сим тўқилган стул, сири кўчган кичкина стол турарди. Унг томондаги девор тагида бир кишилиқ, энсиз, узун темир каравот... Қолган ҳамма ер шифтгача стеллаж—китоб жавонлари. Шундоқ бўлса-да, бу китоб жавонларининг биронтасида ҳам мен китоб кўрмадим. Барчасига папкалар

қалаб ташланган. Бу ерда қаттиқ картондан ясалган, юпқа қоғоздан, латтадан қилинган кўк, сариқ, қўнғир, қизил, ранги ўчиб кетган, роса чуруги чиққан, қачондан буён тургани, қаердан чиққани номаълум, катта, кичик, қалин, юпқа папкалар тахлаб қўйилган эди.

Чол мени бисотидаги биттагина ўриндиққа ўтқазди-да, эшик томондаги токчалардан биридан лидерин муқовали юпқароқ кўк папкани олиб келди. Тескари қараб туриб очди, бир оз титкилагандан сўнг қидирган нарсасини топди.

— Мана, кўриб қўйинг!..

Бу—мен бир ҳафта бурун архивдан топган, фанга ҳали номаълум ҳужжатнинг фотокопиялари эди. Олти варақ қоғоз холос. Сўнги олти кун эмас, олти ой муттасил қилган меҳнатимнинг натижасини чиппакка чиқарди.

— Сиз ҳали менинг олимлик шаънимгагина эмас, одамгарчилик иззат-нафсимга ҳам тегадиган оғир гап айтдингиз,— деди чол.— Кейинги ҳафта ичида папка сизнинг қўлингиздан чиққани йўқ. Қачон улгурибман кўчирмасини олишга? Албатта, бунга шубҳа туғилиши мумкин. Мен ахир шу архивнинг ходимиман-да...

Бу нарса мен учун янгилик эди. Чол ўзим ҳар куни борадиган марказий архивда ишлайди деб ўйламагандим.

— Сизнинг қандай янгилик очганлигингизни билиб олиб, шум ниятимни ишнинг охирида амалга оширишим ҳам мумкин эди-ку. Лекин сиз мана бу фотоқоғозларга диққат қилинг. Улар кеча ёки бугун доридан чиққанга ўхшамайди. Сарғая бошлаган. Бу ҳам баҳона эмас. Мен атайлаб эски қоғозларни ҳозирлаб қўйган бўлишим мумкин. Кўрдингизми, сиз кўнглингизга нима келса шундай хаёлга боришга ҳаққингиз бор. Бироқ, азизим, архивларда тартиб қандай ўрнатилганини ўзинг ҳам яхши биласан,— дея сенлашга ўтди чол.—Текшириб кўр. Бу папкани қачон, кимлар ахтаришди экан. Сену мен холос. Шу икковимизгина. Лекин сенинг исм-шарифинг тўғрисида «4—10 апрель 1963 йил» деган вақт турибди. Менинг фамилиямнинг қошида эса... хўш, бунга нима дейсиз? Менинг фамилиям рўпарасида, 7—25 март 1956 йил» деб ёзиб қўйилган. Етти йил. Бу янгиликни мен сиздан етти йил бурун очганман! Ана, кўрдингизми?!

Ер билан тенг бўлиб қолдим. Шунчалик уялиб кетдимки, нима деб жавоб қилишимни билмасдим. Ҳалиги қўпол гапларим учун чолдан кечирим сўраш ҳам хаёлимга келмапти.

— Бу ҳужжатни нега ўз вақтида эълон қилмадингиз матбуотда, — дедим анча вақт индамай турганимдан сўнг, ўзимнинг енгилганимни тан олиб.

— Фурсатим бўлмади, — деди фоткопияларни йиғиштириб олиб, папкага тахлаётган чол.

— Нега вақтингиз бўлмади? Етти йил давомида... Шундай муҳим хазинани босиб ётибсиз...

— Чирогим, — деди чол, меҳрибонлик билан менинг елкамга қоқиб. — Менинг гапимга ишон. Бу — ҳеч нарсага арзимайдиган ҳужжат. Ҳеч нарсага арзимайдиган. Мен уни аҳамиятсиз нарса демоқчи эмасман. Қимматли. У жуда муҳим ҳужжат. Лекин Шекспир айтгандек: «Дўстим Горацио, бу фоний дунёда бизнинг хаёлимиз у ёқда турсин, тушимизга ҳам кирмаган неча турли ажойиб сирлар бор». Фанда ҳам шундай. Айниқса, эндигина ривожланиб келаётган қозоқ фанида. Олдинда денгиз турганда, томчиға маҳлиё бўлиб ўтириш мумкинми?

— Яъни, мазкур ҳужжат ҳақида мақола, тадқиқот, ҳатто хабар ҳам ёзмагансиз?

— Йўқ, — деди чол. Ёлғиз ўғлини бағрига босган меҳрибон отадек, кўк папкани кўксига босиб қучоқлаб олган ҳолда.

Кўнглимда умид учқуни пайдо бўлди.

— Рост, бу ҳужжатни биринчи бўлиб сиз кашф этгансиз, — дедим мен. — Лекин чоп эттирганингиз йўқ. Оламда шундай нарса борлигини, уни биринчи бўлиб кашф этганингизни ўзингиздан бўлак ҳеч ким билмайди. Билмаган кўйи етти йил ўтди. Энди ўша ҳужжатни мен кашф қилдим. Сизнинг ёрдамингизсиз топдим. Ўзим мустақил. Тўғрими? Шундай деб айтишга ҳаққим борми?

— Албатта, албатта.

Умидим оша борди.

— Бу хазинани ёруғлиққа чиқаришга сизнинг вақтингиз бўлмади. Палончи номерли папка, палон сонли тиркамада шундай нарса борлигинигина биласиз. У ҳақда ёзган ҳеч нарсангиз йўқ...

— Уялманг, айтаверинг, — деди чол.

— Айтсам, сиз ёзмаган мақолани мен ёздим. Анча фикрлар билдирдим. Маълум илмий хулосалар ясадим. Буларнинг барчаси менинг янги илмий ишим.— Чол қўлини силкиб бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, гал бермадим.— Менинг илмий ишим. Унга ҳеч кимнинг даъвоси йўқ. Шундай бўлса-да, мазкур ҳужжатни биринчи бўлиб топган одам сиз бўлганингиз учун мен сизга шундай бир таклифни айтмоқчиман. Мен ёзган мана бу мақолани ўқиб чиқинг. Тўлдирадиган ерлари бўлса маслаҳатлашайлик. Ўзгариш киритадиган ерларини топсангиз, ақллашайлик. Лекин олиб қўшадиган жойи йўқ деб ўйлайман. Диққат билан ўқиб чиқсангиз бўлгани. Шундан сўнг имзонингизни қўйинг. Иккаламизнинг номимиздан чоп этилади.

Чол айёрона илжайди-да, дами ичига тушиб индамай қолди. Мени худди бирон шумлик қилишимни кутгандек кўксига ҳамон босиб турган кўк папкани тоқчадаги жойига олиб бориб қўйди-да, ичкарига итариб, ойнали эшигини тақ эткизиб ёпди.

— Йўқ!—у қўлларини орқасига қўйиб, пайпоқли оёқлари билан гилам-газеталарни шитирлатиб босиб, эшикдан тўрға қараб пилдираб юриб кетди.— Йўқ! Йўқ!

— Нега?— дедим мен ҳам ўрнимдан туриб.

— Мен биров ёзган мақолага имзо қўёлмайман.

— Бўлмаса олдинига ўзингиз ёзинг. Сизники билан меникини қўшиб, битта мақола қиламиз.

— Менинг вақтим йўқ,— деди чол.— Мен... мен... ёзгим келмаяпти.

— Унда саломатлигингиз керак. Мен ўз номимдан эълон қиламан.

— Сизнинг ҳаққингиз йўқ!— деди чол томдан тараша тушгандек қилиб. Ингичка овози ўткир экан. Қулоғимни тешиб юбораёзди.

— Нега?

— Даставвал кашф этган менман.

— Мен эса, менман дейман.

— Ундай эмас-ку. Ўзингиз ҳам кўрдингиз-ку. Кўрдинг-ку, ўзинг ҳам, чироғим-эй,— деди яна сенсираб. — Ҳозиргина кўзинг билан кўрдинг-ку. Ахир мен-ку. Мен кашф этдим-ку.

— Қайга бориб, кимга исботлай оласиз?— дедим

мен.— Етти йилдан буён сақлаб келаётганингизга ким ишонади?

Чол бирдан тилини тишлаб индаёлмай қолди. Елкаси қунишиб, бўйни кифтига чўкиб кетди. Бир лаҳзада у шафтоли қоқидек тиришган чолга айланиб қолди.

— Сиз ундай ҳаром ишга қўл урсангиз, мен йўлингизга ғов бўлолмасман-у, лекин сиз...— Чол ўзининг чиллакдай ориқ бармоқлари билан ёқамдан ушлади.— Сиз ақл-ҳушингиз баркамол, етук билимли йигитсиз. Ялтоқлик қилипти деган хаёлга бориб юрманг тагин. Мен сизни олти ойдан буён кузатиб келаман. Сиз қиз боладек бокира, софдил одамсиз. Айтинг-чи, мени қурт-қумурсқача ҳам писанд қилмай, мана бу хазинани ўз номингиздан эълон қилишингиз олимлик, одамгарчилик шаънига тўғри келадими? Албатта, юридик жиҳатдан сиз ҳақсиз. Аммо ахлоқ-одоб юзасидан олиб қаралса-чи?

Чол жўяли гапирарди. Янгиликни ўзим мустақил суръатда топган бўлсам-да, уни мендан олдин топиб, танишиб улгурган оқсоқолнинг розилигисиз жамоатчиликка эълон қилиб, ёруғликка чиқаришга виждоним йўл қўймасди. Бироқ айтган сўзимдан қайтмадим. Чолга икки ҳафта муҳлат бердим. Мақола ёзинг, шунда топилган қимматли ҳужжат иккаламизнинг номимиздан эълон қилинади. Ёзмайдиган бўлсангиз, ёлғиз ўзим чоп эттиравераман, дедим.

Архив маҳкамасининг ходими Самат оқсоқол билан мен шу йўсинда танишдим. Иккаламиз азоб-авасини судрайдиган умумий хомутни шу тариқа бўйнимизга илдик.

Одамзод ёш пайтида бераҳм бўлади. Шафқатни билмайди. Самат оқсоқол бусиз ҳам саломатлиги ночор, юраги касал одам эди. Ҳозир ўйлаб қарасам, дардининг авж олишига, ажалидан беш кун бурун ўлимига асосий сабабчи мен бўлибман.

Ичида мени қизиқтирадиган, ишимга тааллуқли муҳим материаллар бор бўлиб кўринган бир неча папкага бир неча бор буюртма берсам ҳам, уни ололмадим. Негадир бу папкалар қўйилган жойидан топилмас, гоҳ уларнинг корешоги алмаштириб қўйилган, гоҳ муқоваси ўзгартирилган бўларди. Умуман бирон ваз топиларди.

Самат оқсоқолнинг шу архивда ишлашини билган заҳотиёқ кўнглимда шубҳа туғилди. Андишани бир ёққа йиғиштириб қўйиб, тўғри бошлиқнинг олдига бордим. Папкалар тегишли жойларида пайдо бўлиб қолди. Сўраган одамга керакли нарсаларни шу пайтгача топиб бермаган Самат оқсоқол сўкиш эшитди, мен чанг босиб ётган қалин папкаларни қучоқлаб залга отландим. Энди Самат оқсоқол мени ҳар куни иш охирида эшик олдида кутиб турадиган одат чиқарди. Уни кўрдим дегунча юрагим музлаб кетади. Уни кўрганимга ишонгим келмайди. Қўриб туриб ишонмасликка яна бўлмайди. Бироқ уйига боришдан қатъий бош тортаман. Фақат олдин унинг гапиришига йўл қўймайман. Қўрққан олдин мушт кўтарар дегандек, ундан қисқа қилиб сўрайман:

— Мақола ёзилдими?

Самат оқсоқолнинг ияги қалтиради-ю, ҳеч нима деелмади.

— Яхши,— дедим мен. Уч кун вақтингиз қолди.

Уч-тўрт кун ўтгандан сўнг яна эшик олдида учрашамиз.

— Тугатиб олиб келдингизми?— деб сўрайман. У индамайди.— Майли. Энди беш кун муҳлат бераман. Сизни яхши кўрганимдан эмас. Унгача ўзимнинг ҳам қўлим тегмайди. Мен яна кўп янгиликлар топдим. Буларнинг олдида бурунгиси ҳеч гап эмас.

Беш кун ҳам ўтади, яна учрашамиз.

— Энди етти кун муҳлат,— дейман. Соқолингизни сийлагандан эмас. Қўлим бўшамапти. Бугун яна бир нарсалар топдим. Ҳали қараб турунг. Булар—хамир учидан патир холос. Архивингизни остин-устун қилиб ковлаштираман. Мен энди ярим йил ўтирсам, бу ерда бошқалар қарайдиган ҳеч нарса қолмайди. Саломат бўлинг. Мақолани унутиб қўйманг.

Аяб ўтирмадим. Кексалигига ҳам, касаллигига ҳам қараганим йўқ. У ҳам мени ўнгирмади.

Кузга бориб, диссертациямнинг материалларини тўплаб бўлган пайтимда, у қўярда-қўймай мени уйига чақирди. Нимасини айтай, негадир кўнглим нотинч, ичимни ит тирнар эди. Бордим. Мендаги янги топилдиқларнинг баъзилари чолнинг папкаларидан чиқишига шубҳаланмагандим. Аммо бу даҳшатни қарангки, йил бўйи тирноқлаб тўплаган материалларимдан

биронтаси ҳам қолмабди. Ҳаммаси Самат чолда бор, барчасидан у хабардор бўлиб чиқди.

Ҳайрон бўлишимни ҳам, хафаланишимни ҳам билмадим. Миям оғирлашиб, бош суягим чатнаш даражасида оғриқ кирди. Эсим оғиб қолишига сал қолди. Шунда ҳам бўш келмадим. Ўзимнинг эски ашуламанни айтдим. У бўлса ўз нақоратини такрорлади. Шундай бўлса-да, унинг енгганига, мени эса енгилганимга шубҳа қолмаганди.

Ўз-ўзидан аёнки, диссертация ёзсам бўларди. Йўлимга ҳеч ким кўндаланг бўлолмайдигандек эди. Фанга номаълум, янги маълумотлар асосига қурилган илмий иш менга оддий кандидатлик дипломинигина эмас, катта обрў, унвон олиб келишига, докторлик диссертациясига, унинг кетидан ўз-ўзидан келадиган профессорлик, қолаверса академиклик даражасига йўл очиши мумкин эди. Бироқ ўзимгагина аён, қўлимдаги маълумотлар асл эмас, янгилик деб тақдим қиладиган кўп миқдордаги материалнинг ҳеч қайси бири ҳам кашфиёт эмас. Ҳаммаси ҳам мендан олдин топилган, ҳаммасини ҳам мендан аввал биров кашф этган, кўчириб олган, фотога, микрофильмга туширган. Мана шунисига чидаш қийин эди. Ҳақиқат шундай бўлгач, илож қанча.

Дунёнинг бутун қувончларидан ҳафсалам пир бўлди. Ўлгим келди. Ростдан ҳам ўлимимни истадим. Лекин шўрим шу эдики, мен ўзимга қаттиқ ишонар эканман. Улуғлигимга, одамлардан бўлакча туғилганимга ҳеч қачон шубҳа қилмаганман. Мен тақдирнинг найрангларига, ҳаёт зарбаларига, довулга, бўронга, ҳеч нарсага қарамасдан буюк ишлар қилишимга амин бўлганман. Ҳа. Буюк ишлар. Бу менга мажбурият юклади. Шунинг учун ўла олмадим. Жонсиз танамни судратиб яшайверишга мажбур бўлдим.

Янги мавзу олдим. Жуда муҳим, долзарб мавзу. У гоят мураккаб масалага бағишланган эди. Керакли материаллар Қозоғистондан узоқда, Россия ташқи ишлар министрлигининг, ички ишлар коллегиясининг архивларида, Москва билан Ленинграддаги ҳар турли кутубхоналардагина ётган бўлиши керак. Мен яна бутун қиш бўйи ишладим. Аспирантуранинг бир йили бекор кетган; зое ўтган вақтларимнинг ўрнини тўлдириш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай қи-

мирламай ишладим. Материални умумлаштиришга, ўйлаб кўриш, таҳлил қилишга фурсат етмади, кейин саралаб оларман деб, қўлга илинганини йиғавердим. Ёз чиқиши билан уҳ деб орқамга қарасам, ҳар турли парчалар, кўчирмалар, изоҳлар, фотокўчирмалар, микрофильм иккита катта чамадон бўлибди. Битта кандидатнинг диссертациясига етарли юкни орқалаб олиб, Москва—Олмаота поездига ўтирдим.

Поезд Олмаотага уч-тўрт соат кечиқиб, ярим кечада етиб келди. Такси ушладим-да, чамадонларимни ортиб, тўғри Самат оқсоқолнинг уйига қараб йўл олдим. Ҳали ётмаган экан. Тўғри, ўрнига ётган-у, лекин ухламаган экан. Касалга ўхшаб кўринди. Шунга қарамай, ўридан тура келиб, кийиниб ўтирди. Кўзлари чуқур тушиб кетибди, лабининг таноби қочган. Бўйи чўзилгандек эди. Шақир-шуқур суяк бўлиб қолган. Кўнглим хавотирли эди. Шундай бўлса ҳам, бу сафар чолнинг чангалига илинмаслигимга ишонган эдим. Афсуски, бу ишонч оқибатда алдоқчи бўлиб чиқди. Мен топган, тўплаган материалларнинг ҳаммаси ҳам Самат оқсоқолда бор экан. У токчадан суғуриб олади папкаларни, бу токчадан ҳам суғуриб олади. Фотокўчирмалар... фотокўчирмалар... Ҳаммаёқни кўчирмалар босиб кетди. Тўғри, Самат оқсоқолда мен олиб келган материалларнинг ҳаммаси бор бўлиб чиқмади. Унда йўқлари майда-чуйда, аҳамияти кам, иккинчи даражадаги нарсалар эди. Ўзимни ўзим ушлаб туrolмадим. Ўттиз ўғлим бир кунда ҳалок бўлгандек ўкраб йиғлаб юбордим.

Чол мени юпатди.

— Хафа бўлманг,— деди у.— Филотелистлар битта марканинг кетидан умр бўйи юришади. Умр бўйи қўлга киритолмай оламдан ўтиб кетишади. Чунки, марка бошқа одамнинг қўлида. Уни сотиб олиш ёки айрибошлаш лозим. Энди биз-чи? Ўзимизга ўзимиз хўжайинмиз. Бизга ким ҳалақит бера олади? Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Қанчалик меҳнат қилганингизга боғлиқ. Касбимизнинг бошқаларга қараганда ортиқ томони ҳам шунда.

Шундан кейин у менинг кўнглимни кўтаргиси келди шекилли, далда бериб гапирди:

— Сиз жуда ҳам истеъдодли йигитсиз,— деди у кулиб.— Менинг етти йилда қилган ишимни йигирма

ойда юмалоқ-ёстиқ қилиб ташладингиз. Суръатингиз зўр. Мен буларни игна билан қудуқ қазиб бир умр заррама-зарра йиғдим. Мана, бу папкалар қирқ икки йиллик тинимсиз меҳнатимнинг самараси. Ҳали сиз бу жидду жаҳдингиз билан менинг қирқ йилда йиғган ҳосилимни ўн беш, ўн олти йилда йиғиб оласиз. Жуда нари борса, ўттиз тўққиз ёшга кирар экансиз ўшанда. Ундан у ёғига қанча умр кўрасиз ҳали. Ҳали мени йўлда қолдириб кетасиз! Бу аниқ. Замон сизники.

Яна бошқа кўп илиқ гаплар айтди. Ҳамма материалларимни ўзиники қилиб олгандан кейин илиқ гапларидан менга не фойда. Аммо Самат оқсоқол орли, соф виждонли, одамгарчилиги зўр киши эди. Менга аввалгидай шарт қўйгани йўқ.

— Агар бунчалик синовга бардош беролмайман деб қўрқсанг, сен озодсан,— деди.— Ҳўйимдан чиқиб, буларнинг барчасини дастлаб кашф қилган менман, деб айт, китоб ёз, ҳимоя қилавер, йўлингга кўндаланг бўлмайман.

Кўндаланг бўлиб туrolмас эди ҳам. Такрор айтаман, ахлоқий масалани бир томонга қўя турсак, юридик жиҳатдан адолат мен томонда эди. Бироқ мен ҳаммасидан яна воз кечдим. Бу мавзунинг ҳеч қандай қизиғи қолмади. Ошиқ бўлиб қиз олган хотинингнинг сенга теккунга қадар аллақандай бир чол билан ўйнаш бўлганлигини билиб қолсанг, нима қилар эдинг? Қўпол ўхшатишим учун мени кечир. Мен ҳам худди шундай аҳволга тушдим. Ҳаммасидан воз кечдим-да, янги мавзу олдим. Аспирантуранинг учинчи йили. Учинчи мавзу. Профессор—илмий раҳбарим қаттиқ ранжиди. Қойиди. Насиҳат қилди. Сўзимда туриб олдим. Бўй бермадим. Мени яхши кўрарди марҳум. Менга ишонарди. Охири илтимосимга кўнди. Мен профессорнинг олдида қандай эътиборли бўлсам, профессор ҳам илмий совет олдида шундай эътиборли эди. Қўярда-қўймай яна мавзуимни тасдиқлатиб берди. Орадан икки кун ўтмай Қозонга отландим.

Қозон туркий халқлар маданий марказларидан бири. «Эҳ, Қозон! Дардли Қозон, мунгли Қозон, нурли Қозон!..» Эҳ, жигарим! Нималар йўқ дейсан унда. Уйлиб ётибди. Истаган нарсанг мўл-кўл у ерда. Назаримда битмас-туганмас хазинанинг ўртасига шалоп этиб тушгандай бўлдим, ишга шўнғиб кетдим. Бу сафар

аввалгидек фақат мавзунинг кетидан қувмадим. Қармоғимга илинган янги, қўл тегмаган бойликнинг ҳаммасини ажратиб олиб, тинмай солиштира бердим, таҳлил қилдим. Материаллар уммонида бемалол сузиб чанқадим, бутун куз, қиш давомида ундаги бойликдан баҳра олдим.

Олмаотага эрта баҳорда келдим. Ишим битгани учун эмас. Раҳбарим билан маслаҳатлашиш керак эди. Нимасини ҳам яшираман, Самат оқсоқолнинг олдига кириб чиқадиган ниятим ҳам йўқ эмасди! Энг асосий юмушим шу эди. Бироқ мени улкан муваффақиятсизлик, муваффақиятсизликкина эмас, бахтсизлик кутиб турган экан. Самат оқсоқол оламдан ўтибди. Менга хат қолдирибди. Бир варақ қоғозга йирик-йирик қилиб бор-йўғи икки оғизгина иборани қиялатиб ёзиб қўйибди: «Ҳаммаси ҳам менда бор. Менда ҳаммаси бор!»

Мен ишондим. Менинг йил бўйи тиш-тирноқлаб тўплаган бойлигимнинг барчаси унда борлигига шубҳаланмадим. Шундай бўлса ҳам ўз кўзинг билан кўрганга не етсин. Марҳумнинг кутубхонаси билан қизиқдим. Қўшниси билар экан. Самат оқсоқол кутубхонасини бу ердан бир маҳалла нарида турадиган оғайнисига қолдириб кетган экан. У эса ўзига кераги бўлмагач, жавонларни комиссиян магазинга ўтказиб юборибди. Жавонлардаги папкалар қаердалигини аниқ билмади. Жавонлар уйдан олиб чиқилганда бўш эди, деди. «Самат оқсоқол мазаси қочаётганини англагач, бир неча кун сурункасига эски қоғозларини куйдирди, йиртиб сувга оқизди, ҳайтовур йўқ қилди. Ана шундан кейин сизга хат ёзди», деди. Ишонмасликка чорам йўқ эди.

Рақибимдан қутулгандан сўнг мени енгил тортди деб ўйларсан. Йўқ. Аксинча. Тирик юргани яхши эди. Энди мен бутун ҳаловатимдан айрилдим. Чунки фанга номаълум нимаики нарса топсам ҳам, уни мендан олдин Самат оқсоқолнинг очган-очмаганлигини аниқлай олмас эдим. Қандай янги материал топмай, мен ўзимни уни биринчи кашф қилувчиси деб ишонч билан айтолмасдим. Менга ҳаётнинг қизиғи қолмади. Кейинги уч йил ичида шу билан иккинчи марта шундай аҳволга тушдим. Бироқ ноумид—шайтон, дегандек менинг келажакдан умидим зўр эди. Улмадим.

Ула олмадим. Самат оқсоқол тўплаган бойликнинг чеги-чегараси борлиги эсимга тушди. Бутун бир халқнинг тарихи, санъати, адабиётига боғлиқ барча маълумотларни, қандайин донишманд бўлмасин, битта одамнинг йиғиб тугаллаши мумкин эмас. Мен ҳам тугата олмасам керак. Аммо Самат оқсоқолга нисбатан қобилиятимнинг ортиқлиги, имкониятимнинг кўплиги шубҳасиз эди. Ҳзи тан олганидек, марҳумнинг қирқ икки йил мобайнида тирноқлаб терган мулкени менинг ўн беш-йигирма йил ичида йиғиб тугатишим турган гап эди.

Мен дунёдан воз кечиб, мана шу каттакон ишнинг кетига тушдим. Сизлар уйландинглар, хона-хонали уй олиб, тутун чиқардинглар, бола-чақали бўлдинглар. Менда буларнинг биттаси ҳам йўқ. Сизлар ҳаммангиз кандидат унвони олдинглар, олдиларинг докторликка қадам қўйдинглар. Менда эса ҳеч қандай илмий даража йўқ. Лекин мен ҳаммангдан ҳам бахтиёрман. Ҳаммангдан баландман. Сизлар алдамчи илмий даража кетидан қувиб юрганларингда, мен ҳақиқий илмий тадқиқот лазатини тотдим. Мен ҳозир чексиз хазина эгасиман!

Мана, илм соҳасига қадам қўйганимдан буён бор-йўғи ўн йил ўтибди. Ҳазилакам материал тўплангани йўқ. Ҳа. Беш-олти эмас, уч-тўрт йилда, энди уч-тўрт йилда менинг бойлигим ҳажм жиҳатидан Самат оқсоқол қирқ икки йилда тўплаган хазина билан баробар бўлади. Бу сон жиҳатидан. Сифат жиҳатидан... сифат жиҳатидан ундан неча бор ошиб кетади. Лекин мен шу билангина қаноатланиб тўхтаб қолмайман. Олдинга қараб кетавераман. Чунки ҳали очилмаган қанчадан-қанча яширин сирлар бор. Ер юзидаги архивларда ҳали қўл урилмаган қанчадан-қанча хазиналар ёпиқ қолиб келмоқда. Эҳ, қани энди, Истамбул ҳамда Лондонда ақалли бир йилдан ўтирсанг!

Марказий кутубхонанинг олдига етиб келибмиз. Сембек ҳам ҳикоясини тугатиб жим бўлиб қолди. Мен нима дейишимни билмай ҳайрон эдим.

— Буларнинг ҳаммаси яхши,— дедим ниҳоят.— Лекин нега уларни матбуотда ёритмайсан? Нега ёзмайсан?

— Э, жигарим-эй, бунга вақт қани?— деди Сембек.— Мен материал тўплаш билан бандман. Мўлжалла-

ган еримга етай деб қолдим. Яна етти-саккиз йил, жу-
да нари борса ўн йил ўтириш керак. Шундан кейин
қўлга оламан.

Мен бу жавобга қаноат ҳосил қилмадим.

— Сен ўзинг нималарни излаяпсан, ахир? Топган
бойликларинг ичида нима бор?..

— Ҳамма нарса бор!— деди Сембек.— Ҳозир ўзим-
нинг ким эканимни ўзим ҳам билмайман. Сирасини
айтсам, тарихчи бўлишим керак. Бунинг устига мен
адабиётчиман, санъат тадқиқотчисиман, фольклорист-
ман, этнографман. Чунки менда ҳаммаси бор.

— Нима бор?— Дўстим мени мазах қиляпти, деган
хаёлга бора бошлаган эдим.

— Ёзган у-бу нарсаларингни матбуотда ўқиб ту-
раман. Мозийдан унча-мунча маълумотинг бор йигит-
сан,— деди дўстим.— Қани билсанг менга айт-чи, XVI
аср бошларида рус давлати билан қозоқ хонлиги ўр-
тасида қандай алоқа мавжуд эди?

— Қосимхон ҳузурида қозоқ халқи билан Москва
ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганди,—
дедим мен.— Лекин қандай даражада ва қандай бўл-
ганлигини айтиш мушкул. Бу воқеага тааллуқли
ҳужжат бутунлай ёниб кетган...

— 1812 йилдаги Москвадаги ўт пайтида. «Игорь
жангномаси»нинг асл нусҳаси билан бирга,— деди
ошнам тарс эткизиб.— Самолётлар йўқ. Ҳозирги ар-
тиллерия йўқ. Эвакуация қандай ўтганлигини, шаҳар-
га ким ўт қўйганлигини, у қачон ёнганлигини ўзинг
ҳам биласан. Бинобарин, шундай бебаҳо қоғозларнинг
куйиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас эди...

— Нима, сен топдингми?— деб сўрадим мен.

— Бу алоқа қоғозлар ниҳоятда кўп, ҳаммаси қозоқ
тилида ёзилган бўлиши керак эди,— деди Сембек га-
пимга тўғри жавоб беришдан бўйин товлаб.— Булар
узоқ тарихимиз учунгина эмас, ялпи маданиятимиз
учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини ўзинг ҳам
билсанг керак.

— Қаерда экан! Сен ростдан топдингми?— дедим
сабрим чидамай.

— Борис Годунов подшоҳ пайтида Рязань вилояти-
даги Қосим шаҳарини қозоқ султони Ўраз Муҳаммад
Ўндан ўғли сўраганидан хабаринг бўлса керак,— деди
Сембек менинг саволимни эшитмаганга олиб, гапни

айлантириб.— Ана ўша Ҳраз Муҳаммаднинг бой кутубхонаси бўлганлигини, унга араб, форс, турк олимларининггина эмас, рус солномачиларинггина эмас, балки қозоқ тилида ёзган қозоқ муаллифларининг китоблари ҳам тўпланганлигини биласанми? Ўша кутубхона қаерда? XVIII асрда Абулхайрхоннинг топшириғи билан қозоқ тарихи ёзилди. Ўша тарих қаерда?

Сембек шундай китобий саволлар билан мени кўмиб ташлади-ю, лекин саволларимдан биронтасига ҳам жавоб бермади.

— Хўп, майли,— деди у, мендан қочиб қутулишни мўлжаллаб.— Қуруқ гап сотиб, вақтингни олдим, узр. Гудбай.

Бироқ мен аҳмоқ бўлиб қолиб кетавергим келмади. Қўйиб юбормадим. Айни пайтда унга савол беришдан наф чиқмаслигини ҳам англагандим. Усмоқчилаб айлантириб, сирини билмоқчи бўлдим.

— Қаерда ишлаб юрибсан?

— Эски жойда,— деди Сембек эснаб.

Бошим росаям ғовлаб кетган экан, Сембекнинг бурунги иш жойи қаер эканини эслолмадим.

— Ориқлаб кетибсан,— дедим бoshқа гап тополмай.— Дам олиш ҳам керак бундоқ.

— Чарчашдан эмас,— деди Сембек.— Яхши кўрган ишдан чарчамайди киши. Чарчашдан эмас.

Ён тарафига қараб олди-да, менинг битта ёш йигитни таниш-танимасимни сўради. Танир эдим. Сўнги пайтларда қозоқ халқ оғзаки ижодиёти хусусида матбуот саҳифаларида бир неча яхши мақолалар эълон қилганди. Янглишмасам, аллақандай бир қаҳрамонлик достонининг илгари фанга номаълум бўлган ҳам қадимий, ҳам кўркем нусхасини топган бўлиши керак.

— Яхши йигит эмас экан,— деди Сембек.— Мен уни уйимга олиб бордим. Ҳаммасини кўрсатдим, огоҳлантирдим. Унинг ҳақи йўқ эди. Ҳеч қандай маънавий ҳақи йўқ эди. Аммо ҳозирги ёшларда инсоф, диёнат қолмаган. Юзингда кўзинг борми демайди. Уялиб, андиша қилиб, ўтирмайди. Олди-ю, шартта эълон қилиб юборди. Ҳозир ҳар кунни архивга келади. Мен қараб, кузатиб юрибман.У, топдим, деб юрган нарсаларнинг барчаси менда бор. Ҳамма-ҳаммаси бор. Яна эслатдим. Яна айтдим. Ори йўқ экан. Қулоқ солмайди. Ҳа, бир

нарса эсимга келиб қолди. Сендан битта илтимосим бор. Эски қадрдонмиз. У бола ҳали ҳимоя қилгани йўқ. Аммо иши тайёр. Энди чўзиш мумкин эмас. Қаттиқ ўтинаман. Сенинг илмий унвонинг бор. Сендан ийманади. Бориб айтсанг, нима қиларкин-а? Балки инсофга келтирарсан? Ахир, бунинг ҳаммасини биринчи бўлиб топган одам менман-ку! Қани инсоф? Қани адолат?

Унга нима дейишимни билмай қолдим. Бир ҳисобдан, Сембекнинг гапларида жон бор эди. Иккинчи томондан олиб қараганда, ёш тадқиқотчини ҳам тўғри. Охирида бу ишга аралаша олмаслигимни айтдим.

Мени тутуруқсиз ҳисоблаб, ростакамига хафа бўлдими ё бўлмаса ўзига яқин кўрдими—ҳар ҳолда Сембек қизариб-бўзариб, бутун айбни менга ағдара бошлади.

— Сенлар—баринг бир қолипдан чиққан хом ғиштсиз. Ҳамманг ҳам илмнинг ҳиди бурниларингга кирмайдиган нодоҳсиялар. Ҳеч нарсани билмайсизлар Оёқларингнинг остида ётган нарсани кўрмайсизлар. Шундай бўла туриб илмий унвон оласизлар. Унвон олгандан кейин ҳам ҳадик қилиб дир-дир титрайсизлар, гўё бирон кимса келиб, ногоҳ ҳақиқий башараларингни очиб қўядигандай. Ҳамманг чумчуқ пир этса, юракларинг шир этадиган қўрқоқсанлар. Менинг унвоним йўқ. Шундай бўлса ҳам, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Чунки мен ўзимга ишонаман. Ўз қадримни биламан. Мен тўғриси айтиладиган одамман. Мана сен, доктор бўламан, деб юрибсан. Инкор қилмай қўя қол. Ҳамма шундай деяпти. Миш-мишнинг ёлғон бўлиб чиққанини ҳали кўрган эмасман. Сенинг бошқа ниятинг, бўлак мақсадинг ҳам йўқ. Докторлик... докторлик... Хўш шу унвонга арзийсанми? Шунга ўйлаб кўрдингми? А? Муносиб эмассан. Билмайсан...

Шундан кейин чиндан ҳам мен билмайдиган фактлар, маълумотлар, номлар, атамаларни санаб кетди.

— Менга қара, қулоқ сол,— дедим, Сембек қалқиб кетиб, бир муддат тўхтаб қолган пайтда қучоқлаб олиб, елкасига қоқиб.— Ёз. Бу нарсаларни сен ёзгинда, ахир.

— Нима дейсан,— деди Сембек.— Анави боланики нотўғри-ку!

— Сембек,— дедим.— Мен сени тушуниб туриб-

ман. Лекин сен бир нарсани фаҳламайсан. Буларнинг бари нима учун? Мақсадинг нима? Тўқсон минг йилқи ҳайдаб, битта бутун чопон киймаган Қорабойдан қанча фарқинг бор? Қорабойни кечириш мумкин. Узининг моли. Хўш, сен шкафингга жойлаб, исини чиқармай босиб ётган бойликлар кимнинг мулки? Уларни ташқарига, ёруғ дунёга чиқармай ушлаб ўтиришга нима ҳаққинг бор? Қозоқ халқининг хазинаси-ку, ахир булар! Сен эса—олтин дарвозага қора қулф солиб, ундан бошқаларнинг баҳра олиш йўллари бекитиб қўйган жиноятчисан. Чунки фан бу—филателия эмас.

Сембек, тўғри гап туққанга ёқмас дегандек, менинг бу гапларимга эътибор ҳам бермади.

— Боланики тўғри эмас,— деди холос.

— У тўғри қияпти,— дея эътироз билдирдим мен. — Сени тўплаган бойликларингни қачон оловга ташлаб ёқди, қачон йиртиб, сувга оқизади, деб кутиб ўтириши керакми. Уники тўғри.

Икковимиз ўртамиздаги ўн йилдан буён мустаҳкамланиб келаётган дўстлик риштаси худди шу пайтда узилди. Буни Сембекнинг юзидан уқиб билдим.

Шундай бўлса ҳам, унга бир-икки оғиз сўз айтишни ўзимнинг бурчим деб ҳисобладим. Топган ҳужжатларини, очган янгиликларини матбуотда чоп эттириши кераклигини, баъзи бойликларни бостириш учун атайлаб мақола ёзиб овора бўлиб юришнинг ҳожати йўқлигини, бир-икки сўздан иборат изоҳнинг ўзи кифоя қилишини, олимлик ори, халқ олдидаги бурч, яна бошқа юксак тушунчалар тўғрисида гапирдим, қўйинг-чи, қизишиб кетиб, анча-мунча аччиқ гап айтдим. Аммо Сембек парво қилмади. Мендан хафа бўлганини яширмади. Шундан кейин менинг ҳам ҳафсалам пир бўлиб, ҳовримдан тушдим. Совуққина ажралишдик.

Орадан бир неча кун ўтди. Мен кўп ўйландим. Бошда Сембек айтган гапга бутунлай ишонган эдим. Олдинги таассурот барбод бўла бориб, буларнинг ҳаммаси қуруқ алаҳлашдан бошқа нарса эмас, деган хулосага келдим-у, ўзимни ўнглаб олдим. Уйқум яхшиланди. Овқатга иштаҳам ҳам очилди. Илгариги аслимга келдим. Хуллас, ўзимни ҳайратда қолдирган ҳикояни ҳам, қирқ икки йил архивда ўтириб, улкан янгилик очган, қолаверса, қирқ икки йил мобайнида бирон асар ёзмай, ўлиш олдида бутун йиғиб-терганини нобуд қил-

ган кичкина сариқ чол Саматни ҳам, унинг ишини давом эттирувчи меросхўри, ўзимнинг эски ошнам, табиат инъом этган истеъдодни бекорга исроф қилиб юрган Сембекни ҳам унута бошладим. Сембек ҳақидаги ўйлар болалигимда мени қаттиқ ҳаяжонлантирган ҳикоя—бувим айтиб берган эртагидай бўлиб қолди. Лекин кеча... Яъни олдинги кун кечга томон бунинг бари—ўзимни алдаш эканига кўзим етди.

Семиз портфелимни орқалаб, архивдан энди чиқиб келаётган эдим, қаердан пайдо бўлди, билмай қолдим, шайтондек шаппа йўлимни тўсди. Самат эмас, балки Сембек. Ўзимни кўрмаганга олиб, ўтиб кетавериш учун қилган ҳаракатим муваффақиятсизликка учради. Шовқин солиб, отимни атаб тўхтатиб олди. Саломлашмади, илгаридек ишлар ҳақида сўраб-нетиб ҳам ўтирмай, бирдан мақсадга ўтди:

— Мен биламан,— деди.— Сен катта иш ёзгани ўтирмоқчисан. Материални тўплаб тугатдинг. Сўнгги ҳафтадаги, хусусан бугун тушдан кейинги ишинг унумли бўлди. Бироқ тантана қилишга ҳали эрта. Буларнинг ҳаммаси бор. Ишонмайсанми? Ўз кўзинг билан кўраман десанг юр бизнинг уйга.

Бошим айланиб кўзим тиниб кетди. Шунда ҳам азроилнинг етовига эргашмадим. Осмонда учиб бордимми, ерда юриб бордимми, билмайман, ҳайтовур уйга кириб борганимда хотиним қўрқиб кетди.

Худога шукур, жин чалмади, дардга ҳам мубтало бўлмадим. Лекин шу кўрганим, шу эшитганим ичимга сиғмай борарди. Сиртга чиқармасам «торс» этиб ёрилиб кетишимни сездим. Ниҳоят, аллақанча бор босинқираб, аллақанча бор уйғониб, ўрнимдан карахт бўлиб турдим-да, ювиниб, артиниб, уч пиёла қуюқ чой ичдим-у, столга бориб ўтирдим. Бутун узун кун ёзиб, тун бўйи ўчириб, бир кеча-кундуз ичида мана шу ҳикояни тугатдим. Хотиним машинкада босди, ўғлим ўқиб, хатосини текшириб берди. Нима бўлса ҳам бугун иш охиригача улгуришга тиришиб, редакцияга қараб югурдим. Йўлда бораётиб, хаёлимдан шундай ўй ўтди. Ҳикояни ёздинг—яхши. У қилиб, бу қилиб бостирарсан ҳам—бу ҳам яхши. Хўш, беш йил бўйи тўпланган бир сандиқ материални нима қиламиз? Илм нима бўлади?

Ниҳоят, редакция остонасидан хатлайвериб, хатлайвериб, бир қарорга келдик. Илмни қўямиз. Профессорлик унвонидан кўнгил совиганидан, қийинликдан қўрққандан эмас, Сембекдан қўрққандан. Унинг ўзидан эмас, қиёфасидан. Шу қиёфага кириб қолишдан қўрққандан илмни қўя турамыз.

Вассалом, гап тамом.

ҶИШ КЕЧАСИ

Қўйларни қўтонга ҳайдаб, бошқа майда-чуйда ишларни бажаришгунча, ҳовли узра қўнган қоронғилик анча қуюқлашди. Улар уйга қайтишди.

Алламаҳалгача овора бўлиб, кечки овқатни тайёрлашди. Ҳаёти қўйчивонлик билан боғлиқ бўлган одамлар—кўпинча қишлоқдан четда, ягона оила бўлиб яшайдиган чўпонлар одати бўйича дастурхон устида суҳбат қуришмади. Тўғрироғи, суҳбат қовушмади. Ҳар ким ўз иши билан банд бўлиб, хонага ҳукмронлик қилган сукут ҳаммани аллалагандай эди. Кимдир пиёладаги чойни қулдирашиб ҳўплагани ҳисобга олинмаса, бошқа ҳеч қандай товуш эшитилмасди.

Жимликни соҳиби хонадон—кекса Дайрабой бузди:

— Ёпиримой, шунақаям совуқ бўладими? Агар қиш шундай бўлса, ёз қанақа келаркин? Қор ҳам деярли ёққани йўқ...

Келинчак суҳбатга аралашмасди, бевосита унга муурожаат қилинган дақиқалар бундан мустасно, албатта. Кампир эса аксинча, орага гап қистиришни яхши кўрарди, лекин бу гал у ҳам индамади.



ҚАЖИҒАЛИ
МУХАМБЕТҚАЛИЕВ



Қажигали Мухамбетқалиев 1943 йилда туғилган. 1965 йили С. М. Киров номи Қозоғистон Давлат университетининг филология факультетини битирган. Студентлик чоғида илк ҳикоялари эълон қилинган. «Юлдузли тунлар», «Ўрмон шовқини», «Акс-садо» китобларининг муаллифи. «Жулдыз» журнали мукофотининг лауреати. Таржимон сифатида ҳам танилган.

Афтидан, Дайрабой жавоб кутмаган ҳам эди, шекилли. У хинага бўялган сариқ пўстинига қаттиқроқ ўралиб, тиззаларини галма-галдан қўзгатиб қўйди. Тортишган мускуллари иссиқда бўшашганини фақат эндигина сизди, зеро у совуқ шамол эсиб турган бутун кунни эгарда ўтказган эди. Ҳордиқ чиқариб, мудроқ босган қария чўнтагидан каттакон рўмолчасини олиб, баттол совуқдан тарашадай қотган юзларини артди, «ққа-а!» деб томоғини қириб қўйди. Бу томоқ қириши мамнунлигиданми, ҳориганиданми билиб бўлмасди. У хаёлга толиб, қўлидаги пиёлани айлантриб ўйнарди. Кейин бир сесканиб ён-верига қараб қўйди.

...Уй ичи нимқоронғи. Қозондиқ¹ четидан чирсиллаб, ўнинчи лампа жонсиз нур сочади. Керосин чироқнинг ожиз шуъласи хонани ёритишга кучи етармиди — фақат дастурхон атрофи ғира-шира ёруғ. Қора қозоннинг тувоғи остидан буғ кўтарилиб турибди. Демак, қайнапти. Тезак-ўтин ўчоқда ловиллайди. Аланга шуъласи ўчоқ қаршисида ўтириб чой қуяётган келинчак яноғида ажабтовур ўйнар, бундан у янада қизариб кетгандай туюларди.

— Раушан, исиб кетгандирсан! Сурил, берироқ ўтир, чироғим, — Дакенинг² овози мулойим эшитилди.

Келинчак итоаткорона ўрнидан туриб, ўзи ўтирган кигизчани секин четроққа сурди-да, яна унинг устига ўтирди. Унинг уятчан чеҳрасида шарму ҳаё барқ уриб турганини кўрган қария мамнун бўлди. Бўлмасам-чи, қанча орзиқиб кутилган, танлаб-танлаб аранг топилган келин-а, бу!

...Кекса Дайрабой қуда бўлишга кўндиргунча Саршалиқдаги қўйкўз Жумағалининг кетидан бир қадам ҳам қолмади. Шу Раушни ўғли Турғали никоҳига беришига чолни аранг кўндирди. Агар Батес ўртада турмаса, балки Жумағали ўз сўзида туриб олган бўлармиди... Малласоқол ўжар чолнинг юрагини ёргудай бўлиб, Батес кўзларини пирпиратиб деди:

— Эй! Улиқумда неча йилдан бери яйлов кезасизлар. Даке сенга нима ёмонлик қилди? Халқнинг доно мақолини эсла. «Тенгини топсанг, текин бер» деганлар. Нега энди ноз қиласан?

¹ Қозондиқ — қозон ўрнатиладиган ўчоқ.

² Даке — Дайрабойнинг ҳурматлаб айтилгани.

— Йўғ-е, байбиша,— чидай олмади шунда Даке,— ахир Қумака қаршилиқ қилаётгани йўқ-ку? Ҳар ҳолда жигарбанди... Эҳтимол, ҳали ёш деб ўйлаётгандир. Жумағали учун у жавоб беришга шошилганди.

Мана кўриниб турибди, афтидан, келин танлашда янглишмади. Одамга унча аралашавермайди, уятчан, буниси қарияга жуда ёқади! Узига ҳам, кампирига ҳам гап қайтармайди. Ҳамиша иззат қилади. «Худо хайрини берсин,— деб ўзича маъқуллаб қўярди қария,— ишқилиб Турғалижон тезроқ хизматини адо этиб қайтса эди... Ҳали роса бир йил бор-а...»

— Ҳеч ким келмадими? Баъзан ҳар хил газета-журналлар келтириб туришарди. Нима бало, унутиб юборишдими дейман?— тўсатдан сўраб қолди қария.

— Ҳар куни сени кўргани келишсинми? Бу ерга етиб келгунча озмунча йўл босиш керакми?— деб норози жавоб қилди кампири.— Бу кишимни қаранг, газета эмиш... Ёлғонниям роса тўқийсиз-да.

— Чакагингни ўчир, кампир! Келиб туришади-ку, ахир. Балки Турғалижондан хат-пат олиб келишармикин, шунга сўраяпман. Бўлмаса, менга қоғозларнинг нима кераги бор, бошимга ураманми?

Орадан бир оз вақт ўтгач, қария пиёлани тўнкариб қўйиб, рўмолча билан терларини яхшилаб артди-да:

— Етар! Вақт кеч бўлиб қолди. Мен қўйлардан хабар олиб келай,— деди.

У бу гапни бир нима дейиш учун айтди, холос, лекин кампири дарҳол безовталанди:

— Терлаб турибсиз, шамоллаб қолманг тагин! Шошманг! Узим хабар олиб келаман,— деб ўрнидан турди у, остонага борганда жавраб қўшимча қилди,— шунақаям ҳовлиқма бўлиб кетибсизки, кечасиям, кундузиям ҳаловат йўғ-а.

Даке сийрак, чўққисоқолини силаб, деворга, болишга яқинроқ сурилди.

Қўйларни қариянинг ўзи қўриқларди. Куч-қувватдан қолганиданми ёки пастки жағининг мадорсизланган суяклари сирқираб оғриганиданми, ишқилиб, муздек совуқдан уйга кириши биланоқ, чойдан кейин тер босиб, ҳорғин мудроқ унга ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Шунинг учун ҳам пиширилган гўшти еишдан олдин бир оз ёнбошлашни афзал кўрди. Шундай, фақат озгина мизғиб олади...

Қария узоқ ёта олмади. Девор тагидан шамол уриб, бели совқотди, бошини кўтариб, устини ёпиш учу қўлини пўстинига чўзмоқчи бўлган эди, ногихон тепасидаги деразага шуъла тушиб, уй ичи ёришиб кетгандай бўлди. Бутун гавдаси билан қўзғалиб, ўша ёққа қараганида шуъла сўниб, дераза қорайиб қолган эди. Мотор товуши эшитилди.

— Машина...— пўнғиллади у.— Кечасида бу ким бўлди экан-а?

Одати бўйича у ҳозир ҳам ўз саволига жавоб кутмасди. Пўстинини елкасига ташлаб, «ё, олло!» деб секин ўрнидан турди. Пўстин этагини судраб остонага келди, кигиз этигини сарпойчан кийди, у одатда бирон зарурият билан ташқарига чиқса, шундай қиларди.

Машина пастқам ерлардан улар томонга қараб келарди. Итлар бирин-кетин вовиллаб, унга қарши югурди. Ким бўлишидан қатъи назар, меҳмонларни ҳовлида кутишга қарор қилган қария уйга кирмади.

Машина келиб тўхтади. Кабинадан икки иши чаққон сакраб тушиб, шахдам қадам билан қарияга яқинлашди.

— Ассалому алайкум!

Ҳар қайсиси ўзича салом берди. Улар «ассалому алайкум»ни худди шундай айтишмаса, гўё Даке уларни ҳайдаб юборади, деб ўйлаш мумкин эди. Кечиккан меҳмонларнинг шовқин-сурон билан бостириб келиши қарияга ёқмади.

— Ваалайкум ассалом!— деди у жавобан. Кейин биз томонга йўли тушган булар ким бўлди экан, деб уларнинг юзига тикилди.—Кечасида бу қанақа сайр ўзи?

— Мен—Берикман-ку, Даке! Автоклубдан...

— Э-э... хўш, ўзи нима гап?

— Ҳурматингизни бажо келтириб, Сизни бир зиёрат қилиб кетгани келдик... Бунинг устига газета-журналларингиз ҳам тўпланиб қолган экан—бир талай! Мана шуни келтириб бермоқчи бўлдик.

— Бутун бошли бир боғлам. Уларни сиз жуда кўп оласиз-а, Даке!

— Ҳм-м. Яна нима гап?

—Хат ҳам бор. Чироқда кўрсангиз бўлармиди, уйда,— тортиниб деди Нурлан.

«Хат» сўзини эшитиб, қария бир оз ҳушёр тортди. Ҳар ҳолда йигитларнинг тунги ташрифи қарияга ёқмади, жудаям ёқмади! У яна бир оз туриб, хоҳламайгина уйга бурилди.

— Қани, тугунларингни ечинглар, — деб илтимос қилди у эшик олдида кигиз этигини ечгандан кейин.

Берик билан Нурлан остона ёнидаги қозикқа пальтоларини илиб, қария кетидан уйнинг тўрига чиқишди, сўнг ишга киришдилар. Тўғри, тугун боғлаб қўйилган каношни қандай ечишни билмай, озгина хаяллаб қолишди. Каноп ечилмас эди, шунда хамир қораётган Раушга йигитлар баравар мурожаат қилишди:

— Пичоғни бер-чи.

Ҳақиқатан ҳам хат бор экан-у, лекин Тургалидан эмас, қўшни совхозда истиқомат қиладиган қизидан экан. Даке хатни ўқиб беришни Нурландан илтимос қилди. Лекин унда салом-алик ва ота-онага тиланган сиҳат-саломатликдан бошқа нарса йўқ эди, қария уни олиб «э-э...» дедию жимиб қолди.

Берик ёнбошлашга, пол устидаги болишга бошини қўйишга улгурган эди. У Раушга ғалати бир қараш қилиб, ўйноқлик билан гап ташлади:

— Нима, Даке, Тургалидан кўпдан бери хат йўқми?

Қария сал бўлмаса «ҳа!» деб юборай деди-ю, лекин йигитнинг кўзига қараб, совуққонлик билан:

— Нега энди? Келиб туради, — деди.

Суҳбат шу билан тугади.

Дастурхонга пиширилган гўшт келтириб қўйилганда, Балим одати бўйича йўл-йўлакай жавраб кириб келди: «Совуқ ҳам қуриб кетсин! Бу қанақа кун бўлди ўзи...» Нурлан билан Берик салом бериб, кампирга пешвоз туришди, у эса аввал кўзларини қисиб қараб олди, кейин қувноқ овозда бидиллаб кетди:

— Э-э, туғишганларим-ку, ким экан деб ўйлаб юрибман. Демак, бу сизлар экансизлар-да. Нега бунақа кеч қолдиларинг? Чолим бўлса қариганда қўйчивонликни ҳавас қилиб... мана... ўзиниям, бошқаларниям қийнаб юрибди...

Кампир устки кийимларини бирин-кетин ечаркан, анча овора бўлди. Ниҳоят, ўзининг жойи—печканинг ёнига келиб ўтирди.

Орадан бир муддат вақт ўтгач, ҳамма қўлини ювиб, дастурхонга яқинлашди.

— Турғалижон армияда... биз бўлсак... мана... Худо ҳаққи, шу чол... Қани энди унга сизга ўхшаш ёрдамчилар бўлганидами...—шикоят қила бошлади кампир.

Даке хотинига тешиб юборгудек бўлиб қаради: намуна паст бўлмаса? У жим овқатланар, меҳмонлардан кўзини узмасди. Кампир эса нолишда давом этарди:

— Овулда, одамлар қатори яшасак бўларди... Худога шукур қилиб, хотиржам кун кўрардик, йўқ... қаёққа...

Қария нима қиларини билмасди. Ўзича койинди у: «Ақлдан озиб қолганми бу кампир, ким кўринса шунга шикоят қилади...»

— Ҳечқиси йўқ, келгуси кузда, қарабсизки, Турғали ҳам келиб қолади,— уни тинчитди Берик.

— Оғзингга асал, болагинам.

Қария кечаю кундуз ўғлини ўйларди, шунинг учун дастурхон устида Турғалининг номи тилга олингани унга ёқиб тушди—меҳмонга илиқ қараб қўйди. Лекин меҳмоннинг мийиғида ўзгача маъно касб этувчи илжайиш бор эди. Афтидан, у охири гапини чолу кампиргагина эмас, яна бошқа бировга қарата айтганга ўхшарди. Нимага ишора қиляпти бу зумраша?

О, бу чақирилмаган тунги меҳмонлар ҳозир Дайрабойга қанчалик ёқмаётганини билсангиз эди! Нега ҳам ёқсин? Тилларига ҳаддан ташқари эрк бериб юбришяпти—ҳаммаси қанақадир илмоқли гаплар... «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур» деганларидай яна бунинг устига «ассалому алайкум», кечаси... Газета олиб келишган эмиш...

— Келин!— бирдан хитоб қилди Даке.— Шўрвани келтир! Йигитлар шошиб туришганга ўхшайди. Мен ҳам қўйларни қўриқлашга боришим керак.

— Сизга нима бўлди? Жинни-пинни бўлдингизми-а, чол? Йигитлар бир ойда бир марта келишсаю сиз бўлсангиз ярим кечада...—фигони чиқди кампирнинг.

— Майли, она, майли! Ташвишланаверманг,— гулдирарди ўнғайсизланган Нурлан,— кетамиз, нима ҳам қилардик,— шундай деб қизариб кетди у.

Орага совуқ сукут тушди.

Кейин Берик гуноҳкорона узр сўрагандай бўлиб гапирди:

— Буни қаранг, радиаторнинг сувиниям тўкиб қўйган эдим,— у шундай деб Дайрабойга айёрона қараб қўйди. «Пасткаш чол,— деб ўйлади у,— одамнинг ичидагини билади, дейишган эди-я. Рост айтишган экан...» Кейин нигоҳини Нурланга ташлаб, савол назари билан тикилди: «Хўш, бормайлик демабмидим сенга? Энди нима қиламиз?»

Афтидан қария кампири исён кўтаришини кутмаган бўлса керак. Уйга чўккан сукутдан унинг ўзиям ноқулай аҳволда қолди.

— Э... ким билади дейсан...— деди у гўё бутун кучини тўплаб гапиргандай.— Мен шундай, шошилишадётгандир деб ўйловдим.

* * *

Дастурхон йиғиштириб олинди. Қўлларга сув қуйилди. Ҳеч ким бир оғиз гапирмади. Дайрабой пойлоқчиликка кетишга тайёрлана бошлади. Берлек билан Нурлан қария кетгунча айланиб келиш мақсадида ташқарига чиқишди.

Йигитлар энгилроқ кийимда чиқишганини кўриб, улар кетишмоқчи эмаслигини тушунди Дайрабой. Нарсаларини ивирсиб, одатдагидан кечроқ йиғиштирди. Бошқа пайтлари бирпасда кийиб оладиган этигини оёққа илиш учун анча уринди, кийиб бўлиб тапиллатиб ерга уриб кўрди... Сўнг пўстинини кийиб, гоҳ ҳамма тугмаларини қадаб чиқар, гоҳ яна ечиб, этагини ерга судраб, белига камар тақарди. Ниҳоят, ивирсилаш учун баҳона бўладиган барча сабаблар тугагач, тулки терисидан тикилган қулоқчинини бошига қаттиқ босириб, остона ёнида осиглиқ турган қўшоғиз милтигини, ўқдонини олиб, ташқарига чиқди.

Зимистон тунда ҳеч нарсани ажратиб бўлмасди. Шамол қулоқни тешиб юборгудай ҳуштак чалиб ғувилларди. Қария бир нафас уйи олдида туриб, кўзларини қоронғига ўргатди. Милтигини деворга тираб, қулоқчини боғичларини томоғидан ўтказиб боғлади. Ён-верига бир қараб қўйди. Атрофдаги нарсалар, қамиш девор, ҳашагини киртиллатиб чайнаётган, эшик зулфи-

нига илирлик жиловини шилдиратиб турган от элас-элас кўзга ташланди.

«Улар қаёққа кетишди экан?» — атрофга диққат билан тикилар экан хаёлидан ўтказди қария. Ва ниҳоят тўсиқ-девордан анча нарида турган машина кабинасадаги йилтираган чўғларни кўзи илгади. «Ҳа-ҳа, шунинг учун енгил кийимда чиқишган экан-да. Кабинага беркиниб олишибди занғарлар», — деди у ўзига-ўзи. Машинада сигарета чекиб ўтирган йигитлар томонга қарамай, улар ёнидан ўтиб, қўтон тарафга кетди.

Тўйиб ейилган овқатдан сўнг, яна бунинг устига иссиқ кийиниб олган Дайрабой совуқни писанд қилмасди. Қўтонга етгач, ўзига шубҳали туюлган жойларни биринчи навбатда кўздан кечирди, кейин секин юриб, бутун қўтонни айланиб чиқди. Шошилиб қурилган қамиш қўтон унга ҳамиша хавотирли кўринарди. Нима ҳам қилиш мумкин? Ўтган йили пенсияга чиққач, унинг қишловини бошқа бир чўпон эгаллаб олди. Ушанда Дайрабой чўпон таёғини яна қўлга оламан деб ўйлаганмиди? Турғалини армияга чақиришди, ўғли қайтгунча вақтини ўзи севган касбда ўтказишга аҳд қилди. Бунинг устига бошқа сабаби ҳам бор, одамлар кўзидан четроқда яшаш хоҳиши туғилди унда...

«Тинч қўйишармиди? — Ҳалиги икки йигит қариянинг эсига тушди. — Дунёнинг чекасига қочиб кетсанг ҳам топишади... Изингдан қувиб келишади... Ҳозирги ёшларда уят бормиди? Йўқ, уларда номус қолмаган... Бўлмаса... Шундай қоронғи кечада нима бор уларга! Мени зиёрат қилгани келишганмиш, бошқа вақт қуриб қолувдими зиёрат қилишга?..»

Қария тўнгиллаб, анча вақт уёқдан-буёққа юрди...

Лекин шамол кучайдими ёки иссиқ чой билан пиширилган гўшт таъсири сусайдими — муздек совуқ юз-қўлларини ачиштирди. Тиззаларидаги қадимги оғриқ бирдан уйғонгандай бўлди, у қўтон тарафдан шамол учуриб келган чирик сомон гарамининг устига ўтирди. Фарам ёнида Оқтўш лақабли катта, қора кўп-пак ғужанак бўлиб ётарди. Эгасини кўриб, бошини кўтарди, худди ўз бурчини унутиб, бу ерда ётгани учун қариядан узр сўраётгандай думини ликиллашиб, ерга уриб қўйди. Шу пайт яқин орада изғиб юрган бошқа

учта ит ҳам югуриб келди, қарияни чаққон ҳидлаб олиб, гўё «ҳозирча ҳаммаси жойида» дегандай бўлди, кейин яна ҳар томонга тарқаб кетди.

...Дайрабойни даҳшатли титроқ босди, сал бўлмаса ёнида ётган итни босиб олай деди, бироқ ўзидан-ўзи уялиб итга тегмади. Аксинча, уни эркалатди. «Ётавер, Оқтўш! Ёт! Сен билан биз кексалар ётишдан бошқа яна нимага ҳам ярардик...»


Анча вақт хаёл суриб ўтирган Дайрабой ўрнидан туриб атрофга аланглади, бирон хавфни сезмагач, яна сеvimли жойига келиб ўтирди. «Ўзинг шарманда қилма, худо,— пичирлади у, ёнига милтигини қўяркан.— Йўловчилар ётиб қолишади-а? Ахир машина туриб-дими-турибди ўша расвоси чиққур машина...»

Қария олисдаги ясси томли ёлғиз уйнинг қорайиб кўринишига тикилиб яна анча вақт ўтирди. Атрофда ҳеч қандай ҳаёт белгиси йўқдек. Бутун борлиқ гўё туннинг қора чойшаби остида қотиб қолгандай. Фақат шамол ҳуштаги тун сокинлигини бузиб турарди.

«Кампир у ерда нима қилаётганикин?—деб ўйлади у, пўстинига гужанак бўлиб ўралар экан.— Агар келинини ўз ёнида олиб ётган бўлса яхши-я. Лекин эсига келармикин? Овулда ҳам тинч, худога шукур қилиб яшаган бўлардик, деб жавраётган эди. Овулда келинини қандай асраган бўларди? Ҳозир ҳар хил дугоналар кўпайиб қолган: гоҳ—кино, гоҳ—танца, қарабсизки, биронта ёшроқ йигит ҳам топилиб қолади... О, парвардигор, шармандаликдан ўзинг сақла!» Дайрабой титраб кетди—ўз мулоҳазалари уни даҳшатга солган эди. Ўрнидан қандай туриб кетганини билмай қолди. Шу пайт итлар ҳам хуруж қила бошлади, во-виллаб, ўзи шундай ҳам қўрқиб турган чўпонни ваҳимага келтирдилар...

— Айтак! А-а-ау! Айт! Айт!— сесканиб, қоронғида югуриб кетган итлар томонга тикилди қария. Милтиқдан икки марта узилган ўқ тун пардасини йиртиб юборди. Ўқ товуши атрофдан акс-садо бериб, анча вақт янграб турди.

Қария бақириб, шовқин-сурон кўтариб, саҳрони ўқ товушларига тўлдириб бутун тунни ўтказди.



ҚАЛДАРБЕК
НАЙМАНБООЕВ



Қалдарбек Найманбоев 1939 йилда туғилган. С. М. Киров номида Қозоғистон Давлат университетини битирган. Ёшлар газеталари ва журналлари редакцияларида ишлаган. Тўққизта насрий китоб муаллифи.

ТОНГДАН ТУШГАЧА

Қария кўзини очганида, ўтов ҳали қоронғилик қўйнида эди. Тўсатдан ўзидан-ўзи юраги ғашланган Найзабой бошини кўтариб, қулоқ солди. Атроф пашша учса эшитилгудек даражада жимжит эди. Оразбика ором топгандек, чуқур ва бир текисда нафас оларди.

Таранг тортилган томирлари бўшашиб, тер босган Найзабой эшитилар-эшитилмас хўрсиниб қўйди-да, бошини кўрпага буркаб олди.

У, назарида, бор-йўғи бир дақиқагина пинакка кетгандек бўлди, бироқ кўзини қайта очганида пастдан, керега — ўтов панжараси остидан тонгнинг оқиш-кулранг ва жиловкор нури тушиб турарди. Ташқаридан шитирлаш овозлари эшитиларди. «Бу қўйларга ўзи бир бало бўлди, — норози ҳолда кўнглидан ўтказди Найзабой. — Нимагадир ўтов атрофида тиқилишгани-тиқилишган».

Найзабой кийиниб ўтирмай, қора бахмал чопонини наридан-бери елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Овозини пастлаб жавраганича, тўдаланиб олган қўзичоқларни яқинроқдаги сойликка ҳайдади. Кейин кенг кафти билан

кўкрагини силаганича, атрофига аланглади. Олисолисларда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган девларга ўхшаш букир тепаликлар тонг қоронғисида мудраб ётишарди. Мана, ҳозир девлар ўзларини яшириб турган тонгнинг кулранг кўрпасини тилка-пора қилиб, бор бўйлари билан тикка туришади-ю, уларнинг қудратли ва даҳшатли наъралари бутун даштаро янграйдиганга ўхшарди.

Ипак кўйлак шитиридек овоз чиқариб эсаётган тонг шабадаси Найзабойнинг юзини силаб-сийпалади. Қариянинг назарида қалби ҳам шабада билан биргаликда олис-олисларга—кўз илғамас жойларга талпинаётгандек туюлди. У ҳатто бутун гавдаси билан олдинга интилди. «Епирай, қариб-қартайганимда бу баҳор не кўйларга соляпти мени. Худди қанот чиқараётганга ўхшайман-а»,— деб гўлдиради қария.

У атрофига яна бир қур назар ташлади-да, оёқ учида юрганича, ўтовга яқинлашди.

Юпқа кигиз девордан хотинининг инграётгани элас-элас эшитиларди. Қария: «Қанийди энди, ўғил туғилса» деб минғирлаганича, ўтовдан орқасига тисарилди. Нарироққа бориб чўккалади-да, иштонбоғини бўшатди. Ўридан туриб, қаддини керар экан, чопонини ерга тушириб юбориб, ўзига-ўзи ишонч билан, айни пайтда, худди аччиқлангандек деди: «Албатта ўғил бўлади! Бу турган гап-ку! Зоримга тангри етиб, мени ёрлақаса-чи!».

Найзабой еру кўкка сиғмай кетди. Содик Бойгаторини эгарлаб, чўл бағирлаб шабада ортидан елгиси келди.

У ўтовга мўралади. Оразбикани тўлғоқ тутар, у ҳар инграганида кўкси отилиб кетгудек бўларди. Кейин, яқинроғида кимдир турганини сезди чамаси, оғриқдан маҳкам қисилган тишлари орасидан деди:

— Вой худойим-эй, яна қаёққа ғойиб бўлдийкин?

Найзабой кигиз эшикни қайириб, ўтовга кирди.

— Қўзичоқларга бирор кор-ҳол бўлганми, ҳаммаси тўдалашиб олибди. Утлоққа ҳайдаб келдим...

Оразбика унга жавобан хўрсиниб қўйди.

— Бунақанги ишда эркак кишининг қўлидан ҳеч балоям келмайди,— ўзини йўқотиб, айбдорларча деди Найзабой.— Битта-яримтани чақириш керакмикин?..

Оразбика индамади.

— Чақирмаса бўлмасов... Яна бирон кор-қол бўлиб ўтирмасин...— бутунлай хаёли қочиб, минғирлади Найзабой.

— Ҳеч бўлмаса туйнукни очсангиз-чи...— хўрсинганча деди Оразбика,— ҳаммаёқни зимистон қилмасдан.

Найзабой ҳовлиққанча ташқарига чиқди-да, ўтов тепасидаги туйнукни тўсиб турган тўрт бурчакли на-матни пастга торта бошлади. Худди шу лаҳзада, у туйнукни очаётган эркакларни кўрганда ҳамиша уларнинг устидан кулиб юрганини унутиб қўйганди. Найзабой, бу—фақат аёлларнинг иши, деб ҳисоблар ва ундан жон-жаҳди билан нафратланарди. Ҳозир туйнукни минг машаққат билан очар экан, шуни илгарироқ ўйласам бўлмасмиди, деб ўзидан ёзғираётганди.

Қария ўтовга қайтиб кирганида, Оразбиканинг ҳоли анча танглашиб қолганди. Найзабойнинг юраги зириллаб кетди.

— Тузукмисан?— Найзабойнинг тилига келган гап шу бўлди. Бунга жавобан қаттиқ инграш эшитилган эди, у жон ҳолатда ташқарига отилди-да, шоша-пиша Сапарбекнинг ўтовига йўл олди.

«Ҳали ширин уйқуда ётишгандиров,— маъюсла-ниб ўйлади қария йўл-йўлакай.— Ишқилиб, уларни уйғотгунимча, кечикиб қолмасам бўлгани».

Мана, у ўтов ёнига етиб келди.

Ичкаридан тиқ этган овоз эшитилмасди. «Айтдим-ку, булар ҳали уйқуда деб».

Найзабой жойида дебсинганча нима қиларини билмай туриб қолди. Укаси ундан ўн икки ёш кичик, тонг саҳарлаб ўтовига бостириб кириш яхши эмас.

Хуллас, қария ичкарига киришга ботинмади. Бироқ орқасига ҳам қайтиб кета олмади. Нима қиларини билмай, укасидан ўпкalandи: «Хотинпарвар бўлмай кет, хотинни бағрингга оволиб, иссиқ ўрин экан деб, пешингача ётасанми».

Найзабой шундай ҳардамхаёл бўлиб турганида Сапарбекни қандай уйлантиргани эсига тушиб кетди.

...Бу воқеа бундан олти йил муқаддам юз берганди. Ушанда кеч куз бўлиб, адирдаги ўт-ўланлар дастлабки аёздан қорайиб қолган, турналарнинг сўнгги галалари яқин-орада ёғадиган қордан қочиб, жанубга шошили-

шарди. Уша кезларда Арбакалдидаги узоқ қариндошларидан бири Найзабойни тўйга айтиб кетди: келин тушираётган экан. Бу жойлардаги одатга кўра, Найзабой тўйга бутун оиласи билан борди.

Тўй улар етиб борган куннинг эртасига бошланди. Бунақанги кезларда қариянинг қиз-жувонларга зимдан кўз ташлайдиган одати бор эди. Ушанда келиннинг ёнида ўтирган дугонаси—Жумагул кўзига иссиқ кўриниб кетди. Қоматмисан-қомат экан ўзиям. Тол чивигидай буралади-я. Билакдай келадиган икки ўрим сочи белидан настга тушиб турибди. Юриш-туриши ҳам рисоладагидек. «Тенгини топса, бир уйни яшна-тади»,— деб ўйлади Найзабой. Кейин, сабри чидамай, Сапарбекни ёнига чақирди.

— Кўка,— деди Сапарбек акасига ҳурмат билан мурожаат қилиб,— нима гап? Уйга кетмоқчимисиз?

Қария унинг гапига эътибор бермай, хўмрайганча, томдан тараша тушгандек, бирдан сўраб қолди:

— Чўлда ёлғиз қолган отдек, қачонгача изғиб юрасан?

— Тўй ҳали тарқаганича йўқ... Кетсак уят бўлмасмикин...

— Нималар деб валдираяпсан ўзингдан-ўзинг?!

— Овулга қайтиш тўғрисида...

— Шуям гап бўлдимми? Мен нима тўғрисида гапиряпман-ку, сен... Менга қара, сенинг ёшингдаги йигитлар аллақачонлар бола-чақали бўлиб кетишди. Сен яна қачонгача сўққабошлигингча юрмоқчисан?

Акаси гап бошлагандаёқ, нимага шама қилаётганини яхши тушунган Сапарбек. ўзи учун кўнгилсиз суҳбатга чек қўйишга яна бир уриниб кўрди:

— Кўка, овулга борганимиздан сўнг гаплашармиз бу ҳақда...

— Қўй-э!— деди Найзабой аччиғланиб.— Келиннинг ёнида ўтирган қизни кўрдингми, ҳурлиқо.

— Ҳурлиқо бўлса нима қилибди?— ажаблангансимон деди Сапарбек.

— Ҳеч нима,— деди Найзабой бирдан жиддийлашиб.— Ушани сенга унаштираман.

Укаси ҳазил билан Найзабойни қатъий қароридан қайтариб, бу гапни унинг кўнглидан чиқариб юбормоқчи бўлди:

— Қизларга суқланиб қарашингиз ҳеч қолмади-қолмади-да, кўка... Худди ўзингизга қайлиқ танлаётгандек...

— Тентак!— ёниб кетди қария.— Нима, қариб-чуригунингча фақат тиззаларингни қучоқлаб юрмоқчимисан?!

Сапарбек энди ҳазил билан қутулолмаслигини тунди-да, итоатгўйлик билан деди:

— Агар у сизга маъқул бўлса... Нимаям дердим... Унаштираверинг...

Қариянинг кўнгли бирдан ийиб кетди-да, кулиб юборди.

— Гап бундай! Бор-йўғимиздан ажралсак ҳам бу қизни қўлдан чиқармаслигимиз керак.

Акасидан бу гапни эшитгач, умрида акасига қаттиқ гапирмаган Сапарбек тўнини бирдан тескари ки-йиб олди-да, аччиғланганча деди:

— Утовимизга биров келиб, саломлашишга улгурар-улгурмас дарров қўй сўйишга буюрасан. Ҳадемай, ҳали қўзичоқлар ҳам қолмайди. Яна «бор-йўғимиздан ажралсак ҳам», дейсан. Нимадан ҳам ажраймиз? Бойгаторингданми? Уни берасанми?

— Яна нималарни хоҳлайсан!— деди сесканиб кетган Найзабой.— Бир умр бўйдоқ ўтсанг ҳам отни бермасман! Хаёлингга ҳам келтирма бун.

«Қарияни эритиб бўпсан»,— Сапарбек ичида кулиб қўйди.

— Сен қалин-палин деб бошингни оғритиб юрма,— қўшиб қўйди Найзабой.— Яхшиси, қизни қандай қилиб тузукроқ кўришни ўйла. Куёв...

— Бу овулдагилар қадимдан, пул олмасдан туриб қиз бермаслигини билмагандек гапирасан-а.

— Кўрамиз, колхознинг олди одами бўлган мендан ҳам қалин сўрашга қандай тиллари бораркан.

— Сўрашади бари бир. Уёқда, ўтовингда ўзингга ўзинг хон, кўланкаси майдонсан, улар учун ким бўлибсан. Айтганингга кўнишмайди.

— Кўнишади.

— Кўка, бекорчи гапларнинг нима кераги бор?

— Бас,— чўрт кесди Найзабой.— Бугуннинг ўзидаёқ сени унаштиргани бораман...

— И-и! Қўя турсангиз-чи.

Қаёқда! Қария шартта орқасига бурилди-да, тез-тез

юриб кетди. Сапарбек нима қиларини билмай, жойида туриб қолди.

«Ҳа... Қария бугун қиёмат-қойим қиладиган бўлди-ёв. Бу гал қочиб қутулолмайман, шекилли. Бу қиз нимаси билан унга бунчалик ёқиб қолдийкин? Бир кўриб қўяй-чи, ўзини».

Қария мўътабар меҳмонларга тикилган ўтов ёнидаги тўқим устига ўтирди-да, чўнтагига қўлини тиқди. Суякдан ясалган носқовоғини чиқариб, кафтига қоқди, кейин анча-мунча носни тили остига ташлади-ю, ўша заҳотиёқ тупуриб юборди. Нос ўткир экан, боши айланиб, кўз олди қоронғилашиб кетди.

Чимилдиқ тутилган уй атрофида айланиб юрган Сапарбекка кўзи тушиб қолган қария ғижинди: «Юракдан борми ўзи, кўкрагингни керганча ичкарига кириб боравермайсанми, ландавур!» У фақат ғижиниб қўя қолмай:

— Етим боладай нимага у ерда сўмрайиб турибсан, — деганча айюҳаннос солди.

Яна пайсалга солса, қариянинг югуриб келиб, қўлидан ушлаб ичкарига олиб киришдан ҳам тоймаслигидан хавфсиратган Сапарбек келинчак ўтирган уйга ўзини урди.

— Уйингиздан бахт аримасин! — деди Сапарбек остонадан ўтар экан. Бироқ ҳеч ким унга жавоб қайтармади, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Келинчак дугоналари билан чимилдиқнинг нариги томонида ўтирар ва уларнинг шивирлашаётганлари элас-элас эшитиларди. Бу чеккада доира қуриб ўтирган тўрт-беш йигитча эса ўзаро нима тўғрисидадир берилиб суҳбатлашишар, ора-чира чимилдиқ томонга маънодор кўз ташлаб кулиб қўйишарди.

Сапарбек шундоққина остонанинг ёнига чўқди, бироқ яна ҳеч ким унга эътибор бермади. Гапга қўшилишай деса, аксига олиб, эсига биронта жўялироқ ҳазил келавермади. Қўлини бир силтаб чиқиб кетаверай деди-ю, яна қариядан ийманди. Уйдан чиқиши билан: «Хўш, кўрдингми, гаплашдингми?» — деб ўдағайлаши аниқ. «Ундан кўра ўтира турганим маъқул», — деб кўнглидан ўтказди у.

Бир пайт чимилдиқнинг нариги томонидан:

— Сўйилган тулкидек бир-бирингизга ишшайиб кулаверганингиздан нима чиқади? Ундан кўра анови

янги келган йигитни ҳам гапиргани қўйсанглар-чи,— деган овоз эшитилди.

— Чимдиб олгандай гапираётган ким ўзи?— деди қизил этикли, барваста гавдали сариқ йигитча.

— Сизлар билан бошқача гаплашиб ҳам бўлмайди,— хиринглашди чимилдиқнинг нариги ёғидагилар.

— Ҳа энди, унинг гапиришини ўтиниб илтимос қилаётган экансан, шундай тарам-тарам бўлиб етилган олмани узиб олса бўларкан-да.

— Қўлларингдан келмасов...— қизлар қотиб-қотиб кула бошлашди.

Сапарбекни тер босди. Қизларга жавоб бериш навбати унга келганди, сукут сақлашнинг энди ҳеч иложи йўқ— ҳазил-мутойибадан қутулолмайди бўлмаса.

— Чимилдиққа қараб қачонгача термилиб ўтираверамиз,— деди ниҳоят Сапарбек ўзини тутиб олиб.— Гап-сўзларингизга қараганда, беркинмачоқ ўйнайдиган пайтдан аллақачон ўтиб кетган сиёҳдасизлар. Бу ёққа чиқа қолинглар. Танишайлик.

— Вой-бўй, бояқишлар-эй! Ҳа, энди, азондан кечгача тўрт букилиб, далада ўроқ ўрганингиздан кейин, бир соатга бўлса ҳам қад ростлаб, қизларга қараш сизларга камдан-кам насиб қилса керак-да.

Қизлар бутунлай очилиб кетишди. Уларнинг кулгиларидан чимилдиқ этаги ҳилпирай бошлади.

— Ана холос!— ёлғондан хўрсиниб қўйди сариқ йигитча.— Бу ерга кўкрак кериб келаётганда ҳеч қаршиликка учрамайман деб ўйлаганми дейман, пешонасини тақ этиб тошга уриб олганини ўзи ҳам пайқамай қолдиёв...

Сапарбек ўрнидан ирғиб турди-да:

— Бунақанги сурбетликнинг нима кераги бор,— деди-ю, ташқарига чиқиб кетди.

Худди ўйлаганидек, қария уни қарши олди.

— Нима гап? Нимага бунақанги тутақиб кетгансан? Тасодифан қувиб чиқаришмадимми сени?

— Кўка, бутун овулни бошингга кўтармасдан секинроқ гапирсанг-чи.

Найзабой елкасини қисди:

— Қаттиқроқ овозда гаплашсак тўйдан ҳайдаб юборишадими. Ундан кўра, яхшиси, нима гаплигини айт.

— Нимани айтаман...

— Кўрдингми ўзини?

— Кимни?

— Ақлдан озмаганмисан ўзи.

— Ҳаммаси чимилдиқнинг нариёғида ўтирибди. Ораларида битта ўктами бор экан. Оғзига нима келса қайтармай гапириб, жонимни ҳиқилдоғимга келтирди.

— Ўзимам ўйлагандим-а... Ҳа, жаҳл қилмасдан, ҳазил-ҳузилу қизиқчилик билан чимилдиқнинг ичига кириб чиқмайсанми. Сенинг ҳозирги ёшингда яраша-веради, биров айбга санамайди буни. Қачонгача сенга ўргатиш керак?

— Бўлди-да, кўка. Бу овулга қайлиқ танлагани келганим йўқ-ку, ахир.

— Шу ерда танламасанг, қаерда танлайсан? Мениям ўйлайсанми ўзи? Қачонгача анови Пернега ўхшаганларнинг, биттаю битта укаси бор, шуниям уйлаб қўя олмайди, деб устимдан кулиб юришларини эшитаман.

— Гапирса гапираверсин. Тил уларга вайсаш учун берилган.— Сапарбек гапни бошқа ёққа буриш мақсадида баҳона қидира бошлади.— Қара, анови байталнинг тушови узилиб кетибди, бошқатдан бойлаб қўймаса, кейин қидириб топиб бўлмайди уни.— Сапарбек қир этагида ўтлаётган отлар томон кета бошлаган эди, қария яна ўшқирди:

— Тўхта! Бегона йилқилар билан сенинг нима ишинг бор? Оппа-осонгина мендан қутулиб кетмоқчимисан? Йигит деган ўтли-шудли бўлади, интилган нарсасини қўлга киритмагунча тиниб-тинчимайди. Сен эсанг, сағрисига қамчи тушмаса бир қадамам юрмайдиган қирчанғидан ҳам баттарсан.

Сапарбек эътироз билдиrolмай қолди. Нима ҳам дерди? Қария жаҳли чиққанда ҳамманинг кўз ўнгида шарманда қилишдан ҳам тоймайди. Яхшиси—ундан индамай қутулиш керак.

— Нимага индамайсан?— бўш келмади қария.— Сўққабошлигингча ўтиб кетмоқчимисан?

Отнинг узилган тушовини қайта бойлагач, қир тепасига чиққан Сапарбек пастда ястланиб ётган водийдан кўз узолмай узоқ турди. Кейин келин тушган уйга қараб, нохушлик билан ўйлади: «Яна, акамнинг диди-

га ёқиб қолган қиз анови ўктами бўлса-я? Роса буюраркан-да менга».

Бу пайтда Найзабой: «Қалайсан, ботиририм?» — деганича Бойгаторини силаб-сийпалаётганди. «Шундай Бойгаторим турганда нима армоним бор. Бундан ортиқ бойликни менга кераги ҳам йўқ», деб қўйди-да, «бояги қизга албатта совчиликка бораман», деб аҳд қилди.

...Шу куни кечқурун Сапарбек ўз овулига қайтиб кетди. Найзабой эса келиннинг овулида қолди-да, эртаси куни эрталабоқ қизнинг ота-онаси ҳузурига ташриф буюрди.

Овулдагилар Найзабойнинг бўйдоқ укаси борлигидан хабардор эдилар. Шунинг учун қизнинг ота-онаси уни кўришлари биланоқ сергак тортишди. Ахир бунақанги ёши улуг меҳмонлар қизи бор уйга бекордан-бекорга келишмайди-да.

Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашишгач, Найзабой дангал мақсадига кўчди:

— Гапни чўзиб ўтиришдан ҳожат йўқ... Сизларга қуда бўлгани келдим...

Уй соҳиби — танқайган бурунли бўйчан киши ерга қараб ўтирди-ўтирди-да:

— Бу қанақаси бўлди? — деди. — Бизни таҳқирламоқчимисиз?

— Ҳеч ерда совчиликка сўппайиб ёлғиз ўзиям келарканми одам? — Қизнинг онаси шундай деганича, ўрнидан туриб, эшик томонга юрар экан, лабини бурганча қўшиб қўйди: — Уят-эй!

Қариянинг соқоли селкиллаб, кўзи ғазабдан чақчайиб кетди, бармоқлари чакмонининг этагини тутамлади.

— Нима, сизларнинг тенгиз эмасмизми? Сени туппа-тузук одам деб юрсам... Нима, бошқа қиладиган ишим йўқми ё итим адашиб буёққа кириб қолибдими?

Бироқ уй соҳиби ҳам бўш келмади:

— Одамларни бунақанги ранжитиш яхшимас, ота-фаси. Қизимиздан қутулолмай ўтирганимизча йўқ. Урф-одат, анъана деган нарсалар бор, яна ёлғиз ўзимиз турмаймиз. Қариндош-уруғ, ёр-биродар, қуда-анда бор, эртагаёқ улар: «Биздан яширгани билан қаерга ҳам борарди», — деб айтмаслигига ким кафиллик бера олади?

— Боятдан бери, ҳуркович отга ўхшаб пишқиравер-гунча шундай деб қўя қолмайсанми,— деди қария ёнидаги ёстиқлардан бирини бағрига тортар экан.— Худо хоҳлагани бўлади!

— Ҳеч бўлмаса, от чоптириб, терга ботириб, атайлаб келсангиз ҳам бир сари эди. Ҳозирги ишингиз билан худди одамни эрмак қилиб, масхаралаётганга ўхшайсиз,— деди уй соҳиби маҳсисининг қўнжини тортиб қўяр экан.

Найзабой, чинданам қулай фурсат топиб, урф-одатга риоя қилиб келсам бўлар экан, деб ўкинди. Лекин бўлар иш бўлган, бўёғи кўчган эди...

— Сен жаҳл устида қайсарлик қилаверма,— деди у.— Бу ерга сен билан ади-бади айтишгани келганим йўқ.

Уй соҳиби:

— Қадимдан совчилар, қизи борнинг нози бор деб, ҳурмат сақлаб, минг хил хушомад билан кўнгил овлашга уринишарди, сиз эсангиз зўрлик қилмоқчисиз,— деб кулгига олмоқчи эди, бироқ у ўйлагандай бўлиб чиқмади. Бундан дили ранжиб, эшик томонга ўтирилганча бақирди:— Ҳой, чойингга тош боғлаганмисан? Олиб келсанг-чи, у-буингни.

— Бунчалик юрагинг тор бўлмаса,— ҳазиллашди Найзабой,— тўрда қудаси ўтиргандан кейин бир оз куйманари-да.

— Қўйсангиз-чи, энди,— деди уй соҳиби,— гижиллашаверамизми ҳадеб?

Дастурхон ёзилиб, чой келтиришганда қария:

— Қизни чақиринглар, чой қуйиб берсин,— деди.

Қизнинг ота-онаси бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Худди шу пайт даҳлизда кимнингдир қадам товушию, шолпар—сочга тақилган танга-тақинчоқларнинг жаранги эшитилди.

— Киравер, чироғим,— деди қария ким келганини фаҳмлаб.— Уялма!

Жумагул енгил қадам ташлаб кириб, онасининг ёнига тиз чўкди.

Қария, чўллаб келган кишидай, анчагача чой ичиб ўтирди.

Дастурхон йиғиб олингач:

— Бизга бўлган иззат-ҳурматингиз жойига қўйил-

ди-ёв,— деди уй соҳиби мийиғида кулганича.— Энди хайрлашсак ҳам бўлар.

Қариянинг хўрланишдан юраги минг пора бўлди.

«Наълат-э, сенга!»— қария бирдан порглаб, жанжал кўтарадиган ҳолга тушди. Бироқ:

— Нима деб валдираяпсан?— деди бунақанги беодобликдан ҳанг-манг бўлгани-ю, ғазабини яшириб.— Ниманга кеккаяпсан бунақа?— Қария қамчини дастасини чангаллади.

Уй соҳиби қариянинг ғазабдан қорайиб кетганини кўриб, бўшашди.

— Қизимиз сал эркароқ бўлиб ўсган, шунга...— ўнғайсизланиб, ўзини оқлай бошлади у.

— Бунинг ташвишини тортмай қўя қол, пешонамизга нима ёзилган бўлса шуни кўрамыз.

— Жудаям юрак ютган экансиз...

— Бўлмаса, бу ерда ўтирармидим,— гулдиради Найзабой.— Тузукроқ тайёргарлик кўр. Худо хоҳласа, икки-уч кундан кейин қонун-қондаси-ю, урф-одатни жойига қўйиб, уйинга оралаймиз.

Қария қамчисини икки букиб, дастасини қисиб ушлаганича, ўрнидан турди. Қизнинг онаси лабини тишлаганича қолди. Ҳатто отаси ҳам лом-мим деб оғиз очолмади.

Ушандан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас Жумагул Найзабойнинг уйига келин бўлиб тушди. Қария қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам катта тўй қилди, қуда-андаларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиб кузатди.

Эндиликда бу икки ёш алоҳида уй қилиб, чиқиб кетишганди. Бор борича, йўқ ҳолича дегандек, қора қозонни қайнатиб, турмушларини ўтказиб келишяпти. Қария улардан ризо—икковиям колхознинг олд одамларидан. Биронта йиғилиш ёки тантана йўқки, улар тўғрисида илиқ гаплар айтилмаса. Турли-туман соври-ну мукофотларни ҳам шулар олишади...

Қачондан бери ичкарига киришга журъат этолмай, пайсалга солиб турган қариянинг эсига Оразбика тушди.

«Ақлдан оздимми, нима бало,— гулдиради у.— Нима қилиб турибман бу ерда?»

— Сапар-бе-е! — овозини баландлатиб чақирди қария. — Жумагул!

Қулоқни динг қилиб, кутиб турди. Бироқ ичкаридан ҳеч қандай овоз эшитилмади. «Тонгги уйқу қаттиқ бўлади-да», — деб ўйлади қария. Шу лаҳзада қулоғига тўлроқ тутаётган хотинининг инграши яққол эшитилгандай туюлди. Шунда чидай олмаган қария овозининг борича чақирди:

— Жумагул, ҳой, Жумагул!

Ичкаридан овоз эшитилавермагач, буларни судраб чиқармаса бўлмасов, деб кўнглидан ўтказди-да, атрофига ўғринча кўз ташлаб, уй эшигини шартта очди:

— Сапарбек!

— Ҳов! Нима гап, кўка? — укасининг хавотирли овози эшитилди.

Қария йўталиб қўйди-да:

— Ўринда ётган жойингда мени тергамоқчимисан? — деди. — Буёққа чиқ.

— Ҳозир, кўка, — деди Сапарбек довдираганича. — Жумагул, тур ўрнингдан...

«Ўринларидан тургилари келмаяпти. Ёшларнинг иши шу-да... Оразбикаям бир ухласа қаттиқ ухлайди, тўп отиб ҳам уйғота олмайсан».

— Жумагул, ўрнингдан турсанг-чи, — яна Сапарбекнинг товуши эшитилди. — Чопоним қани? Ер тагига кириб кетганми?

— Ана, жойида осиглиқ турибди-ку. Қўлингга тутқазмаса, рўпарангдагиниям кўрмайсан.

— Бўлди-да, — Сапарбек тун бўйи қўл тегирмонида ун тортган хотинига ачинса ҳам, уни жеркиб берди. Кута-кута Найзабойнинг тоқати тоқ бўлди.

— Сапарбек, Жумагулни тезроқ бизникига юбор. Аनावини... ихраб-сиҳраши кўпайиб кетди.

* * *

Тонг отиб қолди. Уйқудаги девларга ўхшаб қорайиб турган тепаликлар олислаб кетгандек эди. Шабада ўт-ўланларнинг сезилар-сезилмас ҳидини олиб келиб, димоққа уради.

— Бугун чой ича олмасак керак энди, — деди Найзабой укасига қараб. — Ишқилиб, айрон бормиди уйда?

Сапарбек елкасини қисиб қўйди.

— Ошиғич ишлар йўқ. Уроқни кеча тугатганмиз. Тушдан кейин вакил келар экан. Мажлис бўлади...

— Ўзингнинг ишларинг қалай, ваъдангни устидан чиқа олдингми?— қизиқсинди Найзабой.

— Чиққанда қандоқ.

Қария маъқуллагандек бош силкиди:

— Яхши...

Кўнглида эса: «Обрўйинг бунданам орта берсин, қароғим. Ишлаганингга яраша ҳаммадан илғор бўлмасанг бари бекор»,— деб қўйди.

Ҳамиша баджаҳл, сўзга хасис Найзабойнинг бугун оғзи гапдан тинмасди. Ўзи ҳам бир жойда туролмасди. Уни чалғитиш учун Сапарбек:

— Кўка, мажлисга борасизми?— деб сўради.

— Борганда қандоқ! Қайси мажлисларинг Найзабойсиз ўтганди?

Қариянинг чеҳрасига илиқ табассум югурди. Кейин бирдан Сапарбекни унутиб, «қантарилиб қолибдику» деганича, бойлоғлиқ турган Бойгаторини ечиб, қирга қараб етаклаб кетди.

— Акам бугун жудаям бошқача,— деб қўйди Сапарбек. қариядан кўз узмаганча.

Улар олдинма-кетин бўлиб, майин ўтлар устидан боришар экан, Бойгатори қариянинг кайфиятини фаҳмлагандек, чиройли узун бўйинини чўзиб, чақнаётган қора кўзлари билан унга қиё қараб қўяди. Найзабой эса хотини тўғрисида ўйлар, унинг бутун аъзойи баданини аллақандай илиқ бир туйғу қамраб олганди. «Ишқилиб, эсон-омон қутулиб олсин-да»,— деб қўйди ичида худди дуо ўқиётгандай. Кейин эсига, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бугунги мажлис, дарё бўйига экса бўлаган қовунлару калтабин раис туфайли шундай нақд даромад қўлдан кетаётгани тушди.

Найзабой пешонасини тириштирди-да, овул томонга ўгирилиб, уйига кўз ташлади. Уёқда ҳеч қанақанги ўзгариш йўқ эди. «Тинчликмикин? Жуда чўзилиб кетди-ку. Уф».

Қария ўзини бир оз босиб олиш, алағда хаёлини чалғитиш учун ўтмишини ўйлай бошлади.

Ёшлигида не-не ишларни бошидан кечирмади у? Эсини танир-танимас Бимен бойнинг молларини боқишга киришди. Бўш вақт топганда кийим-кечак, этик

тикишни ўрганди. Кейинчалик, у тиккан ўн жуфт маҳси бойнинг сандигидан жой олганди. Бой ёш чўпон тикканларини тортиб оларди-ю, бари бир яна йиртиқ-ямоқ чоригини судраб юраверарди...

Кейин революция юз берди. Найзабой худди уни кутиб тургандек, ана шу бетинч йиллар учун туғилгандек эди. Кўп ўтмай қир-адирларда уни янги, унчалик тушунарли бўлмаган ном билан—фаол деб атай бошладилар. Найзабой овулдаги кишиларга янгича ҳаёт қуриш учун ёрдамга келганлар билан биргаликда бойнинг молларини рўйхатга олди. Ана ўша кезларда Найзабой Бименнинг сандигини очиб, ёшлигида ўзи бойга тикиб берган кавуш-маҳсиларини олди-да, овулдаги чол-кампириларга улашди.

Кейинчалик, колхоз тузилаётган пайтда ҳам Найзабой ўзини кўрсатди. Пешонасига битта-яримта туёқ битиб, колхозга киришни хоҳламагаларга қарата унинг айтган гапини ҳали-ҳалигача кексалар эслаб юришади. Ўшанда Найзабой шундай деганди:

— Бу—кўпга келган тўй. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, колхоз тузамиз деб турган бир пайтда сенларнинг қилаётган ишларинг бир саноч мойни чиритган қумалоққа ўхшаган бўлди-ю...

Овул овул-ку, ундан олис-олисларга донғи кетган моҳир уста ҳам мана шу Найзабой эди. У нимаики иш тикмасин, ҳамманинг таҳсинига сазовор бўларди. Лекин Найзабойнинг битта камчилиги бор эди—эътироз билдирилишига унинг тоб-тоқати йўқ эди. Шунинг учун ҳам буюртмачилар у билан талашиб-тортишиб ўтиришмас, дарвоқе, одамлар устанинг виждонлигини — ишни кўнгилдагидек қилиб тикиб беришини билишарди-да.

Найзабой кечалари ишлар экан, кўпинча хаёлга ботарди. Уйланиб ўтириб, ўзининг ёлғизлигидан нолирди. Биринчи хотини—Оппоққиз бепушт чиқди. Умрининг ярмини яшаб қўйди-ю, лекин фарзанд кўрмади. Найзабой бундан ич-этини ер, бироқ шовқин солиб, хотинини хафа қилишга тили бормасди. Назарида, Оппоққиздан яхшироқ аёл ер юзида йўқ эди. У ҳақиқий уй бекаси эди, Найзабойни севарди, эри оғиз очмасдан унинг нима демоқчилигини тушунар, аччиқланганда ҳовуридан туширишнинг уддасидан чиқарди.

Кунлар, йиллар ўтаверди.

Найзабой бойлик орттириш тўғрисида ҳеч қачон орзу қилмаганди. Утови, гўшту нони бўлса кифоя эди унга. Пешонасига битгани биттаю битта оти бўлиб, назарида, усиз бу дунёда бир кун ҳам яшай олмайди-гандек туюларди. Найзабой Бойгаторини қулунлигидан боқиб, тулпор қилиб етиштирганди. «Найзабойнинг болалари йўқ—оти эрмак, ўзини овутади-да»,— дейишарди ҳасадгўй одамлар. Йўқ, бу эрмак эмасди. Найзабой қалбан синчи эди. Бунақанги хислатга эса ҳамма ҳам эга бўлавермайди.

Бундан роппа-роса икки баҳор муқаддам Оппоққиз оламдан ўтди. Касал бўлгани йўқ, бирор ери оғриётганидан шикоят қилгани ҳам йўқ—тўсатдан жон берди.

Уйни уй қилиб ўтирган кампири экан. Усиз уйи ҳувиллаб, Найзабой ўзини қўярга жой тополмай қолди. У ўзини тутишга қанча уринмасин, бари бир ғам-ғусса эгиб қўйди. Найзабой мукка тушганча бир неча кун ётиб олди.

Уша кезларда Найзабойга фарзанд қадри қаттиқ билинди. Оппоққиз бўлганда-ку, уни ғамгин фикрлардан йироқлаштирарди-я, ҳозир эса... ҳозир эса дунё кўзига тор кўринаётганди.

Шундан сўнг Найзабойга тасалли берадиган бирдан-бир оти—жон-дили, ифтихори Бойгатори бўлиб қолди. У оти билан қирга чиқиб, узоқ-узоқ вақтларгача қолиб кетарди.

Овулдагилар кўпинча уларни қир тепасида—олдинда Найзабой, унинг кетидан эса, Бойгатори бошини энгаштирганча бораётган ҳолда кўришарди. Ҳа, Бойгатори унинг ғам-ғуссасига шерик бўлаётганди. У аввалги пайтлардагидек қулоқларини чимириб, бошини бирдан кўтармасди. Одатдагидек, бўлар-бўлмасга ўйноқиламас, орқасига тисарилиб, олд оёқларини кўтариб типпа-тик турмасди. У худди эгасидек маъюс ва босиқ бўлиб қолганди, фақат ҳар замон-ҳар замондагина ғамгин қараб, худди ўзини эслатиб: «Мен шу ерданман, сен билан биргаман»,— дегандек, Найзабойнинг елкасидан тумшуғи билан оҳиста туртиб қўярди.

Қария эса бундан янада маъюс тортиб, отидан сўрарди:

— Ҳой, кўзимнинг нури, дилимнинг қувончи, сен

нимага хафасан? Сен ёшсан-ку. Кўрадиганларингнинг бари ҳали олдинда. Мени эса қўявер, хафалигимга эътибор берма. Қари қўйнинг умрича умрим қолди.

Шунда Бойгатори қарияга узоқ қараб қолар ва гўё: «Бошингга шундай оғир кунлар тушганда ёнингда бўлишимга рухсат эт. Сен билан бирга бўлиш менга қувонч бағишлайди. Сени ҳамиша пўлат қозиқдек метин-мустаҳкам деб ўйлардим. Пўлат ҳам кўз ёши қиладими?»—дегандай бўларди.

— Вой, баччағар-эй, қўйсанг-чи,— дерди унга жавобан қария.— Сени ким ҳайдаяпти? Ҳайдасам тизгинингдан ушлаб юрармидим. Ёнимдалигинг қайтамга яхши—ҳамдардсан менга. Хурсандчилик кунларда ҳам, ғам-ғуссали кунларда ҳам биз бирга бўламиз.

Ана шунда Бойгатори бошини кўтарарди. Кўтарарди-да, олис-олисдаги қирларга кўз ташларди. Кўз ташлаб туриб: «Ғам-ғуссали, машаққатли кунлар ўтиб кетар. Ҳали биз қийқиришиб кўпқарига борамиз»,— деб ўйларди.

Уша кезларда қариянинг яна бир дил юпанчи — Сапарбекнинг қора-қура болалари эди. Улар қарияни кўриб қолсалар, унинг теварак-атрофида гирдиқапалак бўлиб, ўзларининг болакайларга хос—«теша тегмаган» гап-сўзлари билан Найзабойнинг кўнглини ёзишарди...

Шундай қилиб, сўққабощликнинг узун, охири кўринмас кунлари туялар карвонидек тизилиб бирин-кетин ўтаверди.

Лекин бир куни Найзабой янги чопонини кийиб, отига минди-да, Сапарбекка, Белторангдаги Опоққизнинг қариндош-уруғларини кўриб келаман, деганича жўнаб кетди.

Орадан бир ҳафта ўтгач... икки киши бўлиб—Орабика билан қайтиб келди. Келди-ю, шу заҳотиёқ, фотиҳа олиш учун, овулнинг ҳурматли кишиларини уйига чақирди.

— Менинг умрим кўп қолгани йўқ,— деди у йиғилганларга астагина.— Лекин қариганимда ёлғиз яшапга юрагим дов бермаяпти. Одатда, қозоқ зерикканидан ё бойликдан хотин олгувчи эди, лекин мен зерикка-

нимдан, пулим ошиб-тошиб кетганидан эмас, ҳаёт мажбур қилганидан иккинчи марта уйландим...

Оқсоқолларнинг энг кексаси—қадди букчайган, эгнига барқут чопон кийгани жавоб беришдан олдин узоқ йўталди, кейин:

— Шу ерда ўтирганлардан ниятингни яшириб, биронтамизга лом-мим демай кетганингни айтмаса... — деди,—нимаям дердик... Ниятингга ет, деймиз...

— «Ноумид—шайтон» дейишади. Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ...— деди яна бир қария қалпоғини қўлига олар экан.

Фақат Пернегина, ўз одатига кўра, эътироз билдирди:

— Шошиб қолибсан, Найзабой. Ҳеч бўлмаса, Оппоққизнинг йилини ўтказиб, кейин уйлансанг ҳам майлиди. Эшитган қулоққа яхшими шу? Уят-ку бу!..

Перне билан Найзабойнинг ўзаро муносабатлари ёшликларидан антиқа эди. Бир-бирларини кўришмаса туриша олмас, учрашганда эса албатта жанжаллашишарди. Мана, ҳозир ҳам Перне, масала ҳал бўлганига қарамай, ўзини тутиб туrolмаганди.

Бошқа пайт бўлганда-ку, Найзабой унинг қулоқ-чаккасига тортиб юборарди-я, лекин ҳозир ўзини тийди. Фақат:

— Тилинг қичимаса ҳеч туролмайсан-да,— деб қўя қолди.

— Тўғриси айтсанг бунга ёқмайсан,— деди Перне.— Бурунгилар, арвоҳ хотира қилмаганларнинг иши ўнгмайди, дейишарди. Бунақанги феълинг билан сен ҳам ўнганмайсан.

— Уйдан чиқиб кет, лаънати,— деди куюб кетган Найзабой. Унинг қулоғи шанғиллаб, ўзи дир-дир титрарди.— Чиқиб кетасанми, йўқми?

Уйдагилар жим бўлиб қолишди. Оразбика оқариб кетди. Пиёлалардаги чой совида... Ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам Найзабойни босиш учун ҳозир айтиладиган ҳар қандай гапу сўз беҳуда кетишини билишарди, Пернега ҳам бирор нарса дейиша олмасди—у оғзига келганини қайтармай айтиб юборса, қариянинг муштлашиб кетиши ҳеч гапмасди.

Найзабой бошини қуйи солиб ўтирди-ўтирди-да:

— Бу лаънатига эътибор берманглар,— деди.—

Кимнингдир кайфиятини бузмаса, кўнгли жойига тушмайди ўзи бунинг.

Елкаларидан тоғ ағдарилгандек, ҳамма эркин нафас олиб, жонланди. Бироқ Перне яна тилини тийиб турулмади:

— Бировни камситиш эса сенга қувонч бағишлайди.

— Агар сени ҳам камсита олган бўлсам, демак отим улоқни олиб кетибди-да,— деди Найзабой очиқ юзлик билан.

Оразбика пиёлаларга қайтадан чой қуйиб узата бошлади...

Буғи чиқиб турган бир лаган гўшт кўтариб, ўтовга Жумагул кириб келди. Гап-сўз тўхтади. Фақат, зиёфат тугашига яқингина, Найзабой яна тилга кирди:

— Ёшимиз орасидаги фарқ—ер билан осмонча... Мана, Оразбика... ўз ихтиёри билан келиб, қаршингларда турибди...

Найзабой бир оз ўйланиб, қўшиб қўйди:

— Худо берган биринчи эри отдан йиқилиб, нобуд бўлган экан. Шундан бери деярли икки йил ўтибди...

— Чироғим,— деди тўрда ўтирган барқут чопонли чол Оразбикага юзланиб.— Қутлуғ даргоҳга қадам босибсан, пешонанг ярлақасин. Бу икки ўтовда яхши одамлар, меҳнаткаш ака-ука яшайди. Тинч-тотувлигу аҳилликни қўлдан берманглар. Хотинлар тотув яшаса, эрларининг ҳам орасига нифоқ тушмайди. Узингдан қолар гап йўқ.

Чолдан сўнг ҳеч ким ҳеч нарса демади...

Шундан сўнг Найзабойнинг сўна бошлаган ҳаёти яна жонланди. У дунёга гўё қайта келгандек эди. Ушандан бери икки йил ўтди, мана энди... Оразбикани тўлғоқ тутиб ётибди... Оразбикада қандайдир ўзгариш бўлаётганини кечаёқ пайқаганди. Лекин сир бой бермай ҳеч нарса демади, фақат кечга бориб чидай олмай, эҳтиёткорлик билан сўради:

— Қалай?

Оразбика худди шу саволни кутиб тургандек, унга қараб, кулимсираганича:

— Соат-минутини қайдан билай,— деди.

— Ёспирай-э,— дея олди қария, нимагадир чопонини ечиб, тахлоглик ўрин-кўрпа устига улоқтирар экан.

— Эсон-омон қутилиб олсам қанийди,— деди Оразбика хўрсинганча.

Қария довдираб қолганидан нима деярини, нима қиларини билмасди. Умрида бунақанги ҳолатни бошидан кечирмаган, ҳатто кечаги кунгача бошимдан кечираман деб ўйламаганди. Хотинига, ҳали туғилмаган боласига туйган меҳрибонлигидан қалби тўлиқиб кетди.

— Биронта кампир-сампир чақирайми?

Хотини унга ер остидан қараб кулимсиради.

— Узингиз елиб-югуриб юрсангиз... ноқулай ҳар қалай.

Қаттиқ ҳаяжонланаётган Найзабой чопонини яна қайтадан кийиб олди.

— Жумагул бирров кириб хабар олиб кетса нима қиларкан. Оқшом тушса бўлди, уйдан чиққиси келмай қолади.

— Утағаси-ей, хотин кишининг ўчоқ бошидаги иши ҳеч тугармиди ўзи,— эътироз билдирди Оразбика.— Бунинг устига даладан ҳориб-чарчаб қайтади...

— Сапарбекни ҳам тариқча ақли йўқ,— аччиғидан тушмай давом этди Найзабой.— Бирров кириб чиққин, деб айтса-ку олам гулистон...— Унинг кўзи бирдан эшик ёнидаги илиғлиқ қамчисига тушиб: «Бойгатори бугун бекорга безовта бўлмаётган экан-да. Сизган экан-да, жонивор», деб кўнглидан кечирди.

Оразбика ўрнига чўзилиб, чопонга ўралиб олди.

— Иложини топсанг, бир оз мизғиб ол,— деди қария меҳрибонлик билан.

Боятдан бери қоронғиликда ўтирганларини эндигина пайқаб қолган Найзабой шоша-пиша ўнинчи лампани ёқди. Хира, қизғиш-сариқ нур ўтовни ёритди.

— Баччағар, бу ўнинчи лампа жоннинг роҳати экан-ку,— деди у мингиллаб. Сўнг аста сўради:— Оразбика, ухлаб қолдингми?

— Уйқу қаёқда, фақат сал-пал енгил тортгандайман.

— Мана бу лампани ёқмай қўя қолай десам...

— Нимага энди, ёққангиз яхши бўлди. Қоронғилик одамнинг кўнглини чўктириб юборади.

Шу топда Найзабой чекмай қўйганидан афсусланди — Оразбикага уйлангандан кейин чекишни ташла-

ганди. Қани энди, ҳозир бир чимдим носни тили остига ташласаю, кўз олди жимираб, кайф қилса.

Найзабой Оразбиканинг ёнига чўзилди, бироқ уйқуси ҳадеганда келавермади. Ҳали у қўлини, ҳали бу қўлини босиб ётиб кўрди, охир бўлмагач, ўрнидан турди, оёқ машинасини созлаб, лампани яқинроғига сурди...

Қария берилиб, диққат билан, ҳеч нарсани ўйла-масликка ҳаракат қилиб, туни билан кийим-кечак тикди: барқутдан кичкина-кичкина иштончалар, сурпдан кўйлақчалар, йўрақлар.

Найзабой яхши тикувчи эди. Пернега ўхшаган баъзи кимсалар эса гоҳида, эрақларга хос ишни қилсанг-чи, деб маломат қилишарди. Гапиришса гапиришаверсин, тил уларники...

Оразбика ухламай, эрининг ҳаракатларини кузатиб ётарди. Найзабойдан нима тикаётганини сўрашга оғиз жуфтларди-ю, лекин унинг берилиб ишлаётганидан журъат этолмасди. Фақат ёнига ўгирилиб ётмоқчи бўлгандагина бош томонида турган кичкина-кичкина барқут иштончаларга кўзи тушиб, анқайганча қолди. Эрининг меҳрибонлигидан кўнгли бўшашиб кетди. Найзабойга нимадир демоқчи бўлди-ю, бироқ кўз олди бирдан қоронғилашиб, киприқларига кўз ёшлари илindi. «Шунчаликка етказганингга ўзингга минг қатла шукур!» Бирдан хотиржам тортгандек, дард ўтиб кетгандек туюлди унга.

Оразбика букчайиб ўтириб олганча оёқ машинасида тикаётган чолига узоқ қараб ётди...

* * *

Найзабой, отининг тизгинидан ушлаб, яқинроқдаги қирга яқинлашиб, сўқмоқ йўлдан сойликка тушди. Бойгаторини ўтлагани қўйиб юборди. Қариянинг чеҳрасидан қувонч табассуми аримас, лабларининг чети дам-бадам учиб турарди. Аҳён-аҳёнда қулоғига чақалоқ «ингаси» эшитилгандек туюлиб, аъзойи бадани титраб кетарди. Шундай пайтларда бутун жисми қулоққа айланарди. Бироқ теварак-атрофда жимжитлик ҳукм сураб, фақат шабадагина ўт-ўланларни шитирлатар, сойликдаги сув чулдириб оқарди.

Ногаҳон Найзабой, назарида, узангига тирмашганча Бойгатори билан ёнма-ён кетаётган митти болакайни кўраётгандай туюлди. Кўзига болакай шу даражада аниқ-таниқ кўриндики, у шоша-пиша орқасига ўгирилиб қаради. Оти юмшоқ лаблари билан ўтларни чимдир, пишқириб қўяр, ёнида эса ҳеч ким йўқ эди.

Тор сўқмоқ илон изи бўлиб, сой бўйлаб чўл ичкарисига қараб кетганди. Найзабой олисларга тикилганча, кўнглидан: «Эй, Найзабой, Найзабой, бу ўтган умрингда кўп азобларни бошингдан кечирдинг. Энди қартайганигда бошингга давлат қуши қўнган экан, шунга шукур қил. Бу бахтли кунларинг узоқ давом этсин! Узоқ давом этсин!..» — деб қайта-қайта такрорларди.

Қуёш кўтарилган сари чўл камалак тусида рангбаранг бўлиб товлана бошлади. Шабада ҳам худди гўдак кафтидек илиқ, майин бўлиб қолди.

Найзабой тепалик устига чиқди. Яқинлашиб келаятган қувонч сезгиси, ҳадемай юз берадиган аллақандай ғайритабиий ҳол туйғуси қариянинг оромини олиб қўйганди. У кўзларини қисиб, овул томонга тикилди, бироқ у ерда ўша-ўша сокинлик эди. «Нима гап ўзи?» — у Бойгаторига саволомуз қаради. Оти нима ҳам дея оларди? «Амрингга мунтазирман», — дегандай унга кўзларини тикди, холос. «Ботирим, сендан ниманиям яширардим. Кўксим бугун қувончдан отилиб кетгудек бўляпти. Назаримда, бунга чидаш беролмайдиганга ўхшайман».

Олисада, қорайиб кўринаётган дарахтлар ортида, Сирдарё ястланиб оқарди. Қария унга назар ташлар экан, бугун ўтказиладиган йиғилиш эсига тушди. Дарё бўйига қовун экиш кераклигини, шу ҳақда йиғилишда раисга қаттиқ-қуруқ гапирмоқчи бўлганини ўйлади. Ўйладию ўзидан-ўзи уялиб кетди. Нимага жанжаллашиши керак? Бировнинг кўнглига озор беришдан нима фойда? Ҳамма ишни ҳам, бировнинг нафсониятига тегмай, оддийгина қилиб, ётиғи билан битириш мумкин-ку. Ҳа, бугун у йиғилишда шовқин-сурон кўтариб, ўз фикрини исботлашга уринмайди. Битта Перненинг заҳар-заққум гапларининг ўзиёқ бутун овулга етарли. Ана ўша ўзининг танқиди билан ҳамманинг жонига тегаверсин. Лекин, бордию Найзабой гапирмаса, худди мана шу Пернега ёки унга ўхшаган-

лар: «Найзабойнинг ёш хотини бор, қорни тўқ, энди бошқалар билан нима иши бор? Собиқ фаол Бойгаторини бошлаб минса бўлди-да»,— деб айтмаслигига ким кафиллик бера олади? Ҳа, унақасига ҳам, бунақасига ҳам иш хуржун. Қария хўрсинди. Хўрсинди-ю, тўсатдан хаёли бўлинди. Юраги гупиллаб уриб кетди. У овул томондан Сапарбекнинг катта ўғли қўлларини силкитиб, елиб келаётганини кўриб қолганди.

Найзабой унга пешвоз югурмоқчи эди, бирдан бўгин-бўгинларигача бўшашиб кетиб, бир қадам ҳам бо-солмади. «Тезроқ гапирсанг-чи, нима гап?»— деб бақирмоқчи бўлганди, томоғига ёнғоқдай нарса тикилиб, овози чиқмади.

Бола яқинлашиб қолганида бор овози билан қичқирди:

— Ота-а-а, суюнчи беринг, суюнчи!

Найзабойнинг тиззалари қалтираб кетди; у йиқилиб тушмаслик учун ерга ўтириб олди.

— Ота, суюнчи беринг, суюнчи! Опам ўғил туғди! — деганча бола ўзини қариянинг қучоғига отди.— Чақалоқнинг инга-инга деганини ўзим эшитдим, ҳа, ўзим эшитдим...— ҳаллослаётганидан нафаси тикилиб дерди болакай.

Қариянинг ўрнидан туришига ҳоли қолмади. У кўзларини катта-катта очганича болага тикилар, юраги эса гупиллаб урар, олам ҳам назарида нурафшон бўлиб кетгандек эди. У ҳозир олтмиш тўртта кирганини унутиб, ўзини йигирма беш ёшлардаги йигитлардек сезаётганди.

Ногаҳон кўнгли тўлиб, кўзларида ёш милтиллади. Иссиқ кўз ёшлари ёноқларидан думалаб тушаётганини сезиб қолганда эса, ўнғайсизланди, айна пайтда ўзидан-ўзи ажабланди—ахир у умрида бирон марта ҳам йиғламаганди-да.

— Ол, болам! Суюнчига кўнглинг нимани тиласа, ўшани олавер!— деди у титроқ овозда.

Найзабойнинг кўз ёшини кўриб доврираб қолган бола унинг қучоғидан юлқиниб чиқиб, келган томонига қараб югуриб қолди.

— Тўхта,— деди қария ўрнидан турар экан.

— Нима дейсиз, ота?

— Отангга бориб айт, тўқлини сўяверсин. Ҳадемай меҳмонлар келишади...

— Яхши,— бола шундай деб, яна югуриб кетмоқчи бўлди.

— Сени жин қувяптими, тўхтасанг-чи,— деди қария.— Серканиям ўтовга яқинроқ жойга келтириб қўйсин. Кейин Жумагулга айт, бўғирсоқдан кўпроқ пиширсин.

— Яхши.

— Шошилма. Буёққа кел.

Бола олдига келгач, Найзабой унинг қўлидан ушлади.

— Тўшакнинг остида анчагина ўрик-майиз бор. Олишни унутмагин-а...

Бола физиллаганича пастга қараб югуриб кетди.

— Зумрашанинг хурсандлигини-чи,— гулдиреди Найзабой боланинг кетидан қараб қолар экан.

Қария Бойгаторининг тизгинидан етаклаб сойга қайтиб тушди.

Найзабўйи кўтарилиб қолган қуёш ўзининг заррин нурларини кўм-кўк, ширадор—янги баҳор ўтларига саховат билан сочарди.

Қир узра тушган ола арқонга ўхшаш сўқмоқ йўл тепаликдан ўтов томонга чўзилиб кетганди. Найзабой сўқмоқ йўлга тикилганча хаёлга толди. Оппоққизни кўмиб келиб, одамлар тарқалишган куни Найзабой ярим кечада шу ерга келганди. Сутдек оппоқ ойдин — нурга чўмган қирда яққол кўзга ташланиб турган бу сўқмоқ йўлдан юра берган, юра берганди. Ана ўшанда сўқмоқ йўл унга беҳуда ўтган умрдек узун ва зерикарли кўринганди. Юраги қайғу-аламдан садпора бўлганди. Йўқ, у ҳали шу пайтгача ҳеч ким ўлимдан устун келиб, мангу яшолмаганлигини биларди, шунинг учун ҳам ўлимдан қўрқмасди. Унинг юрагига гулу солиб қўрқитаётган бирдан-бир нарса—бу ёлғизлик эди. Ана шунда унга қолган умри зулматга чулгангандек, бундан буёғига рўшнолик кўрмайдигандек туюлганди.

Яхшиямки, дунё ишлари ўзгариб туради. Мана, яна унинг ҳаёти қувончга тўлди. Ўғил кўрди—ортидан туёқ қоладиган бўлди, унинг насл-насаби йўқолиб кетмайди энди.

Найзабой бир замонлардагидек, худди ёшлигидагидек бир ирғиб эгарга миниб олгач, вафодор Бойгатори унинг бақувват қўлларига бўйсуниб, сакраб чо-

пиб кетди. От бетоқатланиб бошини дам-бадам кўтарар, югани тортар экан, Найзабой жиловни бўшатиб, уни ўз ихтиёрига қўйиб берди.

Қир ола-була, нашъали бўлиб, унинг кўз олдида гир-гир айланди-ю, орқада қолиб кетди. Елдек учиб борар экан, қариянинг кўз ёшлари шамолдан қуриб, лаблари қурқшади.

«Ўғил! Ўғил! Ўғил! Ортимдан туёқ қоладиган бўлди!»—деган фикр миясида чарх ураётган Найзабойнинг гавдаси от танаси билан бирлашиб кетгандек, теварак-атрофида шоду хуррамлигу саҳоватли қуёшдан, илиқ шабадаю чеки йўқ даштдан ўзга ҳеч нарса йўқдек эди.

О-ҳо, осмон мунчалар юксак ва тиниқ бўлмаса! Қуёш мунчалар нурафшон бўлмаса!

Қария оти билан бирга шаффоф-олтинсимон мовийликка қўшилиб кетаётгандек эди. Баданидан ҳовур кўтарила бошлаган от шиддат билан елиб борар экан, оёғи остидан қушлар гурра-гурра учиб чиқишарди. «Айланайин сендан, Бойгаторим. Сен қувончимга-қувонч қўшяпсан». Азоб-уқубатлар, ғам-аламлар, сўққабошлик қайғуси унутилди. Ҳаммаси унутилди. Бахт деганлари мана шу бўлса керак-да».

Қария ўтган йиллар азоб-уқубатларини энди ҳис этмас, қаддини йигитлардек роз тутиб ўтирар, лабларидан табассум аримасди. У тепалик ёнида анг-танг бўлганича ўзига бақрайиб қараб турган Сапарбекнинг катта ўғлини—суюнчига борган болани кўриб қолди.

—Ўҳу, қанд-қурсга бойиб кетибсан-ку,— деди қария боланинг қапчайиб турган чўнтақларига қараб қўйиб.

— Опам берди...— деди бола мамнунлик билан.

— Хўш, бу ерда нима қилиб турибсан?

— Отам сизни чойга чақиришни буюрди.

— Яна нима деди?

Бола елкасини учирди.

— «Уйдан қочиб кетгани нимаси?» деди.

Қария кулиб қўйди. Ўз аҳволини болага тушунтириб бера олармиди ахир у. Вақт-соати келиб, боланинг ўзи улғайиб, ҳаммасини тушуниб олади. Найзабой саволга жавоб бермай, уни ўзини саволга тутди:

— Нинини кўрдингми?

— Қаёқда. Утовга бошимни суқишим билан, Перне отамнинг уйдаги сариқ хотин бор-ку, ўша ҳайдаб юборди.

— Нега ҳайдаяпсан, демадингми?— ёлғондан қовогини уйиб деди қария.

— Унинг жаҳли ёмон,— деди бола лабини чўччайтириб.— Уришдан ҳам тоймайди. Юрсангиз-чи энди, отам кутиб қолдилар.

Отнинг жиловидан етаклаб, улар овулга йўл олишди. Шу топда Найзабой ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бесабаб хохолаб, бор овози билан кулишни хоҳлаётганди.

— Кўка, қутлуғ бўлсин,— деди уларга пешвоз чиққан Сапарбек.

Қария хурсандчилигини аранг яшириб, бирмунча қўполлик билан деди:

— Узингга қутлуғ бўлсин. Яна бир тўполончи туғилибди-да.

— Жумагулнинг айтишича, худди қуйиб қўйгандек, ўзингизмиш.

— Зумраша менга тортса-ку, кам бўлмайди-я...

Найзабой енгилгина қадам ташлаб, ўтовга кирди-да, тўрга чиқиб ўтирди. Сапарбек акасига разм солар экан уни таний олмай қолди. Ҳозир унинг қаршисида мутлақо бошқа одам—ёшарган, ихчам, бақувват, бахтиёр киши ўтирарди. Сапарбекка акаси ота ўрнида ота — ҳамишанги суянчиғи, маслаҳатгўйи, дўсти бўлиб келганди. У қариянинг ёнига бориб, уни қучоқламоқчи, бағрига босмоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини тутиб, деди.

— Кўка, чойдан ичинг. Чарчагандирсиз, аҳтимол, ҳаяжондан...

— Э-э-э. Жин урармиди менга. Ҳали куч-қувватим жойида...

Сапарбек акасининг фаълини билгани учун унга ҳар бир сўзини тарозига солиб гапирарди, лекин бугун... бугун Найзабойнинг кайфияти шунақанги эдики, халқ тили билан айтганда, ҳозир туя босиб кетса ҳам унга чивин чаққанчалик қор қилмасди. Сапарбек қариянинг узоқ вақтгача фарзанд тирноғига зор бўлганини хаёлидан ўтказар экан, ўзини тия олмай гапириб юборди:

— Оппоққиз янгам ўша ризолик берган кезлари-

даёқ бола-чақа орттирсангиз дуруст экан. Ҳозир улар бўй етиб қолган бўларди.

Ғазабдан Найзабойнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Нималар деб валдираяпсан? Оппоққизнинг арвоҳини нимага чирқиратаяпсан? Балки, ҳозир нимаики юз берган бўлса, бари Оппоққизнинг тоат-ибодати туфайлидир.

— Энди мен... шунчаки айтдим-қўйдим-да... Эзгуликнинг эрта-кечи йўғ-у...

— Шуни билсанг бўпти. Қани, олиб келадиган бўлсанг, олиб келмайсанми чойингни.

Шу пайт ташқаридан хириллаган йўтал товуши эшитилди.

— Перне ака келяпти,— деди Сапарбек безовталашиб.

Буни Найзабойнинг ўзи ҳам фаҳмлаб, қошлари ўртасига тугун тушганди.

Ўтовга яккам-дуккам соқолли, юзларини ажин босиб кетган қотма чол кириб келди.

— Сенинг катта ўғлинг,— деди у минғиллаганича Сапарбекка,— суюнчи сўраб борган экан. Хурсандлигидан юраги ёрилиб кетгудек бўляпти. Еру кўкка сизмайди-я.

— Кел,— деди қария.— Юқорига чиқ.

— Маҳсимнинг тагчарми кўчиб кетди. Бир қараб берсанг бўларкан...

— Бунинг яраси енгил...

— Дарвоқе, ёш хотининг ўғил туғибдими? Худо бераман деса, қўшқўллаб бераркан-да.

— Қўшқўллаб бердими, чимдиб бердими, ўзимизга ҳавола,— деди қария кўрслик билан.

Сапарбек типирчилаб қолди. Орадан яна гап қочса икки қариянинг ёқалашиб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Шунинг учун у шоша-пиша гапга аралашди:

— Қувониб қолдик, Перне, ака, энди...

Перне уни гапини тугатгани қўймай, луқма ташлади:

— Шарти кетиб парти қолган аканг ўғил кўрган-дан кейин қувонмай нима ҳам қилардинг?

— Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ дейишади,— деди сир бой бермай Сапарбек.

Қария эса бу орада Пернега ялт этиб қараб:

— Тилингдан олгур, бундоқ бир-икки огиз ширин

сўз айтишни биласанми ўзи? — деди. — Ё фақат одамларнинг жиғига тегиш учун яратилганмисан?

Перне заҳарҳандалик билан кулди.

— Нима, энди хотининг қўчқордай ўғил туғибди, деб, оёғингга йиқилишим керакми? Туққан бўлса нима қилибди?

— Сен нимага ўзингдан ўзинг жириллаяпсан? — деди Найзабой. — Сени ким чақирди ўзи бу ерга?

— Кўка, қўйсанглар-чи, — баттарроқ ташвишланиб деди Сапарбек.

— Сен менга бақирма, — деди Перне Найзабойга жиғибийрон бўлганча. — Сенга ўхшаб, ликиллаганча қирнинг тепасига тонг саҳарлаб чиқиб келганим йўқ...

— Уддасидан чиқолсанг, қирнинг тепасига чиқасан-да...

Перненинг боши қалтираб кетди. Ияғи учидаги яккам-дуккам соқоли селкиллади.

— Тажанг бўлиб қолибсанг, тажанг... Сенга гапларим хайф. Худони ҳам унутиб қўйгансан.

Найзабойнинг елкалари қалтираб, ранги оқариб кетди. У кўп йиллар давомида Перне билан даҳанаки жанг қилишга ўрганиб қолганди, аммо бугун, ўзи учун ғоятда қувончли кунда унинг бунчаликка боради, деб ўйламаганди. Перненинг гаплари унинг қалбига тикандай санчилди. Булоққа ташланган тошдай, қумларни тўзғитиб, сувни лойқалагди.

— Тажанг деганинг нимаси? Қачон тажанглик қилдим?

Перненинг куракда турмайдиган гапларини йиғиштириб туяга ортилса, у ҳам кўтаришга дош беролмай қоларди.

— Фаол... — нафратомуз деди у. — Фаолман деб, юртнинг оғзидагини юлиб олганингни ким билмайди...

Перне отадиган тошини отиб, озор етказиб бўлгач, шишасини қоқиб-қоқиб, кафтига носвой солди-да, тилининг тагига ташлади.

Сапарбек, чойхўрлик тугаб, зора жанжал босилса деган умидда дастурхонни йиғиштириб ола бошлаган ҳам эдики, Найзабой бирдан ўрнидан туриб, қўлидаги бўш пиёлани Пернега қараб отди. Пиёла Перненинг манглайига тегиб, уни ёриб юборди.

— Вой! Ўлдирдинг! Отангни...

Перне иккала кафти билан пешонасини ушлаб,

худди йиқиладигандек пастга энгашди. Дастурхон қопқора қонга беланди.

— Узи сени бу ерга ажал ҳайдаб келибди,— деди қария.— Бошингга нимаики тушса ҳаммасига тилинг сабабчи сенинг.

Сапарбек ташқарига югуриб чиқиб, ўтов олдида ётган кигиздан бир парчани юлиб олди-да, оловга ташлади.

— Жизганак ҳиди тутиб кетди-ку ҳаммаёқни, нима қиляпсан,— гўшт пишираётган Жумагул ҳовлиққанча сўради.

Гарчи ҳозир куладиган пайт бўлмаса ҳам—ўтовдан Перненинг оҳ-воҳи эшитилиб турарди — Сапарбек ўзини кулгидан зўрга тийиб деди:

— Кўкам ҳам қизиқ-да. Қараб ўтириб, анови вайсақи Перненинг бошини ёриб қўйди. Кигиз куйдириб босмаса, қони тўхтайдиганга ўхшамайди.

— Уят бўлибди-ку!

— Айб ўзида. Тилини тийсиниди...—Сапарбек шундай деб, хотини томонга сурилди-да, овозини пастлаб қўшиб қўйди:— Сездингми, кўкам жуда ёшариб кетибди. Ўзини қўярга жой тополмаяпти.

Жумагул қўлини силкиб қўйганича, қозон қопқоғини кўтарди: барра гўштининг ҳиди димоққа урилди.

— Жудаям хушбўй-а!— деди Сапарбек.

...Перне афтини буриштиришни бас қилди. Сапарбек бошини боғлаб қўйгач, у терс ўгирилиб, узала тушганча ётиб олди.

— Бу энди, шу ётганича ётаверади...— деди қария ҳали ҳам жаҳлдан тушмай.

— Ётмай нима қилардим? Энди бир камим, овул бўйлаб югуриб, дуч келган одамга, Найзабой бошимни ёрди, деб айтиб суюнчи олишим керакмиди,— тўнғиллади Перне ётган кўйи.

Икки қариянинг гап-сўзларини эшитган Сапарбек анг-танг бўлганича, нима деярини билмай қолди. Фақат уларнинг энди бир-бирларидан аччиқланмаётганлари яққол кўриниб турарди. Лекин ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа ҳеч ҳазилга ўхшамасди.

Шу пайт ташқаридан:

— Найзака! Ҳой Найзака!— деган овоз ҳамда отларнинг дупур-дупури эшитилди.

Сапарбек:

— Ким экан булар отларини дупурлатиб келган,— деганича бўлмай, Найзабой ўтовдан югуриб чиқиб кетди. Сапарбек ҳам унинг орқасидан юрди.

Овулнинг беш-олти йигити келган экан.

— Найзака! Тўйингиз шарафига кўпқари ўтказмоқчимиз.

— Ўзим ўйлагандек бўлди...— қариянинг кўзлари қувончдан яна чарақлаб кетди.

Унинг ўғли— бўлажак эр йигит учун кучли ва келишган йигитларнинг баҳор кези қирда шиддат билан от қўйишларидан, Найзабой одат бўйича ҳозир уларга совға қилиши лозим бўлган серкани бир-бирларидан улоқ қилиб тортиб олаётганларидаги шўхликларини чаққонликларидан ҳам яхшироқ совға борми, ахир.

— Наҳотки шундай айёмда битта серкани аяшса! — деб қичқирди йигитлардан кимдир.

— Серка ҳеч қаёққа қочиб кетмайди,— деди Найзабой.— Отдан тушинглар. Гўшт пишиб қолди...

— Кўпқарида ким ўз кучига ишонмаса ўша қозоннинг атрофида гирдикапалак бўлаверсин...

— Сизлар билан баҳслашиб бўлмайди,— Найзабой қўлини силкиди.— Нима хоҳласанглар, шуни қилинглар.

Йигитлардан бири ерга энгашиб серка танасини кўтариб олди-да, тақимига босиб қийқирганча, отини қир томон елдириб кетди. Бошқалар унинг кетидан от қўйишди.

— Ановиларни қаранглар! Ановиларни қаранглар! — қария қирда отини чопдириб кетаётган чавандозлар ортидан кузатиб қолар экан, завқ-шавққа тўлиб бир неча марта такрорлади. Чавандозлар гоҳ тўдаланишиб қолишар, гоҳ улоқни олиб кетаётган толеи баланд йигитни таъқиб қилиб, қирга ёйилиб кетишарди.

— Бойгаторим ҳам бир белини ёзиб келса бўлар экан,— деди тўсатдан Найзабой. Бироқ унинг сўзлари ишончсизлик билан айтилгандек, худди ёлворганга ўшаб эшитилди. Найзабой укасига қаради.

Сапарбек таънаомуз бошини чайқади.

— Жудаям бола бўлиб кетдингиз-да, бугун. Перне-нинг ўзи етарли эмасми...

Йигитлар узоқлашгани сари қариянинг тоқати тоқ бўла бошлади. Узини чалғитиш учун ўтов атрофини айланиб келди. Бўлмади. Хаёлига келиб қолган фикр тобора мустаҳкамланиб, шубҳаларни қувар, унинг улоқда қатнашиши тўғрилигига ишончи ортиб борарди.

Охири бўлмагач, бойлоғлиқ Бойгаторини шоша-пиша ечиб олди-да, худди ёшлигидагидек, узангига оёғи тегар-тегмас жиловини бўш қўйиб, уни елдириб кетди.

— Ойпир-о-ой!— дея олди холос, Сапарбек унинг изидан кўз узмай.— Кўкамга нима бўляпти ўзи бугун?

Бойгатори енгилгина, эркин чолиб борарди.

«Мана, менинг бахтим»,— дея шивирларди қариянинг лаблари. Қарши томондан эсаётган шамол эса кўзларини ачиштирар ва шу заҳотиёқ чиққан ёш томчиларини қуритарди.

Найзабой бирдан Бойгаторига қамчи урди. От олдинга ташланди ва қариянинг назарида, у энди от устида эмас, балки ер узра ўқдек учаётгандек туюлди.

Улоқда қатнашишни ниёт қилиб келган билан у ўзини тўпга урмади. Аллақандай истиҳола билан ўзини босиб, отининг бошини тортди.

Йигитлардан кимдир тўдадан ажралиб чиқди, бироқ сал нарига бормасдан улоқни ерга тушириб юборди.

Яна ҳар томондан қийқириқлар, отларнинг киш-нашлари эшитилиб, йигитлар тўдалана бошлашди.

— Шуюм кўпқари бўлдим!— ижирганиб қичқирди қария.— Нима бало, ҳаммаларингни онанг чапақай қилиб туққанми, улоқни қандай ушлашни билмайсанлар.

Шу орада узоқдан чанг кўтарилиб, бир тўп чавандоз кўринди. Улар улоққа қизиқиб кетган йигитларга қараб тўппа-тўғри от солиб келишарди. Қўшни колхоз йигитлари экан улар.

«Улоқни олиш энди йигитларимизга йўл бўлсин»,— кўнглидан кечирди Найзабой, қамчисини қўли оғригудек бўлиб қисар экан.

Яқинлашиб келаётган тўдадан икки-уч йигит тў-

сатдан ажралиб чиқди-да, зум ўтмай, улоқни олиб кетаётганларга яқинлашишди.

— Бай-бай! Отининг учқурлигини уларнинг! Ҳавас қилса арзийди!— деди қария тағлайини тақиллатганича, қўшни колхоз йигитларига қойил қолиб.

Овул йигитларидан кимдир уларнинг сиқувига дош беролмай, қўлидан улоқни чиқариб юборди.

— Найзака! Улоқни олиб кетишяпти!— кимнингдир умидсизлик билан қичқиргани қирни тутиб кетди.

Овозни эшитди-ю, қария ҳамма нарсани унутди. Завқ-шавқдан кўкси жўш уриб, бир лаҳзагина кўз олди тиниб кетди.

Кейин бақувват, хушқомат йигитнинг тўдадан ажралиб чиққанини кўриб қолди. Улоқни тақимига босиб олганича, терга ботган отини ўз овули томонга суриб кета бошлади.

Бойгаторининг сағрисига бугун йккинчи марта қамчи тушди.

Шу дақиқаларда қария улоқни йигитларга ўзи совға қилганини, агар у урф-одатга риоя қилмай, уни тортиб олса уят бўлишини ҳам унутганди.

«Тўнғичим туғилди!— ҳаяжонланиб хаёлидан ўтказарди Найзабой.— Бу улоқ унинг туғилиши шарафига! Менинг сўнги улоғим бу!..»

Бойгатори улоқни олиб кетаётган йигитга етиб қолди. Башарасидан тер қуйилаётган йигит эса ўзини таъқиб этиб келувчига дам-бадам ўгирилиб қараганича, отини тинимсиз саваларди.

Бир пайт Найзабойнинг овули томонидан яна бир отлиқ кўринди. У қўлларини силкитганича, алланималар деб қичқирарди.

«Мендан ўзиб кетмоқчи-ку!— деб ўйлади Найзабой.— Йўқ, ўзим ҳам уддалай оламан буни.»

Қария йигитга деярли етиб олганида, овул томонидан елиб келаётган чавандоз ҳам у билан бараварлашиб қолганди. Бойгатори бор кучи билан олдинга ташланди.

— Орқага қайт! Орқага!— қичқирди Найзабой овулдошига.— Нобуд бўласан!

Кейин ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди-қўйди. Улоқни олиб кетаётган йигит нимадир деб бақирди-да, чаққонлик билан чап бериб, қир томонга от солдириб кетди. Найзабой қаршисида эса йўлни ке-

сиб, отини елдириб келаётган чавандоз кўндаланг бўлиб қолди ва... Бойгатори, бақувват, чиройли Бойгатори қушдек учиб бориб, йўлида пайдо бўлган тўсиққа урилди...

* * *


Найзабойнинг жасадини тўнғичи туғилган, қор-ёмғиру дашт шамолидан сарғайиб кетган ўтовнинг ўнг томонига ётқизиб қўйишди...

Эртаси куни, қарияни қабристонга олиб кетишаётганда эса, ҳеч ким Бойгаторининг ғамгин кўзларидаги ёшни пайқамади...

Айтишларига қараганда, ўша куни от тизгинини узиб, қирга чиқиб кетган ва янги қабр тепасида узоқ турган...

Айтишларига қараганда, чақалоқ ҳам ўша куни туни билан безовталаниб, тонг отгунча йиғлаб чиққан...

Яна айтишларига қараганда, бу тун—1939 йил март ойининг дастлабки тунларидан бири бўлган...



БЕКСУЛТОН
НУРЖЕКЕЕВ



Бексултон Нуржекеев 1941 йилда туғилган. 1965 йилда Қозоғистон Давлат университетини тамомлаган. Қишлоқ ўқитувчиси, район комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган. «Ўйлар», «Интизор ўтган умр», «Фақат бир севги» китобларининг муаллифи.

БИРИНЧИ МУҲАББАТ...

Бошга қўнар бахт қушимас
муҳаббат,
Ёки оҳу эмас тушсанг изига,
Табиат инъоми муҳаббат фақат,
Ҳаётда бир бора берилар бизга.

Муқағали Мақатаев

Баъзан бировга ҳамдардлик қилиб ўз бошингга ташвиш орттириш ҳеч гап эмас.

Бир куни собиқ курсдошим Қодирғалини йўлда учратиб қолдим, у:

— Буни қара, бир шаҳарда яшаймиз-у, бир-биримизни кўрмаймиз-а. Юр, қаҳвахонага кириб, бир оз отамлашамиз... Биламан, кечга қолсанг, хотининг хафа бўлади, унга ётиғи билан тушунтирарсан, — деб мени қўярда-қўймай судради.

Бир нарса деёлмадим, лекин миямга: «Дўстларинг сени бирон ерга таклиф қилса, бормасанг, кейин кўришганда сендан юз ўгиришади», деган гап келди. Тўғри-да озиб-ёзиб, институтда беш йил бирга ўқиган дўстинг билан учрашиб қолсангу у билан бир нафас мириқиб гаплашолмасанг, нима деган одам бўлдинг. Хотиним уйда мени кутиб ўтирибди, деб баҳона қилиш кулгили кўринади. Шуларни ўйлаб, охири рози бўлдим.

Гаплашгани гап кўп эди. Биримиз олиб, биримиз қўй-

дик. Оламнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқдик. Қани энди бу гап қурғур тугаса. Суҳбатимиз асов отли чавандозлар пойгасини эслатарди. Ниҳоят гапимиз бола-чақа, уй-рўзгор ҳақидаги масала билан тугади. Вақт ярим тундан оққанда хайрлашдик. Уйга қайтар эканман, хотиним мени қандай кутиб оларкин, деб ўйлардим. Унинг ғалва кўтаришини билардим.

Остонага қадам қўйишим билан хотиним дийдиёсини бошлади:

— Оилани асло ўйламайсиз. Бола касал, икки кундан бери кечалари мижжа қоқмай чиқаман, тинкамдорим қуриди. Бу кишига ҳарала-тарала бўлса бас, бошқа нарса билан ишлари йўқ.

Хотинимнинг гапидан бу одам ҳар куни уйига кеч қайтар экан, деб ўйлашингиз мумкин. Ҳамма вақт эмас, гоҳи-гоҳида мана шунақа бўлиб қолади. Ахир ишдан кейин дўстларингни кўргинг, бирон ерга боргинг, янги таниш-билишлар орттиргинг келади. Наҳотки, хотинимнинг жаҳли чиқади деб, қайноқ ҳаёт бағридан ўзингни четга урсанг. Мана шундай бирор жойда мириқиб, уйга келганигда яхши кайфиятингни хотининг бурнингдан булоқ қилиб ситиб олиши ёмонда.

Дийдиёнинг зўри ҳали олдинда эди; хотинимнинг оғзидан чиққан гапга илон ҳам нўст ташларди, чунки у менинг нозик ерим ва камчиликларимга қараб беҳато ўқ отарди. Йўлда ўйлаб келган баҳоналарим унинг гаплари олдида ип ечолмай қолди. Ади-бади айтишиб ўтиргандан кўра, ўзига инсоф берсин деб, шумшайиб ўтиришдан бўлак чора йўқ эди.

Бугун ҳам худди шундай бўлди, зора сал ҳовуридан тушса деб пайт пойлайман, қани энди тўхтаса бизнинг Қулэйхон. У ҳар ҳолда аёл эмасми, бир ерда бўлмаса, бир ерда хотинлигига боради... Хотиним жаврашда давом этади, мен эса ўзимни оқлагани онда-сонда бирон гап қистириб қўяман. Албатта, у ўзининг ноҳақ эканлигини дарров бўйнига олмайди, бунинг менга кераги ҳам йўқ, энг муҳими, баландда кетаётган самолёт бирдан пасайгандай пасайиб, тинчиб қолади. Мен яна дудуқланиб, бирон нима дегим келди.

— Биласанми... Уйга келяпсам, йўлда Қодирғалини кўриб қолдим. Бундай пайтда қуруқ салом-алик билан қутулиб бўлмайди. Хафа бўламан деди... Айтгандек, сенга салом айтиб юборди. Бизни кига келмайсиз-

лар деб гина қилди... Дам олиш кунлари уларникига бориб келсак яхши бўларди.

Шунга ўхшаш гапларни ётиғи билан қулоғига қуя бошладим. Гапларим унга тез кор этмай, дорига ўхшаб аста-секин таъсир қиларди.

Қулэйхон ҳали жаҳлидан тушгани йўқ, мен ҳам анойи эмасман, пайт пойлайман. Кичкинтойимизнинг икки кундан бери мазаси йўқ, шунинг учун хотинга ҳам осон эмас, туни билан ухламай чиқади. Аммо менга-чи, менга осонми, лекин ҳозир бу тўғрида оғиз очиб бўлмайди! Бундай пайтларда лом-мим демай, оғизга талқон солиб олиш маъқул. Балки у Қодирғали билан бирга бўлганимга ишонмаётгандир? Менинг бўйдоқлик вақтимдаги қилғиликларимни юзимга соляптими, демак ишонмагани-да. Унинг бу одати менга яхши маълум, бисотидаги энг даҳшатли қуролини ишга соляпти.

— Сиз мени севмайсиз,— деди титроқ товуш билан,— бошда менга кўнглингиз йўқ эди. Мен ғирт аҳмоқман, ўзим сизга ёпишиб олдим, яхши кўрган қизларингиз борлигини била туриб, сизга хотин бўлдим. Омадингиз юришмагандан кейин менга уйлангансиз. Одамда бир нечта муҳаббат бўлиши мумкин эмас, бир юракка—бир муҳаббат. Биринчи севганингиз ким эди, Забирами? Ана ўшани ҳақиқатан севгансиз, бошқаларни эса лақиллатиб юргансиз. Мени ҳам... Бирон аёл билан бирга яшаш керак бўлганлиги учун мен билан яшаяпсиз.

— Ярим кечада бечоранинг қулоғи роса қизийётган бўлса керак,— дедим кулиб. Мен аҳмоқ нега ҳазиллашдим-а, яна келиб-келиб шундай нозик, қил устида турган пайтимда-я! Қулэйхон бўлса йиғламоқдан бери бўлди:

— Биладан, бу гапни сиз ҳазиллашиб эмас, чиндан айтяпсиз. Уларга жонингиз ачийди, бир нарса десам, дарров ёнини оласиз. Менинг ғам-ташвишларим билан сизнинг неча пуллик ишингиз бор! Улиб қолсам ҳам заррача ачинмайсиз!..

Шунда катта хато қилганлигимни англадим. Бошимга тушаётган ҳамма балоларнинг сабабчиси мана шу кундалик дафтар бўлди. Уйланишимдан олдин уни ёқиб юборганимда, қор ёғиб, излар босилиб кетган бўларди-я.

Бир куни уйга келсам, Қулэйхон кундалик дафтаримни ўқиб ўтирган экан. «Қулэйхон, бировнинг сирини нега ўқийсан?» деган эдим, бошим балога қолди. Гапимга бунчалик хафа бўлади деб асло ўйламаган эдим. «Сизни ҳали мен билмайдиган сирингиз бор экан-да. Хўп, яхши!» Шундай дедию қовоғини уюб олди. Шу ерда мен яна гўрлик қилдим:

— Майли, худо хайрингни берсин, ўқий қол! — дим.

Шу билан кўнгилсизликдан қутулиб кетмоқчи эдим, лекин умрбод қопқонга илинганимни кейинроқ пайқадим. Шундан бери бирон гап бўлса, қизларнинг исмини маржон қилиб бўйнимга тақади-да, бақрайиб ўтираверади. У фақат қизларнинг исмини ёдида сақлаб қолган. Шу вақтда гапини қайтарадиган бўлсам, тамом, янги гап топиб, оғзимга уради.

Гоҳо ўзимча унда ҳам гуноҳ йўқ деб қўяман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда альбомга «инсон умрида бир марта севади ва бир марта ўлади» деб ёзиб қўйганим эсимда.

«Инсон учун битта умр ва битта муҳаббат берилган...» деган сўзлар йигит ва қизларнинг альбомларида учраб турадиган оддий сўзлар эди. Ҳамма ўғил болалар бу сўзларни қадрлашар ва қизларни бунга ишонтиришга ҳаракат қилишарди. Уқувчилик давридаги ўйларимиз ва қилиқларимиз жуда қизиқ эди: «Бир қизни чин юракдан севамиз, ўла-ўлгунча уни иззат-ҳурмат қиламиз», деб қасам ичардик. Лекин бу баландпарвоз сўзлар амалга ошдими, йўқ, ошмади. Шу тилак, шу ният билан севдик-ку, ахир. Бу фикрни қизларга ҳам, ўзимизга ҳам сингдирдик. Бироқ у қизга уйланмадик. Нима учун, ёшликдаги ҳис-туйғуларимиз ўткинчи бўлгану бу йўлда биз хато қилганмизми? Балки қизлар ўзларини бошқача тутишгандир? Ундай десак, биз уларни севар эдик-ку... Нима учун биринчи муҳаббатдан сўнг қалбимиз совимади? Сўнг-ра студетлик даврида нима учун қалбимиз муҳаббат алангасида қоврила бошлади? Очигини айтганда, биттагина қиз бизни мафтун этганмиди? Яширишнинг нима кераги бор: ўшанда кўзларимиз олма-кесак терарди...

Бу қандай савдо? Наҳотки ўша биринчи севги алангаси сўнгги муҳаббат гулханининг учқунлари бўлса.

Унда инсон умрининг тенг ярми ўзини чалғитиш ва алдаш билан ўтар экан-да! Муҳаббат инсон учун бир умрга берилади, деган тушунча билан яшайдиган одам учун бу ҳақиқатни англаш ўлим билан баробар бўлса керак. Бундан чиқди, биз осий бандалар қатори она-табиат ҳам янглишар экан-да! Демак, Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлаб инсон юраги чин муҳаббат алангасида ёняптими ёки унинг алангаси аксини кўрсатяптими, буни англаш қийин! Наҳотки кўз ўнгимиздаги ҳамма нарса хаёлий бўлса! Шундай ўй-хаёллар киши онгини ҳануз банд этиб, ғовлатиб келади.

Муҳаббат шак-шубҳасиз инсон ҳис-туйғуларининг энг олий чўққисини кўрсатувчи бир маёқ. Ҳар бир нарсанинг ўз чўққиси ва интиҳоси бўлганидек, муҳаббатда ҳам унинг аломатлари бор. Нима учун кўпчилигимиз қатъийлик билан: ҳақиқий муҳаббат ҳамма нарсадан юқори, ундан пастдагилар эса ўзни чалғитиш аломатларидир, деймиз. Шундай экан, демак юрак бўлмағур ҳис-туйғулар билан яшайдими? Йўқ, йўқ ва яна йўқ! Муҳаббатнинг ўз чўққиси ва интиҳоси бор, аммо виждонсизлик ва риёкорлик унинг учун бегона. Хоҳласанг, бировни алдашинг мумкин, бу билан сен ўзингни алдай олмайсан. Ахир фақат бизгина эмас, балки суяги қотмаган йигитчалар ҳам муҳаббат инсон учун бир умрга бир бор берилади, деб ўйлашади. Бу гапни ўтган асрларнинг буюк шоирлари ҳам бир овоздан айтишган. Булар инсон онгига шунчалар сингиб кетганки, эътироз билдирадиган бўлсанг, албатта яқин кишиларингнинг қаршилигига дучор бўласан. Аввало бу гапга аёллар қарши чиқишади, чунки улар ўзларини кимнингдир биринчи муҳаббати, деб ўйлашга ўрганиб қолишган. Мабодо сиз шу масала юзасидан бирор фикр айтмоқчи бўлсангиз, асло шошилманг, ўз муҳаббатингиз тарихини эсланг.

Уриш-жанжалнинг ҳам охири бор-да, мана менинг Қулэйхоним ҳам тинчиди. Хотин зоти жуда ажойиб-да! Ҳаш-паш дегунча қаёқдаги бўлмағур сўзларни қалаштириб ташлади, энди худди оғзига талқон солгандек жаврашдан тўхтади. Индамай менинг ўрнимни солиб берди-да, ўз каравотига ўтиб, ётиб олди.

— Мана, жағинг жаврашдан тинган эди, уй ҳам ҳувиллаб қолди. Одамни ваҳим босяпти, бирон нарса десанг-чи!

Ғалати феълим бор-да! Ҳозиргина худога нола қилиб, хотинимнинг чакаги тинишини истаган эдим, энди бўлса ўчган оловга лампамой сепяпман. Аммо қанча уринмай Қулэйхон ғиринг демади. Наҳотки ҳамма қаҳру ғазаби менга айтган гаплари билан бирга ҳавога учиб кетган бўлса, балки тинка-мадори қуригандир. Бир оздан кейин бир маромда нафас олаётгани эшитила бошлади. Мен ҳам шўппайиб турдим-да, ўрнимга ётдим. Қани энди ҳадеганда уйқу қурғур кела қолса, ёшлиқда кўрган-кечирганларим кўз ўнгимдан ўта бошлади.

Менимча, биринчи муҳаббат мени ва тенгдошларимни болалиқдаёқ ўз асири қилиб олган эди. Элас-элас бўлса-да, йигит билан қиз ўртасидаги сеҳрли, тўлқинлантирувчи, мафтункор муносабатларга ақлимиз етарди. Бу муносабатларда оҳанрабо бор эди. Биринчи ўздан узоқлаштиришга, совитишга ҳаракат қилса, бошқаси эса қизиқиш уйғотиб, ўзига тортарди. Биз бу мафтункор, сеҳрли дунё оғушига тезроқ етиш нияти билан вояга етдик. Бизнингча, бу мафтункор дунё сирлари калитини топишимиз биланоқ у ўз оғушига чорлайдигандек туюларди. Шунинг учун ўзгаларнинг гапига қулоқ солар, сўраб-суриштирардик, лекин сизлар муҳаббат тўғрисида ўйлашга ҳали ёшлиқ қиласизлар, мишиқилар, деган таъна-маломатлар эшитардик. Энг даҳшатлиси шунда эдики, бундай гап-сўзлардан охири, биз—ёшларнинг тарбияси ёмон, бузилиб кетган экан, деган хулоса келиб чиқарди. Мана шундан сўнг бирон марта бўлса ҳам ман қилинган муҳаббат деган сўз битилган хатлар борми, қўшиқ борми—ҳамма-ҳаммаси бизларга тақиқлаб қўйилар эди.

Аммо шунча тақиқларга қарамай, биз севардик...

Менинг иккинчи синфда ўқийдиган пайтим эди, тўртинчи синфда эса опам билан Сауле деган қиз бирга ўқирди. Сауле қизларнинг орасида энг кўзга яқини эди, унинг кўзларини айтмайсизми... Бундай кўз эгаси билан гаплашишнинг ҳожати йўқ, чунки бу шаҳло ва маънодор кўзларнинг ўзи ҳамма нарсани гапириб турарди. Лекин энг муҳими шунда эдики, Сауле ажойиб ва ёқимли қўшиқ айтарди.

Ўша йиллари байрам кечалари, мажлислар мактаб ёки колхоз клубида ўтар ва бу маросимлар сўнггида мактаб ўқувчилари концерт қўйиб беришарди. Сауле эса ҳамманинг севимли қўшиқчиси эди. Менга жами концертлар фақат шу қизнинг қўшиғини эшитиб, роҳатланиш учун уюштириладигандек туюларди. Балки бу ёшлик шавқининг бир учқунидир, лекин мен ўша кезлар Сауле энг хушовоз қўшиқчи эканлигига шакшубҳа қилмасдим. Фақат биргина менми! Йўқ, катта ёшдагилар ҳам у айтган қўшиқларни мароқ билан тинглашарди, бу эса менинг қизиқишимни янада кучайтирарди.

Сауленинг майин, сеҳрли ва ёқимли овозида юрак сирлари яширинган бўлиб, буни эшитган кишининг қалби ўртаниб, талпина бошларди. Ҳатто у қиз шўх қўшиқ айтганда ҳам тушуниб бўлмайдиган қандайдир мунг юрагимни ўртарди.

Опам билан тенгдош бўлган Сауле урф-одатимизга кўра мен учун опа ҳисобланарди, шунинг учун ўз ҳис-туйғуларимни ҳеч кимга ошкор қилолмасдим. Ҳозир ҳам бирон кимсага ўзимнинг биринчи муҳаббатим тўғрисида гапирар эканман, албатта Сауле ёдимга тушади.

Ўша вақтда ўзимнинг келажагимни бу қизсиз тасаввур қила олармидим! Уни ҳар доим кўргим келар, товуши ҳамма ерда мени таъқиб қилар, қулоғим остида жаранглади. Шунинг учун тезроқ катта бўлиб, у билан гаплашиш нияти билан яшардим. Сўзлари хаёлимдан кўтарилиб кетган бўлса ҳам, муҳаббат тўғрисидаги ёқимли қўшиқлари ҳали ҳам қалбимда жаранглайди. Қўшиқнинг мазмунига кўра, Муҳит исмли солдат ўз отасига ёзган бир хатида:

«Илтимос, ота, мабодо ажалим етиб, ўлсам, севгим Гулзағирни ўзига лойиқ одамга турмушга беринг...» — дейди.

Мен учинчи синфни тугатган йилим, ёзги таътил кунларидан бирида Сауле тўсатдан касал бўлиб, вафот этди. Бу ногаҳоний зарбадан ўзимни йўқотиб қўйганлигим учун бирон кимсадан бу воқеа қандай содир бўлганлигини ҳам сўраб-суриштирмабман. Орамизда бўлмаганидан сўнг сўраб-суриштиришнинг нима ҳожати бор. Фақат у менинг қалбимда яшаб қолди. Агар у вафот этмаганда, билмадим, бу ишқибозликнинг оқи-

бати нима билан тугарди. Кундалик дафтарим саҳифаларига тушган қизлар исмларининг энг биринчиси Сауле—ёшлигимдаги энг муққаддас ном.

Ёшлигимиз уруш даврига тўғри келганлиги учун катталар билан ўқишга тўғри келган эди. Биз улар билан мулоқотда бўлардик, катталар учун ёзилган китобларни яшириқча ўқиганимиз билан кўп ерларини тушунмасдик. Аммо мана шу мавҳумлик бошни айлантириб, маст қилар, катталарга ўхшаб иш тутишга ундар, бу эса бизни ўз ёшимизга нисбатан улуғроқ қилиб кўрсатарди. Бунинг устига, сеҳрли дунё сирларидан воқиф бўлиш иштиёқи бизни тинч қўймасди. Бундай пайтларда катта ёшдагилар ўз орзу-истакларини мактуб орқали изҳор қилардилар.

Узоқ вақт кимга хат ёзсам экан деб қийналиб юрдим. Менинг хаёлимдаги бу қиз авваламбор чиройли, одобли ва албатта, аълочи бўлиши керак. Бекордан-бекорга бировга хат ёзгим келмасди. Ўн бир ёшимда «ўла-ўлгунча севиш», «муҳаббатга содиқ бўлиш» деган сўзларни жуда кўп эшитганим учун биринчи қадмининг қанчалик мураккаб эканлигини ҳис қилардим.

Шундай қилиб, кимни танласам экан?

Қизларнинг ичида энг чиройлиги—Улден, бу ҳаммага аён: қора кўз, қора қош, лаблари ҳам бежирим... Ўқишлари ҳам яхши, аммо битта нуқсон бор, сал дудуқ. Доскага чиққанда баъзида пулемётга ўхшаб бидирлаб туриб, тўсатдан тўхтаб қолади! Лаблари титрар, худди бирон нарса демоқчи бўларди-ю, лекин айтолмасди, кейин шишадан отилган тиқин сингари, сўзлар ташқарига учиб чиқарди. Буни кўриб, кулгинг келмаса ҳам кулиб юборасан. Йўқ, дейман ўзимча, Улден менга тўғри келмайди.

Нургулга хат ёзсаммикин? У ҳам чиройли, сочини калта қилиб қирқтиргани ўзига ярашади, юзи ҳам қўғирчоқнинг юзига ўхшайди. У қаерда бўлса, ўша ерга ҳамма тўпланади, харала-тарала қилишни яхши кўради. Шундай қизга ёзган хатим ёқмай қолса борми, шангиллаб, бутун синфга дoston қилади. Йўқ, у ишончли қиз эмас, унга хат ёзиб бўлмайди.

Чўлпон ҳам сулув. Кийиниши ҳам жойида, минг қилганда раиснинг қизи-да! Юзи билан қўлини айтмайсизми, момиққа ўхшайди, дўмбоққина. Тўғри, кў-

зи бир оз қисиқ, кампирдаҳан, бўйи паст бўлса ҳам ўқишдан ва одобдан унинг олдига тушадигани йўқ. Лекин шарттакилигидан чўчирдим. Уқитувчининг ҳар бир сўзи унинг учун қонун эди. Уқитувчиларнинг эса ишқий ёзишмаларга муносабати ҳаммага аён, сиринг ошкор бўлса аяб ўтиришмайди.

Шундай бўлса-да, мен Чўлпонни танладим. Истара си иссиқ бу қиз билан қўлтиқлашиб кетаётганимни тасаввур қилар эканман, бизга суқланиб қараётган йигит-қизларнинг нигоҳини кўз олдимга келтириб, юрагим ҳовлиқарди.

Хатнинг мазмунига эътибор бермай, ниҳоят ёза бошладим: «Чўлпон!— битта ундов белгиси камдек кўринди ва ёнига иккитасини қўшиб қўйдим.— Синфимиздаги ҳамма қизлар ичида сени кўпроқ севаман! Сен чиройли қизсан, ўқишларинг ҳам жойида. Кел, хат ёзишиб турайлик! Биз бир умрга ажралмас дўст бўламиз. Шунга сен нима дейсан?» Сал пастроққа катта ҳарфлар билан: «Жавобини кутаман, Жақип»,— деб ёзиб қўйдим.

Хат тайёр бўлди, лекин уни ёзишдан кўра, эгасига топширишдан машаққатли иш йўқ экан. Чўнтакдаги хатни қўлимда маҳкам қисган ҳолда Чўлпоннинг орқасидан ярим кун пойлаб юрдим. Дарс тугагач, болалар ҳовлига ёйилиб қувлашмачоқ ўйнаша бошлашди. Чўлпон мени тутмоқчи бўлиб қувлай бошлаган эди, мен хурсанд бўлганимдан оёғимни қўлимга олиб шаталоқ отиб чопдим, буни кўриб у тўхтаб қолди.

— Менга етиб ол!— деб бақирдим.— Менда сен учун бир нарса бор.

— Нима экан?

— Етиб олсанг, биласан.

— Чарчаб кетдим... Сен мени алдаяпсан.

Уёқ-буёққа қарасам, биздан бўлак ҳеч ким йўқ, шоша-пиша унга хатни узатдим.

— Ма, ол!

— Бу нима?

— Хат.

Хатни Чўлпоннинг қўлига тутқазиб, уйга жўнаб қолдим. Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлиб, чопиб боряпману оёғим ерга тегяптими, йўқми, сезмайман.

Эртасигаёқ ёзган хатимга жавоб оламан деб асло ўйламаган эдим. Бу мени ташвишга солиб қўйди. Бал-

ки, Чўлпон бу қилаётган иши қандай оқибатларга олиб келишини ўйламапти ёки у ҳеч нарсадан ҳайиқмайди. У танаффус вақтида олдимга келиб, менга букланган хат узатди. Унда ҳовлиқиш ва хавотирланишдан ном-нишон ҳам йўқ, гўё бу қилаётган иши кундалик оддий ишга ўхшарди.

Ҳали-ҳали Чўлпоннинг бундай довораклигига қойил қоламан. Хатда шулар ёзилган эди: «Жақип! Агар сен мени ҳақиқатан севсанг, унда Улдан ва Нургулга қайрилиб қарамайсан».

Унинг хатдаги бу гапларини ўша пайтда қандай тушунганлигим ҳозир аниқ ёдимда йўқ, лекин илтимосини бажардим. Бир оз вақтдан кейин, унинг отасини бошқа ишга тайинлашди ва улар бизнинг колхоздан кўчиб кетишди. Узоқ вақт Чўлпонни эслаб юрдим, фақат келгусида учрашиб қолиш умиди менга бир оз таскин берарди.

Ниҳоят, бундай учрашув насиб қилди. Райондаги ўрта мактабнинг саккизинчи синфида у билан бирга ўқий бошладим. Лекин афсуски, энди ёшликдаги яқинликдан ном-нишон ҳам қолмаган эди. Бу муҳаббатмиди ёки бирон бир ҳиссиётми, буни мен ажратолмасдим. Шундай эса-да, ҳар гал Чўлпон ёдимга тушса, қалбимда қандайдир илиқ, самимий ҳиссиёт уйғонгандек бўларди...

Унингчи синфда ўқиётган вақтимда яна бир қизиқ воқеа содир бўлди. Биз билан бир синфда Забира деган истараси иссиққина қиз ўқирди. У пайдо бўлиши билан ҳаммаёқ яшнаб кетгандек бўларди. Синфимиздаги қизлар уни гўзалларнинг гўзали деб тан олишарди, ўғил болалар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳаммаси Забирага шайдо эди.

Бир куни катта танаффусда — кейинги дарс алгебра эди — тўсатдан уйга берилган вазифани бажармаганлигим эсимга тушиб қолди. Қолган ўн минут ичида уйга берилган вазифани бажариб бўлмасди. Кўчириб олишдан бўлак илож йўқ эди.

— Болалар! Ким алгебрадан уйга берилган вазифани бажарди? — деб бақариб, атрофга олазарак бўлиб қарадим. Мендан бир оз нарида Забира ёлғиз ўзи ўтирар эди.

— Бўл тезроқ!— дедим мен бир зумда унинг олдига бориб қўлимни чўзар эканман. Забира тўсатдан партада турган дафтарини юлқиб олди-да, орқасига беркитди. Дафтарни унинг қўлидан олишга ҳаракат қилар эканман, бехосдан кўкрагига қўлим тегиб кетди. Забиранинг юзи шу онда тўсатдан қизариб кетмаганда, бунга унчалик аҳамият бермаса ҳам бўларди.

— Қўйиб юбор, Жақип!..— деб шивирлади у, ўпкаси тўлгандек.

«У биров эшитиб қолмасин деб шивирлаб гапирди... Бундан чиқди, мен унга ёқар эканман...» Шундай фикр миямда чақиндек пайдо бўлди, муҳаббатнинг иссиқ ёлқини мени қамраб олди. Забирадан бешбаттар уялган ҳолда:

— Дафтарингни бериб тур, бўлмаса...— дея олдим.

— Нима қилардинг?

— ... бўлмаса ўпиб оламан.

— Жақип! Жинни бўлдингми?!

Лекин мен паст тушишни хаёлимга ҳам келтирмас эдим. Забирани маҳкам қучоқлаб ўпиб олдим. Лабидан эмас албатта, бўйнининг қайсидир бир еридан, чунки сўнгги дақиқада у ўзини олиб қочди. Ниҳоят бу ишларнинг ҳаммасига сабабчи бўлган дафтар менинг қўлимда, Забира бўлса юзини икки қўли билан беркитиб партага мукка тушиб олган. Бир оз довдираб туриб, уйга берилган вазифани кўчириб олгани ўтирдим, дафтарни қайтариб бергани унинг олдига бориб:

— Забира, бошингни кўтар, бўлмаса дафтарингни қайтариб бермайман!— дедим.

Шу вақт қўнғироқ чалиниб, синфга ҳаммадан олдин Биби деган қиз кириб келди.

— Забирани сен хафа қилдингми?— сўради у бошдан-оёқ менга тикилар экан.

— Унинг ўзи... Масалани кўчириб олай десам, қизганди...

Вибидан бир амаллаб қутулдим, лекин Забира-чи... Наҳотки у йиғлаётган бўлса? Ўқитувчи сезиб қолса борми, сўраб-суриштира бошлайди, унда нима бўлади? Йўқ, ҳаммаси кўнгилдагидек бўладиганга ўхшайди. Ўқитувчи кириши билан Забира ҳамма қатори ўрнидан турди.

Бир оздан сўнг нигоҳларимиз учрашди. Унинг кўзларида уялиш билан бирга менга нисбатан дил яқин-

лиги учқунланиб турарди. Буни пайқаб ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Теварак-атрофдагилардан бундай хурсандчиликни яшириш жуда мушкул эди, чунки севинч юз-кўзимдан ёғилиб турарди. «Булар нима билан тугаркин? — деб сўрардим ўзимдан. — Эртага нима бўлишини қани энди олдиндан билолсам. Балки мени муҳаббат кутаётгандир?»

Кўчадаям, уйдаям ўзимни қўярга жой тополмасдим. Кечқурун китоб ва дафтарларимни очиб қўйиб, узоқ термилиб ўтирдим, кўзимга саҳифалардан Забиранинг шахло кўзлари қараб тургандек туюларди.

«Аҳмоқ! Нега Забирага мен сени севаман демадим? Нима учун умрбод сени дейман деб қасам ичмадим?» Забира билан ёлғиз учрашувни кўз олдимга келтирар эканман, ўзаро гап-сўзлар ғайритабий ҳолатда «мен сени севаман» ва «мен ҳам сени севаман» мазмунидаги гап-сўздан нарига ўтмасди.

Тасодифан миямга мени бу муаммодан халос қиладиган бир фикр лоп этиб келиб қолди. Хат! Забирага хат ёзаман! Нима учун олдинроқ буни ўйламадим? Дафтардан йиртиб олинган бир бет қоғозга ҳафсала билан шуларни ёздим: «Қадрли Забира!» Йўқ, бундай эмас... «Суюкли Забира!» Гижимланган қоғозларни ерга ташлай-ташлай ярим тунга яқин юрагимдаги ҳис-туйғуларни ниҳоят қоғозга туширдим.

Лекин эрта билан қийноқ мени яна эза бошлади. Чунки хат ёзишдан кўра, уни эгасига топширишдан мушқули йўқ. Худди бирон ёмон ишни амалга оширишга аҳд қилган жиноятчидек Забирага тикилар эдим-у, лекин унга яқинлашишга журъат этолмасдим. Мана, охирги танаффус ҳам тугаяпти, лекин букланган ерлари титила бошлаган хат ҳамон чўнтагимда эди. Мактаб қўнғироғининг жаранги менга худди ҳалокатдан дарак берувчи сигналдек эшитилди. Мабодо Забира менда унга аталган хат борлигини фаҳмлаётган бўлса-чи? Ахир, у бир неча мартаба мен тарафга ўгринча қараб қўйди-ку. Балки менинг ношудлигимдан кулаётгандир. Ўзимни тутолмаганимдан бўлса керак, аъзойи баданимни титроқ босиб, совуқ тердан бармоқларим бир-бирига ёпишиб қола бошлади. Яқин орада дарс тугаганлигини билдириб қўнғироқ чалинади, ўқувчилар парталарни тарақлатиб уйларига кетадилар. Ҳозир ёки ҳеч қачон... Мана шу энг сўнгги имко-

ниятдан фойдаланиб қолмасам ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман. Забира менинг қаршимда. Кўзларимиз бир дақиқа учрашдию иккимиз ҳам уялгандан бўлса керак, қизариб кетдик. Атрофга разм солдим, ҳамма ўзи билан ўзи овора, китоб-дафтарларини йиғиштиряпти. Тезлик билан хатни унинг қўлига тутқаздим-у, ўқдек отилиб синфдан чиқиб кетдим. Юз-кўзим лов-лов ёнар, юрагим эса кўкрагимдан отилиб чиқиб кетгудек бўларди. «Бўлди, бўлди, бўлди! Топширдим!»—унсиз қичқирардим. Кўз олдимга Забиранинг қиёфаси тез-тез келарди. Мана, унга томон яқинлашиб келяпман, хатни бердим... Шуларни ўйлар эканман, севинчдан юрагим ўйнаб кетарди.

Эртасига мен қандай бўлса-да, ўғил болалар орасидан ажралишга интилардим. Худди мен каби, Забира ҳам кечагидек тўрт буклоғлиқ қоғозга ёзилган жавоб хатини менга топшириш имкониятини қидираётгандек туюларди. Бир неча қулай имкониятни қўлдан бой бердим. Аммо, бир кечада жавоб ёзиш унинг қўлидан келмаса керак деган фикрда ўзимни овутдим, чунки мен учун бир неча жумла ёзиш қандай машаққатли бўлганини ўз бошимдан кечиргандим. «Ўқишга-ку, албатта ўқиган. Лекин... хат бировнинг қўлига тушган бўлса-чи?» Бундай фикрдан кўз олдим қоронғилашиб, осмонни қоп-қора булут қоплагандек бўлди. Кўзимга Забиранинг қиёфаси бошқа кўринмас, аммо сингиллари ва акаси баланд товуш билан менинг муҳаббатномани ўқиб мазах қилиб айтаётган сўзлари аниқ-тиниқ эшитила бошларди. «Албатта, улар хатни ундан тортиб олишган,— деб ўйладим мен эс-ҳушимни йўқотиб.— Шунинг учун Забира хомуш кўриняпти ».

Эртасига ҳам ундан жавоб олмадим. «Бундан чиқди, у мени севмас экан,— деган фикрга келдим,— дардида чекаётган азоб-уқубатларимга парво қилмас экан-да». Шундай деб тахмин қилишнинг мен учун қанчалар оғир эканлигини юриш-туришимдан билса бўларди. Сувга тушган мушукдек шумшайиб, бошимни кўтармай ўтирардим. Аста-секин қалбимдаги оғриқ аъзойи баданимга тарқала бошлади, қаерим оғриётганини очиқ-ойдин билмасдим. Қўлим, оёқларим, бошим ва ҳатто, тишим ҳам сирқираб оғриётгандек туюларди. Икки елкамдан оғир юк босиб тургандек, ҳеч нарса

менинг аянчли аҳволимни енгиллата олмайдигандек туюларди. Мана шундай аҳволда тўрт кунни ўтказдим.

— Сенга нима бўлди, Жақип? — деб сўрашарди болалар мендан.

— Бошим оғрияпти, — деб жавоб берардим. Нима деб баҳона қилсам, ҳаммаси рост бўлиб чиқарди.

— Ака! — деб ўқитувчига мурожаат қилди Темирбек, у бугун синфда навбатчи эди. — Жақип касал бўлиб қолди... Уйига кетса майлими?

— Майли, уйига бора қолсин. Тезроқ тузалиб кетгин, Жақип, — деди ўқитувчи.

— Нима деяпсиз! Мен соппа-соғман! — деб бақириб юбордим ўрнимдан сапчиб туриб, буни кўриб ҳамма менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди, Забира ҳам.

Бир амаллаб дарсни тугатдим-да, ўқитувчининг тухсатидан фойдаланиб, уйга кетишга қарор қилдим. Бу вақтда мен ҳақиқатан ҳам касал бўлиб қолган эдим. Дарвозадан чиқар эканман, орқамдан келаётган енгил оёқ товушини эшитиб қолдим. Забира!

— Жақип! Хафа бўлма, эртага олиб келаман. Ўзинг биласан-ку, сингиллар, укам... Сезиб қолишларидан қўрқаман.

Мен шунда гап нима ҳақда кетаётганлигини англадим ва чопиб кетаётган Забиранинг ортидан синфга қайтиб бормоқчи бўлдим, лекин ўқитувчига нима важ қиламан деб бу шахдидан қайтдим.

Шу оқшомдаёқ кайфиятим чоғ бўлиб кетди, тонг отиши билан мактабга ҳаммадан олдин келдим. Забира ҳам қўнғироқ чалинмасдан сал илгари келди. «Яна ёзолмаган бўлса керак...» — ҳафсалам пир бўлиб ўйладим мен, лекин унинг ўтирадиган партаси олдидан ўтиб кетаётганимда, чеккада турган қозоқ адабиёти дарслиги китоби ичига буклоғлиқ хат солаётганини кўриб қолдим. Мен китобни олдим-да, ўз жойимга қараб йўл олдим. Юрагим қинидан чиқиб кетаётгандек бўлар, ёноқларим ял-ял ёнарди. Шу пайт бизнинг қилаётган ишларимизга разм солиб турган Маратнинг нигоҳини ким пайқабди дейсиз. Мен ўзимга келмасимдан: «Мен ҳам уйга берилган вазифани ўқиганим йўқ!» деб менинг қўлимдан китобни юлқиб олиб, ўз партаси томон югуриб кетди.

Қўрқув аралаш қичқирган Забиранинг товуши ме-

ни ўзимга келтирди, бир ҳатлаб Маратга етиб олиб, унинг қўлидан тутдим.

— А-а! Сенга хат керак экан-да! — деб бор товуши билан бақирди у.

— Қанақа хат? — деб Маратнинг қўлидан китобни тортиб олишга ҳаракат қилдим. Шу пайт оқ қоғоз Маратнинг оёғи остига учиб тушди. Марат мендан бақувват эди, шунинг учун уни ушлаб туриш мен учун қийин эди. Унинг қўлини қанчалик қаттиқроқ сиқишга ҳаракат қилмай, бари бир аста-секин у хатга яқинлашиб борарди. Ҳозир даҳшатли, бир умрга тузатиб бўлмайдиган воқеа содир бўлади.

— Марат, хатни қайтариб бер, — энг яқин дўстим Адойнинг товушини эшитдим. Адой нима бўлаётганлигини сезиб қолган эди.

— Яқинлашиб кўргин-чи. Худди директорга айтаман. Ушанда биласанлар қизлар билан хат ёзишишнинг қандай бўлишини.

Шундан кейингина Адой, нима қилиб бўлса ҳам қоғозни Маратнинг қўлидан тортиб олиш кераклигини англади. Улар муштлашиб кетишди, пайтдан фойдаланиб мен хатни юлқиб олдим. Шунда Маратнинг энгагидан қон оқаётганлигини кўрдим.

Ғижимланиб кетган қоғоз қўлимни ёндираётгандек эди. Оёғимдаги ботинкамнинг ипини тўғрилайётган бўлиб, қўлимдаги хатни унинг ичига солиб қўйдим. Шундан кейингина хотиржам бўлдим. Ёнимда ўтирадиган Бикен деган қиз менинг ҳаракатларимни зимдан кузатаётганлигига парво қилмадим. Шундай бўлса-да, бир варақ қоғоз олиб, уни хатга ўхшатиб буладим-да, чўнтагимга солиб қўйдим.

— Нима гап? — деб сўради тўсатдан синфга кириб келган ўқитувчи. — Жақип, Адой, Марат — қани доскага чиқинглар-чи.

Мен биринчи бўлиб доскага чиқдим. Марат эса жойида қимирламай турар ва тез-тез дастрўмоли билан ёрилган лабини артар эди.

— Ака, Забира Мусақанова Жақип Турғуновга хат ёзибди. Мен уни сизга бермоқчи эдим, лекин Адой... — деб ўзини оқламоқчи бўлган эди, ўқитувчи унинг сўзини бўлди:

— Бу қанақа бемаънилик? Хат... биронта жосусни

тутиб олишибди деб ўйлаш мумкин! Бировнинг хатини ўқиш одобдан эмаслигини биласизларми?

Воқеанинг бундай чаппасига кетишини кутмаган Марат яна бидирлади:

— Лекин Забира Мусақанова Жақинга хат...

— Елгон! Менга ҳеч қанақа хат ёзгани йўқ!— дедим мен бўғилиб, чўнтагимдан ҳалиги тоза қоғозни олиб ўқитувчининг олдига қўйдим.

— Ака, мен ҳеч қанақа хат ёзганим йўқ! Бу бўҳтон!— йиғламоқдан бери бўлиб бақирди Забира.

— Агар бу хат бўлганда ҳам, уни ўқишга менинг ҳаққим йўқ. Ол, бу қоғозингни, Турғунов.— Шундай деб, ўқитувчи гижимланган қоғозни менга отиб юборди.— Лекин ўзни тута билиш керак, уят. Буни синф раҳбарингизга айтишга тўғри келади. Ҳозир эса дарсни давом эттирамиз. Бор, ювиниб кел.— Буни у Маратга айтган эди. Марат ўқувчилар ва ўқитувчининг таҳқирловчи нигоҳи остида синфдан чиқиб кетди.

Адой иккимиз бу ишдан осонликча қутуламиз деб ўйламаган эдик. Нима бўлганда ҳам ғалаба биз томонда, бу бизга ҳам, бутун синфга ҳам аён эди.

Ўқитувчимиз Наби акага мен ҳеч қачон бунчалик меҳр ва муҳаббат билан қарамаган бўлсам керак. Ахир у дангаса ва тартиб бузувчи ўқувчиларга бешафқатлиги, қаттиққўллиги билан ном чиқарган эди-да...

Дарс тугади, ўқитувчимиз Наби ака чиқиб кета туриб эшикда Маратга дуч келди. Ўз ташвишимиз билан бўлиб уни унутиб юборган эдик. Маратнинг орқасидан синф раҳбаримиз Қулиман опа кириб келди.

— Ҳеч ким ўз ўрнидан қимирламасин!— деди у киши жаҳл билан ва адабиёт ўқитувчиси билан гаплашмоқчи бўлиб унинг орқасидан чиқиб кетди. Марат бизнинг олдимиздан ўтар экан, қойил қилдимми, дегандек тиржайиб қўйди. Нима учун бундай қиялпти? Нега у тиржаяди, буёғи нима бўлишини билганда, эҳтимол тиржаймасди. Фақат Забиранинг хати ёнимда эканлиги менга бир оз таскин берарди.

— Турғунов, Мусақанова, Қодиров, доскага чиқинглар!— Қулиман опа синфга кириб келар экан, шундай буйруқ қилди. Унинг вазоҳатидан ва товушидан қаҳр-ғазаб ёғилиб турарди. Ҳар эҳтимолга қарши ботинкамга қараб қўйдим. Мабодо хатнинг бирон ери

чиқиб қолмадимикин деб хавотирда эдим. Ҳаммаси жойидага ўхшади.

— Қулиёсов,— деди у Марат томонга ишора қилиб, — қани, нима бўлганини гапириб бер-чи.

Демак, ҳаммаси яна бошдан бошланади. Менинг оёқ-қўлларим қалтирар, қалбимнинг қаеридадир Қулиман опага нисбатан нафрат аломатлари уйғона бошлади. Бу борган сари кучайиб, қаҳр-ғазабга айланар, чунки шу дақиқада Забирани умрбод йўқотиб қўйишимга, бизнинг эндигина ниш уриб келаётган ҳис-туйғуларимиз бундай иснодни кўтара олмаслигига ишончим комил эди. Маратнинг нима ҳақда гапираётганлиги қулоғимга кирмасди, фақат ҳар замонда Забиранинг пиқирлаб йиғлаётганлигини эшитардим. Ҳамманинг олдида кулги бўлганлигим учун, бир дақиқа бўлса ҳам мактабда тургим келмасди. «Қетаман, кетаман»,— шивирлаб, ўзимдаги ғазабни кучайтиришга ҳаракат қилардим. Хаёлим бошқа ёқда бўлганлиги учун Қулиман опанинг менга айтган гапини ҳам эшитмай қолдим. Адой менинг биқинимга бир туртганидан сўнггина ўзимга келдим ва хотиржам кўринишга ҳаракат қилиб:

— Опа, Забира менга ҳеч қанақа хат ёзгани йўқ,— дедим.— Менинг дафтаримдан билмай йиртиб олган бир варақ қоғозни қайтариб берди холос,— шундай деб, бир марта Наби аканинг қўлида бўлган гижимланган қоғозни унга узатдим. Ҳамманинг нигоҳи мен томонга қаратилган эди. Тезроқ нима учун бундай тўстўполон бўлганлиги сабабини билишни хоҳлардим. Синфдошларимнинг ўрнида бўлганимда, балки мен ҳам ўзимни шундай тутган бўлардим.

— Турғунов! Синфдошларинг олдида тавба қиларсан деб ўйлаган эдим. Қўй-е, ёлгон гапиришга ҳам уста экансан. Одам деган шунақа пасткаш бўладими! Мусақановага ёзилган хат ахир менда-ку. Вунга энди нима дейсан?

Мен Қулиман опа ижирғаниб икки бармоғи орасида ушлаб турган қоғозга қарар эканман, Марат мени қандай қилиб лақиллатиб кетганлигига ҳеч ақлим етмасди. Буни у қачон ва қандай қилиб удалай олдикин!

— Мусақанова, ахир бу сенинг сўзларинг эмасми?

«Азизим Жақип!..» Бүни қаранглар, қандай нозик ҳистуйғулар!..

— Опа, мен бошқа бундай қилмайман!— шундай деб Забира ҳўнграб йиғлаб юборди.

Қулиман опани энди ҳеч нарса тўхтатолмасди. Аввал ҳам арзимас нарсага бизни гап билан роса пўстагимизни қоққан эди, энди эса унинг учун катта воқеа содир бўлган, худо берди деяверинг. Мана бошланди, бизни мактабдан ҳайдайман деб дўқ уряпти.

— Ўзим ҳам мактабдан кетаман,— деди бепарволик билан Адой.— Чунки ярамас Маратнинг адабини ҳар куни бериб туришим керак.

— Мен ҳам ўқимайман,— деб дўстимнинг ёнини олдим. Азбаройи жаҳлим чиққанидан қалтираб, қандай қилиб бақира бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим:— Бу ерда ўқигандан кўра ўлган минг марта яхши! Сизнинг бу қилмишларингизни айтиб бераман... Амаким райкомда...

Қандай қилиб бу сўзлар оғзимдан чиқиб кетганлигини ўзим ҳам билмай қолдим. Тўғриси айтсам, узоқ бир қариндошимиз ҳақиқатан райкомда ишларди.

— Турғунов! Қодиров! Нималар деяпсизлар? Жойларингга бориб ўтиринглар! Қаранглар, буларнинг ўжарлигини. Бу охирги мартаба огоҳлантиришим. Мусақанова, ол хатингни. Мен уни ўқимоқчи эмасман.

— Азизим Жақип, буёғи энди қанчадан тушди,— орқадан кимнидир кесатиғи эшитилди.

— Қажантой, ўқитувчи дарсни сўраганда худди ҳозиргидек ҳозиржавоб бўлишингни истардим!— Қулиман опа шундай деб унинг оғзига бир урди.

Тўсатдан синф раҳбаримизнинг муомаласини ўзгартира бошлаганлигини ҳамма сизди. Наҳотки амаким тўғрисидаги гап унга таъсир қилган бўлса? Қизиқ... Қулиман опа вазиятни бир оз юмшатиш учун бўлса керак, бир неча марта кулиб қўйди.

Мен ўз жойимга бориб ўтирар эканман, ҳаммадан бурун ботинкам ичидаги ўзим хат деб ўйлаган қоғозни олдим. Бир варақ оппоқ қоғоз! Қойилман, Марат! Бу қоғознинг ўзига: «Ҳозир Маратни дўппослаймиз!» деб ёздим-да, думалоқ қилиб Адойга отдим. У ўқиб чиқиб, боши билан маъқул ишорасини қилди. Ниҳоят дарс тугади. Адой билан мен Марат ўтирадиган партанинг икки тарафидан унга яқинлашиб келдик.

— Ана, улар яна уришмоқчи! — деб бақриб юборди бир қиз.

— Қодиров, Турғунов! Қани синфдан чиқинглари! — жаҳл билан деди Қулиман опа, лекин бу пайтда Адойнинг мушти мўлжалга теккан эди. Эшикдан чиқиб кетгунимизча Қулиман опа бизларни кузатиб турди. Забиранинг олдидан ўтиб бораётиб унга бир қараб қўйдим. Дугоналари унга таскин беришарди. Бикен бўлса бошини силаб, қулоғига алланималарни уқтирарди. У нима дейиши мумкин? Инсоннинг кимлигини билиш учун баъзан бир ишоранинг ўзи кифоя...

Адой қўярда-қўймай қариндошимникига мени боришга кўндирди. Жекен амакиникига борган эдик, у йўқ экан, бор гапни ҳаммасини унинг хотинига айтиб бердик.

Узоқ қариндошим Жекен амаки кутилмаганда бу ишга жон-жаҳди билан аралашмоқчи бўлди. Бу ерда қариндош-уруғлик оқибати эмас, балки оддий ҳақиқатни ҳимоя қилиш бу ишга аралашини тақозо этарди. Эртасига мен билан Адойни районога чақиришди. Мактабда эса тўс-тўполон бошланди. Директор Маратнинг роса адабини берди. Қулиман опага ҳам қийин бўлган бўлса керак.

Жекен амакига бўлган воқеанинг ҳаммасини яширмай гапириб бердик. У гапимизни маъқуллагандек эшитди, бироқ муштлашиш тўғрисида гапирганимизда жон-пони чиқиб кетди.

— Хўп бўлмаса, — деди у биз билан хайрлашар экан, — мактабга боринглари. Қизчага яхши-ёмон гапириб, дилини оғритманглари, Маратни эса уриб-сўкманглари, вақти келиб у бу қилган ишидан пушаймон ейди.

Бу воқеадан анча вақт ўтгандан кейин Қулиман опа буларнинг ҳаммасига хотима ясади. Иккимиз ўртаимизда бўлиб ўтган суҳбатдан шу нарса аён бўлдики, у киши бизга фақат яхшилиқни раво кўрганлар, шунинг учун ўз гапларида ва ҳаракатларида мана шу ҳис-туйғуларга таянган эканлар.

Шундай эса-да, Забира билан юзма-юз келиб қолганимизда шоша-пиша ундан кўзимни олиб қочардим. «Азизим Жақип!» — ўзим ўқолмаган хатдан мана шу сўзларгина қулоғимда қолган эди. Ёзишмаларнинг яна

бошдан бошлаш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Адой менга Забиранинг ҳаёти кўнгилдагидек эмаслигини сўзлаб бергандек бўлди. Балки, бунда менинг айбим бордир, чунки ўша пайтда ниятларим рўёбга чиқиши учун кураша олмадим. Балки, улар ўткинчи ҳис-туйғулар бўлиб, севги-муҳаббат даражасига кўтарила олмагандир?

Ўйланганимдан уч йил ўтгандан кейин тасодифан синфдошим Бикенни кўриб қолдим. Бир-биримиз билан қучоқлашиб кўришдик. Шунда ўша вақтдаги воқеалар ёдимга тушди. Кўз олдимга йиғлаётган Забирани юпатаётган Бикен келди.

— Сен жуда ўзгариб кетибсан. Бунақалигини билганимда, овора бўлиб ўзимга қайлиқ қидириб юрмасдим!— деб ҳазиллашдим.

— Гапирма, лапашанг! Битта мени йўлдан оздирганинг йўқ.— У гина қилгандек бўлди. Шу учрашувдан кейин ёшлиқда кўпчилигимиз гўр эканлигимиз аён бўлди. Худди сенинг ўзинг эмас, балки бошқа биров сенинг ҳис-туйғуларинг ва хатти-ҳаракатларингни бошқариб бораётгандек бўларди. Вақт ўтганда эса буларни афсус-надомат билан эслайсан.

...Студентлик давримда Мариям деган бир қиз билан танишиб қолдим. Гап-сўзларимиз бир-бирига унчалик қовушмас, муносабатларимиз ҳам бошқача эди. Зўрма-зўраки жилмайиш, мажбурий кулишлар... Шундай бўлса ҳам, кўча-кўйда иккимиз ёнма-ён борсак йўловчилар бизга қарашарди. Уларча биз бир-биримизга жуда мос эдик. Наҳотки Мариямга нисбатан бўлган ҳис-туйғулар мана шулар туфайли бўлса? Ахир мен ўша пайтларда унинг атрофида гирдикапалак бўлганларга гердаиб айтган гапларини эшитардимку: «Мен ҳеч қаерда хор-зор бўлмайман», «Ҳеч кимга муте бўлишни хоҳламайман».

Ёзги таътиллардан бирида Мариямни овулимизга таклиф қилдим. Институтни тугатгандан сўнг мен шу ерда ишлашга аҳд қилган эдим. «Қаёқча?—деб сўради у.— Овулга?.. У ерда сен ўн йил ўтирганингда ҳам бир поғона юқори кўтарилолмайсан. Шаҳарда эса икки йилда кандидат, тўрт йилда доктор бўлиш мумкин». Очигини айтганда, Мариямнинг бу гаплари менинг

кўзимни очди. Нима бўлганда ҳам биз вақтида бир-биримизни тушуниб олдик...

Кундалик дафтардаги гаплар мана шулар. Буларни сатрма-сатр, саҳифама-саҳифа эслар эканман, Қулэйхон булар учун мени қизганишга ҳақи борми, йўқми, буни ўйламасдим. Бу албатта бошқа масала. Мана, ҳаётдан олинган ҳақиқат: «Муҳаббат бир умрга берилади» деган сўзлар мени боши берк кўчага киритиб қўйди. Сауле, Чўлпон, Забира, Мариям ёки Қулэйхон — буларнинг қай бирини севаман? Булардан биттасини ажратиб, қолганини эса кўнгил дафтаридан ўчириб ташлар эканман, шу дамдаёқ ҳаётим нурсизланиб, аъзойи баданимда нимадир етишмаётгандек бўларди. Бахтли дақиқалар, аччиқ ҳақиқатлар, умидсизликлар ва афсус-надоматлар қанчалик бўлмасин, буларнинг ҳаммаси ҳаётим билан чамбарчас боғлангандир. Мариямни йўқотганимдан сўнг барча нарсага бефарқ қарайдиган бўлиб қолган эдим. Агар ҳис-туйғулар ақл билан чамбарчас боғланган бўлса, муҳаббат учун бошқа ўрин қолмагандек туюларди. Қулэйхон менинг бундай хулосаларимни чиппакка чиқариб юборди.

Нима учун, битта муҳаббат саргузашти-менинг бутун ҳаётим, деган хулосага келишим керак. Инсон ўз ҳаёти давомида гўдаклик, ўсмирлик, йигитлик каби даврларни бошидан кечиргани сингари, муҳаббатда ҳам ўз ҳаётини йўналишлари бўлар экан. Агар шунча йиллар давомида мен муҳаббат синовидан ўтмаганимда, Қулэйхон мени севиши мумкинми? Ортга назар ташлаганда ҳозирнинг қадрига етиш мумкин. Муҳаббат эса ҳақиқатан ҳам битта бўлади. Биттагина... Ахир дарахтнинг шохлари қанча кўп бўлмасин, тана-си битта-ку.

Шу вақт Қулэйхонни уйғотиб, унга ўз фикримни рўйрост айтмоқчи бўлдим.

— Қулэйхон! — деб ухлаб ётган хотинимнинг елкасидан туртдим. — Қулэйхон, кўзингни оч! Сенга айтидиган энг зарур гапим бор...

— Нима гап? Мени тинч қўйинг!

— Йўқ, сен гапимни эшит... эшитгин...

ОТА МАКОН

Оймўғиз йўқолиб қолди...

Муқа ота аввал уни овул атрофидан излади. Сойлик ва даралар, паст-баландликларда қарамаган жойи қолмади. Йўқ. Кимсан, совхоз директорининг отаси сигир излаб, дала кезиб юрганда қўни-қўшнилари ҳам қўл қовуштириб ўтиришолмади. Чолга ёрдам бериш ниятида елиб-югуришиб, уёқ-буёқни қараб чиққан бўлишди. Икки кун ўтди. Уч кун ўтди... Сигирнинг дараги чиқмади...

Оймўғизнинг ҳар гал туғишдан аввал кетиб қолиш одати оила аъзоларига илгаридан маълум эди. Шунинг учун ҳам елини сезила бошлаши биланоқ уни уй атрофида арқонлаб боқишарди. Бу йил ҳам шундай қилишганди. Муқа хашаги билан сувини узмасдан сигирини эшик олдидаги очиқ қўрада боққанига икки ҳафта бўлганди. Кутилмаганда ёш хотинининг жаҳли чиқди: «Худойим-ей, буни қиши билан асраб, бошига ёстиқ, тагига тўшак бўлиб боққанимиз камлик қилгандек, ёз ўртасида бу қандай кўргулик? Уй атрофи ифлос, сасиб кетди-ку. Етар, бўшат... Кетмак тугул бутунлай йўқолмайдим. Тўрт томони қибла».

201



ТИНИМБОЙ
НУРМАҒАМБЕТОВ



Тинимбой Нурмағамбетов 1945 йилда туғилган. 1968 йилда Қизилўрда педагогика институтини битирган. «Қовун иси», «Алвидо, ота», «Қалдирғоч уяси», «Ота макон» номли повестлар ва ҳикоялар тўпламларининг муаллифи.

У бу билан ҳам кифояланиб қолмади. Қаттиқ овоз билан шанғиллаб сигирни бўшатиб юборди-да, арқонини йиғиштириб олди. Муқа ота тантиқ хотинига: «Бу нима қилганинг» деб бир-икки оғиз ҳам гапиролмади. Фақат соқолини қайта-қайта сийпаб-сийпаб қўйди холос. Сўнгра қўлига хипчин олиб, сигирини эрталаб пода кетган томонга ҳайдаб юборди.

Шу-шу Оймўғиз қўрага қайтмади.

Оймўғиз тўрт йил илгари ҳам худди шундай кетиб қолган эди. Ушанда қўшниси Шوشубой уёқдан-буёққа чопқиллаб, от чарчатиб юриб Широғдоннинг нариги томонидаги эски овул ўрнидан янги туққан бузоқ-часи билан топиб келганди. Оймўғизнинг бу одатини эшитганлар: «Ёпирай, бу жониворнинг адашмаганини, бардошини қаранг! Бир кунлик жойга кетгани нимаси экан», деб ажабланишганди.

Муқа ота бу гал ҳам сигирини ўша эски овул ўрнига кетганмикан, деб тусмоллади.

Тўртинчи куни чол тўриқ йўрғасини эгарлади. Даставвал тантиқ хотинининг: «Директорнинг отаси тентираб сигир излаб юрибди, дегани яхши ном эканми? Шу атрофдагиларнинг битта-яримтасини юбора қолмайсанми?» — деган гапига кириб, «яна Шوشубойни юборганим тузукмикан», деб бирпас ўйлаб турди-да, бу фикридан қайтиб ўзи тараддудлана бошлади. Ун йилдан буён оти бошини бурмаган олисдаги ота юрти Толтуғанни бир кўриб қайтишга кўнгли ҳам тортидими, ким билади...

* * *

Муқа отанинг ёшлик чоғлари ўша Толтуғанда ўтган. Унинг отаси марҳум Қуроқ: «Оталаримизнинг бутун олти авлоди шу ерда яшашган, бизнинг суягимиз ҳам шу ерда қолади. Сизларни эса... бир худойимнинг ўзи билади», дегувчи эди. Шунда Муқа: «Бу ерни ташлаб қаерга боришимиз мумкин. Отамнинг гаплари жуда ғалати», — деб ўйлаганди.

Отаси оламдан ўтди. Шундан бери кўп вақт ўтди. Кутилмаганда — бехосдан уруш бошланди. Муқа ҳам бошқалар қатори фронтга отланди. Шунда у: «Марҳум отам шунини айтган экан-да. Энди менга бу ўт-оловдан

омон чиқиш, юртга қайтиш буюрмаган экан», — деб ўйлади. Йўқ, қайтди. Соғ-омон қайтди.

Уч боласи эр етди. Учаласини ҳам ўқитди. Болалари кўзи ўнгида улғайиб, балоғатга етди. Биридан сўнг бирининг ташвиши ортди. Икки боласи совхоз директори, яна бири мактаб директори бўлган кезларда хурсандликдан чолнинг эси оға ёзди: «Астаффурулло, қаёққа кетишяпти ўзи булар. Мен буларга баринг бирдай директор бўл деганманми? Ё тавба... Эй, булар ҳали яна талай иш кўрсатишади...»

Чол бармоқлари билан соқолини тарамлаб туриб, мақтанишни эп кўрмай, ўз ўзидан кулиб қўйди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, катта ўғли Ержигит район ижроия комитети раислигига кўтарилганда чолнинг боши қотиб қолди. «Мана сенга... Қаердан бунчалик... Бунақа ғайрати билан яна беш йилдан кейин қаерда ўтиради дегин... Қўй, мен бориб унга бир оз тўхта чирогим демасам бўлмас. Ҳасад ҳар недан ёмон. Тоғ қанча баланд бўлса, ундан қулаш ҳам шунча аламли», — деб кампири билан маслаҳатлашган бўлди. Кампири эса бошқача фикрда эди. Эрини шунчаки номига хавотирланяпти, деб ўйларди. Ахир ўз фарзандларининг муваффақияти қайси отани хурсанд қилмайди?!

Бироқ Муқа ота бир кунмас бир кун Толтуғандан кўчишимиз мумкин деб ўйламаганди. Ҳатто барча бирдай, янги совхозга кетдик, деб кўчишганда ҳам, у ўз уйида қолганди. Балки кампири Данекер касалга чалинмаганда, ким билсин, ҳозиргача ўша ерда яшган бўлармиди? Кампири тўшақ тортиб кўп ҳам ётгани йўқ, бор-йўғи икки ҳафтада оламдан ўтди. Шундан сўнг Муқа ўзини йўқотиб қўйди. Уртанча ўғли Белжигит уйига кўчириб опкетадиган бўлди. Чолнинг кўнмасликка чораси йўқ эди. Данекернинг йилини ўтказгандан сўнг: «Таҳорат сувини иситиб берадиган бир заифа тониб берайлик, оламдан ўтган кампири ўрнида уйга эга бўлиб ўтирсин», дейишиб болалари аёл ахтаришди. Чол қарши бўлмади. Шундай қилиб улар ҳозирги ёш аёли Торғинни топишганди.

Торғинни олиши билан Муқа кўп ўтмай Толтуғандан кўчиб кетди. Ёш хотиннинг тоғу тошлар орасида яшагиси келмади. Шундан буён ўн йил ўтибди. Авваллари «ўсиб-унган ота маконни кўзим қиймай қайта-қайта бориб турарман», деб ўзига таскин берарди.

Бироқ вақт ўтиб янги жой, янги одамлар, ҳурмат-эътиборга кўникиб қолди. Кўнгил тўқлиги кўп нарсани унуттирар экан. Муқа ота маконига қайтиб ўта олмади.

Тўриқ йўрға йўлнинг хийлагина қисмини босиб ўтди. Ёз офтоби терак бўйи кўтарилиб қолган. Чол йўлга камзули устидан бахмал чопонини кийганди, иссиқлай бошлади. Бироқ ечинмади. Широғдондан ошиб ўтгач, салқин шамол эсиб, Муқанинг вужуди тетиклашди. Тўриқ йўрға қадамини тезлаштирмади. «Тоғ этагидан тушишдаги булоқ бўйида дам олиб кетсам, бемалол кечга яқин Толтуғанга етиб қоларман», — деб ўйлади чол.

Бу жойларда энди ҳеч ким яшамаслигини Муқа яхши билади. Ёлғиз қорамолчилик фермаси бор эди. Уни ҳам ўтган йили кўчириб кетишган. Бу ҳақда у ўғли Белжигитдан эшитган, ферма унинг қарамоғида эди. Бирор уй кўринганда ҳам чолнинг у ерга от бургиси йўқ. Ёш хотини эскироқ сумкага йўлга етарли овқатларни солиб берган. «Кўринган уйга ассалом-алайкум, деб бош суқаверма, ҳар хил овқат еб, касалланиб қолмагин тагин...», — деб тайинлаганди.

Муқанинг нияти Оймўғизни топиб, тезроқ қайтиш эди. Агар ҳозир Оймўғиз олдидан чиқиб қолганда эски юрти—Толтуғанга бориб ўтирмасдан ортига қайтган бўларди. Юрган йўлида кўринган ҳар бута, ҳар бир паст-баландликни кўздан узмай синчиклаб қараб келарди. Олдинда нималардир қорайиб кўрингандай бўлди. Яқинроқ бориб қараса ёйилиб юрган бир уюр йилқи экан... Қайта бурилиб келиб йўлга тушди. Сигири гўё сувга чўккандай йўқ... Муқа ўзи ўйлагандай кун ботишга яқин Толтуғанга етди. Аввал дарахтлар ва эски уйлар, шундан сўнг овул атрофидан илонизи бўлиб буралиб оқаётган кичкина сой, ёвшан қоплаб ётган қия тепалик кўзга ташланди. Чол сабрсизлик билан отини қистади... «О, тангрим, ҳаммаси ўз жойида турибди», — дея ўз уйидан кўз узмай келарди чол. Тўриқ йўрға сойдан кечиб ўтди. Суви озайиб қолибди. Отнинг сағрисиغا ҳам чиқмади. «Оқиб ётибди», деб қўйди чол соғинч ва қувонч оҳангида.

Эски уйларнинг ораларидан ўтиб келаркан эшик-деразалари ўрни ўпирила бошлаган деворлар кўзга ташланарди. Молхона, қўралар бўм-бўш, шумшайиб

турибди. Боғ-роғлар хароба ҳолга келиб қолган. Бирор тириклик нишонаси кўринмайди. Бошқа бировга бу ер қачонлар кимлардир яшаган жойга ҳам ўхшаб кўринмасди. «Бироқ яшашган, яшашгани рост-ку! Уша овул, ўша жой...» Чолнинг кўзи ўнгида ўтган-кетган воқеалар аста жонланди.

Ана марҳум Жетписбой этикчининг уйи. Бир томондаги девори бутун қопти холос. Қолганлари бузилиб бўпти. Марҳум икки хонали уйининг узун бурчагида—баланд темир печ ёнида болғасини тўқ-тўқ этиб мих қоқиб ёки кўн ағдариб ўтирарди. Бу овулда Жетписбой тиккан этикни киймай ўсган бирор жон йўқ. Энди ҳаёт нишонаси қолмаган овул орасидаги йўлларда илгари Жетписбой тиккан этикларнинг айқаш-уйқаш излари бўларди...

Мана бу Бидайгул кампирнинг ўтинхонаси ўрни. Муштумдай увоққина кампирнинг оёқлари тинмасди. Чарчаш нималигини билмасди. Қўрасини элдан бурун ўтинга тўлдириб оларди. Ҳамма бу кампирнинг абжирлигига ҳайрон қоларди. Улимидан олдин ҳам узоқ оғриб ётгани йўқ. Бутун куз бўйи одатдагидай ўзига ўтин ғамлаб, уриниб юрганди. Сойнинг бутун соҳили бўйлаб Бидайгул йиққан қуруқ шох-шаббалар уюлиб ётарди. Эл: «Епирай, бу кампирнинг бир билгани бор. Бу ўтин бир уйни эмас, бутун бир овулни қишдан чиқаришга етади»,— дерди. Бидайгул бу сўзларга эътибор бермасди. Куймаланиб юриб қўрасини ўтинга тўлдириб бўлган кун тўсатдан оғриб қолди. Тўшак солиб бир ҳафтагина ётди-ю, оламдан ўтди. Ушанда бутун овул Бидайгул йиққан ўтин билан қишдан чиқиб олди. Ҳатто кампири тўшмагур увоқдай бўлиб елиб-югуриб тўплаган ўтин уларга кўклам чиқиб, ёз келгунча ҳам етганди.

Муқа яна бир бузилган уйнинг ёнига келди. Бор-йўғи икки хонали бошланғич мактаб деворлари. Ержигит, Белжигит, Сайранбеклар шу деворлар орасида ўқиб улғайишди. Вояга етишди. Улар ҳар тонг Жетписбой тикиб берган этикларни тепкилаб кийиб, сумкаларини осиб олиб шу мактабга ошиқишарди. Болаларнинг шўх қийқириқлари бу икки кичик хонага синамасдан дала-даштларга ҳам эшитилиб турарди.

Энди, мана чолнинг олдида деворлар унсиз қотиб турибди...

Мана унинг уйи. Бир томон девор ўпирилиб тушибди. Қолганларининг сувоғи кўчиб кетган, кесаклар бир-биридан ажраб, уваланиб, ҳар жой, ҳар жойда тешиклар пайдо бўлган. Яна икки-уч ёгин ёғса қолган деворлар ҳам гурс-гурс қулаб тушишига шубҳа йўқ. Чол эшигининг олдига келиб отидан тушди. Отининг чилвиридан ушлаган кўйи уйни бир айланиб чиқди. У шу уйда туғилганди. Шунда ўсди. Шу жойда қартайди. Юрт бу уйни аввал Шилдебекнинг уйи, дерди. Кейин Қуроқники, ундан кейин эса Муқаники дейдиган бўлди. Энди у Ержигит билан Белжигитнинг ёки кенжа Сайранбекнинг номи билан аталиши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. «Эсиз ота макон, қандай аҳволга келиб қопти-я». Чолнинг кўнгли бузилди. Этсиз қоқсуяк қўллари билан уваланиб ётган бўсағани сийпалай бошлади.

Муқа кўп турмади бу ерда. Асосий нияти Оймўғизни топиб келиш экани эсига тушиб, отига қайта минишга шайланди. Кўпдан бери отда узоқ йўл юриб кўрмаганидан бутун тани зирқираб оғрирди. Узангига оёғи аранг етди. Ёвшанзор тепаликка кўтарилиб ўзини тетикроқ сездди. Болалик кезларида талай ўйнаган, йигитлик чоғларида кўпкари чолган жойларини хатосиз таниди, атрофга мамнунлик билан тўйиб-тўйиб назар солди. Димоғига ёвшанларнинг ачқимтил ҳиди уфурди. Бу йил ёвшанлар қалин ўсибди. Кўкламда бу жойларда ёмғир роса ёққани шундай билиниб турарди. «Ер ўзгармас экан-да». Чол хўрсиниб қўйди. «Ҳамма нарса илгаригидек. Ер ҳам, ёвшанлар ҳам...»

Сигири топилса кеч бўлса ҳам қайтиб кетиш ниятида бўлган чол яқин атрофдаги тоғ ёнбағирларини айланиб чиқди. Йўқ, ўзи ҳам чарчади, оти ҳам. Тўриқ йўғгани яна эски уйи томон бурди. Тунашга қарор қилди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Уйининг ёнига келиб отдан тушди, отини толнинг бутоғига боғлаб, бир қўлига қамчисини, иккинчи қўлига тамадилари солинган қора сумкани олиб, бузилган ўчоқ ёнидаги яланг тақирга келиб жойлашди. Ерга чопонини тўшмоқчи бўлди-ю, ўйланиб, сумкаси-дан газета олиб ёйди-да, унинг устига ўтирди. «Ҳозирча отнинг бели совиб турсин, ётиш олдидан тўқимини тагимга тўшарман»,— деб ўйлади. Сумкада егуликлар кўп экан, қоқланган от гўшти, айрон, нон, пиёз... Чол

ўзича кулиб қўйди: «Тавба, бу овқатлар менга бир кунга эмас, бутун бир ҳафтага етади-ку.» Ёғли гўштни нон билан еб, айрондан симирди. Қорни очиб қолган экан, кўпдан бери бундай маза қилиб овқатланмаган эди.

Қолган таомларни йиғиштириб сумкага солиб қўйди. Ўрнидан туриб кун ботиш томонга назар солди. Қуёш бота бошлабди. Уйни айланиб сой ёқасидаги чорбоғи томон юрди. Кунбўйи отда юриб эзилиб қолибди. Оёқлари қалтирар, қадам босишга мадори қолмаган эди.

Кенг, қалин четан билан ўралган чорбоғда бир вақтлар зардоли дарахтлари гуллаб ётарди. Бироқ қаровсизликдан улар қурий бошлаган, ҳатто Муқа шу ерда яшаган сўнгги кезларда ҳам ўрикларнинг айримлари мева бермай қолганди. Чол: «Боғ ўз-ўзидан қуриб битмагандир»,— деб ўйлади. «Балки, унга зиён етказишгандир, ўтин қилиш учун дарахтларни синдириб, чопиб кетишгандир».

У илгари, молбоқарлар сигирларини шу боғда ўтлатиб боқаётганмиш, деб эшитганди. Боғ сийраклашиб, яланғоч қолга келиб қолган бўлса-да, у бор экан. Дарахтлар кейинчалик қуриб қолганга ўхшайди. Қуриганларини ўтинга кесиб кетишибди. Чол боғни шошмасдан юриб, оралаб чиқди. Кўнглига, кўзига таниш ҳар туп ўрикка синчиклаб назар солди. Манā бу толни Данекер иккиси уйланган йили ўтқазишганди. Муқа янгигина тол хивичини кесиб келган. Данекер ерни кетмон билан кавлаб, иккиси ўтқазишган хивич анча кунгача кўкламай, тутиб кетиши қийин бўлганди. Данекер: «Сен эккан хивич қандай ҳам кўкласин», деб ҳазил қилиб кулганди. Ушанда Данекер кўча томонга ҳам тик қарай олмайдиган уятчан келинчак, Муқанинг ўзи билан ҳам энди-энди ўрганиша бошлаган кезлар эди. Кутилмаганда хивичга бирдан жон киргандай бўлиб кўклай бошлади. Кузга келиб эса, роса ўсиб, одам бўйига етди. Энди шу хивичдан ўсиб чиққан толнинг танаси йўғонлиги бир қучоқ келади. Баъзи шохлари қуриб қолибди.

Бир ўрик дарахти ёнига келганда Муқа яна хаёл суриб қолди. Уни кенжа ўғли Сайранбек туғилишидан бир йил бурун экишганди. Уша йили ёзда Ақуйиқ бонидан хуржунининг икки ёнини лим-лим тўлдириб

ўрик олиб келганди. У бутун овулга етиб ортди. Данекер ўриikka бош қоронғи эди чамаси, ўзига деб олиб қолган, ҳали унчалик пишмаган ўрикни узоқ вақтга-ча сақлаб еб юрди. Бир куни у рўмолчага тугилган бир ҳовуч данакни Муқага бериб: «Бундай ширии ўрикни ҳеч емагандим. Данагини эка қолайлик», деди. Уша йили кузда Муқа ерни ковлаб олти дона данак ташлади. Кўкламда ҳаммаси бир текис униб чиқди. Данекер ўрикларни бекорга мақтамаган экан. Уриги роса мазали бўлди. Улар то бу ердан кўчиб кетгунларигача ҳар йили бу дарахтларнинг ўригини севиб еб юришди. «Балки шу дарахт ҳозир ҳам мева қилар», — ўйлади Муқа, юқори шохларга назар солиб. Аммо кўзига ҳеч нарса кўринмади. Кейин яқинроқ бориб шохларидан бирини силкитди. «О, яратган тангрим, ҳалиям бу ўрик мева соларкан!» Муқа туртиниб юриб ерга тушган ўрикларни тера бошлади. Икки ҳовуч ўрик йиғди. Белидаги рўмолини ерга ёйиб ўрикларни шунга тугди.

Бу орада қоронғилик ҳаммаёқни қоплаб олганди. Чол ўзи жойлашган ўчоқ ёнига келиб, ўрик тугилган рўмолни қора сумкаси ёнига қўйди. Тўриқ йўрганнинг эгар, тўқимларини ечиб олиб, уни сой бўйига — ўтзорга арқонлаб келди-да, тўқимни тагига тўшаб, чопонини устига ёпиб чўзилди. Чол: «Обдан чарчадим, дарров ухлаб қоларман», — деб ўйлаганди. Бироқ уйқуси келмади. Кўзи юмилмади. Жимжит сокинлик, зим-зиё қоронғилик чолнинг кўнглига ваҳм солди. Салдан сўнг Муқа ўридан туриб эски ўчоққа ўт ёқмоқчи бўлди. Чўнтагини пайпаслаб, гугурт топди. Учоқ ёнида қуруқ шох-шаббалар бор экан. Ўт ёқди. Ловиллаб ёнган гулхан нуридан ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлиб кетди. Қўрқув сал тарқалгандай бўлди. Учоқда ёнаётган гулхан чўғидан кўз узмай яна хаёлга ботди.

...Шу ўчоққа Данекер қанча йил ўт ёқди. Умр ўтиб кетгандан сўнг кўрганларинг тушдагидай бўлиб қолаверар экан-да... Иккаласи ўчоқ ёнида ёнма-ён ўтириб, чўғдан кўз олмай, ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиришарди. Ушанда ҳозиргидек жимжитлик асло бўлмасди. Сигирларнинг мўрагани, қўрадаги қўйларнинг пишқиргани, итлар ҳуриши, узоқ-яқиндаги уйлардан қўшнилариинг овозлари қулоққа чалиниб турарди. Сайранбек ўқишни битириб келган йили ҳам кампири ик-

каласи ўшандай ўчоғ бўйида болалари ҳақида суҳбат қуриб ўтиришарди. Ержигит билан Белжигит икки жойда совхоз директори бўлиб ишлаётгани ҳаммаёққа овоза бўлиб кетганди.

Муқа ўшанда Данекерга ҳазил қилиб: «Бола туғмапсан, фақат директор туғибсан-а, Сайранбекинг ҳам кўп ўтмай директор бўладиганга ўхшайди»,— деганди. Сўнг яна фахр билан: «Сен билан бизни, фақат директорларни дунёга келтирдиларинг, деб қамаб қўйишмас, ахир»,— деганди. О, ўшанда уларнинг қўшилишиб кулганлари... Икки йил ўтгач Сайранбек ҳам мактаб директори бўлиб кетди. Ўшанда Муқа билан Данекер ўзларининг ўша ҳазил-мутойибаларини эсга олиб яна кулишганди.

...Энди, мана Муқанинг бир ўзи шуларни ўйлаб ўтирибди. Данекер ҳозир ёнида бўлганида буларнинг барини қайта эсга оларди. Яна кулишар, бирга сирлашар эди... Бироқ Данекер бу ердан икки чақирим ердаги мозорда, отаси билан онасининг қабрлари ёнида ётибди. «Э, дунё-ей», деб Муқа хўрсиниб қўйди. «Эски юртимга келмаганимда, буларнинг бари эсимга тушмас эди. Тирикчилик ташвиши билан ўтган-кетганларни унутиб юраверардим. Шунга ҳам шукр. Ота маконга келдим, эсга олдим. Эртага мозорга бориб, қабри бошида қуръон ўқиб қайтсам савоб бўлар».

Ўчоқдаги ўт ўча бошлади. Аста-секин сўнаётган чўғга қараб ўтириб, Муқанинг кўзи илинди.

Тонг тез отди. У уйғонганда қуёш чиқиб, ҳаммаёқ унинг равшан нурига чулганганди. У шошилиб нарсаларини йиғиштира бошлади. Отини етаклаб келиб, эгарлади. Муздай сой сувида юзини чайиб, шишадаги айронни охиригача симириди-да, отига минди. У сой ёқалаб кетди. От ҳам дам олган кўринади, одатдагидай йўргалаб борарди. «Чошгоҳгача сигирни топсам яхши бўларди»,— ўйлади чол. «Шунда кечгача овулга етиб олар эдим. Агар, топилмаса-чи? Балоба йўлиққурни, ер ютдимикан-а!..»

Кечадан буён ичига ютиб келаётган алами сиртига чиқа бошлади. Ҳатто сой ҳам чолга кўримсиз туюлди. Илгарилари унинг икки соҳилида ўсиб ётган бўлиқ қамишзорлар кўзни тиндиради. Энди унинг ёқасидаги кўкатлар ҳам илгаригидек эмас. Туси кетиб, чангга ботиб қолганга ўхшайди. «Одамлар кетгач, сой ҳам

файзини йўқотибди»,— ўйлади чол кўнгли тўлмай. Ундан ҳам кўра Муқанинг хаёлидан Оймўғиз кетмасди.

Атрофга қараган сайин кўнгли озарди. Қаерга ҳам от буриб боради? Сой ҳам ортда қолди, қирлик, баландликларга ҳам чиқиб қаради, бутун атрофни кўздан кечирди. Йўқ, ҳеч нарса, қимирлаб юрган бирон жонзот кўзга ташланмади... «Оймўғиз, ҳо, Оймўғиз...!» деб чақириб ҳам кўрди. Бари бир йўқ. Овози тоғ-тошларда акс-садо берди.

Кун чошгоҳ бўлди. Ҳаво роса иссиқ бўладиганга ўхшайди. Қуёш ҳаммаёқни куйдиргудек олов сочяпти. Энди чолнинг юзи тундлашиб, аччиғи чиқа бошлади... «Бунчалик ҳам дайди мол бўладими? Нима, узоққа кетган билан олтин бузоқ туғиб берармидинг. Кўзимга бир кўрин-чи, кўрсатиб қўяман сенга бўшалиб кетиш қандай бўлишини».

Бир оздан кейин чол иккиланиб ўйланиб қолди: «Эҳтимол сигирим бу ерларга изғиб келмагандир? Балки овул атрофида юрган чиқар. Ўзимиз яхшилаб ҳаммаёқни қарамагандирмиз!» У Балиқти боғигача бориб кўришни, агар сигир у ерда ҳам бўлмаса қайтиб кетишни кўнглига туғиб қўйди.

Кун тушдан оғди. Ҳаммаёқ дим бўлиб, Муқа иссиқлаб кетди, роса чарчади. Кутилмаганда дарё ёқасидаги толлар орасида нимадир кўзга чалингандай бўлди. Муқа от сағрисига қамчи босиб, елдириб кетди. Бузоқча экан. У бошини кўтариб қайрат ва ҳадиксираш билан тикилиб турди-да, кучсиз оёқчаларида чайқалиб-чайқалиб қалин толзор орасига кириб кетди. Сал нарида Оймўғиз бежавотир ўтлаб юрарди. «Бемалол ўтлаб юришини қара бунинг,— хаёлидан кечди Муқанинг.— Худди қариндошиникига меҳмонга келгандай! Ҳозир сен билан гаплашиб қўяман. Таъзирингни бир бермасамми». Шундай ёнгинасига қамчи ўхталиб келмагунча Оймўғиз унга ҳеч эътибор бермай ўт қиртишлайверди. «Ҳей, чечак чиққур», деб қамчисини кўтаргандагина бошини ердан узиб, Муқага қаради. Муқа қамчи билан икки-уч марта сигирнинг биқинига тундирди. Оймўғиз бўкириб олдинга қочди. Муқа бу билан ҳам чекланмай сигирни қувиб юриб савалади. Бузоқча уларнинг ортидан нажотсиз оқсоқланиб, судралиб келарди. Муқа аччиғи босилгандан сўнггина

унга разм солди. Яхшилаб қараб чиқди. «Неча кунлик экан? Икки кунлик ё уч кунлик. Унинг бу қадам бо-сиши билан овулга уч кунда аранг етиб борсак ҳам». Бу чолнинг дилини яна ранжитди. У бузоқча тез юра олмаслигини билса-да, бир-икки хўш-хўшлаб ҳайдаган бўлди. «Бузоқчани отга, ўзининг олдига мингаштириб олса-чи? Оймўғиз хоҳласа-хоҳламаса эргашиб келаве-ради». Муқа бузоқчани тутиш учун отидан тушди. Одам кўрмаган жонивор Муқага тутқич бермай қоча бошлади. Чол шу қадар дарғазаб бўлдики, лапанглаб қувиб келаётиб қўлидаги қамчиси билан тўхтамай қо-чаётган бузоқчани туртиб юборди. Бузоқча йиқилиб тушди. Олдинга кетиб қолган Оймўғиз орқага бурилиб мўраб келиб, туришга интилаётган бузоқчани ялай бошлади. Дир-дир титраётган бузоқча онаси бағрига тирғалди. «Буларнинг меҳр-муҳаббатлилигини қара», — ўйлади чол бузоқчани сигир тагидан юлқиб ола-ётиб.

Бузоқча билан оти ёнига келганда тўриқ йўрға те-падигандай бўлиб, уларни ёнига йўлатмади. «Энди нима қилдик?» Нима бўлгандаям сигирни олдинга соли-б ҳайдашдан бўлак чора қолмади.

Йўл ҳеч унмасди. Бунинг устига иссиқ томоқни қақратиб борарди. Эрталаб ичган айрондан бошқа ҳа-ли туз ҳам тотгани йўқ. Сумкасида яна бир шиша айрон борлиги эсига тушиб, эгарнинг уёқ-буёғини қа-раган эди, сумкаси йўқ. «Худонинг қудратидан». Чол жон-жаҳди билан бир эгарга, бир орқадаги йўлга на-зар солди. Урик тугилган рўмолни излаб белини пай-наслади. У жойида эди. Сумкасининг қолиб кетганли-ги чолнинг дилини хуфтон қилди. Унда егуликлари бор эди. Отининг бошини буриб бир оз йўл устида ўй-ланиб қолди. Чамаси сигирни кўрган жойидаги тол-зорда қолдиргандир. Орқага қайтишдан маъни йўқ. Роса узоқлаб кетганди. Юраверайин деса туз тотмас-дан овулига етиб боришга кўзи етмади. Ҳар хил хаёл-га борди. Ахийри таваккал қилиб олдинга юришни лозим топди. Отини қамчилаб, тезроқ юришга уринди. Ёш бузоқча илдам юролмас, оёқлари чалиниб кетарди. Муқа қамчиси билан турткилаб тезроқ юргизмоқчи бўлар, лекин бу фойда бермасди. Ахийри бузоқча бир йўла юришдан қолди. Ингичка оёқлари майишиб, йўл четига йиқилди.

Муқа роса жонидан тўйиб кетди. Отидан тушиб йўл четида оғир-оғир нафас олаётган бузоқчага узоқ тикилди. Оймўғиз унинг атрофида гирдикапалак бўлар, ялаб-юлқарди. Бузоқчанинг танасида Оймўғизнинг тили тегмаган бирон жой қолмади... Бир оздан сўнг бузоқча бутун танаси билан қалтирай-қалтирай туриб онаси елинига ёпишди. Муқа отидан арқонини шошиб олди-да, бузоқнинг бўйнига сиртмоқ солиб етакламоқчи бўлди. Аммо унинг қаттиқ бармоқлари бўйнига тегиши билан бузоқча жон-жаҳди билан сакраб кетди. Чол уни бир-икки бор қўлидан чиқазачиқазаранг тутиб олди. Бўйнига арқон боғланган бузоқча мажбур бўлиб яна эргаша бошлади.

Тушдан кейин кун роса қиздира бошлади. Чол ташналикдан бўғилиб борарди. Яқинроқда булоқ ҳам йўқ. Томоғи қақраб кўзларига тер қуйилди.

Муқа учун энг қийини—бузоқнинг юришга ярамагани бўлди.

Салдан сўнг бузоқнинг яна оёқлари майишиб, йиқилгудай бўлаверди. Чол энди уни аямади. Бузоқча юролмайд қолганда арқонни тортиб судрай бошлади. Ташналик ва очлик уни раҳмсиз, шафқатсиз қилиб қўйганди. У: «Бузоқча ўлиб қолади»,— деб ҳам ўйлашни истамасди. Шунинг учун ҳам ёвшан босиб кетган ёлғизоёқ кўҳна йўлда ёш бузоқчани судраб келаверди.

Бу аҳволга чол чидаса-да, Оймўғиз чидай олмади. Укириб мўраганича бурилиб келиб бузоғи устига энгашди. Муқа яна иложсиз тўхтаб қолди. Унинг ўзи ҳозир бузоқчадан ҳам мушкул аҳволда эди. Қўлини пешонасига қирра қилиб, атрофга разм солди. Саробдан ҳеч нарсани фарқлаб бўлмасди. Ахир бу ўзи туғилиб ўсган жой-ку—ҳеч бўлмаса қаерда бораётганини тусмаллаши мумкин-ку. Ана шу қирнинг ортида ўтган йили сутчилик фермаси бўлган. Эҳтимол ҳозир одам йўқдир. Ҳаммаси кўчиб кетгандир. Бироқ ўша ерда булоқ бор. Муқа учун ҳозир бир қултум муздай сувнинг ўзи катта армон эди.

Чол сал-пал тетикланган бузоқчани олдига солиб, қирликка қараб юрди. Улар тепаликка кўтарилишганда ферманинг ўрни кўринди. Узун қўралар, цемент охурлар... Етти-саккиз уй. Айримларининг томлари, эшик-деразалари кўчириб олинган. «Ҳаммаси кетиш-

ган. Ташлаб кетишган»,— деб ўйлади чол роса куюниб. Бироқ бехосдан кутилмаганда кўҳна иморатлар ёнидан булар томонга ит вовиллаб чиқди. Расмана ит. Қашқирга ўхшайди. Шиддат билан ириллаб келаётган итни кўриб, Муқани қути учди. Шу пайт четдаги уйлардан бирининг эшиги очилиб, ундан бошига оқ ёпинғич ташлаган кампир чиқди-да, бор овози билан итини чақирди. «Уй бор экан, одам бор экан. Раҳмингга шукр, худойи таоло»,— дея болалардай қувониб кетди. У энди бузоғи билан сигирига ҳам қарамай, отининг бошини чеккадаги уй томон бурди. Яқинроқ бориб кампирни танигандай бўлди. «Кўзимга шундай бўлиб кўриняптими ё», кўзини уқалаб-уқалаб қайта-қайта қаради. «Уша... Э, худо, бу — Шинаркул-ку¹. Ўзимизнинг Шинаркул. Ҳалиям у шу ерда экан-да...» Таажжубланган ва хурсанд Муқа уйга яқинроқ бориб отидан туша бошлади.

Шинаркул унга узоқ тикилиб турди. Танимагандай, Муқа отини қозиққа боғлаб бўлгунча ҳам жим тураверди. Муқа отини боғлаб бўлиб унга томон келаётгандагина кампирнинг юзида қандайдир ўзгариш юз берди. Таниди шекилли, унга пешвоз чиқди. Ич-ичига кириб кетган кексайган кўзларида шодлик учқунлади.

— Муқамисан? Худойим-ей, ўнгимми ё тушимми?
— Шинаркул чолнинг қўлидан тутди.

— Омонмисан, Шинаркул?— дея олди Муқа ба-зўр. Унинг бошқа гапиришга ҳам ҳоли қолмаганди.

— Ахийри, келдингми? Мени ҳам эсга оладиган бор экан ҳартугил,— давом этди кампир.— Мен эса унутиб юборишгандир деб юрардим. Худога шукур... минг карра шукур! Мени излаб сен келдинг.

Иккиси уйга киришди. Муқа тўрға чиқди. Сал нарироқ ўтирса айрилиб, адашиб қоладигандай Шинаркул ҳам Муқанинг ёнига ўтирди.

Муқа бундан тўрт-беш йил бурун Шинаркулнинг ёлғиз ўғли трактор тагида қолиб ўлганини эшитганди. Ҳозир Шинаркулга вазмин бурилиб, кўнгил сўради:

— Қайипбегингдан айрилибсан, Шинаркул. Жойи жаннатда бўлсин. Қайгунгга шерикмиз.

¹ Чиноргул демоқчи.

—Муқа-ей, Қайипбегимни айтяпсан, сезиб турибман. Ха, бахтсиз бўлиб қолдим, Муқа, айрилиб қолдим...

Чолнинг қўлидан қаттиқ ушлаган кўйи Шинаркул ҳўнграб йиглаб юборди.

— Сўзларингни эшитаётганим йўқ. Қулогим том битган. «Қайипбегинг энди йўқ!» Менинг энг сўнгги эшитган сўзим шу. Бу дунёни менга шу сўзлар эшитирмай қўйди. Ҳеч ким билан гаплашмайман. Жимжитлик. Йўқ. Мен ўзим эшитмай қўйдим. Мен бу дунёни овозларини бошқа эшитгим келмади. Эшитиб нима ҳам қиламан? Нима учун? Бари бир бу шовқинлар орасидан Қайипбегимнинг овозини бошқа эшитмайман. Унинг кулишларини, қадамлари овозини эшитмайман-ку. Мени кар қилиб қўйган худога минг бир раҳмат.

Елғизлик бечора кампирни эзиб қўйибди. Қанча қанчадан бери юрагини бўшатмаганди...

* * *

Шинаркулнинг эри Қаулен Муқа билан тенгдош эди. Болаликдан дўст эдилар. Бир вақтда уйланишди. Бир пайтда болали бўлишди. Бир вақтда тақдир ато этган оила бахтидан масрур бўлиб юрганларида уруш бошланиб қолди. Фронтга ҳам бирга отланишди. Бошида бирга жанг қилишди. Кейин бўлиниб кетишди. Уруш тугашидан бир йил бурун елкасидан яраланган Муқа юртига қайтди. Ёзнинг айна ўрталари эди. Район марказида поездан тушиб, от-улов кутишга ҳам сабри чидамай овулга пиёда қайтди. Буғдойзорларга ўроқ тушганини эшитиб, йўл бўйи аёлларга қараб борди. Данекер билан Шинаркул ўроқ ўриб юришган экан. Иккаласи югуриб унинг олдига пешвоз чиқишди. Данекер қувончининг чеки йўқ эди. Куёвининг бўйнидан маҳкам қучоқлаганча қўйиб юборгиси келмасди. Бошқа пайт бўлганда Шинаркул кулиб юборган бўларди. Дугонаси ўлгудек соғинган экан!..

Шинаркул ҳам бошини Муқанинг кўксига қўйиб: «Бизнинг Қауленни қайларга ташлаб келдинг? Кимга ташлаб келдинг, Муқа»,— деб йиглаб юборди. Угина эмас, шу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам кўз ёшини тийиб туришолмади.

У Қауленни узоқ вақт кутди. Уруш тугаб, фронтга кетганлар қайтиб бўлишгандан сўнг ҳам у умидини узмади. Эшикнинг тиқ этганига ҳам, итининг ҳурганига ҳам, кимнингдир қадам товусига ҳам умид билан кўз тикиб ётди. Хат ташувчининг йўлини тўсди. Йўқ. Қаулен келмади. Дараксиз кетди.

Урушдан кейин ҳам улар Толтуғанда ёнма-ён яшашди. Шинаркул муомалали, очиқ кўнгли эди. Бутун овул уни ҳурмат қиларди. Айниқса Данекер билан қалин ўртоқ эди, уларни бир-биридан ажратиб бўлмасди. Ишда ҳам, уйда ҳам бирга бўлишарди. Бир-бирига кўмаклашар, зерикарли дамларни ҳазил-ҳузул билан ўтказишарди.

Ишчанликда Шинаркулга етадигани йўқ эди колхозда. Шундай елиб-югуриб ёлғиз ўғли Қайипбекни катта қилди. Эл қаторига қўшди. Данекернинг вафотидан уч йил бурун Қайипбек бу ердаги сўтчилик фермасига тракторчи бўлиб ишга жойлашди. Шундан сўнг Шинаркуллар оиласи Толтуғандан бу ерга кўчиб келишди. Кейин Муқа уни Данекер вафот этганда, маросимдагина кўрди, холос. Бирга ўсган кўз қиймас дугонаси вафотидан даҳшатга тушиб, кўз ёшини кўл қилганлардан бири ана шу Шинаркул эди. Ҳаётда кўп ғам тортганиданми ё уни табиат шундай яратганми, унинг ғамгин ноласи одамларинг бағри-дилини эзиб юборганди. Шинаркул нола чекканда ҳатто бағри тош одамларининг ҳам кўнгли бузилиб, кўзлари намланди.

Муқа Толтуғандан кўчиб кетгандан буён Шинаркулни кўрмаган эди. Кўрмак тугул у ҳақда ҳеч нарса эшитмаганди ҳам. Кўп нарса ўзгариб, унутилиб кетаркан. Ўтмиш аста-секин хаёлдан кўтариларкан. Муқа-ку унутишни истамасди, лекин ҳаёт уни шу кўйга солди.

Мана орадан ўн икки йил ўтгач, Шинаркул билан яна қайта учрашиб турибди.

* * *

Шинаркул узоқ йиғлади. Йиғлаб туриб кўнглидаги бутун дардини бўшатди. Муқа уни тасалли бериб юпатишга ҳаракат қилди. Тасалли бераётиб ўзи ҳам кўзига ёш олди.

Бир оздан сўнг Шинаркул кўйлагининг енги билан кўзини артиб, ўрнидан турди. Обтоба ва дастшўй олиб

келиб, чолнинг қўлига сув қуйди, сочиқ тутди. Дастурхон ёзди. Муқа бошидаги бўркини олиб тоқчага қўйди. Чопонини ечаётиб, белидаги рўмолни бўшатганда, ундаги ўриклар шов этиб кўрпача устига тўкилди. Баъзилари эзилиб қопти. «Кўрпачани булғадимов», — деб Муқа ўрикларни йиғиштираётганда ёнига Шинаркул етиб келди.

— Худойим-ей, манавулар сизнинг боғни ўригимасми? О, яратганим! Ҳали ҳам мева соларкан-да-а!.. О, садағанг кетайин... Табиатнинг ризқи, сахийлиги адо бўлмаскан. Ҳали ҳам топ-тоза, тиниқ. Ҳар қайсиси боланинг муштидай. Сап-сарик. Худди олтиннинг ўзи-я!

Шинаркул ўриклардан биттасини оғзига солди. «Таъми ҳам илгаригидай. Асалдай тотли. Муқа, еб кўрдингми, ўзинг? Сен тўйгунча еб қайтгандирсан. Эҳ, хуморидан бир чиқайин». Шинаркул ўрикни қувониб чайнади. Юзи яшнаб, ғам-ғусса абадий кетгандай кўзлари нурланди. Муқа ҳам бир ўрикни олиб дастурхон четига артаётган эди, Шинаркул:

— Ўрикни артганинг нимаси. Ўрик кир бўлмайди. Данекер иккимиз уни шу ҳолда, мазаси кетиб қолади, деб ювмасдан ердик, — деди. Муқа ўриқдан биттасини оғзига солди. У ҳеч қандай алоҳида бир таъм сезмади. Қайтанга оғзи бемаза бўлди. Бироқ Шинаркулга сир бермади.

— Тотлик экан, — деб қўйди.

— Эсингдами, Муқа, Данекер билан келинчаклик пайтларимизда толнинг соясида кунбўйи қимирламай ёнғоқ чақиб ўтирардик. Шунда Қаулен иккинги бизни: «Сенларни ёнғоқ чақиб ўтирсин, деб олганимиз йўқ», — деб койирдинглар. Бу койишларинг бизга қанчалик хушёқарди. Биз аччиқланиш ўрнига кулиб қўярдик. Уша кезлар қанчалик бахтли эдик биз... Қайғу дегани не эканини билмас эдик. Умр доим ўзгармайди, шодлик, шодуманлик билан ўтади, деб ўйларканмиз. Эй, замона-ей...

Шинаркул чин кўнгилдан ўтган-кетганларни сўйларди. Оғзига солган ўрикни «мазаси оғзимда қолсин» деб бирдан томоғидан ўтказмай ҳузурланиб чайнарди. Яна бир ўрикни оғзига солаётиб:

— Муқа, қолганини тугиб ол. Болаларингга обориб бер. Оғизлари тегсин. Уйланганингни эшитувдим.

Қутлуғ бўлсин! Ундан ҳам бола кўргандирсан. Тугиб олиб, оборгин, ота маконларининг ўриги-ку,— деди. Узи ичкари уйга кириб, топ-тоза оқ мато олиб чиқди. Қолган ўрик унчалик кўп эмасди. Чолнинг кўнглидан: «Бунинг нимасини овулга олиб бораман»,— деган ўй кечди. Бироқ Шинаркулнинг раъйини қайтаргиси келмади.

Муқа Шинаркул берган оқ матога қолган ўрикни тугиб, чопонининг чўнтагига солиб қўйди.

Бир оздан кейин Шинаркул чой келтирди. Ташналикдан роса қолдан тойган Муқа терлаб-пишиб чой ичди. Дастурхондаги юмшоққина нон, сарёғдан тортинган бўлди. Ташналиги босилиб, ўзини бардам сеза бошлади. Шинаркулдан уни-буни сўраб-суриштириб, ҳангомалашиб ўтиргиси келди-ю, унинг эшитмаслиги эсига тушиб, хаёл суриб қолди. Яна Шинаркулнинг ўзи гап бошлади:

— Ёлғиз қолдим, Муқа. Утган йили сенинг Белжигитинг бутун фермани кўчириб кетди. Мана буёқда, икки қир нарида қўшни совхознинг участкаси бор. Экин экади. Уша ерга бориб тураман. Қанд-чойни ҳам ўша ердан сотиб оламан.

Муқа бош ирғаб, унинг гапларини маъқуллаган бўлди.

— Қайипбекнинг йилини бергандан сўнг келиним қариндошлариникига кетиб қолди. Қайтайин, тўхта дегани чора тополмадим. Қайипбекдан бола ҳам турмади... Туққанида шу ерда қолармиди, ким билсин. Манглайимга ёзилгани шу экан-да. Не дейин? Йиғлаб-сиқтаб қолавердим. Ташлаб кетдинг, деб қарғаганим йўқ. Оқ фотиҳа бердим. «Кўз очиб кўрган бўсағанг, қулуним, унутиб юборма»,— дедим. У ҳам йиғлаб-сиқтаб хўшлашди. Нима ҳам қилсин? Бу ерда уни қизиқтирадиган ҳеч нарса қолмаган бўлса. Борсин. Манглайи оқарсин, худо эндиги турмушини ўнгидан берсин.

У пиёладаги чойини бир ҳўплаб қўйиб, гапида давом этди:

— Шундай қилиб, ҳаммани кузатиб, Алипсоқ иккимизгина қолдик. Уни боя кўрдинг-ку. Ит эмас у. Мени ташлаб узоққа кетиб қолса не дер эдим? Нима қилардим. Йиғлаб қолаверар эдим-да. Бахтсиз бошим неларни кўрмади. Кўнар эдим, ҳаммасига... Йўқ. У

ташлаб кетмас, худо билади янаям, ташлаб кетмайди. Мен ўлган куним қирнинг тепасига чиқиб, ушлаб ётадиганга ўхшайди. Кўрасизлар, у шундай қилади. Кўнглим сезади...

Муқа дастурхоннинг бир четини бир буклаб, бир ёзиб ўтириб, Шинаркулни унсиз тинглади. Чой ичилиб бўлгач, Муқа ташқарига чиқди. Кун оғиб қолган экан. Иссиқ босилиб, салқин туша бошлабди.

— Бугун дам олиб, эртага эрталаб кетарсан. Соя бетга тўшак солиб қўяман,— деди Шинаркул бўшган самоварни кўтариб бораётиб.

Муқа бош силкиб маъқул ишорасини қилди! Оймўғиз бузоғи билан уй ёнидаги эски қўранинг соясида экан. Бузоғи беғамлик билан унинг елинини эмиб ётибди. Ёнига келган Муқани сезмади ҳам. Елиндан оғзини олгиси келмасди. Фақат Оймўғиз унга бошини буриб қаради. Бир оздан сўнг Шинаркул ҳам улар олдига келди.

— Ўзимизнинг зотдор Оқсигирнинг авлодидан-ку. Қандай сутли эди-я. Бир соққанда Данекер лим-лим сут тўла челақни аранг уйга кўтариб борарди.

Шинаркул Оймўғизнинг сағрисида силади.

— Данекер Оймўғизни соға олдим, ўзи? Айтмоқчи, биз Данекернинг қирқига борганимизда бу биринчи бузоқни туққанди-ку. Э, жонивор-е... Елинига қўл тегишиб улгура олмади. Оймўғизим ҳам Оқсигирдан кам бўлмайди, қайтанга ундан ҳам сутли бўлади, дегувчи эди.

Шинаркулнинг юмшоққина қўли терисига тегиши билан Оймўғиз бурилиб, унга узоқ қаради. Кампир қўли билан унинг сағрисида силадиганда жойидан қўзғалмай тек турди. Бир маҳал Шинаркулнинг кўзи бузоғига ҳам тушди.

— Ҳой, арзанда-ей, тирғалиб обсан-ку! Ҳо, айрилгинг ҳам келмайдими? Буни қарагин, онасининг елинини узиб олади, чоғи,— деб унга қўл теккизган эди, бузоқча бирдан бошини елиндан олиб, орқага чекинди.

«Муқа, бузоқчанинг бўйнини арқон қийиб кетибди-ку. Худойим-ей, янги туғилган бузоқчага ҳам киши шунча жабр қиладими? Бўйнига қил арқон солганинг нимаси? Бечора жониворгина... Беайб жафокаш. Энди нима қилдим-а. Вой-ей, ўлдириб қўйишинга сал қопти-я».

Шинаркул қаттиқ-қаттиқ гапириб, бузоқчага ачинарди. «Қўй, мен бунга нўқта тикиб берайин. Ота маконидан нўқталиқ тақиб қайтсин». Муқанинг бу қилган ишига хафа бўлиб, куйиб-пишиб гапириб, Шинаркул уйга кириб кетди.

Муқа отини ўтлоққа қўйиб юборди. Қўл-оёғининг увишганини ёзмоқчидай уёқ-буёққа юрган бўлди. Бир оздан сўнг уйнинг олдига келиб, толнинг соясига солинган кўрпачага чўзилди. Икки кунли сигир ахтариш уни роса ҳолдан тойдирган экан, ёстиққа боши тегар-тегмас кўзи илинди.

Чол соялар роса узайиб қолганда уйғонди. Кечга яқин тоғ ҳавоси салқинлаб, майин шамол турибди. Муқа ёстиқдан бошини кўтарганда, дам олиб, руҳи тетиклашганини ҳис этди. Қорни ҳам очган экан. Шинаркул овқат тайёрлаб қўйибди.

Қўлини ювиб, дастурхон ёнига келиб ўтирди. Шинаркул пиширган улкан товоқдаги овқат бир кишига эмас, бир неча одамга етгудек эди.

— Қўй сўйишим керак эди, Муқа. Туёқларнинг ҳаммасини яқинда овулнинг молига қўшиб юборгандим. Яна бориб келишга менда оёқ қаёқда дейсан, қарчилик. Сенга сўймасам кимга сўяман. Менга сендан ортиқ меҳмон йўқ. Худойим-ей, ойлаб, йиллаб йўлингга кўз тутдим... Кўнглимни узган эмасман. Яхшилик, ёмонликни бирга ўтказган тенгдош-ку, нима бўпти, мен ўлгунча бир назар солар, деб юргандим. Худога шукур, ахийри келдинг. Муқа, овқатдан ол. Ёшлиқларингда Қаулен икковларинг бир товоқ гўштнинг юқини ҳам қолдирмасдинглар. Сизлар тўймай қолсанглар биз Данекер иккимиз айбдордай дамимизни ичимизга ютиб қолардик. Албатта, етишмовчиликдан, йўқчиликдан нолинардик. Худога шукур. Ҳозир иркитга¹ ит ҳам қайрилиб боқмайдиган замон-ку. Ол, Муқа. Ўша ёшлик кезларингдай егинчи бир. Мана шундай. Мен Қауленимни эсимга олайин. Сенинг ёнингда бирга нон-тузни бўлиб, еб ўтирибди, деб ҳисоблайин.

¹ И р к и т — қозоқлар қурт тайёрланадиган сут-қатиқ маҳсулотларини иркит деб аташади ва у азалдан тўқчилик, фаровонлик рамзи ҳисобланади.

Муқа роса очикқан эди. Шунинг учун гўшти иштаха билан олган бўлди. Бари бир етмишга борган чолнинг егани нима бўларди. Тамом қилиш уёқда турсин, иккиси бўлиб товоқни ярим ҳам қилишолмади. Гўшдан сўнг иккови ўтириб чой ичишди. Чой ичиб бўлингач, Шинаркул эшик олдидаги сўрига Муқага жой солиб берди.

Теваракни қуюқ қоронғилик босди. Тўшакка ётгани билан Муқа ухлай олмади. Осмон тубида милтираётган юлдузлар, зимистон қўйнида етимчадек мунгайиб турган эгасиз уйлар—ҳамма-ҳаммаси Муқага гўё жонлангандай, тилга кираётгандай бўлиб туюлди.

Шинаркул уйга бир кириб, бир чиқиб рўзгор ташвиши билан тиним билмасди. Сув олиб келди. Идиш-товоғини ювиб, уй олдига сув сепди, йиғиштирди. Ҳамма ишни ёшлик давридагидек бажарарди. Кўз кўрадиган жойга қил ҳам туширмасди. Ўзини ҳам, уй-жойини ҳам озода, саранжом-саришта тутарди.

Юмушларини битказиб Шинаркул Муқа ётган сўрининг четига келиб ўтирди.

— Ухлаб қолдингми, Муқа?

Муқа ухламай ётганини билдириш учун, жойида қўзғалиб қўйди.

— Туғилган ерингни ҳавоси танингга хушёқайтгандир, шундаймасми? Ҳузурланиб ётгандирсан? Сенлар томонда кун иссиқ бўлади, чивин-чиркайлар ҳам кўп дейишади.

Шинаркулнинг айтганлари рост. Кундузи чивини етмагандай, кечаси пашшаси талаганини айтмайсизми.

Муқа унсиз тин олди. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган, талай йил бирга яшаган хотини, ота-онаси бошига бориб қуръон ўқиб қайтишни кўнглига тугди-ю, аммо боролмасдан қайтди. Ўзидан-ўзи норози бўлиб, юраги сиқилди. Ҳартугул қоронғилиқда унинг уятдан қизарган юзини Шинаркул кўрмади. Шинаркулнинг қулоғи битганлиги ҳам Муқага қўл келди. Чолнинг жавобини кутмасданоқ у яна сўзлай кетди.

— Бурноғи йили кўкламда, нимасини айтайин, баъзи бировлар директор келадиган бўпти, дейишди. Белжигитнинг шу совхозга директор эканлигини биламан-ку. Ростини айтсам, юрагим тарс ёрилгудек қаттиқ қувондим. Қайипбегим билан иккиси йилма-йил

нгдош эди. «Айналайн, Қайипбегим билан бирга йнаб-кулган жойларини бир кўргиси келгандир, кўн-ил сўрар», — деб ўйладим. Сўядиган мол олдирдим. Золалик кезида бизнинг Қайипбек иккиси чўгга кўмиб пиширилган нонни талашиб ейишарди. Шуниси эсимга солайин, деб Белжигитга атаб кулча ҳам пишириб қўйдим.

Бир маҳал одамлар: «Директор келди, кеп қолди», деб уй атрофида тўпирлашиб, югургилаб қолишди. Мен ҳам ташқарига чиқиб бўйимни чўзиб қарасам, қўра ёнида машинасидан тушаётган экан. Танидим. Болаларнингнинг ҳаммаси ўзингга тортган, гавдали, бўйчан бўлиб ўсган. Дарров танидим. Машинасидан туша солиб бизнинг уйга қараб юргандай бўлди. Мен шошилиб уйга кириб кетдим. Данекер Белжигитни Белжон дегувчи эди. Белжонни ўз уйимнинг остонасида кутайин. Қайипбек билан бирга ўсишган, тепишиб катта бўлишган эди. Бағримга боссам, Қайипбегимнинг ҳам иси келармикин, деб ўйладим, кутдим. Бир кутдим, бир кутдим. Йўқ. Келмагач, ташқарига чиқдим. Чиқиб қарасам, боя югургилаб пешвоз чиққанлар қайтиб кетишаётган экан. Бор овозимни қўйиб: «Белжон қани», деб улардан сўрадим. Биров: «Белжонни ким? Директорни айтяптими, у кетиб қолди», — деди. Кўнглимда муз қотгандай бўлди. Уйга базўр қайтиб келдим. Бундан ортиқ азоб, хўрлик бўлмас экан, Муқа. Уйга кира солиб йиғлаб юбордим... Муқа, мен бечора йиғламай ҳам нима қилайин, ўзинг айт-чи...

Кейин билсам у мендан кўнги сўрагани эмас, фермани кўчириб кетгани, шундай қилиб, мени бу ерга ёлғиз ташлаб кетгани келган экан.

Эҳтимол, Муқа ҳеч қачон бунчалик ноқулай аҳволда қолмагани. Довдираганча кўрпасини бир елкасига ташлаб, туриб ўтирди. Шинаркул юрагидаги барча дарду-ҳасратини унга тўкиб солаётганда чўзилиб ётишни ўзига эп кўрмади.

— Толтуғандан кўчиб кетган дастлабки кезларда узоқ вақт кўниколмай, сизларни қўмсаб юрдим. Эл бор экан, аста-секин янги жойга, одамларга кўникиб кетдим. Қайипбекни уйлантирдим. Қўлимиздан келганча тўй қилдим. Эл-юрт ўйнаб-кулиб, яхши тилаклар тилади. Энди ўйлаб қарасам, бу ёлғончи дунёдаги кўрган бахтим ўша кунлар экан. Шу ҳам бир даврон

экан. Юрагим ёрилгудек қувониб юрардим. Бироқ худо буни ҳам кўп кўрди...

Қайипбегимдан айрилиб, қовурғам қайишганда, нега эканин билмайман, сизларни яна қўмсадим. Данекерни ўйладим, сени ўйладим. Бу Муқа нега келмайди, деб хавотирландим. Епиримай, эшитмадимикан? Нега эшитмайди. Бу халойиқ менинг қайғумни овоза қилмай, кўрдик-билдик демай, қасдлашиб юрган душман каби етти ёт бегона бўлиб кетганда ҳам, еру-кўкка етган ҳасрату-ноламни гувлаб эсанг шамол етказмадимикин? Менинг кўз ёшларим савр ойнанинг оқ ёмғири бўлиб дерзанг ойнасини чертмадимикин? Етказган ҳамдир!.. Чертган ҳамдир. Шунда ҳам миқ этмадингми? Қандай қилиб миқ этмадинг? Нега кела қолмадинг, Муқа... Нега? Бир кунлик йўл эди-ку. Ё худо, болангнинг машинасида келиб-кетсанг бир сут пишгулик вақт кетарди-ку. Мен бахтиқароний бир юпатиб кетардинг... Майли, менинг қайғумни ҳам қўйиб турайлик. Яратган худонинг бир бандаси ўлди-кетди.

Мана биз, ўзимиз нега бир-биримизни унутиб қўйдик? Нега бегоналашиб кетдик? Бир-бирларимизга меҳри тошган қалбимиз, бири-биримизсиз тура олмайдиган дилимиз қани? Муқа, биз уларни қайларга кўмиб кетдик? Қандай қилиб йўқотиб қўйдик?

Муқа унсиз ўтирарди. Ҳалиям ернинг жиндек тешиги йўқ, бўлса уятдан кириб кетган бўларди. Шу тешикни тополмай ўзидан ўтганини ўзи билиб ўтирибди. Шинаркулнинг озгина сўзсиз туриши ҳам унга бир йилга чўзилгандай туюлди. Нима бўлсаям Шинаркулнинг яна гап бошлашини бетоқат кута бошлади.

— Данекер бўлса, келармиди, келмасмиди? Худо билади, келар эди. Мени бундай зориқтирмай, аллақачон келиб кўзимни ёшлагани қўймасди. У орамиздан бекорга кетмаган экан, Муқа. Бизнинг орамиздаги барча қадр-қимматни ўзи билан бирга олиб кетибди. Бурунгилар шундай авлиёсифат, сеҳрли одамлар бўлади, дейишарди. Ҳа, Данекер ўшалардан бири экан. Бу рост.

Шинаркул яна жим бўлиб қолди. «Армонсиз ҳасрат қилди бечора»,— деб ўйлади Муқа. «Роса йиғлади... Кўз ёшлари юзидан сел бўлиб оқди-я... Қайга сингаётган экан, бу ёшлар. Кўз ёшинг сел бўлиб оқиб тушаётган ер ҳам шу ёшларга шерик экан-да, Шинаркул

кул». Муқанинг кўзларига ҳам мунчоқдай ёш келди.

— Майли, энди дамингни ол. Тонг билан турасан шекилли,— деди Шинаркул Муқага бурилиб.— Унибуни айтиб бошингни қотирдим, биламан. Сен бўлганинг учун айтяпман-да. Ҳартугул, ҳасратимни кимгадир айтишим керак-да. Худога шукр, кўнглимни бўшатдим. Энди ухлай қол, Муқа.

Муқа ўринга чўзилган кўйи уни эшитиб ётди. Ҳозир ёп-ёруғ бўлгандаям Шинаркулнинг юзига қарай олмайдиган аҳволда эди.

Қоронғилик бўлгани учун ҳам худога шукр қилди.

Шинаркул энкайиб унинг кўрпасини тўғрилаб қўяётганда яна бир меҳрибонлик сезиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Чолнинг кўзи ўнгида ўзининг Данекери сиймоси гавдаланди...

* * *

Муқа тўрғайлар овозидан уйғониб кетди. Тонготиб қолган экан. Шинаркул аллақачон турган шекилли, чойи қайнаб қопти. Муқа шошилиб кийиниб, ювинди. Шинаркул сўрига дастурхон ёйиб, самовар олиб келди.

— Оймўғизни соғдим. Увизини¹ ичиб кўр,— деб Шинаркул товоқ тўла оғизни ўртага қўйди.

Оғиз суюлиб қолган экан. Шу боис чол «Оймўғизнинг туққанига бугун уч кун бўлибди»,— деб ўйлади. Аммо оғиз жуда мазали эди. Муқа озроқ ичиб, товоқни Шинаркул томон суриб қўйди.

Жўнаш вақти етганди. Шинаркул уйдан унинг чопони, қамчиси, кечаги ўрик тугилган оқ матони олиб чиқди. Иккиси ёнма-ён юриб тўриқ йўрға ёнига келишди. Муқа отини эгарлади. Шинаркул кеча тиккан нўқталиқни бузоқчага кийгизмоқчи бўлиб, унинг устига энгашганди, бузоқча онасининг бағрига тиқилди. Аммо қочқоқламади. Шинаркул нўқталаётган пайтда танаси дир-дир титраб, тангадай кўзларини кампирдан узмай турди.

Муқа отига минди. Оймўғиз яна олдинга тушди. Анча жойгача Шинаркул бузоқчани етаклаб борди. Овул ортидаги қирлик устига чиқишгандан сўнггина

¹ У в и з—оғиз маъносида.

бузоқчани қўйиб юборди. Муқа билан қўл тутиб хўш-лашди.

— Эсон бўл, Муқа. Яна айланиб келасанми, келмайсанми? Эсон бўл... Мени сўрайдиганлар бўлса Шинаркул ёлғиз экан, дема. Ота маконини кўзи қия олмай юрган экан, дегин. Ота маконини, қариндош-уруғлари мазорини ташлаб кетолмас экан, де. Шундай дегин, Муқа.

Шинаркул иродасини қўлга олди. Йиғламади. Фақат ҳаяжонланганидан товуши алланечук бўлиб кетди.

— Хуш қол, Шинаркул,— деди Муқа ҳам товуши титраб. Яна нимадир дегани ҳоли келмади. У отини қамчилади. Бир оз юргач, орқасига бурилиб қараган эди, қир бошида Шинаркул ҳали ҳам турган экан. Оқ ёпинғичи шамолда ҳилпираб, улардан кўз узмай турибди.

Муқа кеча ўйлагандек овулига тезроқ етиб олишга шошилмади ҳам. Икки-уч қадам олдинда Оймўғиз кетиб бормоқда. Нўқтасининг боғичини судраганча келаятган бузоқча ҳам онасига барабар эргашиб бормоқда.

Муқа олдинда уни нима кутаётганини эмас, ўтган кунларини ўйлаб хаёлга толди. Ёшлик чоғлари яна кўз ўнгида жонлана бошлади. Кеча ўзи тунаган эски юрти—Толтуған... Шинаркул.

«Кузга яқин Толтуғанга бир бориб, ўрикларни суғориб қайтсам,— ўйлади чол.— Мевалар-ку, ахир. Кўкариб турсин... Кимсасиз макондаги яққа-ёлғиз тирикчилик белгиси. Нобуд бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Шинаркулни ҳам, болаларимга айтиб, қишга яқин кўчириб келмасак бўлмас. Қандай бўлмасин кўчириб обкетаман... Мен учун эндиги ёлғиз савоб иш шу...»

Муқа чошгоҳда Широғдоннинг этагидаги—кеча ўзи тушиб ўтган булоққа етиб келди. Отдан тушиб ўзи ҳам, моллари ҳам булоқнинг муздай сувидан қониб-қониб ичишди. Чол энди шошилмасди. Отининг юганини олиб, булоқ ёнидаги қуруқшаган дарахтлар орасига қўйиб юборди. Бузоқча онасининг елинига ёпишди. Чол кеча бу икки жониворга азоб бергани эсига тушиб, ўзини-ўзи койиди, афсусланди. Мурғак бузоқчани чилвир боғлаб судраганини ўйлаб ич-ичидан яна эзилди. «Қандай юрагим чидади экан! Шунчалик бемехр бўлиб қолдимми? Шу бузоқча бўлмаганда Толтуғанга

ҳеч қачон бош суқмасдан кетган бўлармидим. Ахир мени бу ерга шу бошлаб келди-ку...»

У эпчиллик билан ўрнидан туриб, онасини эмиб бўлиб кериша бошлаган бузоқчани елкасидан силаб қўймоқчи бўлди. Бузоқча онаси томон бурилди-ю, аммо қочмади. Чолнинг гадир-будир панжалари танасига текканда ҳам бошини баланд кўтариб жойида тек тураверди. Кўзларида ҳам қўрқув белгиси йўқ эди. Ҳайрат ва сал кеккайиш билан боқиб тургандай туюлди чолга. «Бунинг мағрурлигини қаранг? Тентаккина-ей! Бундан бошқа бузоқ йўқдай дунёда». Чол бузоқчанинг бўйнидан, нўқталигидан силади. Бузоқча қулогини диккайтириб турди.

Тоққа кўтарилишда Муқа отига минмади. Бир қўлида от жиливини, бир қўлида бузоқча нўқтасидан ушлаб, уларни етаклаб борди. Довонга энди кўтарилишаётганда қуёш юзини булут қоплади. Чол бунга суюнди. Кун иссиғида довондан ошиш қандай қийин бўларди.

«Айниқса ёш бузоқчани айтсанг-чи, ҳолдан тоярди. Бу ҳам худонинг қарашганимикан». Дарҳақиқат, ёш бузоқчанинг тоққа кўтарилиши анча қийин бўлди. Дастлабки қадамларданоқ унинг оёқлари чалишиб кета бошлади. Бузоқчасига раҳми келиб, Оймўғизнинг ҳам юриши унмади. Шундан сўнггина Муқа уларга озроқ дам бергиси келди. Бу аҳволда довон ошишга чолнинг ўзида ҳам мадор қолмаганди. Кўпдан бери пиёда юрмаганидан бўйинлари терлаб, энтикиб бораётганди. Чопонини ечиб оти устига ташлади-да, йўл четидаги тош устига ўтириб, бир оз нафасини ростлади.

Салдан сўнг чол ўрнидан туриб, яна йўлга шайланди. Бузоқча ҳам сал дам олган кўринади, шундай бўлса-да, онаси бағридан чиққиси келмасди. Оймўғиз узун тили билан ҳамон уни ялаб-юлқарди. Онасининг меҳри элитгандай бошини қуйи эгганча қимирламай турибди. «Қаранг-а, болажон бўп қолганини»,— деб ўйлади Муқа сигирдан кўз олмай туриб.

Улар яна илгарилашди. Тоққа кўтарилиш осон бўлмади. Имиллаб узоқ юришди. Чол хириллаб оғир-оғир нафас оларди. Қадами унмай, қўли қалтираса-да, бузоқчани ҳайдашга куч топарди.

Қуёшни тўсиб осмонни қоплаган булут бирданига қуюқлашди. Кўп ўтмай ёмғир томчилай бошлади. Чол

«жала ёғмасайди. Яқин ерда паналайдиган жой ҳам йўқ», деб хавотирланди. Чол бекорга ташвишланмаган экан. Сал ўтмай жала қуйиб берди. Жала бўлганда ҳам совуқ-салқин! Ҳар томчиси ерга дўлга ўхшаб шатир-шутур тушарди. Ёш бузоқча ғужанак бўлиб онасининг бағрига тиқиларди. Шунга қарамай улар олдинга силжишди. Бир оздан сўнг чол отининг жиловини ҳам қўйиб юборди-да, бузоқчанинг қийналмай юришига кўмаклашмоқчи бўлди. Бир қўли билан унинг нўқтасидан тортиб, иккинчи қўли билан олдинга итарарди. Юқоридан йўл чеккаларига шовуллаб оқиб тушаётган жала суви уларнинг юришини яна қийинлаштирди. Бир гал бузоқча тойиб кетиб, боши билан ўмбалоқ ошди. Уни тутиб қолишга интилган Муқа ҳам у билан жаланинг дойли сувига бир ағанаб турди.

Улар шундай қилиб қоқила-сурила довоннинг юқорисига бир амаллаб чиқиб олишди. Ёмғир яна кучайди. Челақлаб қуйгандай шариллаб ёғарди. Бузоқчанинг эти жунжикиб, баттар ғужанак бўлиб, ачинарли қолга келиб қолди. Оймўғизга ҳам қараб бўлмасди. Чолнинг унга раҳми келди: «Кечагина бўшанган. Қасалланиб қолмасайди,— деб ўйлади.— Бузоқча-чи? Тагин ўлиб қолмасин...» Чол жонҳолатда бориб чопонини Оймўғизнинг устига ёпди. Сўнг бузоқчанинг ёнига келди. «Сен ҳали кичкинтойсан, тентакчасан. Сенга мана шу ҳам етади»,— дея устидан камзулини ечиб олиб, бузоқчага ёпди. Камзулининг икки энги ерга теккудек осилиб қолди. Муқанинг ўзи эса жалада ивиб кетди. Қалтираб, бадани увиша бошлади. Шу лаҳзада негадир ёш хотини Торғин эсига тушди. У Муқани шу аҳволда кўрса икки оёғини бир этикка тиқкудек бўлиб дашном берган бўларди. Камзулни юлқиб олиб, ёш бузоқчани у билан ўлгунча урган бўлармиди.

Тоғ бошига чиққандан сўнг Муқа бузоғини, отини етаклаб катта қоянинг шамол эсиб турган томонига ўтиб, ёмғирдан паналаб турди. Бу аҳволда йўл юришдан ҳеч бир маъни йўқ эди. Ёмғир эса ҳамон тўхтовсиз ёғяпти. Чол унинг тинишини кутди.

Ахийри жала тинди. Қуёш чарақлаб, теварак ёп-ёруғ бўлиб кетди. Унқир-чўнқирлардаги ҳалқоб сувлар, ўтларда ялтираб турган яккам-дуккам томчиларгина ёмғир ёғиб ўтганидан нишона бўлиб турибди. Му-

қа сигири устидаги чопони ва бузоқчага ёпган камзулини олиб қуритгани харсангтош устига ёйиб қўйди. Қўйлагини ечиб, сувини сиқиб ташлади-да, қайтадан кийди.

Офтоб чиқиши билан чолнинг танаси илий бошлади. Бузоқчага ҳам жон киргандай бўлди. Силкиниб, ёмғирда ҳўл бўлиб қолган ёвшанга оғиз солаётган онаси томон юра бошлади. Чол ҳозиргина ўзлари чиқиб келган қияликдаги йўлга назар солди. Қияликдан пастликка томон эниб бораётган ёмғир сувлари қуёш нурида ялтираб кўринди.

Ун йил муқаддам ота макондан кўчишганда худди шу йўлдан ўтишганди... Бошига қундуз телпак кийиб олган ёш хотини билан енгил машина кабинасида иккиси ястаниб ўтиришганди. Ушанда улар эндигина уйланишган пайтлар эди. Иккита юк, иккита енгил машинада кўчлари билан шу Широғдон довоидан ошиб ўтишган. Ушанда ҳамма Муқага қизиқсиниб қараган. Ҳар хил ажойиб ҳангомалар айтишганди. Муқа Толтуғандан кўчишаётганда енгил машина ойнасидан лоқайдларча қараб: «Бу ерда эшик-деразаларим қолиб кетяпти. Бировни юбортириб олдириб келарман»,— деб ўйлаганди.

Энди ўйлаб қараса, юртида, ота маконида фақат эшик-деразаларигина қолмабди. Эшик-дераза дегани нима бўпти... У ерда қолган нарсаларнинг ҳисоби йўқ... Нимаси қолиб кетганини ўзи ҳам сезмабди. Сизганида шундан буён ота маконига бир назар солмасмиди.

Муқа ота маконида нималари қолганлигини фақат кеча-бугунгина англади, холос... Чол ҳаяжонланиб, кўнгли бузилди. Тоғ тепасидан Толтуғанга, Шинаркул яшаётган ораликдаги дарага назар солди. Кўз олдини туман тўсгандай ҳеч нарса кўринмади. Энди уларнинг кўрингиси келмасмикин? Қачонлардир кўринарди-ку? Шу Широғдоннинг устидан туриб Толтуғанни, қорайиб турган ҳар бир уйни, буралиб оққан сойни, ўзининг кўм-кўк чорбоғини, барини-барини кўрган эди-ку.

Чолнинг кўзига ёш қуйилиб келди. Ҳеч қачон ўзини бунчалик нотавон ҳис этмаганди. Шундай ночор аҳволга тушаман, деб ҳам ўйламаганди.

Чолнинг хаёлини Оймўғизнинг бўраши бўлди. Унинг овози ҳам чолга жуда мунгли эшитилди. Ёйси-

мон мўғизи офтоб нурида ялтираб, у ҳам эски юртга томон қараб турган экан.

— Бўра... Оймўғиз бўра... Сен ҳам ўтган кунларни ўйлаяпсанми? Йўқ, Оймўғиз. Сенинг гуноҳинг йўқ. Сен айбсизсан, бу юртни ёшлигингдан буён унутмай келяпсан. Ҳатто бузоқчанг ҳам ўзинг туғилган жойда дунёга келди.

Оймўғиз яна бўради. Чол оёқларини аранг кўтариб босиб, сигирининг ёнига келди.

— Етар энди! Нега қимирламай қолдинг? Кетгинг келмаяптими? Омон бўлсанг яна келарсан... Ота юртни йўқлаб тур. Энди эса бўлди, етади! Кўнглимни бузма, Оймўғиз! Сенсиз ҳам юрагим эзилиб турибди.

Муқа сигирнинг пешонаси, елкасини силаб туриб, бехосдан унинг кўзида ёш кўриб қолди. Эҳтимол бу ёш эмас, боягина ёғиб ўтган ёмғир томчиларидир... Чол «Оймўғиз йнглаб турган экан» деб ўйлади. Сигир учинчи марта узоқ бўради.

— Бўлди, энди.

Чол қўлидаги қамчинини қандай кўтарганини сезмай қолди. Лекин қўли ҳавода муаллақ туриб қолди. Қамчи тутган қўлини қайта туширди.

— Қўлим синсин, Оймўғиз. Сени урмоқчи бўлдим-а. Қўлимни ростакамига кўтардим-а. Эрталабгина узингни ичувдим-ку. Олтмиш икки томирингдан ийган сутинг билан бизни ўн йил сийлаб келдинг-а. Ўн йил. Энди эса сени урмоқчиман-а? Бизлар қандай беоқибатмиз. Кечиргин, мени Оймўғиз. Бизни олло таоло дунёда ҳам энг кучли, ҳам энг бўш ва иродасиз махлуқ қилиб яратган.

Қўлгинам синсин дейман-а. Ким синдиради менинг қўлимни. Директорнинг отаси қўлини синдириб бу халойиқнинг ўлгуси келганми? Гўрга тушганда, сенга кўтарган шу қўлим энг аввал чирисин, Оймўғиз! Етар энди... Сен ҳам ўлгудек қайсар экансан. Учинчи марта бўраганинг нимаси? Нега ахир? Сал одамга раҳм қилсанг бўлмайдими?..

Чол бузоқчага қаради. У ҳам ўша ўзи илк бор кўз очган макондан кўз узолмай турарди.

— Хўш, нима? Сен ҳам қараб турибсанми? Балким қайтиш йўлингни тусмоллаётгандирсан? Топа олмайман, деб қўрқмагин. Топасан. Сен ҳам, эҳтимол, елининг ерга теккудек бўлганда бўрашинг тоғ-тошлар-

да акс-садо бериб, Широғдондан ошиб бориб, ўша жойда болаларсан. Бузоғингни эргаштириб, сой бўйлаб эски юртни кезиб юрарсан. Бироқ, орқангдан от чоптириб сени излаб борадиган бирор жон қолармикин? Ёш бузоқчанг бошига нўқта кийгизиб юборадиган жон бўлармикин? Эҳ, қайдам?.. Ким билади. Сенинг ҳасратинг, балки шу бўлар. Бузоғингни эргаштириб юрт кезиб, уёққа юрарсан, буёққа юрарсан, сўнг яна тоғтошларда бўраб, беором кезиб қайларга борасан? Кўзингда ёш тирқираб, сен ҳам ҳозир онанг бўзлаб бўраган шу кунни эсга оларсан.

Чолнинг юзини кўз ёшлари ювди.

* *
*

Муқа шу куни кечга яқин уйига етди. Ёш хотини қўшнилари билан уни овулдан берида кутиб олди. Досим соқолини қириб, хушбичим кийиниб, гавдасини тик тутиб, кексайганини сездирмай юрадиган Муқани ҳозир таниб бўлмасди... Чоли яқинлаша бошлагандаёқ Торғин ёнида турганларга қараб, сўзлай бошлади:

— Худойим-ей, бу чол ўлар ҳолга келиб қопти-ку. Қаранглар-чи. Бекорчиликдан вайсақилик билан уйларингдан ташққари чиққуларинг келмади. Сигир излашга келганда ҳаммангнинг даминг ичингга тушиб кетди.

Бир-икки киши чопқиллашиб, Муқа отанинг отдан тушишига ёрдамлашмоқчи бўлишди. Лекин чол «ўзим тушаман» деб ишорат қилди. Йўл азоби толдириб, эзиб қўйган чол отдан аранг сирганиб тушди. Бели букчайиб қолди. Юзидаги ажинлари кўпайиб, тарам-тарам бўлиб қопти.

У фақат шу бугунгина етмишга кирган чолга ўшаб қолганди. Бир қўлида отининг жиловидан, бир қўлида бузоқчанинг нўқтаси ипидан тутганча яшилрангга бўялган дарвозасидан ичкари кириб кетди.

— Айтдим, бормагин деб. Шу сигир бузоғи билан бирга адашиб кетганда итнинг кўнгли қолармиди. Сени изламаган одам қолмади. Катта ўғлинг икки марта, кичкинаси уч марта келиб кетишди. Ахтариб, енгил машина юборишган. Дуч келмадингларми?

— Йўқ.

Бошқаларга ишонмагандек чол отини ўзи боғлаб, сигири билан бузоғини ҳовлининг ичкари томонига ўтказиб юборди. Асфальт йўлга туёқларини тиқ-тиқ этиб босиб бораётган бузоқча икки кунлик толиқтирувчи йўлда йўлдош бўлган хўжайинига ҳадиксираб қаради.

Чол уйга кирди.

— Қўшни райондан бир эътиборли киши катта ўғлинг билан бизни меҳмонга чақирган экан. Сен бўлмаганинг учун меҳмонга боришни қолдирдик, — деди Торғин.

Муқа лом-мим демасдан бурчакдаги хонага кириб кетди. Ечина бошлади. Камзулини ечиб Торғинга берганди, у сесканиб кетди.

— Вой-вой-е, бу камзулга нима бўлган? Сувми, балчиқми? Нима бу? Бунинг нархи шу бузоғинг билан сигирингнинг нархига баравар эканлигини биласанми? Икки юз сўмга олдиргандим. Икки юз сўм...

Чол унга жавоб бермади. Тўсатдан нимадир эсига тушгандай, боягина ечган чопонининг киссаларини қарай бошлади. Унг чўнтагидан Шинаркул оқ матога тугиб берган ўрик чиқди. Ўрикнинг баъзилари эзилиб қопти.

— Болалар қайда юришибди? — деди чол Торғинга ҳорғин овозда.

— Нима, болаларинг тоғнинг ёввойи ўригига зорми? Шунга кўз тикиб ўтирганмиди? Ўрик керакми сенга? Ана икки яшикда турибди. Кеча катта ўғлинг опкеп ташлаган.

Торғин чол узатган тугик матони силкиб олганди, тугин ечилиб, ўриклар сочилиб кетди.

Муқа ердан бутунроқ уч дона ўрикни териб олди. Ёнгинасида турган кресло ва стулларга қарамай полга чордана қуриб ўтириб олди ва ўриклардан бирини оғзига солди. Уни ювиб ҳам, артиб ҳам ўтирмади. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмади. «Рост, чангнинг таъми бор экан», — деб ўйлади чол ўрикни узоқ чайнай-чайнай. «Бироқ менинг кўнглимдаги ғуборлардан тоза-ку. Чанг дейману қанақа чанг? Шамол билан учиб келиб қўнган туғилган еримнинг тупроғи-ку. Унда қалбимга шифо бўлгувчи ота юртимнинг ҳиди бор-ку!.. Шу тупроқни шифо доридай тугиб опкеп, ҳар куни мен бир ялаб турсам, ким уят қиларди?

О, унинг таъмини! Нега аввал англамадим? Эҳтимол, ҳамма нарсага таъбим сўнгандир? Танглайим таъмини фарқламай қолгандир? Шунинг ҳам англамадимми? Э, беайб парвардигор! Айбни ўзимдан изламабман-да. Ахир бу ўрикнинг таъми худди илгаригидай, ўша-ўшалигича турибди-ку.

Кеча сувнинг мазаси келади, деб ўйлагандим. Рост, сувнинг таъми бор. Сув таъми бўлса-чи?.. Ўзимизнинг Толтуғаннинг сувини таъми эмасми? Шу сувдан бир чойнагини олиб келиб, шифодоридай кунига бир ҳўплаб турсам ким уят қиларди?»

Чол иккинчи ўрикни оғзига олиб борди. Худди биров унинг қўлидан юлиб оладигандек шошиб-пишиб оғзига солди-ю, ҳузур қилиб ея бошлади.

Учинчиси кафтида қолди. Ота маконидан илашиб келган сариқ олтиндай сап-сариқ ўрик... Муқанинг уни ейишга кўзи қиймади.



ҚОДИРБЕК
СЕГИЗБОВЕВ



Қодирбек Сегизбоев 1941 йилда туғилган. 1967 йили С. М. Киров номи Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Очилмаган сир», «Йилнинг энг қисқа кунлари», «Қўйнавдаги овул» номи повестлар ва ҳикоялар тўпламларининг ҳамда «Енгинда қолган гуллар» деган публицистик китоб муаллифи. Таржимон сифатида ҳам танилган.

Қуёш ботганда чавандозлар, ниҳоят, яйловга етиб келишди. Чўққилари гўё бир-бирлари билан рақобатлашаётгандай осмони фалакка бўй чўзган тик қоялар уларга салқин уфурди. Туш пайтида, қуёшнинг шафқатсиз нурлари чор-атрофдаги ҳамма нарсани аямай қиздираётган бир маҳалда ҳам тоғ тизмалари совуқ ва сукунат оғушида бўлади. Саратонда қуриб-қовжираган водийни қуюқ туман чуллаган... Ажабо, қуёш аллақачон ботган бўлишига қарамай, Сойконнинг музлик чўққилари ҳамон қизғиш тусда жилоланади. Гўё қуёш улар билан хайрлашгиси келмасдан ярим йўлда тўхтаб қолган ва чўққиларни суюб эркалаётгандай эди. «Эҳтимол, инсон руҳининг кўтаринкилига ҳам қуёшни ҳамма нарсдан олдин кутиб оладиган ва ҳаммадан сўнг у билан хайрлашадиган тоғ чўққиларига тақлид қилишдан келиб чиққан бўлса керак,— дея мулоҳаза юритарди от минганларнинг бири, шоир, Сойконнинг буюк тизмаларига ўйчан нигоҳ ташлар экан.—Аммо тоғни кўрмаган ва унда юрмаган одам юксакликнинг қадрқимматига етармикин?.. Юк-

сакликни сева билиш—алоҳида бир истеъдод ва алоҳида юраккина бу ҳиссиётни идрок қилиш лаёқатига эга. Менинг қадрдон, юрагимга яқин ўлкам, сенинг худди мендай қадр-қимматингга етадиган фарзанд бошқа туғилганми?!» Шоир ҳаяжонга тушганди. Гўё ҳозир қаршисидан кекса ота-онаси чиқиб унга: «Келдингми, жоним! Шунча йил қаёқларда қолиб кетдинг? Отанг уйини ҳеч бўлмаса бир йўқлаб кетсанг бўларди-ку? Қушча кучга тўлар экан, энг юксак чўққига ҳам учиб чиқиши мумкин, лекин илк қанотлари чиқиб, суяги қотган уясини унутиши мумкинми?..»— дейдигандек эди.

Уларнинг ердаги оёқ излари аллақачон ўчиб кетган, қачонлардан бери ўзлари қабрда ётишибди, одамлар ҳам уларни унута бошлашган, лекин мана... гўё қайта тирилиб, истиқболга қараб келишаётгандай...

Шоир ўз туғилган ўлкасида кўп марта бўлган, бироқ ўзининг болалиги ўтган ота-онасининг яйловига боришга сира вақт топа олмаган. Шу туфайли бугун изтироб чекарди. Ўзининг ҳисоби бўйича, у ўн йил давомида бу ерга бирор марта ҳам келмабди. Бунга нима сабаб бўлган эди? Балки шошма-шошарлиги, от жиловини қадрдон яйлов томонга буришга вақти етмаганлиги туфайлидир; балки қариндош-уруғлари ва яқинлари йўқлиги бунга сабаб бўлгандир — ахир, кимни ҳам йўқлаб бориши мумкин эди?.. Мана энди бугун туғилган ерига йўли тушди. Бу кутилмаганда, худди ўзи шундай қарорга келгандай қўққисдан содир бўлди.

Аслида эса, ҳаммаси болалик дўсти Бериқболга нолишидан бошланди:

— Мана, тагин менга яйловда бўлиш насиб қилмабди. Ота-онам яшаган жойни бир кўрмоқчи эдим... Отпусқа қурғур ҳам ёр-биродарларни йўқлаш билан ўтди-кетди. Ҳаммаси таклиф қилишган... Бормай кўр... Кунлар эса, қурумсоқ уй бекасининг дастурхонидаги бўғирсоқлардай йўқ бўлиб бораверади.

— Қачон қайтишинг керак?— деди дўсти азалги одати бўйича жуда кам қолган тишлари орасидан «се»-лаб гапираркан, бошини силкиб.— Яна икки кун дейсанми? Менга қара, овулда шунча чанг ютганимиз етар! Шу бугуноқ кечки салқинда яйловга отланамиз... Ҳеч қандай «лекин-пекини» йўқ! Бу ерда бошқа ишимиз қолмади. Мен ҳам худди ўша томонга, чўпонлар

ҳузурига ойлик олиб кетаётган эдим. Тоза ҳаводан бир яйраб нафас оламиз, тетиклашиб қайтамиз. Сен, чамамда, озми-кўпми овни ёқтирардинг, йўл-йўлакай оҳу ёки тоғ эчкиси ўлжа қилсак ҳам ажаб эмас...

Шоир колхозда кассир бўлиб ишлайдиган дўсти Бериқболнинг гапларидан хурсанд бўлиб кетди: «Демак, қадрдон яйловни кўрар эканман-да...» Ўша заҳоти рози ҳам бўлди. Шошилинич йўл ҳозирлигини кўра бошлади. Гарчанд Бериқболнинг қайта-қайта эслатмасидан кейин бўлса ҳам ўзи билан милтигини олди, чунки у ов ҳақидаги таклифга унчалик аҳамият бермаган эди. Бериқбол ҳақ эди. Ахир тоққа чиқиладиган қайси саёҳат овсиз ўтади?.. Аммо унга, шоир учун бу машғулот аллақачон олис болалигидан хотирага айланган эди. «Отишми? Йўқ. Ҳар қандай жонли мавжудодга унинг қўл кўтариши ҳозир амримаҳол. Йўқ-йўқ... Ов қилиш керакми, йўқми, ҳали йўлда яна маслаҳатлашишади. Милтиқ—ҳар ҳолда оғир юк эмас».

Тушдан кейин, саратон чекинган маҳалда тўртта эркак отларга минишди. Дўстларга ўз яйловига кетаётган чўпон Қали ва бутун водийда ўткир мерган деб ном чиқарган Боймуханлар қўшилишди.

Ёши қирқдан ошган шоир Боймухани болалигидан биларди. Хотираси алдамаса, доим соқолсиз, худди дазмоллангандай сип-силлиқ юзида бирорта туки ҳам йўқ одам сифатида биларди. Отасининг гапи бўйича, Боймухан ўрмончининг ўғли эди. Кейинроқ ўрмончи қариб куч-қувват уни тарк этгач, ўз вазифаларини бажаришга қурби етмай қолган ва унинг ишларини Боймухан ўз зиммасига олганди. Ўрмондаги қушлар ва ҳайвонларни четдан келувчи тасодифий овчилардан қўриқлар экан, у ўзини овчилик гаштини суришдан бебаҳра қолдирмас эди; ўз хизмат вазифасини суъистемол қилганлиги туфайли бир неча бор қўлга тушгач, ахйри ишдан ҳайдалган эди.

Болалигиданоқ қўлига милтиқ тутган ва унинг учун ов профессионал ишга айланган одам ўзи учун яшашнинг мазмуни ҳисобланган севимли машғулотидан дарров воз кеча олмас эди. Боймухан ўша колхознинг ўзида чўпон бўлиб ишга жойлашди, у ҳайвонлар оламидан узоқлашишни истамасди... Аммо... овчилик ҳам... бир касаллик. Бу ишда бир марта панд еган Боймухан бари бир милтиқни тарк этмади. Жиноят қил-

ган жойида ўлдирилган буғу билан қўлга тушгач, у яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлди—тоғ яйловини ташлаб, водийга, колхоз марказига кўчиб ўтди. Энди шоирнинг эшитишича, Боймухан колхоз омборининг қоровули бўлиб ишларди.

Марказдан келган шоирнинг яйловга отланаётганидан хабар топган Боймухан хурсанд бўлиб, ишдан икки кунга жавоб олди ва уларга қўшилди.

Уларнинг гуруҳида Боймуханнинг пайдо бўлиши шоирни сергак тортдирди—ов масаласи энди реал мазмун касб этганди. «Нима ҳам дердим,— деди у ўзига ўзи.— Майли, бир кўнгил ёзишсин. Мен эсам, ҳар ҳолда бу ишларда қатнашмаслигим ҳам мумкин».

Боймухандан ташқари учала йўловчи ҳам елкасига милтиқ осиб олганди. «Қизиқ! Балки ўқ отишга тўғри келмас ҳам?..» — ўйлади шоир умид билан.

Гапга чечан Боймухан сўз бошлаганида улар овул яқинида боришарди—бу масофаларга одатда қўзиларни ўтлагани ҳайдаб келишарди. Ҳамма гап овчининг ўткир хотираси ипига терилган антиқа воқеаларга бориб тақалар, унинг айиқ билан юзма-юз олишгани, қандай қилиб икки қобонни бир ўқ билан ағдаргани ва ҳоказо ва ҳоказо ҳақида эди.

Шоир кам гапирар, кўпроқ тингларди. Тингларди деб ҳам бўлмасди, овчи ҳикоялари унда маълум ҳислар уйғотар, мулоҳазага ундар ва ахийри суҳбатда иштирок этишга ҳалал берарди. Бериқбол ва Қали бошқа олам эди. Улар машҳур овчига завқ ва ҳайратларини очиқдан-очиқ изҳор қилишарди. Отларини эгарлари бир-бирига теккудай қилиб Боймуханнинг отига яқин ҳайдаб боришар ва нақ унинг оғзига тикилиб, ҳар бир сўзини бутун вужудларини қулоққа айлантириб тинглашарди.

Боймуханнинг мақтанчоқлиги етмасдан Қали уни янада қутуртирарди.

— О, Бой ака! Мен сиз билан биринчи марта овга чиққанимдаёқ сизга қойил қолганман!

— Сен қайси овни айтяпсан?— қизиқсинди Боймухан, ўзини жўрттага совуққон кўрсатишга тиришаркан, аслида сабрсизлик билан: «Қани, гапир, гапира қол, давом эт!» — демоқчи бўлаётгандай эди.

— Ўшанда денг, мени айиқ мажақлаб ташлашига оз қолган эди. Агар сиз бўлмаганингизда, худо урсин,

суякларимни санашга ҳам улгириб бўлмасди—маймоқ мени котлетга айлантирган бўларди.— Гапларини шериги диққат билан тинглаётганини пайқаган Кали янаям илҳомга минди.— Мен ўшанда энди ўн етти ёки ўн саккизга кирган эдим, а, Бой ака? Айни маймунжон пишган палла эди. Худди ўша кунларнинг бирида уйга Бой ака кириб келди, елкасига «жон олари»ни осиб олган—у ўз милтиғини шундай деб атар эди.

— Буни қара-я, эсидан чиқмабди!— Боймухан эгарда қаддини ростлади.

— Мен дарров ов бўлишини ҳис қилиб, унга тихирлик қила бошладим: оғатой, андоғу мундоқ, мени ҳам ўзингиз билан олиб боринг, ҳеч бўлмаса отингизнинг жоловини ушлаб юраман. Хуллас, кўндирдим. Йўлга отамнинг ўттиз икки калибрли милтиғини ҳам олдим.

Одатда ҳамма овга чиқар экан, катта яйловга боришга ҳаракат қилади, негаки у ерда одам йўқ, мол ҳам ўтламайди, Бой ака бўлса. тоғ этагига бошлади. «Бу қанақаси бўлди, Бой ака?»— деб сўрайман. У менга: «Шунақаси,— деб жавоб берди.— Айиқ маймунжонга тўйиб олгач, бирор аччиқроқ нарсани хоҳлаб, чумоли уяларини қидириб пастга тушади. Буғулар ҳам худди шундай, тоғ эчкилари ҳам чигиртка излаб жарликка тушишади».

Кун охирида Бой ака битта тоғ эчкисини отиб йиқитди. Мен дарров кабоб тайёрлашга киришмоқчи бўлдим-у, Бой ака бирдан: «Ойбай, ёт, анавини қара!»— деб қолса бўладими! Қарасам, тўппа-тўғри биз томонга, худо урсин, уч ёшли буқадай катта, қора алланарса келяпти! «Бу нима?»— деб шивирладим. «Айиқ,— жавоб берди у,— чумоли уяларини шипшийдан қияпти». Мен дурбинни кўзларимга яқинлаштирдим-у, ҳайратда қолдим: кўкраги оқ олтойлик маймоқ ...Панжасини чумоли уясига ботирияпти, уни чумолилар қоплаши билан оғзига олиб бориб ялаяпти. Вужудимда овчига хос завқ-шавқ уйғонди. «Оғатой,— дейман,— келинг, мен отай!» «Майли, от, навбатни сенга бердим»,— дейди Бой ака. Шундай қилиб мен биринчи бўлиб отадиган бўлдим.

Мен милтиқни тайёр қилиб, ҳайвон отиш мумкин бўлган масофага келганда кетма-кет олтита ўқни бў-

шатишим зарур эди. «Қўлтиғини мўлжалла!» — ўргатди менга Бой ака.

Биз жарликнинг икки томонига қараб ажралишдик, тепалик орқасига ўтиб, кута бошладик. Буларни гапириш осон, лекин менинг қанақа аҳволда эканимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Юрагим шунақанги депсиб урардики, худди ҳозир қинидан чиқиб кетадигандай эди! Ҳали истмам чиқиб кетади, ҳали совқота бошлайман. Кутяпман. Патронлар ёнимда, қўл остимда. Айиқ нишонимга келгач, тепкини босиб юборсам бўладими! Қарасам, ҳайвон биқинини тишляпти. Кейинчалик Бой аканинг изоҳича ўқим «адашиб», қўлтиғининг ўрнига биқинига бориб тегибди. Маймоқ наъра тортиб юборди ва мен томонга, яъни қаердан тутун чиққан бўлса, ўша ёққа қараб кела бошлади. Ҳайвон эмас, бамисоли нақ қора ўлимнинг ўзгинаси келаётгандай. Азбаройи саросимага тушганимдан милтиқни ўқлашга ҳам қурбим етмай қолди. «Тамом», — деб ўйлайман-у, қочишга тушаман! Жарликдаги отлар турган жойга қочаяпман. Милтиғим тушиб кетди. Мени кўрган отлар ҳуркиб кетиб, оёқларидаги ёғоч кишанларини ҳам синдириб қаёққадир шаталоқ отиб кетишди.

Чалажон ҳолда мен қандайдир тепаликка кўтарилдим. Орқага қарайман. Айиқ йўқ, аммо Бой ака қалпоғини силкитиб мени чақиряпти. Ҳали қўрқувим тарқамаган, орқага қайтарканман, томирларимгача титроқ кирган, атрофга олазарақ қарайман. Бой ака жаҳлдор, болохонадор қилиб сўкиняпти: «Аҳмоқман, аҳмоқман! Бўлмаса сени овга бошлайманми! Милтиғим отилмай қолганида нима бўларди, қуёнюрақ одам?! Улиб кетган бўлардинг!»

Буёғини эшитишга, афтидан, Боймухanning сабри чидамади, илҳом билан ганни илиб кетди:

— Бу ҳайвоннинг кучи кўплигини-ёв! Еттита ўқни бўшатиб, зўрға йиқитдим. Орқасидан отишга тўғри келди, нега десанг, у боланинг изидан қуваляпти-да,— Боймухан Қалига ишора қилиб қўйди.— Изма-из келяпман. Менга ишонмасликларинг мумкин, лекин, худо ҳаққи, бу чин ҳақиқат. Отаяпман, отаяпман, у бўлса, боладан бор-йўғи икки қадам берида оёқдан қолди.

— Мен бўлсам, азбаройи қўрқиб кетганимдан Бой ака отганини эшитмадим ҳам,— қўшимча қилди Қали.

...Боймухан ҳар гал янги ҳикоя бошларкан, худди йўл-йўлакай айтаётгандай, қачонлардир ҳайвонлар ва қушларга бой бўлган Сойкон даралари ва жарликлари ҳозир ҳувиллаб қолганидан нолиб қўярди: буғулар, оҳулар, ёввойи тоғ эчкилари ва қуёнлар ҳозир деярли буткул йўқолиб кетишган. Йўқолиб кетишмаган—қириб ташланган...

— Авваллари милтиқ билан юрганимни кўриб, менга қовоқ уйишарди, ҳозир бўлса, бунақа «учарлар» шунанганги кўпайиб кетишганки!.. Ҳар бир тирик жонни, ҳатто сичқонни ҳам отишга тайёр улар. Ҳозир ҳар кимда отувчи қуроли бор, тушунаясанми... Бай-бай-бай, одамлар ёввойилашиб кетяпти, ёввойилашиб... Шафқат нималигини билишмайди. Ҳайвонни кўриб қолишса бўлди, олатасир отишга тушиб кетишади. Бечора ҳайвонларга ачинасан, киши... Уз она тупрөқларини ташлаб кетишяпти...

— Уларни биринчи бўлиб қўрқитган сиз эмасми, Бой ака?— деди Қали кулимсираб — Табиатнинг фарзандларига биринчи қўли кўтарган... Қисқаси, сиз бошлаб бердингиз, биз давом этдирдик. Биз ҳам аҳён-аҳёнда кўнгилхушлик қилишни хоҳлаймиз, яширишнинг ҳожати йўқ. Ахир, менинг тушунимча, ҳайвонлар олами—бизнинг шахсий хўжалигимиз эмас-ку, шундайми?

«Аммо бу чинданам ёввойилик,— ўйга толди шоир. —Наҳотки қачонлардир яйловда тўда-тўда бўлиб юрадиган буғулар йўқолиб кетишган бўлса? Ювош жониворлар эди, баъзида қўйлар учун йиғиб қўйилган тузланган брикетларни татиб кўришга ҳовлиларга ҳам киришарди. Одамлар йўғида, албатта. Ахир, ҳайвонлар табиатнинг ҳусни, ернинг ҳусни-ку, шундай эмасми? Наҳотки соатлар давомида тентираб, ҳайвон ортидан қувишдек машаққат ўлжа учунгина чекилса? Қанақанги худбинлик, қанақанги қабиҳлик бу! Нега одамлар бу ҳақда ўйлашмайди? Тошпурок қотилларни жазоловчи табиат қўриқчилари қаерда, ахир? Табиатни оғир яралаётганларни қотил дейиш кифоя эмас. Улар қилаётган ёмонликка нисбатан энг оғир жазо ҳам уларнинг айбидан камлик қилади».

Шоир шундай деб ўйларди. Лекин буларни тилига чиқармади. Биринчи довондаёқ бу ҳақда гап очаман, дея қарор қилди. Бошини кўтариб, суҳбатдошлари ни-

ма ҳақда гаплашаётганларига қулоқ солди. Ҳаммининг эътиборини ҳамон ўша Боймухан жалб этган, у чарчоқ билмай, ўзининг овчилик ҳаётида бўлиб ўтган турли-туман афсоналарни йўлдошларига сўзлаб берарди. Собиқ овчи, афтидан, уларнинг жуда кўпини биларди.

— Мана, биз, бандалар, доимо севги ҳақида бош қотирамиз,— дерди Боймухан.— Севги эса, ишонаверинг, ҳайвонларда ҳам бўлади. Мен буни ўз кўзим билан кўрганман, ҳа... —у оёқлари билан отининг биқинига ниқиб қўйди.

— Хўш-хўш!— жонланиб кетишди Қали билан Берикбол, гарчанд эски овчи айтадиган тарихнинг қанчалик ҳаққонийлигига ишончлари комил бўлмаса ҳам.

Боймухан отининг ёлига тикилганча ўйланиб қолди. Сиртдан ҳикоясини қандай айтишни режалаштираётгандек туюларди. У ҳатто ўзининг қандайдир сирли ўйларидан кулиб ҳам қўйди.

— Хўш!— тоқатсизлик билан унинг хаёлини бўлди Қали.

— Нима «хўш»? Уларда севги шунақаки, бунақаси бизнинг Қалига ўхшаган айрим хотинбозларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди. Масалан, у ўз хотинини севадими? Жиминглар... Бу қанақа севги эканлигини тасаввур қила оламиз, тўғрими? Уларнинг севгиси эса, оғайнилар, юз карра кучлироқ бўлади...

Шоир ўзи ва овчи ўйларидаги ғалати ўхшашликдан беихтиёр кулимсираб қўйди.

— Ишонмайсизларми, унда эшитинглар!..

Шу пайт шоирнинг мавҳум хитоби эшитилди. Йўлни сутдек равшан қилиб турган ой ёруғида у Оқбулоққа яқинлашаётганларини кўрган эди.

— Бой ака, кечирасиз, гапингизни бўлдим. Олдинда—Оқбулоқ. Балки ҳикоянгизни ундан ўтгандан кейин давом этдирарсиз?

— Э, ихтиёрингиз. Бизнинг яйловгача ҳали йўл узоқ. Кўп нарсаларни айтиб улгириш мумкин...— Собиқ овчи худди унинг гапини ярмида бўлганлари учун жаҳли чиққанини кўрсатмоқчидай яна оёқлари билан отининг биқинларига ниқиб қўйди. Кейин ўгирилиб, кўшимча қилди.— Агар биз ҳар бир кўлмак олдида тўхтайверадиган бўлсак, Сасиқбулоққа тонготгунча ҳам етиб олишимиз амримаҳол. Ўша ер, лекин, овнинг

кони. Овчилар у ерга камдан-кам боришади. Балки Қийинсувда тўхтаб дам олармиз?

Кали индамади. Эгарда анча қийналган шоир— унга анчадан бери от минишга тўғри келмаганди— отининг бўйнидан қучоқлаганча, шошилиб пастга тушди. Бериқбол ҳеч кимнинг мулоҳазаси билан қизиқиб ўтирмай, йўл хуржунининг оғзини еча бошлади.

Шоир булоққа энгашди. Унинг сув ичгиси келмаётганди, лекин қачонлардир болалигидагидек таниш чашмадан ётиб сув ичиш унга жуда хушёрарди. У атрофидаги одамларни унутиб қўйганди. «О, Оқбулоқ!— дерди у фикран чашмага мурожаат қилиб.— Мен сени унутмаганман ва ҳеч қачон унутмасам ҳам керак...»

Шоирга бир стакан тўлдириб узатишди. У ичди.

Булоқ яқинида тошлардан териб ясалган эски, ташландиқ ўчоқ бор эди. У қўли билан ўчоқнинг катта тошини силаб қўйди. «Эҳтимол, бу худди ўша, марҳума онам қачонлардир фойдаланган ўчоқ бўлса-чи?.. Ҳа-ҳа... Оқбулоқ... Бу ном унинг хотирасига бежиз маҳкам ўрнашиб қолган эмас. Унинг ота-онаси отарни қишки боқувдан ёзги яйловга олиб ўтиладиган олис йўлда худди шу булоқ бўйида тўхташарди. Булоқлар— бутун хўжалиги, оиласи, қўйлари билан юрувчи чўпон йўлининг бамисоли бекатларидай гап... Оқбулоқ— биринчи бекат. Демак, ўчоқ ҳам— ёнида доим онасини кўришга одатланган худди ўша ўчоқ!..

...Оғир юклар ортилган туялар олис йўлдан кейин Оқбулоқ қошида тўхташади, олдинги оёқларини букиб, секин ерга чўкишади. Улар— онаси иккови енгил бўлмаган ишни зиммаларига олиб, ўтов қуришга киришишади. Бу ишни тез амалга оширишади—бунга бешбармоқ пиширишга қанча фурсат кетса, шунча вақт сарф этилади; чўпонларнинг хотинлари чаққон ва абжир бўлишади, бошқача бўлиши мумкин эмас: отар етиб келгунча ўтовни тиклаб бўлиш керак. Онаси кейин уни қуруқ шох-шабба йиғгани жўнатади— чой қайнатиш керак. Бу вақтда ҳориган, чангга беланган ҳолда отаси ҳам етиб келади.

«О, бу қандай ажойиб дақиқалар эди! Ёнингда шилдираб булоқ суви оқяпти, сен бўлсанг, уни тингларкансан, қурт шимиб, аччиқ ва қайноқ чойдан ҳўплаб ўтирасан...»

Шоир мамнунлигидан танглайини такиллашиб қўйди. Кўзларини юмди. Назарида онаси шивирлагандай бўлди: «Энди, тойчоғим, қўйларнинг олдига бора тур. Отанг, кўряпсанми, чарчаган, бир оз мизғиб олсин». У кўзларини очди. Отаси ҳам, онаси ҳам йўқ эди. Тоғ этагига ёйилган қўйлар ҳам йўқ эди. Уларнинг ўрнида ўтлоққа ёнбошлаб олиб алланималар ҳақида қизгин суҳбатлашаётган уч эркак ва оёқлари остидаги ўтларни курсиллатиб еяётган отлар...

Шоир бўшашганини ҳис қилди. Ичкиликдан эмас, кўпроқ хотиралари туфайли... Қачонлардир болалигида у она-табиат ва аёл—она (бу юксак тушунча остига у ўз онасининг образини қўярди) ажралмас деб ўйларди. Унинг хаёлида улар фақат бирга мавжуд бўлишлари мумкин эди. Мана энди... орадан қанча йиллар ўтиб, уни биргина она-табиат кутиб оляпти. Бу нарсанинг реал ҳақиқатлигини дарров англаб етгани шоирни бўшаштириб юборди. Қалбан у йиғлар эди. Назарида, олдинда мағрур қад кўтарган тоғ чўққилари ҳам, этакларида қорайиб кўринаётган қуюқ ва ошифта ўрмон ҳам, жимгина нигоҳ ташлаётган ой ҳам гўё қачонлардир мана шу ўчоқбошида гимирлаб юрган аёлни сақлаб қололмаганликлари учун ўзларини айбдор сезаётгандай сукутга чўмишганди.

Йўлга отланишдан олдин шоир яна булоқ бўйига ётди. Очкўзлик билан узоқ сув ичди.

— Нима бало, ёғли гўштга обдан тўйиб олганмидинг?— сўради ундан Боймухан, бўш шишаларни тошга уриб синдиракан. Шиша парчалари сув томчиларидай чор-атрофга сочилди. Овчига бу, афтидан, хуш-ёқарди—ҳар ҳолда бу ерда бўлганлари ҳақида ўзларидан хотира қолдириб кетишмаяпти-да.

Булоқ сувининг шилдирашидан шоир кулги, қиз боланинг кулгисини эшитгандай бўлди. Бу кулги гўё, сиз, кап-катта одамлар табиатни бундай оёғости қилишга уялмайсизларми, демоқчидай таъна ва надоматга тўла эди.

* * *

Қандай бўлмасин, мана шу кечанинг ўзида манзилга етиб олишга аҳд қилган Боймухан шоирнинг отаси юрган ва юракни эзадиган даражадаги таниш йўлда бирор марта ҳам тўхтаб дам олишга йўл қўймади.

Айгиркўмган яқинидан ўтишаётганда, шоир: «Келинлар, шу ерда дам олайлик, бу жойларда қачонлардир менинг отамнинг дам олиш бекати бўлган. Ҳозир бу ерда ким борлигини билсам деган эдим»,— дея энди гап очган эди, лекин Боймухан гапида қатъий туриб олди. Йўлда давом этишни буюрди. Шоир юрагига яқин жойларга кўпроқ тикилиш билангина ўзини овутиди. Кўзларига ёш тикилди. Дилида уйғонган ғалаён отасининг уйи ҳақидаги ўйлари туфайлими ё ичимлик таъсириданми, шоир буни аниқ билмас эди. У ўзи ҳам тушунтириб бера олмайдиган ғалати бир аҳволга тушиб қолган эди. Йўлдошларидан кимдир: «Ҳозир бу ерда Қолдибойнинг подалари боқилади...»— деди. Бу гапнинг маънисини шоирнинг онгига етиб бермади.

Уларнинг қаршисидан икки ит чиқди. «Қолдибойнинг итлари»,— изоҳ берди ўша овоз. Итлар қоронғида шунақанги шовқин кўтаришдики, гўё хўжайинларига, биз соқчиликдамиз, бемалол ухлайвер, дейишмоқчидай туюларди. Йўловчиларни уларнинг ғазабкор «вов-во-ви» анчагача кузатиб борди.

Шоир яна орқасига ўтирилди. Гўё осмондаги булут ерга, отаси қўй боқадиган ўтлоқ далага тушгандай эди. Тунда ўтлашга олиб чиқилган отарлар унга доим шундай туюларди.

Боймухан эса, бу пайтда шундай деб дўрилларди:

— Тонготгунча Сассиқбулоқнинг қамишзорига етиб, беркиниб олишимиз зарур. Кийиклар қуёш чиққунча ўтлашади. Агар омадимиз келса, пешинга яқин маза қилиб ёғли қовурдоқни тушираётган бўламиз.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Атайин ов қиламиз деб чиққан эканмиз,— давом этди Боймухан,— бировнинг бир пиёла чойига мазахўрак бўлиб, дуч келган уйда тўхтайвериш керак эмас... Йигит билан бўрининг ўлжаси—йўлда, деб бежиз айтишмаган. Агар биз тоғда ёки ўрмонда ўзимизни овқат билан таъминлай олмас эканмиз, овга бекорга чиқибмиз деб ҳисоблайверинглар...

Шеригининг насиҳатгўй гап оҳанги, афтидан, жопига теғди шекилли, Қали унинг гапини бўлди:

— Бой ака, севги билан боғлиқ тарихингизни айтиб бермадингиз-ку?

— Ҳа-я, биз уни унутиб юборибмиз,— қўллаб-қувватлади Бериқбол.

— Бўлиб қўйилган ҳикоя—ўртасидан узилган арқондай гап,— деди Боймухан хўмрайиб.— Уни қандай қилиб боғламагин, бари бир узилганлиги билиниб туради.— Йўлдошлар бир-бирларига қарашди; Бой ака ўз нарҳини ошираётганди.— Майли, айтиб берганим бўлсин. Янглишмасам, бу уч йил бурун юз берганди. Кузда бир мода қарқарани отдим. Ўқ елкасидан сидириб ўтибди. Ярадор бўлган қушни уйга олиб кетаётгандим, йўлда иккинчи нар қарқара тепамда айланаверди, айланаверди, нимадир деб чирқиллаб ҳам қўяди. Унга раҳм қилиб, тегмадим. Уйда ўлжани сўймоқчи бўлган эдим, кичик ўғлим: «Дадажон, дадажон, уни ўлдирманг! Мен уни парваришлаб, ўзимга ўргатиб оламан»,— деб қолди. Биргина шу узуноеқ туфайли бой бўлиб қолмасман, деб ўйладим-у, уни ўғлимга бердим.

Шундай қилиб денг, ўғлим ҳовлида қушча билан овора бўла бошлади, мени йўлда таъқиб этган нар қарқара бўлса энди ўғлим устида учиб айланар, товуш берарди. Мода қарқара жавоб қайтарарди. Уларнинг ўзаро гаплашувида шунақанги соғинч ва алам бор эдики, оғайнилар, эшитсангиз, тукларингиз тикка бўлиб кетади. Шунда мен ўғлимга айтдим: «Авлиёлар ҳаққи, манави шайтон қушни қўйиб юбор! Учолмаса, ҳеч бўлмаса, ерда ёнма-ён юришар». «Ахир уни дуч келган ит гажиб кетиши мумкин... Ачинмайсизми?..» — эътироз билдирди ўғлим. Қисқаси, қарқара ўзимизда қолди.

Ўша пайтда—қиш кираётганди. Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кета бошлашди. Анови қарқара ҳам... бизникининг шериги... Уларнинг қандай хайрлашганларини кўрганнингизда эди!.. У нолиш қилиб чақиради, бизники бўлса, чопқиллаб ердан озгина кўтарилади-ю, ўша заҳоти тошдек ерга қулаб тушади. Мен абжағи чиқмадимикин, деб қўрқиб кетдим, нарини ҳайдаб юбордим. У бўлса, ҳовли устида айлана ҳосил қилиб учди-да, кескин пастга шўнғиб, қаноти билан жуфтига тегди. Тегди-ю, яна юқорига учиб кетди. Биз ундан кўз узолмасдик. Унинг қичқирӣқ—йиғиси анчагача янграб турди. Бизнинг асирамиз ҳам ўзини тўхта-толмай қолганди...

Боймухан жимиб қолди. Қали ва Бериқбол ҳам. Ахир шунгача улар овчининг деярли ҳар бир сўзини ҳазилдай қабул қилишаётганди-да! Бу ҳикоя жуда маънос экан. Ҳатто шоир ҳам бутун йўл давомида биринчи марта эътибор билан тинглади. Унинг таъсирчан юрагига икки қуш ҳақидаги сентиментал ҳикоя дарров ўрнашди.

— Шу билан тамом деб ўйлайсизларми? — деди кейин Боймухан. — Келгуси баҳорда мен сизларга дастлаб айтган нарсага тўла ишонч ҳосил қилиш имконига эга бўлдим. Бу бечора икки қушни севги иплари боғлаб турган экан. Бошқача атаб бўлмайди! Нар қарқара учиб келди-ю, тўғри бизнинг ҳовлимизга қўниб, чўзиб-чўзиб товуш берди. Бизники унга жавобан, албатта қанотларини силкитиб, қичқириб юборди — у нима учундир учолмайдиган бўлиб қолганди. Хуллас, буёғи худди концертдай бўлди... Хўш, уларнинг пешанасига бир-бировидан ажралиш ёзилмаган экан, деб ўйландим-у, нар қарқарага қарата вангиллатиб ўқ уздим...

Шоир титраб кетди. Ҳикоянинг кутилмаган якуни уни ҳайрат ва саросимада қолдирганди.

— Қ... қанақасига? Бунга қандай қўлингиз борди? — деди у.

— А, шундай. Қўлим борди, вассалом. Титрамади. Унисини ҳам елкасидан яраладим, кейин иккаласи доим бирга юрадиган бўлишди. Мен буни уларга яхши бўлсин деб қилдим.

Қушлар ҳақидаги ҳикоя шоирни ҳаяжонга солганди. Унинг миясига ҳатто: «Садоқат ҳақида дoston ёзсаммикин?» — деган ўй ҳам келди. Аммо бу ерда овчининг қилмиши уни иккилантириб қўйди. У қилган ишни қандай баҳолаш керак — ижобийми, салбийми? Бу саволига бари бир жавоб тополмай, у чор-атрофдагиларни буткул унутиб, тагин ўз ўйларига берилди.

Осмонда сон-саноқсиз юлдузлар оқариб кўринарди. Улар мўлжалланган манзилга етиб келишганда тонг отаётган эди. Бутун кеча давомида йўлдошларига овчилик ҳақида афсоналар айтиб жағи тинмаган Боймухан энди жимиб қолган, шерикларидан бир оз олдинлаб кетган эди. Қизиги шундаки, у гаплашишигина эмас, балки чекишни ҳам ман қилганди. «Тамакиннинг ҳиди қурсин, шунақанги қўлансаки... — деганди у куюниб. — Умуман, инсон нима учун чекади? Ўз

ўзингга зарар келтирувчи ишни қилиш ғирт аҳмоқлик-ку! Тамаки ҳидидан ҳатто ҳайвонлар ҳам қочишади...»

Боймухан минган қора ёлли тўриқ от жадал юриб борарди. Афтидан, у бесабр эгасига мослашиб олганди. Тоғда ўзини худди буғудай сезар, ҳар қандай тўсиқ унинг учун чўт эмас эди.

Боймухан «қоравултепа» деб ўзи ном қўйган унча баланд бўлмаган тепалик ёнига шошилди. Тунги сай-ёҳлар чор-атрофга қараб, кичик сой ёқасида туришганини пайқашди.

— Тоғда ортиқча шовқин солмаслик керак. Отларни шу ерда қолдирамиз, уёғига яёв борамиз!— буйруқ берди Боймухан, эғнидаги калта пўстинини ечар экан. Шунда ҳамма пўстин астари ичига тиқилган бир нимани кўрди.

— Э-ҳа. Нега бизнинг машҳур овчимиз милтиқсиз юрибди десам, гап буёқда экан-да!—Хитоб қилди Қали.

Боймухан унинг хитобини эътиборсиз қолдириб, худди овни мўлжалга олаётгандай, шундоқ ҳам қисиқ ўнг кўзини баттарроқ қисди. Унинг нигоҳи шоирга қаратилган эди. «Қалай?»— деб сўраётгандай эди бу нигоҳ. Аммо бу пайтда шоир ўзи билан ўзи овора эди. Эгарда узоқ юришдан у анча эзилган ва энди ҳузур билан ҳўл ва юмшоқ ўтга чўзилганди.

Шу топда Боймуханнинг ўзидан нақадар мамнунлигини пайқаш қийин эмас эди. У ерга ташлаган қора пўстин камзулининг этагини енгил қўл ҳаракати билан очиб юборди. Йиғилганларнинг нигоҳи пўстиннинг астарига усталик билан тикилган патронтошга тушди. Патронтош милтиқ ўқлари билан лиммо-лим тўлдирилган эди.

— Буларнинг ҳаммасини қаердан оласиз, азиз мерганим?— ҳайрон бўлиб сўради Қали.

— Сени қара-ю, қип-қизил ёш бола экансан-ку!— деди Боймухан гердайиб. У чинданам гердайдими ё ўзига шунақа кўриниш бердими, шоир буни пайқамасди.— Демак, сен шу пайтгача: «Бер—ол!» деган оддий қойдани билиб олмабсан. Керакли одамнинг оёғи остига улкан эчкининг нимтасини ташласанг, тамом, милтиқ учун ўқларгина эмас, балки ундан ҳам яхшироқ нарсани бериб юборади.

«Олтин фариштани ҳам йўлдан уради»,— деган халқ маталини эслади шоир.— Мана шунақа талончилар табиатни қашшоқлаштиради.— Лекин шу заҳоти сергак тортиди.— Мен ўзим бу ерда кимман? Мен ҳам улар билан биргаман-ку, ахир... Балки мен ўзим талончидирман?» Шоир ўз ўйларидан ўзи қўрқиб кетди. «Йўқ-йўқ, мен — шоирман. Шоирлар — ҳиссиёт одамлари ҳисобланади. Мен бу ерга ҳайвонларни отиш учун келмаганман, мен ўз туғилиб-ўсган юртимни кўриш учун ташриф буюрганман! Мен бу ерда неча йиллардан бери бўлмаганман ва энди ўз гуноҳимни ювмоқчиман—хаёлимда кукун босган муқаддас хотираларимни жонлантирмоқчиман. Менинг азиз Сойконим, гарчанд қошинга қурол кўтариб келган бўлсам ҳам, мендан юз ўгирма. Сенинг кўркингдан завқланишга, ҳаётбахш булогинг сувидан қониб ичишга ижозат бер. Менинг шулардан бошқа мақсадим йўқ. Мен илҳомимдан жудо бўлдим ва уни шу ердан қайта топмоқчиман. Мени ўзинг қўлла, она-юрт!»

Оқариб келаётган тонг таниш тоғлар ва дараларни майин ва нозик тилларангга бўяди, энди уйғонаётган табиат фақат шоиргина туйиши мумкин бўлган вужудларни яйратувчи севинч ҳиссини уйғотди.

Бериқболнинг сўзлари унга гўё жуда олисдан эшитилаётгандай туюлди. «Сал томоқни ҳўллаб олсак бўлармиди. Кечаси бир оз совқотганмиз... Ахир, биз ишга кетмаяпмиз-ку...» Тўғри, унинг фикрини ҳеч ким қўллаб-қувватламади, бироқ ўша заҳоти овчининг сержаҳл овози янгради:

—Агар сен ароқ ичгани келган бўлсанг, милтиқ олишининг нима ҳожати бор эди? Пиянисталардан овчилар чиққанини ҳеч қачон кўрмаганман. Агар ароқсиз туролмайдиган бўлсанг, яхшиси отларнинг ёнида қол, ҳайвонларни чўчитма!

— Ойбай, маъзур гутинг, олампаноҳ! Ахир, мен... шундай, ўзим... одамлар сал исиб олишлари керак-да, — Бериқбол шошилиб қўлига милтигини олди, гўё унга: «Нимаям дердим, мен—тайёрман! Кетдик!» демоқчидай эди.

«Нима бўляпти ўзи?— ўйлади шоир уларга тикиларкан.— Болалиқдаги каби кўп ўйинлардан бирига тайёргарлик кўриляптими? Масалан, овчи ва бўри ўйини? Манави пастлик—ўйин майдони, биз эсак, унинг

иштирокчиларимиз. Фақат бу ўйин жуда шафқатсиз бўлади, негаки бу ерда болалар эмас, катталар йиғилган ва ундан қон ҳиди келади. Ана, унга она-юртини кўрсатмоқчи бўлган дўсти Бериқбол милтиқни жудаям осонлик билан елкасига осиб олди. Ахир у она-юрти билан шундай учрашувни истаганмиди? Йўқ-йўқ, мен бу ўйин иштирокчиси эмасман. Бундай қилолмайман. Ҳаққим йўқ. Аксинча, мен уларни тўхтатишим керак! Қон тўкилиши керак эмас! Мен шундай қилишга мажбурман!»

Шоир қатъият билан бошини кўтарди.

— Бой ака,— деди у,— мен, сизлар ҳазиллашяпсиз, деб ўйлагандим, сизлар бўлсангиз... Назаримда биз бу ерга ниманидир ўлдириш учун келмадик. Ахир биз ҳордиқ чиқаришга, тоза ҳаводан нафас олишга жазм этмаганмизми? Модомики шундай экан, нима кераги бор бу ишларнинг? Кеч бўлмасидан бу ишдан воз кечайлик!

Учала шериги ҳам ҳеч нарсага тушунмай, бир-бирларига қарашди. У нима ҳақда гапиряпти ўзи?.. Уларнинг орасида гўё улкан савол белгиси осилиб қолгандай бўлди. Бу белгини Қалининг бир оз букчайган ва бақадай қотган қомати гўё ўзида мужассамлаштиргандай эди. Бу пайтда у милтиғига таяниб, атайин қилгандай, оғайниларининг ўртасида турарди.

— Сен жиддий гапиряпсанми?— овчининг қисик ўнг кўзи соғ кўзи билан бараварлашди.

— Жиддий!

— Қўйсаңг-чи, оғайни, биз сен билан курортда эмасмиз, бунинг устига биз нима иш қилиб чарчабмизки, ҳордиқ чиқаришимиз керак. Тан оламан, шахсан менинг буёқларга келишга кўзим учиб тургани йўқ эди.— Шоирнинг юзидан қони қоча бошлаганини кўрган овчи, жанжал чиқишининг олдини олиш учун гап оҳангини юмшатиши лозимлигини пайқади. У шоирнинг ёнига ўтириб, иложи борича осойишталик ва ётиғи билан гапида давом этди:— Ҳазиллашяпман, оғайни. Ҳар ҳолда кўриб турибсан: биз сен ўз туғилиб ўсган юртингни кўргин, бир оз ёзилгин деб, сен туфайли ишимизни ташлаб келдик. Тушунамиз, шоирлар таъсирчан, назокатли халқ бўлишади. Бизнинг овулимизда, масалан, йигитлар кўп, лекин шоирлар, айниқ-

са, сенга ўхшаган, марказда ном чиқарганлари йўқ. Сенинг ҳам вақтинг зиқ—буни ҳам тушунамиз, беш йилда бир келиб кетасан. Агар биз бунақа пайтда сенга асқотмасак, жўралик қилмасак, унда қанақа ҳамюрт бўламиз, ўзинг айтгин-а? Сен тоққа чиқишни истабсан—марҳамат! Биз—ёнингдамиз. Ёқимли ишни фойдали иш билан, масалан, ов билан қўшиб қилсак, бунинг нимаси ёмон? Ахир бу ҳар куни бўлавермайди-ку.

— Тўғри-да,— унинг гапини илиб кетди Бериқбол. — Менинг қўйнимда, ўзинг биласан, чўпонларнинг ойлиги бор. Мен бўлсам, сен билан бирга юрибман, негаки сенинг гапингни ерда қолдиролмайман. Бой ака тўғри айтяпти, бунақаси ҳар куни бўлавермайди. Ҳаммамизни ишимиз кутяпти, азизим. Биз колхоздамиз, долзарб палла. Ишлайдиган одамнинг бўш вақти ҳам кўп бўлмайди-ку, ахир?!

— Сен бу гал овни ўқдан сақлаб қолганинг билан бирор нарса ўзгарадими? Шу бирор нарсага ёрдам беради деб ўйлайсанми?— давом этди Боймухан.— Жинивой! Эртага бошқалар келишади-да, улар отишади. Тушунсанг-чи, кийик — бутун қишга етадиган тўйимли гўшт деган гап. «Гуноҳ» деган сўзнинг маъносини текин ўлжанинг мазасини билиб қолган одамга тушунтириш эса, ҳеч кимнинг қўлидан келмайди; бу деярли мумкин бўлмаган нарса.

— Ўрмон назоратчиси қаерда? Ўрмон қоровуллари қани? Ҳайвонлар ва қушларнинг хавфсизлигини таъминлаш, браконьерларни жавобгарликка тортиш— уларнинг муқаддас вазифаси эмасми, ахир?— деди шоир қизишиб. Боймуханнинг фикрича, фақат минбардан туриб айтиш қулай бўлган бу сўзларни эшитган овчи илжайиб қўйди, холос. У эгнига яна қора пўстинини кийди.

— Мана буларни,— деди у қизнинг чиройли тишларидай чарақлаб турган ўқларнинг бир текис қаторига ишора қиларкан,— худди ўша сен айтган қоровулларнинг бири берди. Албатта, мен уларнинг ҳаммаси ҳам шунақа демоқчи эмасман. Уларнинг ичида ўз хизмат бурчини ҳалол ва виждонан ўтаётганлари ҳам бор. Улар ҳатто кўпчилик. Бунақаларнинг қўлига тушиб қолсанг борми, худо урди деявер—шафқат қилиб ўтиришмайди. Бизда бир чўпон бор, исми Темир-

жон. Умрида овга чиқмаган. Уша денг, ўтган йили қўйларга ҳужум қилган бўрини отиб ўлдирган эди. Гарчанд ўзи мерган бўлмаса ҳам бир ўқ билан тинчитган эди. Афтидан, шунақа ўлим ўша бўрининг пешанасига ёзилган экан-да. Бунақа муваффақиятдан мағрурланиб кетди. Эртасига эса, унинг ўтовига қандайдир одам келиб қолди. Қандайдир йўловчи, бунақалар оз эмас-ку, ахир. Чўпон тушмагур, бир ўқ билан бўрини қандай йиқитгани ҳақида мақтаниб қолибди денг. Йўловчи эса, худди ўша ўрмон назоратчиси экан. Дарров у чўпонни жавобгарликка тортган. Ҳозир қуриб кеткур бўрилар ҳам назоратга олинган-да. Темиржон жарима тўлаб аранг қутулди. Сен бўлсанг, қоровуллар қани деб ўтирибсан... Энди, оғайни, бундай қилсак: шунча йўл босиб бу ерга келдикми, сен кийкининг гулхан ҳиди анқиб турган янги, мазали гўштини татимай кетишинг яхши эмас. Битта кийик ёки буғуни отамиз, холос, бундан улар камайиб қолишмайди. Назоратчилар бизни бари бир пайқашмайди, негаки саломатлигимни гаровга қўйиб қасамёд қилишим мумкин, буёқларга ҳеч ким, ҳатто, бурнини ҳам тикмайди. Улар кўпроқ одамлар турадиган жойларга яқин чекка ўрмонларда, ҳайвон зоти азалдан бўлмаган жойларда юришади.

Бу даражадаги кўп сўзлар ва асослашлар «ҳуружи» туфайли шоир ов фойдасига ён беришга мажбур бўлди.

— Фақат, илтимос, буғу ёки кийикларга тегманглар. Уларсиз бу ўлка етим бўлиб қолади, у ҳолда бу тоғларнинг, мана бу гўзалликларнинг нима кераги бор?

Учала шериги ўзаро кўз уриштириб, кулимсираб қўйишди.

Боймухан «қоровултепа» деб атаган тепаликка улар худди сув ичиб қайтаётган тоғ эчкиларидай кетма-кет энгашиб чиқишди. Овчи тўла жимлик сақланишини талаб қилар, ҳатто йўталиш ҳам мумкин эмас эди. Ўзи худди очиққан қашқирдай букчайганча олдинда борарди. Унсиз одим ташлар, қаршисида шитир-шитир товуш эшитса, тўхтаб қимир этмай қоларди. Чамаси, йиртқич ҳайвон ўз ўлжасига шундай яқинлашса керак.

«Бунақалар қаримайди ҳам»,— ўйлади шоир. У болалигидан овчини худди шундай биларди. Баъзида

подасини хотини ва болаларига қолдириб, ўзи тоққа жўнаб қоларди. Галма-гал миниш учун ўзи билан иккита отни ҳам бирга оларди. Мана шунақа фанатик эди у. Ҳозир ҳам сира ўзгармабди. Шоир Боймухан билан бир воқеани ҳали ҳам унутмаганди. Ушанда у, агар янглишмаса, еттинчи синфда ўқирди. Ота-онаси пода билан бирга Айғиркўмганга энди кўча бошлашганди. Бу воқеа улар ўтов қуриб бўлган куннинг эртасига содир бўлди. Ёз ажойиб келган, кун иссиқ, ҳеч қандай шамол йўқ эди. Отанинг радикулити бор, худди ўша кун и бели оғриб қолган ва унинг ўрнига подани далага ўғли олиб чиқишига тўғри келганди. У қўйларни ўтлагани жуда эрта олиб чиққани учун улар тушдаёқ қорни тўйиб, қуюқ чангалзор соясига ётиб олишди. Бола отининг оғзидан сувлуғини чиқариб, ўтлагани қўйиб юборди-да, ўзи китоб ўқишга тушди. Шу пайт Жотер ниманидир пайқаб, вовиллаганича пода томонга югурди. Бола гап нимадалигини билмасам ҳам, милтигидан есмонга ўқ узди. У энди отиб бўлганди ҳамки, Жотер худди уни биров қувлаётгандек гингшиганича орқага югуриб ўтди. «Айиқ бўлса керак»,— деб ўйлади бола милтигини ўқлар экан. У тез отга минди, подани чангалзордан тезроқ ҳайдаб ўтиш ниятида эди. Томоқ йиртиб бақирганича қўйларни бир жойга тўплар экан, кутилмаганда у катта тош ёнида қимирламай ётган оққўйни кўрди. «Бўрдоқи»,— аниқлади у. Пешанасидан сизиб оқаётган қон ўтларни булғашга улгурганди. Қўйга нима бўлганини бола англай олмади, уни кўтаришга ҳам қурби етмасди. Тездан отасининг ёнига жўнади. У эса, радикулитини ҳам унутиб, фавқулудда ҳодиса юз берган жойга чопиб келди. Кўп ўтмай, азбаройи ғазабланганидан қоп-қорайиб қайтди. Онаси гарчанд отаси ҳали бир оғиз сўз айтмаган бўлса ҳам, афтидан, бир нимани пайқаган шекилли: «Ўшами?»—деб сўради. «Ким бўларди!—деди отаси жиғибийрон бўлиб.—Шунақа аблаҳ пайдо бўлганини эшитгандим. Демак, тўғри экан! Бизнинг мишиқимиз уйга югурганида, қўйни эгарга ортиб жуфтакни ростлабди! Орқасидан қувиб етдим. Эҳ, у баччагар ҳеч қачон одам бўлмайди! Уй ҳайвонига ўқ отишдан баттарроқ ҳам разиллик бўладими!»

Эртасига Боймуханнинг ўзи келди. Узр сўраб келди. «Мана,— деди,— мен олдингиздаман, истасангиз,

калламни олинг, ихтиёр сизда. Шайтон йўлдан уриб, ит ҳам қилмайдиган ишга қўл урдим. Ов топилавермагач, аламимни қўйдан олдим. Кечирасиз...» Худди ўша Боймухан ҳалиям яшаб юрибди. Унинг ота-онаси, юмшоқкўнгил, олижаноб одамлар ҳаёт билан аллақачон видолашишган. Ҳамюртларигина эмас, шоирнинг ўзи ҳам уларни унута бошлаган.. Орадан қанча сувлар оқиб ўтмади дейсиз, ахир!..

Тўртовни тепаликка чиқишди. Боймухан чор-атрофни кўздан кечира бошлади. У тирсақларини ерга тираганча ерда ётаркан, дурбиндан кўз узмасди.

— Анави, ёш қайинлар орасидаги изларни кўр-япсизларми? Ёнидаги ўт-ўлан ҳам топталган,— деди у бир неча фурсатдан сўнг. —Из янги, тунда бо-силган... Қайинзорга олиб боради, демак, ҳайвон—ўша ерда. Негаки орқага йўл йўқ. Икки одам ўрмончанинг орқасига ўтсин-да, шовқин солсин.

— Биз эса, шу ерда пойлаб турамиз. У қочиб чиқиши мумкин бўлган бирдан-бир йўл мана шу,— кутилмаганда гапни илиб кетди шоир илҳом билан.

Бериқбол билан Қали бир-бирларига қарашди — ҳозиргина ҳаммани қурол кўтарганликда айблаб турган эди! Уни қаранг-у! Лекин ўз таажжубларини айтиб ўтирмай, иккови Боймухан кўрсатган томонга отланишди.

Овчи шоирга тезгина нигоҳ ташлаб, индамай орқасидан юришга ишора қилди. Улар мўлжалланган жойга етиб келишлари билан жимликни бузиб ўқ овози янгради. Шоирнинг кўз олдида яна уйқудан уйғонаётган табиат—аёл гавдаланди. Ўқ овозидан чўчиб кетган қарга ва тўрғайлар дарахтлар оша кўтарилиб, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин кўтаришди, ўз инларининг олдида изғиб юрган каламушлар эса, югуриб чиққан жойларига яна кириб кетишди.

— Келяпти! Келяпти!— ҳаяжон билан бақирди Боймухан, милтиғи милини ўлжага тўғрилар экан.

— Мен отаман!— қичқирди шоир ўзи ҳам тушунмаган ғалати бир алаҳсираш ҳолатида.

— Кўкрагини мўлжалла!— деди Боймухан милтигини тушираркан, қизишиб.

Шоир нафас ҳам олмай бир зум қотиб турди, бирдан унинг қулоқлари шанғиллаб кетди—бу югуриб келаётган ҳайвон туёқларининг дупуридан эмас—

шоир буни аниқ эшитаётганди—балки ўз юрагининг уришига ҳам ўхшарди. «Эҳтимол, бу ернинг юрагидир... Ана, у оёқ остида қандай эзиляпти!» Шоир нима бўлаётганини тарозига солиб улгурмаганди ҳамки, қайинзор томондан ўзининг истиқболига қараб чошиб келаётган қандайдир катта, жигарранг нарсани кўрди. Титроқ қўллари билан у милтиқ милини яқинлашиб келаётган тирик нишонга тўғрилади. Кўз олдидан қизил, кўк, сариқ... ҳалқалар милт-милт ўта бошлади. «Эрта отиб қўйма!»— бўкирди Боймухан, ammo шоирнинг кўрсаткич бармоғи милтиқ тепкисини босиб юборди. Ер титраб кетди. Нақ бурнининг устида кўтарилган тутун орасидан шоир қулаётган ҳайвон танасини аниқ кўрди.

— Қулади! Қуледи!— қичқирди у жазаваси тутиб.

Лекин ўмбалоқ ошиб кетган кийик бир дақиқа ҳам ўтмай, яна оёққа турди. Бечора ҳайвон даҳшатдан қинидан чиқаёзган кўзларини улардан узмасди. Кийик сўнгги бор бошини кўтариб, одамлар оёғи остига чалпак бўлиб йиқилиши учун Боймуханнинг қисқа стволли милтигининг бир ўқи кифоя бўлди.

— Отма, отма, керакмас!— овчининг овози шоирга худди узоқдан келаётгандай туюлди ва у кутилмаганда яраланиб йиқилган ҳайвон олдида пешанасида холи бор жажжигина кийикчани кўрди. Кийикча, афтидан, ҳозиргина ўқдай учиб бораётган онасининг нега энди бирдан ҳаракатсиз ҳолга келганини англаёлмаётгандай унинг биқинига суркаларди. Яна бир неча фурсатдан сўнг, онасининг бошқа ўрнидан турмаслигига бамисоли ишонч ҳосил қилгандай, кийикча ён томонидаги чакалакзорга шўнғиди. Ҳавода жигарранг алланиманинг қорамтир шарпаси жимирладию ғойиб бўлди.

...Шоирнинг ҳуши жойига кела бошлади. Шериги яна гўё олисдан туриб гапираётгандай эди: «Қандай гўзал она кийик! Ростини айтсам, мен боласини ҳам ўлдириб қўясан деб, қўрқиб кетдим. Ахир, кийиклар—табиатнинг ҳусни-да! Келгуси йил мана шу кийикча ҳали бирам ўсиб дуркун бўлиб кетадики!.. Агар бўрининг тишларига дуч келиб қолмаса, албатта...»

«Олижаноблигини қара-ю!..— ўйлади шоир ғазабланиб.— Мени ўз гапларим билан савалаяпти...» у ҳансираб ётган кийик ёнига тиз чўқди. Ҳайвоннинг

бўйни, биқинларини силади. «Мана,—койирди у ўзини-ўзи,— бахтсиз жониворни ҳаётдан маҳрум этдинг, энди унга ачиниб изтироб чекялсан. Ачиниб... Вақтида фожиани тўхтата олмаган экан, бундай ачинишнинг падарига лаънат!..» Унинг қулоқлари остида ҳамон дупур-дупур овозлар янграрди. Балки бу ўзини эслатиб ураётган ернинг юрагидир?

— Яша, шоир! Фақат ручкани ушлашнинггина билмаслигингни исбот этдинг! Табриклайман! Яна салгина бўлганда, қоқ юрагига урган бўлардинг! Манави пешанасидаги ярага эса, менинг қисқа стволли милтигим айбдор!..— жилмайди Боймухан ўзидан мамнуллигини яширмай.

Шоир ўрнидан турди. Унинг нигоҳи ҳайвоннинг сўниб бораётган қоп-қора кўзларига тушган эди. Она кийикнинг узун киприкларидан ёш сизиб чиққанди. Улим пардаси билан қопланган кўз қорачиқларида савол аломати қотиб қолган: бу унинг ўз акси эди. Бу савол одамга—ердаги жами мавжудодларнинг энг доносига қаратилган эди. У мазкур саволга жавоб бера олмади, чунки нима дейишини ҳам билмасди. У фақат вужудида алам ва ачиниш ҳиссини сезар ва бу оддий, кўп ҳолларда тузатиш мумкин бўлмаган иш юз берганидан кейин пайдо бўладиган, кечиккан ачиниш эди.

Ернинг юраги ҳамон гуп-гуп урарди. Шоирга шундай туюларди. Лекин аслида унинг ўз юраги, ўша тугатиб бўлмас ачиниш ҳиссининг манбаи ва баъзан эгасининг шафқатсиз қўлларини тўхтатишга ожизлик қилувчи ўз юраги ураётганди...



ОҚСУЛУВ
СЕЙДИМБЕКОВ



Оқсулв Сейдимбеков 1941 йилда туғилган. С. М. Киров номли Қозогистон Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Оқ тўшли бургут», «Саҳродаги ҳодисалар» «Руда» китобларининг муаллифи. Классик меросни оммалаштириш билан шуғулланади.

I

Сариорқанинг кузи. Олтинсимон япроқлар билан тўшалган далалардан илиққина қимиз иси келади.

Ер бағирлаб ёйилиб кетадиган қўрғошин рангли булутлар бошлаб келгувчи серёмғир кунлару. суяк-суякдан ўтиб кетадиган изғиринларга ҳали бор.

Кеч кузни бошлаб келади-ган илиққина шамол она заминни аллалаётгандай. Унинг ёқимли куйи қуёш найза бўйи кўтарилгандагина тинади. Бу билан, ҳаракатингни қилиб қол, қиличини қайраб қиш келаяпти, деяётгандай. Табиат ўзининг сербарака, файзли ва дилбар торларини чертиб қолишга ошиқади.

Ана шундай пайтда Қопали ўтлоғида ёлғиз қора уй кўринади. Гўё ўтлоқнинг гўзал манзараси шу ўтовсиз чирой очмайдигандай, гўё усиз табиат ҳам нуқсонли бўлиб қоладигандай, жуда ярашиб тушган эди.

Қисқаси, атроф сулув бир қиз бўлса, уй унинг ярашиқ холи эди; умумий манзарага жон бағишлаб, дилларга аллақандай сирли ҳазинлик соларди.

Отасув ўзанидаги қалин ўтлоқлар иссиқ ёз давомида

мол бокилавериб сийраклашиб қолган. Кузнинг нафаси бу ерларга етиб келгач, чўпонлар бирин-кетин ўтовларини кўтариб, қишки яйловларга йўл олдилар. Соғиладиган биялар типирчилашади. Пода-пода қўйлар туёғидан тўзон кўтарилади. Мудраб ётган ўтлоқлар уйқуси ўчиб, бир зум сергак торгандай. Ана шундай бесаранжом паллада Қопали ўтлоғида чанғароғини кўтарган ўтовнинг соҳибни—Ршиман оқсоқол эди. Ҳар йили қишлоғга кўчишда Ршиман оқсоқол:

— Ғамланган ўтин-сув бор, эшик-тешикни бутунлайдиган наMAT-кигиз бор, лекин куз ва қишда қўйларни кўтариб кетадиган яйлов ваҳшийлари чатоқ,— деб қўярда-қўймасдан бир оилани ўзига ёрдамчи қилиб олиб кетувчи эди.

Колхоз раҳбарларининг:

— Эй, Реке, биз бу ерда лойдан одам ясаб ўтирганимиз йўқ-ку, лоақал кузги мавсум тугагунча бир отар қўйни уй ичингиз билан тинчитиб турсангиз бўлмай-дими?— деганига кўнмай, табиатан ўжар бўлган оқсоқол, ҳеч нарсани эшитмаётгандай ўз сўзида туриб оларди. Қирғич билан қириб олгандай қилиб, ёрдамчиларни эргаштириб кетарди.

Бу йил Ршиман бошқача иш қилди. Кампири Вакила билан ёлғиз ўғли Худоймандининг сўзларига эътибор бермай, кузги яйловга ёлғиз ўз уйи билан кўчди. Худойманди бир-икки бор:

— Дада, келинг, бошлиқлардан ёрдамчиларни ўзи-моқ сўраб олай, майлими?— деган эди.

— Чироғим, шу молларнинг ташвишини улар биздан камроқ чекишмас... Қийинчиликларимизни раҳбарлар ҳам яхши билишади. Сўзни шамолга совуриб ўтираемизми?— деб кўнмади.

Бир куни оилавий суҳбат чоғида чиройи очилиб:

— Худога шукур, орамизда чурраси тушиб ўтирган одам йўқ. Агар ёрдамчи беришса майли, беришмаса ундан нари. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Ҳар ким ўз бошига ётган қорни ўзи кураар экан. Йилда биров билан нари бориб, бери келгунча, аравамизни тинчгина тортиб юраверганимиз маъқул,— деб қўйди табиатида йўқ юмшоқлик билан, сўкинмай. Ршиман оқсоқолнинг бу мулойимлиги остида фақат ўзигагина маълум сир бор эди...

...Туш пайти бўлиб қолган. Утовнинг кийиз эшиги очиқ. Кираверишда, ташқаридан ёруғ кўпроқ тушаётган ерда ўтирган Вакила ёлғиз ўзи тонг отгандан бери жун титади. Опоқ юзларида ажин тўрлари тез-тез намоён бўлишига қараганда, изтироб чекапти. Қошлари бир оз чимирилган. Иссиқ кўз ёши ювиб қизартирган қовоқлари унинг яқиндагина йиғлаб олганини ошкор қилиб турибди. Зўриқиб чарчаганидан бўлса керак, унинг нигоҳи одатдагидан ғамгин ва тунд эди.

Жун ўрамига енгилгина энгашиб, паст, аммо ёқимли овоз билан мунгли бир куйни хиргойи қилади. Фақат дил-дилдан чиққан хўрсиниқ куйнинг бир маромдаги оҳангини бўлиб қўяди. Ёноқларидан ўрмалаб тушаётган ёш—у чекаётган пинҳоний изтиробнинг ёлғиз гувоҳи.

Йўқ-йўқ, у томчилар тўкиб, шағамдай эриб тугаб бораётгани йўқ. Бу кўз ёшлари билан бирга унинг қайғулари тўкиляпти, гўёки, унутилган, азиз ҳамда дилбар дугонаси узоқ ҳижрондан сўнг унга таскин бериш учун ёнига келгандай.

У аста жун титади. Қўлларининг ҳолсиз ҳаракати чигал хаёллардан ўзини ҳимоя қилиш учун қимирлаётгандай.

Бугун Вакила эрта туриб, чойни ҳам эрта дамлади. Ҳаммани қош-қовоғи билан ётқизиб-турғизадиган Ршиман одатдагидан ҳам узоқ чой ичаркан, бугун қўйларни Худойманди боқажагига ишора қилди. Худойманди онасига хавотир аралаш бир назар ташлади-ю, бирикки пиёлани бўшатиб, апил-тапил кийинди-да, отарни ҳайдаб кетди.

Ршиман шундан кейин ҳам хўриллатиб чой ичишда давом этди. Чой қуйиб бераётган кампирга эса «лом-мим» деб оғиз очмади. Гўё атрофида ҳеч ким йўқдай, тош ҳайкал каби авзойини бузмай ўтираберди.

— Қара-я, кунда ичадиган оқликка ўрганиб қолибман. Бир-икки пиёла ичдимми, чанқоғим босиларди-қоларди,— деб овоз чиқарди ниҳоят у, хотинига бўш пиёлани узатаркан қимиз ҳақида эслаб.— Биялар соғилмай қолгандан бери чанқоғим босилмайди.

Бироқ қуруқ, ҳиссиз бир оҳангда талаффуз қилин-

ган бу сўзлар ҳам хотинига қаратилмаган, оила бошлигининг овоз чиқариб фикрлаётгани эди.

Чой ичиб бўлгандан сўнг Ршиман бўш косага иссиқ сув қуйдириб олиб, устараси билан соқол-мўйловини текислади. Шундан кейин ҳам силлиқлашган чўққи-соқолини силаб хаёл суриб жимгина ўтираверди. Оқ оралаб мош-гуруч бўлиб қолган соқоли худди қиёққа ўхшайди. Бу яхшилик аломати. Ўзи ҳам ҳали милтиқнинг ўқидай. Ёноқ териси текис, силлиқ. Соқол-муртидаги оқ толалар нима бўлибди, бу қайтанга яхши, ўзини босиб олган, тажрибакор одамлигини кўрса-тади-ку.

— Янги кийимларимни обер-чи, — деди бир оз вақт ўтгач.

Оққўнгил Вакила ҳайрон бўлиб эрига қаради. «Бу нимаси бўлди яна», — деб хаёлидан ўтказди-ю, аммо, индамай ўрнидан туриб, катта сариқ сандиқни очди. Ундан қора чийдухоба камзил-шим билан кўк чийдухоба чопонни олиб берди.

Ршиман дарров кийиниб олди-да, булоқ ёнидаги отни эгарлаб миниб, қамчи сўради. Вакиланинг:

— Яна нима гап. Тўйга боряпсанми? — деган сўровига жавоб қайтармай, эгарда ўтирган кўйи кескин ўтирилди-да, қаттиқ ўқрайди. Бу: «Сафарга отланганда шунақаям савол берадиларми?» — дегани эди.

Орадан бир дақиқа ўтувди ҳамки, у ўтовлари ёнбошидан оқиб ўтадиган Шиликти сойини ёқалаб, отини йўрттирганча юқорилаб кетди.

Вакиланинг дили оғриди. Оёқ-қўллари бўшашиб кетди. У Ршиманнинг ортидан узоқ қараб қолди. Мана, у тепалик ортига ўтиб боряпти. Ана, сувсар телпаги кўриняпти; у ҳам аста кўздан йўқолди. Шу туришида жигар-бағри эзилиб, юраклари музлаб кетди. Нохуш хаёллар билан эшик олдида қоққан қозиқдай сўррайиб бир муддат туриб қолди.

У эндигина уйқудан турган кишидек ярим беҳуш вазиятда ҳаракат қиларди. Ўтов туйнигини ёпиб турган наматын янгилашни кечаёқ ўйлаб қўйган эди. Бироқ ишга қўли бормади.

Маҳзун бир ҳолатда, бошқа иш қолмагандай, қопни келтириб ундан жун ағдарди-да, беихтиёр тита бошлади. Аслида, Вакила бугун жун титаману кўз ёшимга шунчалик эрк бераман, деб ўйламаганди.

Бу йил кўклардан бошлаб, Ршиман қизиқ одат чиқарди. Кийиниб олиб, кунбўйи аллақерларда йўқ бўлиб кетарди. Бирда, молга қарайман деб, яна бирда янги яйловга қараб келаман деб чиқиб кетади. Вакила унга эътибор бермасди. Тонг саҳардан қош қорайгунча пода ортида юрган ўғлига жони ачигани бўлмаса, чолининг бу ҳаракатларидан қайтанга қувонди.

«Нима қилибди,— дерди оқкўнгил аёл.— Энди ўзига қараб юрмаса, қачон қарайди? Бойим бечора бир умр берсанг ейман—урсанг ўламан, деб ўтирсинми?»

— Чолингни роса эркалатиб юбординг,— деган эди бир куни овулдош аёллардан бири Вакилага.— У қариганда қалмоққа тушиб, бўз айғирдай йўрғалаб қолибди. Кўзингни оч. Эринг ўрмончининг бевасиникига ошиқяпти.

Вакила аввалига бу гапларни ҳазил деб ўйлаганди, кейинроқ кўнглида шубҳа уйғонди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Ҳамманинг оғзидан шу гап. Лекин Вакила овулдошларини яхши билади: уларнинг тилига аввалам бор туша кўрма, тушдингми, этингни ютиб, суягингни пуфлаб ташлайдилар.

Мана энди Вакила чўлда шўппайиб турган ўтовда ўтираркан, ҳамма гапларни бир-бир хаёлидан ўтказди. Бу майда-чуйда гапларнинг бари ростга ўхшаб кетарди. Бир эмас—икки эмас, каттаю кичикнинг оғзидан дoston бўлган бу ифволарга ишонмай чораси қолмади.

У қизиқ бир ҳолатни бошидан кечирарди. Бутун умри беиз ўтиб кетгандай, ўзининг энг азиз нарсасини елга совургандай туюлиб кетди. Бошқалар кўз ўнгида шунчаки бир қўғирчоқдай бўлиб келибди-да. Гўё бу мураккаб, сирли дунёда орзуларсиз, бемақсад яшайгандай туюлди унга. Эгилиб ўтирган кўйи алам кемириб бораётган юрагидан хўрсиниқ отилиб чиқди:

— Худойим-ей, энди кўрмаган куним шу эдими!

Қанча ўйласа ҳам чолининг бу қилигидан бирор маъно тополмади. Соч-соқоли оқарганда бу қандай нағма экан? Бу қандай бўзбола бўлдики, кексайганда беваларга кўнгил қўйса? Ўйлаган сари эзила борди. Ошини ошаб, ёшини яшаган қора қарға каби ўзини ортиқча сизди.

Вакила умр бўйи эридан озмунча қамчи зарбидай аччиқ сўзларни эшитган эдими? У ҳар томонлама

камситилган, ҳатто ҳозирги бирга кечираётган умрини ҳам ширин деб бўлмасди. Эри ўша соддадил кезларидаги каби ҳамон қаттиққўл, серзарда. Аммо, ҳеч қачон унинг кўнгли бугунгидай вайрон бўлмаганди. У Ршимандан қанчалик ранжимасин, қалбининг тубида ёстиқдошига нисбатан илиқ бир муҳаббатни ҳис этарди. Бу воқеа эса, аёлнинг беғубор юрагини қўпориб ташлади.

Хаёллар оғушида Вакила туш пайти бўлиб қолганини ҳам пайқамади. Сувлоққа тушиб келаётган қўйларнинг маъраган овозидан ўзига келди.

Вакила этагига ёпишган жунларни қоқиб, ўрнидан турди.

— Худойим-ей, мен ношукурни ўзинг кечир, — деб қўйди пичирлаб. — Менга нима бўлди ўзи?

У ўзини беҳол сизди. Оёқларини аранг судраб босиб бориб, Худоймандига чой қўйишга тутинди. Самовар ўтхонасига олов ташлаб бўлиб, кўз ёшидан бўғриққан юзини чайиб турганда, Худойманди келиб қолди.

— Опа, отам бир ёққа кетдимиз? — деб сўради у отдан тушаркан.

— Ҳа, ўғлим. Йилқилардан хабар олгани кетди, — деди Вакила.

Бу жавобни у аввалданоқ ўйлаб қўйган эди. Аммо ўғли онасининг овозидаги титроқни пайқаб қолди. Худойманди: «Яна нима бўлди?» — дегандай таажжубланиб елкасини қисиб қўйди. Ота-онасининг ораси кейинги пайтларда бузилиб қолгани ёдига тушди-да:

— Уларга нима етишмайди, тавба? — деб хаёлидан ўтказди.

II

Ршиман оқсоқол бу кезде дов-дарахтлари бир-бирига чирмашиб кетган Мингбой чакалаги ёнидан отини қистаб ўтиб борарди. У «Лесник» қишлови деб ном олган, бу атрофдаги ёлғизгина уй томон бурилди. Дарахтлар орасидаги ёлғизоёқ йўл ҳар томонга таралиб кетган бўлса ҳам, бу ерлар Ршиманга таниш. Кейинги пайтларда кун демай, тун демай келаверганидан ҳар бир сўқмоқ унга ёд бўлиб кетган. Ҳозир эса ўрмоннинг дилхуш ҳавосидан сармаст бўлиб, гўзал манзарадан баҳри очилганча жиловни бўш қўйди.

Тунда тушган шудринг қуёш нурида жилваланади. Япроқларга жон бағишлайди. Сарғиш, қизил, кўк тусда товланиб, барглардан сирғалиб томчилаётган шудринг доналари ўзгача кайфият уйғотади. Кузги ўрмоннинг ўзига хос салқин, нам ва қандайдир ҳазин ҳавоси бор. Яқин-яқингача бу ер қушларнинг овозидан сершовқин эди. Қизилиштоннинг «тақ-туқи», каккунинг «кув-куви», зағизгоннинг қичқириқлари — бари бир-бирига қўшилиб, қайноқ ёз кунларининг қувончга тўла бағрини антиқа куйга ўрарди. Ҳозир эса, ҳаммаёқ сукутда.

Бу сукунат Ршиманнинг юрагига ҳам кўчди. Авваллари от бошини шу томонга бурса бўлди, ўзини қандайдир қувонч оҳанрабодай тортаётганини ҳис қиларди. Бугун эса бундай туйғуни сезмади. Хаёллар фикрини ҳар томонга олиб кетди. Отга минаётганида ортидан қараб қолган Вакиланинг жавдироқ кўзларидаги ҳадик унга тинчлик бермаётгандай эди. Ахир улар турмушнинг аччиқ-чучугини озмунча пайт бирга тотишган эдими?

У Вакилага уйланишга аҳд қилган кезларини хотирлашга уринди. Лекин аниқ бир воқеани, юракни жизиллатувчи бирор ҳиссиётни туймади. Гўё у воқеалар қачонлардир, қаерлардадир бўлиб ўтгандай...

Зўр бериб хотирларкан, кўз ўнгида отаси гавдаланди. Бир сўзли, тутганини кесадиган, ўз оиласининг қатъий ҳукмдори! Унинг амри уйдагилар учун, жумладан, ёш, келишган Ршиман учун ҳам қонун эди. Бир куни отаси тўсатдан: «Фалончининг қизига сени уйлантирадиган бўлдим, қуда билан ҳам келишиб қўйдик, бориб қайлигингни олиб кел», деганида бўйнига сиртмоқ тушган асов айғирдек сапчиб тушганини эслади.

У пайтлар «йўғон чўзилиб, ингичка узилиб ётган» оғир замон бўлгани учун, охири ота амрини бажо этиб, тўй-тантанасиз, урф-одатга ҳам амал қилмай қизни яшириқча олиб келган эди. Ушанда бўлажак хотини ҳақида, ишқилиб оёқ-қўли бут, эс-ҳуши жойидамикан, деб ўйлаб ташвишлангани ёдида. Йўқ, ҳартугур, Вакила хушрўйгина, эсли-ҳушли қиз бўлиб чиқди.

Бундай ўйлаб қараса, биргаликда анчагина умр кечириб қўйишибди. Турмушнинг аччиқ-чучугини баҳам

кўришди, ҳаёт йўли бирдай текис бўлмайди-ку. Қийналиб қолганларида Вакила: «Буниси қандай бўлди энди», — деб бирор марта ҳам оғиз очмабди.

Хотини ўн бир фарзанд туғиб берди. Учтаси урушдан қайтмади. «Эрка ўсган, арслондай йигит эдилар-а», — деб қўйди Ршиман армон билан. Икки қизи эса, бўйи етиб қолганда нобуд бўлишди. Қолганлари оғир кезларда туғилгани учунми, ёшликларидаёқ ўлиб кетган эдилар.

Шулардан сўнг кенжаси Худойманди дунёга келганди. Ҳамма болаларидан айрилиб, дунё кўзига қоронғи бўлиб юрганида кўрган фарзандининг бевақт ўлиб қолишидан қаттиқ қўрқди. Одатдаги қийиқлиги тутиб, қувонч ва қўрқув аралаш бир ҳиссиётга тушаркан, боланинг киндигини ўзи кесатуриб, исёнкорона бир жазава билан: «Худо бормисан, бор бўлсанг нега ўн фарзандимдан жудо қилдинг, энди худо мана шу, мангу ўлмас менинг худойим шу Худойманд... Худойманд... Худойманд!» — деб чақалоқнинг қулоғига уч бор қичқирган эди.

«Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади» деганларидай, эрининг бу куфрона сўзларидан Вакиланинг эҳсонаси чиқиб, кўзларига ёш қалқиди. Жондан севган фарзандининг исмини узоқ вақтгача тилга ололмай, «оти жуда қийин-да!» — деб юриб-юриб, уни «Художон» деб номлаб олди.

Ршиманнинг хаёлида ўтмиш шундай акс садо берди. Аммо юрагида бечора Вакилага ачинишдан бўлак ҳисни туймади. На нафрат, на жирканиш ва на ўтли муҳаббат — фақатгина сўник бир миннатдорлик, но-чоргина бир эркалаш бор эди қалбида.

Шу аснода ўрмон сийраклашиб, ялангликка чиқди. Овоз берса эшитиладиган ерда ўрмончининг уйи кўринди. Ршиман бир сесканиб тушди, хаёллари тарқаб кетди. Юрагида нимадир уйғонди. Энди унинг иссиқ-совуқни кўп кўрган кекса юраги аллақерда қолган кадрли, лекин нимаси билан кадрли эканини ўзи ҳам билмайдиган бир аёлни унутди. Юрагидан унинг ўрнини анави уйда ўтирган бева хотин — Торғин жой олди. Унинг соғинч ва қувончга тўла тип-тиниқ қора кўзларини хаёлида жонлантираркан: «Елғиз ўзи саргайиб, кутиб ўтиргандир», деб қўйди.

Торғин шу ерларда кўп йиллар мобайнида ўрмон-

чилик қилиб келган Абубакирнинг хотини эди. Бултур Абубакир бир ҳафта оғриб ётди-да, қазо қилди. Тўрт ёшли ўгли билан Торғин уй чироғини сўндирмади.

Эрининг қирқи ўтгандан сўнг, колхоз раҳбарлари унга марказдан иш бермоқчи бўлишса ҳам у кўнмади. Қўшни районда милиционер бўлиб ишлайдиган акаси Жақип кўчириб кетмоқчи эканини айтганда ҳам:

— Абубакирнинг йили ўтмай туриб кўчсам, қутулганига қувонибди-да, деб гап қилиб юришмасин. Худо ҳам, арвоҳ ҳам рози бўлсин, йил ошини бериб бўлгач опкетарсан, — деган эди.

Торғин сўзининг устидан чиқди. Бир мол сўйдириб эрининг йил ошини берди. Акаси Жақип хизматдан ортмай, уни кўчириб опкетолмади. Бу орада Торғиннинг ҳаётида тилга олса арзирли ўзғаришлар бўлиб ўтди. Ршиман билан топишди. Топишганда ҳам энг самимий, тоза ҳислар уларни топиштирди.

Ўтган йили кўкламда Ршиманнинг отаридаги йилқилар йўқолиб қолди. Уларни қидириб юриб «Лесник» қишловидан топди. Бироқ отларни қайтариб кетиш осон кўчмади. Арқондан бўшалиб, эркинликка чиққан, яйловга ўрганиб қолган йилқилар тутқич берармиди? Уларни қуваман деб отдан йиқилган Ршиман ўнг тирсагини қаттиқ жароҳатлаб олди. Унинг мушкул аҳволини кўриб қолган ёлғиз уйнинг бекаси—Торғин—чаққон, оқкўнгил аёл экан, қушдек учиб келиб ёрдамани аямади.

Дадиллик билан, уялиб ўтирмай, гавдаси ўзидан анча катта бўлган нотаниш эркакнинг қўлтиғига кириб, уйига олиб кирди. Бу ер жуда батартиб экан. Уйдаги ҳар бир нарса ўз бекасининг озода ва чаққонлигини айтиб турарди. Меҳмоннинг остига тўрт қават кўрпача солиб, қони оқиб турган ярасини боғлаб қўйди.

Ршиман, қирқни қоралаб қолган бўлса ҳам, ёш кўринувчи бу аёлнинг нозик, оппоқ қўлларига, аста титраб турган ярашиқли бақбақасига, арчилган тухумдай оппоқ ёноқларию рўмол остидан чиқиб турган қопқора сочларига разм солиб ўтириб, оғриқни ҳам унутиб юборди.

Ярани боғлаб бўлган Торғин хона бўйлаб товусдай товланиб юрганича:

— Эркаги йўқ, деб уйимизга кирмай ўтувдингиз, мана қаранг, нима бўлди? Мен сеҳргарман, шунақа. Аввал бу ерга тушиб ўтганингизда, бошқача бўлармиди,— деб кулди.

Торғин бу сўзларни ноз-карашмасиз, шунчаки очиқ кўнгиллик билан ҳазиллашиб айтган бўлса ҳам, Ршиман бошқача йўйиб, нимага ишора қиляптийкин, деб ўйлаб қолди. Торғиннинг кулганда кўриниб кетган текис оппоқ тишлари, кенг пешонасию. қора қошларидан кўз узолмасди.

Унинг гўзаллигидан лол қолди. Шу қадар лол қолган эдики, ҳатто, шунчаки жавоб қилишга ҳам оғиз очолмади. Унинг қон-қонига сингиб кетган ғурур ва такаббурлик, ўз сўзини ўтказувчанлик сингари феъл-атворидан асар ҳам қолмади, қалби шундай майинлашиб қолдики, бундан ўзи ҳам ҳайрон эди. Юрагида шу чоққача сезилмаган саховат, камтарлик ҳисси уйғонди.

Торғин эса ҳазилни бас қилиб, одат бўйича овулдан, бу ердаги майда-чуйда ишлардан гап очди. Аёллигига бориб: «Анов ундай депти, манов бундай депти, шулар ростми?»— дегандай гап ташлаб ўтирмай, овулнинг ҳурматли оқсоқолларини суриштириш билан кифояланиб, чойга уннаб кетди.

Ршиман:

— Чойга овора бўлмай қўя қол, худо хайрингни берсин! Энди кетганим ҳам яхши,— деган эди, Торғин ҳақиқий меҳмоннавоз аёл эмасми, кўнмади.

— Яйловгача озмунча йўлми? Чарчаб, чанқаб юрманг тагин, қўйинг, шошилманг,— деганида сабабини ўзи ҳам англамаган ҳолда Ршиман рози бўлди.

Торғин чиқиб кетганидан сўнг, бу воқеалар Ршиманга ширин тушдай кўриниб кетди. Ёқимли, кишини энтиктирадиган хаёллар юрагига жойлашиб олди. Шундай жойлашдики, борган сари бутун вужудини эгаллай бошлади. Ўзида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганини ҳам сезмай қолди.

У ўз ҳаяжонларини зўр бериб яширишга ҳаракат қилди. Лекин бу ҳаяжон пуфлаган сари равшанроқ ёнган олов каби бор вужудини чулғай бошлади.

Чойни ичиб бўлишди. Ршиман одоб билан хайрлашди. Лекин Торғин ярани қайтадан боғлаш лозимлигини айтиб, уни тўхтатди. Чиндан ҳам аввалги бой-

ланган латта юзида қон доғи ёйилиб турган экан. Аёл бир бўлак тоза латта олиб келиб, боғлашга тутинди. Ршиманнинг назари эса яна унинг чиройли бақбақасига, оппоқ қўлларига, товланиб турган қоп-қора сочларига тушди.

Қандайдир илиқ ҳиссиёт юрагини тўлдириб юборди. Ўзини тутиб туролмай, ҳазил оҳангида хитоб қилиб қолди:

— Оҳ, азизим Торғин, қўлларинг мунча майин бўлмаса, аллақачон қотиб кетган суякларимни қўрғошиндай эритиб юбординг-ку!

Торғин бундай ҳазилни кутмаган эди. Бошини орқага ташлаб, қора кўзларини унга тикди. Ршиманнинг юраклари тўлқинланиб кетди. Оқи-оққа, қизили-қизилга ажралиб турган бу аёлнинг қорачиқларида хуморлик, ташналик учқунларини кўриб орзиқиб тушди. Лекин Торғин бир нафас ошкор қилиб қўйган кечинмасини, дарров ҳазил пардасига ўраб, ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди:

— Баракалла, ёлғонни ҳам дўндирад экансиз, Реке! Шу ёшга кириб майинликни энди кўргандай гапиришингизни қаранг-а?

Ршиман бу ҳазилни эшитмагандай жим қолди. Жавоб тополмаганидан эмас, чиндан ҳам шу дамга қадар ҳозиргидай юрагини жазиллатган бундай ҳисларни сезмаганидан жим қолди. Унсиз бу ҳислар Торғиннинг ҳам юрагига кўчди.

Ушанда Ршиманнинг унсизлиги узоққа етмади. Торғин билан қисқагина хайрлашиб отига минган Ршиман шу куни қош қорайиши биланоқ «Лесник» қишлоғига қайтди.

Ршиманнинг юрагидаги кечинмаларни ич-ичидан чуқур ҳис қилган Торғин, уни шу бугуноқ қайтиб келар деб ўйламаган эди. Шунинг учун ҳам бемаҳал эшик қоққанида:

— Сизми, Реке!— деб ажабланган Торғин Ршиманни уйга киргизиб, ўтиришга таклиф қилди. Сўнг ғайритабий бир уятчанликсиз, очиқчасига биринчи бўлиб гап бошлади:

— Вой-бў, Реке, бу келишингиздан ҳайрон қолдим-ку! Ёлғизлигим учун шундай қиляпсизми ёки ўйлаган бошқа ниятингиз борми, бу нимаси?

Торғин буларни ўзига ҳам сезилмаган бир титроқли ҳаяжон билан талаффуз қилди. Ршман уй бекасининг биринчи бўлиб гап бошлашини кутмаганди. Довдираб қолди. Торғиннинг сўзларидан юраги жизиллаб, ҳаприқаркан:

— Йўқ, йўқ, бундай ўйлай кўрма, Торғин! Бундай эмас... Бундай эмас,— деб ҳайқириб юборди.

У бу сўзларни изтироб билан, ўзини йўқотиб қўйиб айтди. Кекса бир одамнинг бунчалик довдираши, ҳаяжонидан Торғиннинг этлари жимирлаб кетди.

Шу билан уларнинг қисқагина кириш сўзлари тутаганди. Диллар бир-бирини тушуниши учун бошқа сўзга ҳожат қолмади. Гўё улар ораларидаги узоқ масофани бирданига босиб ўтдилар.

Шундан кейин Ршман «Лесник» қишловиға танда қўйиб олди. Уни бу ерга сўлқиллаган бева аёлға бўлган ҳирс эмас, бутун ихтиёрини қўлидан олган олижаноб бир туйғу бошларди. Агар бир ҳафтагина кўришмай қолса борми, кенг олам кўзига қоронғи бўлиб, ёлғизликдан жонини қўйишға жой тополмасди. Торғин ҳам унга ўрганиб қолди. Бу камгап, бақувват кишининг муҳаббати оташида ўртана бошлади. У аёлға қувонч, кемтик ҳаётини тўлдириб юборадиган ажиб нашьа бахш этди. Ҳар гал уни сабрсизлик билан кутиб олар, кечиккан кезларида қўярга жой тополмасди ўзини.

Охирги пайтларда кузги яйловға кўчиш муносабати билан Ршман бутун бир ой мобайнида бу жойға отининг бошини бурмади. Энди эса бор вужуди билан дилтанг бўлиб, отини қичаб келмоқда.

Одатдагидек уни биринчи бўлиб бузоқдай келадиган баҳайбат ит қарши олди. Қаттиқ ҳуриб Ршманға яқин келгач: «Эй, бу сенми?» дегандай хириллаб йўл берди-да, ўзини четга олди.

Шу пайт уйдан чиқиб келган Торғин Ршманни кўргач, юзлари қувончдан ял-ял ёниб, шундай севиңдики, бу чеҳрада бутун дунёнинг бахтиёрлиги мужассам эди. Унинг этагидан маҳкам ушлаб олган Тўкен ҳам очиқ чирой билан югуриб келиб, унга жажжигина қўлини узатди. Ршман: «Оҳ, азамат,— деб боланинг пешонасидан ўпди. Бу самимий ўпич эди.

Торғинға бўлган соф ва самимий муносабати туфайли болага ҳам муҳаббат билан қарарди.

Ршиман уйга кириб ўтиргач, Торғин ўз соғинчи ҳақида гап очди. У хокисорлик билан кейинги кунлардаги хаёлларини баён қиларкан, нималарнидир айтишга журъати етмаётгани ҳам сезилиб турарди.

— Отингнинг эшигим остидан излари ҳам ўчиб кетди. Наҳотки, унутган бўлса деб, энди умид уза бошлаган эдик,— деди ёқимли овоз билан.

Ҳеч қандай ясамалиги йўқ бу гапни худди аслидай тушунган Ршиман ҳам:

— Унутдингми, дейсан-а, Торғин,— деди ёниб,— нега унутай... ўзинг биласан-ку, бу дардисар пайтларни... Кузги яйловга кўчиб, уёқ-буёқни йиғиштириб олгунча...

Шу узук-юлуқ гапларнинг ўзиёқ. Торғиннинг соғинч ўртаган дилларига таскин беролди. Яна ўртала-рида бирлик ва тотувлик аввалгидек тикланди.

Торғин билан тун бўйи ва эртаси уззукун бирга бўлган Ршиманнинг соғинчи қонди. Кечқурун қайтмоқчи эди, лекин отини эгарлаб бўлиб, хайрлашиш учун уйга кирганида, Торғиннинг нигоҳида порлаб турган қандайдир ўкинч изларини пайқаб қолди. Жимгина юқорига ўтиб жойлашаркан, унга саволомуз боқиб қўйди.

— Биладан, уйингга қайтишинг лозим,— ўкинч билан гап бошлади Торғин.— Оиланг бор. Бу ерда ҳаяллаб қолишинг. яқинларингни хавотирга солади. Буларнинг ҳаммасини биладан-у...

Торғин бир нафас жим қолди. Юзлари бўзариб кетди:

— Пешонамга нима ёзилганини ҳеч ким билмайди, лекин сенсиз туролмайдиган бўлиб қолдим... Шу ёшга кирганда ўлдим-қўйдим, деб айтиш кулгили кўрингани билан, сенга муносабатим бошқача... Бунга ўкинмайман. Мендаги нима? Муҳаббатми? Шунчаки эҳтиросми? Билмайман! Лекин шуни биладанки, шу пайтгача бошқа бирор бир ҳис сен билан менинг орамизда уйғонган нарса каби менга ҳеч қачон эгалик қилиб, вужудимни ўртаб юбора олмаган. Ўзинг биласан: биз ёш эмасмиз, ой чиққанида оҳ тортиб учрашиб юрадиган ёш йигит-қиз эмасмиз, демоқчиман. Аммо... Илтимос, бу гапларимдан бошқача хулоса чиқара кўрма,— шундай деб туриб Торғин бирдан йиғлаб юборди.— Яширишнинг кераги йўқ, бари бир буни бугунми-эрта

ҳамма билиб олади... Бўйимда бўлиб қолганга ўхшайди...

Унинг сўнгги сўзлари Ршиманни титратиб юборди. Бу беқиёс қувонч тўлқинлари тебратган юракнинг титроғи эди. Аёлнинг беҳад ҳаяжонидан юрагига ларзалар тушиб ўтирган Ршиман беихтиёр ўрнидан қўзғалди. Қўзғалди-ю, тик туролмай, яна ўтириб қолди. Томоғи қуруқшаб, қулоқларига ишонмагандай:

— Жонгинам, нималар деясан?— дея ҳайқирди. Шу бир оғиз сўзда унинг бор қувончи жамланган эди. Беихтиёр қўлларини қайга қўйишини билмай, ҳадеб тиззаларини уқалар, ҳаяжони бўғзига тикилиб, шодлигини изҳор этолмай, севинчига тор келган юрагида улоқчи отлар пойга чопаетгандай ҳисни туярди. Гўё урушда ҳалок бўлган уч дилбандидан бири қайта тирилиб, Худоймандининг ёлғизлигидан ғам еган отанинг ўкинчлари изқобат бўлгани учун қайтиб келгандай эди. Хурсандлигини қандай изҳор этишни билмас, кутилмаган бахтдан ҳадеб йиғлагиси келарди.

Аслида эса майинлик ва назокат сезгисининг кечиккан тўлқинлари зарбаси шундай бўлади. Аммо у бунга билмасди.

III

Шу кунга Ршиман Қопалидаги уйига кеч қайтди. Утовга кириб келганида Вакила билан Худойманди қўйларни қўтонга қамаб, свқатланиб ўтиришган экан. Уни жимгина кутиб олдилар. Дастурхон ёнига келиб чордана қургандагина ўғли сўраб қолди:

— Ота, йилқиларимиз қалай? Тинчликми?

Ршиман бунга жавобан соқолини қашиб қўйди-да, ноаниқ оҳангда:

— Э-э-э...— деб қўйди холос.

Худойманди аниқ жавоб ололмай, ҳайрон бўлиб қолди. Аслида, у отлар қаерда экани ва уларнинг аҳволи қандайлигига қизиқса ҳам, бошқа гап айтмади. Жаҳли чиқиб турганда Ршиманнинг камгап бўлиб қолишини уйдагилар яхши билишарди. Гарчи ҳосир бунга сабаб йўқ бўлса-да, уйдагилар қайта чурқ этишмади.

Ршиман одатдагидек бирдан:

— Хўш, подага бўри ораламадимми?— деб сўради-

да, жавоб ҳам кутмай, сўзини давом этириб кетди.— Бир пайтларда ярамастар, бутун-бутун тўдаси билан подага ҳужум қилгувчи эди. Энди улар бошқа томонларга кетиб қолганми дейман?!

Бутун куз давомида отаси билан дурустроқ сўзлашолмаган Худойманди сидқидилдан суҳбатлашгиси келиб:

— Ким билади дейсиз! Бугун суғориш учун қўйларни Миржиқ қояси томондаги кўлга ҳайдаб борганим, қарасам, уч бўрининг яп-янги изи. Битта из каттагина. Иккитаси—майда. Улар шу ердан сув ичса керак,— деди.

— Бу, эҳтимол, шу атрофда болалаб юрадиган урғочи бўрилардандир. Улар очликдан эти устихонига ёпишиб қолмагунча инлари атрофидаги подага тегмайдилар,— деди Ршиман кайфияти кўтаришга пайтлардагидек очиқ чеҳра билан.

Бўри ҳақидаги ҳангома шу билан тугади. Вакила суҳбатга аралашгани ҳам йўқ.

Бир оздан сўнг Ршиман яна сўз бошлади. Бу сўзларни у боя, уйга қайтаётганда ўйлаб қўйганди.

— Куз бу йил яхши келди. Бироқ қачонгача шундай бўлиб туради дейсан. Молларнинг қишки оғилини совуқ тушгунча яхшилаб қўйиш керак эди. Ёмғир ёгмасдан туриб, ўтин-чўпни ҳам ғамлаб олиш керак.

Вакила ҳам, Худойманди ҳам индашмади. Шунда Ршиман кўнглига тугуб қўйган гапни очиқ айтиб қўя қолди:

— Қўлни қовуштириб ўтираверадиган бўлсак ҳеч ким биз учун қайғурмайди. Бўғча-тугунларни олиб, сизлар қишлоғга боринглар.

— Ия, бир ўзингиз молларга қандай қарайсиз,— куйинди Худойманди.

Вакила ҳам ҳайрон бўлди. «Яна нима балоларни ўйлаб қолдийкин?» деган хаёл кўнглидан кечди.

— Молларни ўйламай қўя қол,— деди Ршиман.— Қуён териси ҳам бир йилгача чидар экан. Бир-бир ярим ойгача қўйларни бир амалларман, айти семирадиган пайти, сизлар қишлоғни тўғрилайверинглар.

У яна уч хонали уйга туташ қилиб ўтов тикиб, унга печка ўрнатиш лозимлигини айтди. Лекин, эшиги алоҳида бўлишини ҳам тайинлашни унутмади. Унинг мақсади, ёрдамчининг йўқлигидан фойдаланиб, бу бўш

хонага Торгинни кўчириб келтириш эди. Шу тарзда аста-секин уни оиласига қўшиб олмоқчи бўлган эди. Буни уйга қайта туриб, йўлда пишитиб олганди. Қизиқ, бу ҳақда оила аъзолари нима деб ўйлашларини хаёлига ҳам келтирмади. «Муҳими,— деб ўйлади у,— бу нарса уларда бари бир рўй бериши керак эди, деган фикрни уйғотади». Шунинг учун ҳам ишни оҳисталик билан бошлади.

Лекин Худойманди кутилмаганда:

— Ота, қўшимча ўтовни нима қиласиз, уч хонали уйга сиғмай қоляпсизми?— деб сўраб қолди.

Бунга нима деб жавоб беришни билмай қолган Ршиман ўғлига ағрайиб қаради. Ёш йигитнинг ишонч тўла кўзлари отасига самимият билан боқарди. Шу тобда Ршиман мижозида жуда кам содир бўладиган қувноқлик билан гапни буриб юборди:

— Муни қара-я,— деди Вакилага қараб.— Бизнинг ўғлимизни йигит бўлиб қолди деб ким айтади. ўзи! Унинг ҳанузгача ота-онасининг иссиқ бағридан чиққиси йўқ-ку!

Ршиман хахолаб кулди. Аслида у кам куларди. Бу ҳол Худоймандини таажжубга солган бўлса, Вакиланинг юрагидан бирор-бир акс садосини топмади. Қайтанга шубҳасини оширди: «Бу кулги яхшиликка бўлсин-да,— деб ўйлади у.— Тушуниб бўлмайди унинг шайтон кулгисини. Бўлмаса отаси тугул, буvasининг соқоли энгагига битиб турибди».

Ршиманинг феъли маълум. Ис олдим, изидан қолмайди. Унинг ўжар, синалган бу мижози Вакиланинг қалбига баттар шубҳа соларди. Ўз хўжасининг шайтон кулгиси остида қандай макр яшириниб ётганини сабр билан кузатмоққа қарор қилди. Зотан, унинг бутун ҳаёти сабр-тоқатдан иборат бўлган. Йўқ, у эрининг макридан ҳам, қаҳридан ҳам эмас, ўғли Худойжоннинг кўнглида отасига нисбатан гина-кудурат уйғониб қолишидан чўчирди.

— Илоё тангрим Худойжоннинг тақдирига ўз уйлик, ўлан тўшакликни ёзга бўлсин. Ўғлим учун қатор-қатор ўтовлар тиксак ҳам арзийди,— деди Вакила астагина.

Ршиман Вакиланинг гапи остидаги нимкосани тусунди. Лекин индамади. Одатдагича гап тугаганини, эртага кўчиш лозимлигини авзойи билан таъкидлаган-

дек, қаттиқ эснаб қўйди: ётиш учун жой ҳозирланг, дегани эди бу.

Кунбўйи қўй орқасидан юриб толиққан Худоймандининг боши ёстиққа тегиши билан кўзи илинди. Бакила эса одатича қалин кийиниб, қўйлардан хабар олгани чиқди. Ршиман совутиш учун қантариб қўйган отини уйнинг ёнбошидаги қиёқзорга етаклади.

Ойнинг ипак нурлари атрофни сутга чайгандек, тунга ажиб бир чирой бағишлайди. Ярқироқ юлдузлар астагина ханда отаётгандек. Сомон йўли жафокаш ёш беканинг тароғи каби осмон қаърига қадаб қўйилгандай. Ҳатти-ҳатти учиб турган юлдузлар оловли из қолдиради. Жануб томонда Қопали қирраларининг туя ўрқачидек эгри-бугри чизиқлари кўзга элас-элас чалиниб турибди.

Атроф жимжит. Бу жимликдан қулоқлар шангил-деб кетгудай. Ҳатти-ҳатти Қизилтош томондан келатган бойкушларнинг беўхшов овозларини ана шу жимлик ютиб юборяпти.

Отини арқонлаб бўлган Ршиман ўрнига бориб қўйиб қўйилмади. Тиззагача уриб турган ўт-ўланлар орасида туриб қолди. Эртанги кўчув ҳақида хаёл суриб кетди.

«Машина сўраб, ялиниб ўтирмайман,— фикрлади у.— Қишки яйлов нима деган гап, ана, қўл узатса етадиган жой. Аравада кўчса ҳам бўлаверади».

Бошини кўтариб эди, кўзи чақноқ юлдузларга тушди. Беихтиёр Торғинни эслади. Юраклари орзиқиб кетди.

Бу орзиқишдан мадорсизланиб, ўт-ўланлар устига ўтириб қолди.

— Эй, тангрим, охирини бахайр қилгин-да,— деб пичирлади у. Ойга боққанича анчагина ўтирди. Сўнг: — Хиёнат—зўрлик қилмаган бўлсам, қингир қилмишим бўлмаса, нега энди хижолат тортиб ўтирибман,— деб қўйди ўзича сал овоз чиқариб.

У ўз-ўзига таскин берарди. Лекин қалбининг ичи-ичилаб чиққан бошқа бир ун: «Соч-соқолинга оқ ора-лаб қолганида сенга нима бўлди... Бўйдоқ бўлганинда ҳам бошқа гап... Бу қандай ношукурчилик... Олдинда бўй етиб турган ўглинг бўлса...»— дегандай бўлди.

Қарама-қарши ўйлар унга тинчлик бермасди. Бу кечикиб бўлса ҳам юрагидан жой олган ёрқин бир туй-

ғу билан олтмишдан ўтиб бораётган, ҳаёт иссиқ-совуғини татиган бир кишининг андишаларга ўралган ҳислари тўқнашуви эди. Вужуди оросатда ёнарди.

Ршиман ўзини тажрибали киши деб биларди, ҳақиқатан ҳам у ақлли эди. Лекин юрагида ўт бўлиб ёнаётган туйғунинг нималигини билолмасди. Уни «муҳаббат, севги» деб аташга юраги бетламасди. Узоқ умри давомида ҳеч бир аёлга нисбатан бундай ҳисни туймаган эди. Унинг аллақачон қотиб кетган юраги мана энди мойдай эриб ўтирибди. Ўзининг ожизлигидан нафратланиб кетса ҳам, бироқ қандайдир қаттиққўл сезги уни ўз измига солиб бораётганини пайқарди, холос. Бу сезгининг бир учи Торғинга бойланганди.

Узоқ ўтириб қолган Ршиман чуқур хўрсиниб олиб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, ўтов томонда Вакиланинг шарпасини сизди, унинг оҳиста йўталишини ҳам эшитди. Бир кунмас—бир кун Вакила билан юз очди қилиб олиш лозим бўлишини ҳис қилган Ршиман яна юраксизланиб, иликлари бўшашиб кетди.

Вакиланинг ўтов теварагида ташлаётган ҳар бир қадами Ршиманнинг қулоғига гўё: «Ҳаммасини биламан... Ҳаммасини биламан»,— деб садо бераётгандай бўларди. Атрофдагиларга аллақачон маълум бўлган бу ҳақиқатни очди қилиб олиш учун муштипар Вакиланинг олдида куч топмади. «Тушунармикан...— хаёлидан ўтказди у.— Йўқ, буни бирор жон зоти тушуниши уёқда турсин, ўла-ўлгунимча мазахга қолиб кетаман...»

Хаёллар ҳар ёққа элтди. Туриб-туриб у яна: «Ит ҳурар—карвон ўтар, дейишади-ку. Вакила ҳам жавраб-жавраб босилиб қолар, қайга ҳам борарди», деб ўзига ўзи тасалли берди.

— Нима гап? Тинчликми? — товушини кўтариб сўради Ршиман ёнига келиб қолган Вакиладан.

Вакила ундан кўзларини узмай, аста ёнига ўтирди. Чуқур хўрсинди-да, хотиржам бир оҳангда:

— Узинг нима деб ўйловдинг? Ҳозир сен билан «оқ суяк»¹ ўйнамоқчи ҳам эмасман. Тинчлик бўлса, нега ўзинг ойга термулиб ўтирибсан? — деди.

Ршиман жим қолди. Бир кўнгли ҳамма гапни очиб солайми, деб ҳам ўйлади-ю, керакли сўзларни топол-

¹ Оқ суяк—ойдинда ўйналадиган қозоқларнинг миллий ўйини.

май сукут сақлади. Узоқ йиллар давомида биринчи марта у Вакиланинг қаршисида иккиланиб, гарангсиб қолиши эди. Гапиришга аҳд қилиб, оғиз очса ҳам, сўзлари асл мақсаддан анча йироқда эди:

— Қандай ажойиб кеча, бундай тун одамлар учун ҳам, моллар учун ҳам яхши,— дудуқланди у.— Бу тоза ҳавода кишининг уйқуси ҳам келмайди.

— Буни қаранглар-а,— заҳарханда билан унинг сўзларини бўлди Вакила.— Қариб қуюлмаган кўнгиллари ўзининг йигирма ёштини қўмсаб қолибди. Мияси айрондек суюлиб ётибди-ю...

— Бас! Нималар деб валдираяпсан?

Вакила яна жим бўлиб, аввалгидек хотиржам қиёфага кирди-да, ҳеч қандай таънаси, аммо ғамгин оҳангда:

— Сенинг зуғумларингни кўтариб юришга энди тоқатим етишмайди, Ршиман,— деб гап бошлади эрини номи билан атаб.— Овулдаги гап-сўзларга аввалига ишонганим йўқ. Кейинроқ эса, бир кун совиб қолар, бу учун оиламизни бузиб ўтирмас, деб ўйладим. Афтидан, ўйларим, умидларим пучга чиқди. Ўзинг билганиндан қайтмайсан шекилли... Кекса ахта от яйловга қараб пишқиргандай ўтиришингни қара... Буларнинг ҳаммаси сенга камлик қилгандай, энди уни ёнгинанга келтириб олмоқчисан... Мени кўр-басир деб ўйлайсан шекилли... Қари қўйнинг умрича ҳаётим қолган бўлса-ю, наҳотки қариган чоғимда бошимга шундай кўргиликлар солсанг...

Вакиланинг титроқ овозига йиғи оҳанги қўшилди. Аввалига у ўзининг бор иродасини қўлга олиб, кейинги пайтларда юрагида йиғилиб қолган барча алам-қайғуларни тўкиб солмоқчи эди. Лекин, оғиз очиши биланоқ аҳдини унутди. Юрагидаги қатъий дардлари эриб, кўз ёшига айланиб оқа бошлади.

— Биласанми, бир куни қандайдир чол: «Мен тўқсон йил умр кўришни орзу қилганмидим, шу ёшга кириб, куним суюқ аталага қолишини билганмидим?!» — деган экан. Мен ҳам шу ҳолга тушдим. Бунчалик шармандачиликка қолишимни ўйламаган эканман. Шу чоққача кўрган ҳамма азоб-уқубатларим—бутунги шармандалик олдида ҳеч гап. Қишининг қор бўронларида, ёзнинг оловли тўфонларида пода ортидан оч-наҳор чанг ютиб юрганларимизда ҳам, дунёни сув босса

тўпигимга келтирмасдим. Чунки, сен бор эдинг. Энди-чи?! Ҳаётдан қандай умидим қолди? Менинг куюнишим, эрсиз қолганимдан эмас, шу умримни бир амаллаб ўтказарман. Лекин бунга дўст-душманлар қандай қарайди? Дўстга зор, душманга хор бўлишим, юрагимни ўртайди. Торғиндай эҳтиёткор, ақлли бир аёлнинг бу енгиллигини ҳам ақлимга сиғдиролмаёйман. Уни қайси шайтон йўлдан урдийкин? Мен-чи?! Қайси гуноҳларим учун худойим жазо берапти? Ё сенга садоқатли хотин бўлмадимми, ёки бир гапингни икки қилган пайтим бўлдими, қани, ўзинг айт-чи, Ршиман? Агар сенинг олдинда гуноҳ қилган бўлсам, бошим устида кўтарилган қўлларингни биров ушлаб қолдими?..

Вакила тўлган ўпкасини босолмай йиғлаб юбориб, гапини давом эттиролмади қолди.

«Ҳа, тўғри айтяпти», деб хаёлидан ўтказган Ршиман, хотинининг аччиқ, аламли сўзларини тинглаб, ўзининг ҳам ана шундай самимий бўлгиси келиб кетди. У аста, хотиржамлик билан гап бошлади.

— Гуноҳларинг ҳақида гапирма, қўй, Вакила! Сени айбламоқчи эмасман, айбламайман ҳам. Биз кўп йиллар мобайнида бирга яшадик. Бу давр ичида сендан кўрганим фақат меҳро-оқибат бўлди. Энг яқин кишим—сен эдинг. Худога шукур, бефарзанд қолдирмадинг. Фарзанд кўриш қувончини ҳам, уни бериб қўйиш аламини ҳам татимаган одамлар қанчадан-қанча?! Биз унисиниям, бунисиниям биргаликда кўрдик. Шу биттагинамиз қолди. Майли, шунга ҳам шукур қиламиз. Лекин, ёлғизлик худога ярашади. Шундай экан, ўғлимизнинг орқасидан чопиб юриб, уни «ака!» деб чақирадиган бир бола дунёга келса нима бўлибди?

Худодан яшириб бўлмагандан кейин, бандасидан бекитиб нима қиламан! Шу қилғиликни қилиб қўйдим, рост. Ўзимни оқламоқчи эмасман, аммо сенинг розилигингиз ҳам бирор иш қила олмайман. Бу ҳақда сенга айтишим керак эди, лекин, қанча ўйламай, бирор йўлини тополмадим...

Ршиман ҳеч қачон бунчалик самимий сўзламаганди. Ҳар қолда буни Вакила эслолмайди. У билан юракдан чиқариб, эътибор билан бунчалик илиқ суҳбат қуриши шу эди. Балки, шунинг учун ҳам қариянинг сўзлари Вакиланинг оппоқ юрагида ачиниш ҳиссини уйғотди.

Ршиман қилолмайдиган ишини қилиб қўйгани ҳақида гапириб ўтирганида, Вакила жаҳлсиз, аммо ғамгинлик билан хаёлидан ўтказди: «Ҳақиқатан ҳам мен унга бардош беролмайман, баданидан куч ёғилиб, ҳамон қони кўпириб тургандан кейин... Торғин ёш... Уни ром қилиб қўйиши бежиздирмас...»

У ўз хаёлларидан хижолат тортгандай, эрига қия қараб қўйди. Ҳа, ҳамон тетик, бақувват, ҳаракатлари чаққон, бир умр ўзи кўриб келгандай—бронзадан қуйилган каби, барваста, эркаклик кучига тўла.

Хўш, Ршиманни қандай айблаб бўлади? У ҳеч кимнинг ҳеч нимада гуноҳи йўқлигини тушунди. Ўзининг эса, борса келмас—қариллик кўчасига кириб қолганини туйди.

Ршиман томоғини қириб қўйди. У суҳбат бошидаёқ Вакила охир-оқибатда тушуниб етишини биларди. Энди унинг сўзларида на гуноҳкорлик ва на хаёлчанлик оҳанглари сезилар, балки, ўзининг ҳақлигига ишонган кишининг хотиржам овози баралла, бир текисда эшитила бошлади.

— Хўш, нега энди узатиладиган қиздай гингшиб қолдинг? Кўзингни арт, тўқол олган эркакни энди кўришинг эмас-ку! Буниси нима қилибди, агар мен минг марта тўқол оладиган бўлсам ҳам, Худоймандининг онасисан, менинг учун сенинг ўрнинг бошқача бўлмайdimи? Шуниям сезмадингми! Бўлди, бас қил!

— Ўзим ҳақимда қайғураётганим йўқ, мен қайси қилмишинга кўнмайман? Орадаги ёлғиз фарзандимиз подасидан айрилган қулундай, бегоналашиб кетмасин, дейман, сўзимга кирсанг, ҳалиям кеч эмас, бу райингдан қайт.

Вакиланинг яна ўпкаси тўлиб қетди. Ршиман бу аснода яна ўзлигига қайтиб улгурганди. Қанча кунлар давомида пишириб юрган режаларини ҳамирдан қил суғургандай ҳал бўлишидан мағрурланиб, ич-ичидан қувонди.

— Бўлди, бўлди, бошқа гап йўқ! Ёшингни тий, бу яхшиликка йўймайди. Мен айтгандай бўлади!

Урндан туриб ўтов сари кетди.

Туни бўйи Вакила мижжа қоқмади. Бутун ҳаёти бир-бир кўз олдидан ўтди. Эрта билан турганда йиғидан кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетганди.

Худойманди бундан яна таажубланди! «Ё товба, буларга нима етмайди ўзи!»

IV

Вакила ва Худойманди кўч-кўронларини ортиб қишки яйловга кетишлари биланоқ Ршиман Торғинни келтириб олди. Кўчириб келиш осон бўлмади. Лекин, бировдан ёрдам сўраб ўтирмай, отарни серўт яйловга ёйиб қўйди-да, от-арава билан икки қатнашда бутун юкларни ташиб улгурди.

Аввалига Торғин иккиланди. Охири таваккал қилишга аҳд қилди: «Бари бир, одамлардан яширадиган сир қолгани йўқ. Бир ёғи оғир оёқли бўлсам...» — ўйлади у. Бунинг устига, Ршиманнинг кенг қучоғига бағрини босиб, унинг меҳрибонликларидан таскин топишга ўрганиб қолгани учун сўзини қайтара олмади.

Кўчиб келишлари билан Ршиман катта бир семиз қўй сўйди. Туни билан иккови ҳам мижжа қоқмади. Кичикинтой Тўкенни ухлатгандан сўнг кузнинг узайиб қолган тунида, ёшларга хос тезкорлик билан эмас, балки тажрибали кишиларга муносиб қайноқ муҳаббатларининг изҳорини сўзда ҳам, амалда ҳам бир-бирларига намойиш қила бошладилар. Торғиннинг кўнглидаги ҳадик қумга сингган томчилардек изсиз ғойиб бўлиб, ўрнини майин бир қувонч, тақдирдан миннатдорлик туйғулари эгаллаб олди. Буни ҳис қилиб ётган Ршиман бахтиёр эди.

— Тангрим қадамингни хайрли қилсин, Торғин. Фақат ўзингга алоқаси бор сиримни айтсам, шу ёшга келиб ҳозиргидай қайноқ қучоқни, ҳозиргидай аёл зоти армуғон этиши мумкин бўлган назокатни ҳис қилмаган эдим. Сўзларимга мана шу тун гувоҳ, бу шўрлик Вакилани ёмонлаганим эмас, биргаликда яшаган узоқ умримиз давомида бир гапимни икки қилганини билмайман. Аммо эркак киши учун шунчаки хотин олиш бошқа-ю, севиб яшаш бошқа бўларкан. Мен гўё узоқ йиллар мобайнида ярим жисмим билан яшаб келибман-у, қолган иккинчи яримни энди топгандайман. Топган ярим бу—сен, Торғин. Бу билан кечикиб келган бахтим учун тақдиримни қораламоқчи эмасман, шунисига ҳам шукур. Бу гапларни айтишим-

нинг боиси шуки, ўринсиз ҳадикларга кўнглингдан жой бераверма, демоқчиман.

Ршиманнинг самимий бу сўзлари аини пайтда қўйилган малҳам эди. Торғинни тўлқинлантириб юборди.

— Ёш эмасмиз-ку, Реке, оқ-қорани таниган одамлармиз, ахир. Менга айтган барча сўзларингизга нина учидек ҳам гумоним йўқ. Ҳаёт йўлим энди авж нуқта-сига етганда бева аталиб, бахтим юлдузи ўчай деганда, чиқиб келган бу қуёшимни, иқболим қуёшини топгандайман. Бундан кўнглим тўқ бўлса ҳам, ҳозир одамлар тўқол хотин олишга бошқача қарайдилар. Кишиларнинг назаридан қоламизми, деб кўрқаман. Аёлларга айниқса оғир, баъзан ўзимни кўзга тушган чўпдек сезаман. Бунинг устига районда ишлайдиган акам кўчириб олиб кетаман, деб келиб қолса, унга қандай жавоб бераман. Сиздан юпанч, бахт топганимга ишонармикан? Бизни тушуна олармикан? Борди-ю у тушунган тақдирда, бир овулда яшаб овсин-ажиндай бўлиб кетган Вакиланинг бетига қандай қарайман, — деб юрагидаги тинчлик бермаётган хаёлларни изҳор қилди.

Ўз бахтидан маст бўлган Ршиман Торғиннинг бу сўзларига эътибор бермади. Шундай бўлса ҳам кўнгил учун Торғинни юпатди.

— Ҳеч кўзга тушган чўпга ўхшаш жойинг йўқ. Тилига кучи етмаган одам нималар демайди... Қайси бирининг оғзига қопқоқ бўласан... Аканг бўлса, у ҳам биз каби бир одамдир, ахир. Ҳолимизни тушунар... Вакилага келсак, итининг феъли эгасига маълум дегандек, мендан ўтиб қайга борарди. Ўзингоқ ярашиб олсан у билан. Ҳар хил хаёллар билан бошингни оғритиб юрма, — деди.

...Торғин биринчи тунни тонгга улади. Субҳидамда ширин уйқуга кетиб, қуёш анча кўтарилиб қолганда уйғонди. Куз тонги соф ҳавосидан руҳи яйраб кўзини очса, ёлғиз ётибди. Устидаги қўшқават туя жуни тикилган кўрпани чап томонга суриб қўйди-да, қўл-оёғини ёзиб керишиб олди.

Ўтовнинг тирқишидан туриб турган куз офтобининг майин нурларига қараб ётганича, Ршиманни эслади. Ёноқлари қизарди.

Бўзболадай тун бўйи муҳаббат изҳоридан чарчамай, кетиш олдидан уйғотиб юбормасдан, аста қўшқават кўрпага ўраб кетибди! Бу ишни шундай эҳтиёткорлик

билан бажарибдики, ҳатто Торғиннинг ўзи ҳам сезмабди. Демак, унинг тинчини, ҳаловатини ўйлабди. У ҳақда қайғурибди.

Торғин чексиз хотиржамлик, майин бир қувонч ҳиссини туйди. «Ё, пирим, соч-соқоли бўзариб қолган бўлса ҳам бўталоқдай мунча ҳушёр ва меҳрибон-а? Қуввати қайтмаган эркакнинг шундай кароматлари ҳам бўларкан-да», — деб юраклари орзиқиб кетди.

Унинг бу тотли ўйларини ўнг томонда турган каравотнинг аста ғирчиллаши тўзитиб юборди. Шошиб бошини кўтарди. Қоп-қора сочларини тухумдек оппоқ елкаларида тўзитганича, икки ҳаклашда каравот олдига ўтди. Букилиб, тиззаларини қорнига тираб олган Тўкен онасидан ажралиб қолган оҳунинг боласидай бўлиб ётарди. Усти очилиб қолибди.

Қўли билан тўшакни пайпаслаб кўрди: ҳа, ўйлаганича бор, таги—ҳўл. Тунда кўрпаси тушиб кетган бўлса, совуқ қотиб қилиб қўйган бу ишни. Ўзи қайда эди? Наҳотки, узун тун бўйи лоақал бир марта боласи ёдига тушмаган бўлса?

Торғиннинг оналик меҳри алангаланиб кетди. Тўкенни шартта кўтариб олди-ю, унинг кесакдай бўлиб қолган баданини ўз тафти билан иситмоқчи бўлиб, бағрига босди. «Болагинам оғриб қолмаса яхши эди» деган хаёл билан кўтариб келиб, ўзининг ҳали илиқ қина ўрнига ётқизди. Ўзи ҳам ёнига ётди.

Ҳали уйғонмаган гўдакни бағрига босиб, унинг қуёшда сарғайган кокилини искаркан, Торғиннинг юзларидан ёш томчилари сизиб тушар эди. Овоз чиқармай йиғлаган кўйи, ухлаб ётган боланинг кўкракларидан, юзларидан, қўлларидан тинимсиз ўпарди. Бу қувонч ёшлари эди. Бу билан порлаб чиққан иқбол қуёши учун фарзандидан унсиз узр сўрарди.

V

...Кузнинг оромбахш кунлари ўтиб борарди. Одамлар ҳам, моллар ҳам ҳали олдинда қиличинини кўтариб қиш келаётганини гўё сезишмасди.

Ршиман Торғин билан бахтиёр эди. Ҳозирги ҳаёти орзуларга сиғмас даражада тотли туш каби туюлиб, бу ширин тушнинг чинлигини ўйлаганда юрак бағри орзиқиб кетарди, Балки, бошқачадир? Назарида, узоқ

Ўтмиши босириқ туш бўлиб келгану, энди кўзини очиб, ҳақиқий ҳаётни, гўзалликни, ҳузурбахш дамларни кўраётганди. Ўз ўтови олдида Торғиннинг чой дамлаб юрганни кўриб, қувончи кўксига сигмай кетарди. Унинг оппоқ билакларига, осилиб турган қоп-қора сочларига боқаркан, бу инъоми учун худога пичирлаб шукрона айтарди.

Ршиманни овулдагилар бир сўзли, қаттиққўл киши деб билардилар. Ўзи ҳам бунга ишонарди. Ҳозирга келиб Торғиннинг олдидаги важоҳатидан ўзи ҳам ҳайрон. Лекин бу ҳол энди унга қандайдир ожизлик ёки одатдан ташқари ҳол бўлиб кўринмасди. Аксинча, бу ҳолатида миждоидаги энг яхши фазилатлар энди намоён бўлаётгандек туюларди. Гўё у қалбининг қаърида ётгану, аёл кишининг уйғотган муҳаббати туфайли энди юзага чиқаётгандек эди.

Ҳатто кундуз кунлари, чўлда қўйларни ўтлатиб юраркан, дам-бадам хаёлига Торғин келар, у билан кўришиш учун кеч бўлишини сабрсизлик билан кутарди.

Ршиман излай-излай ўтовидан унча узоқ бўлмаган ерда серўт яйловга дуч келди. Қўйларни шу ерга ҳайдаб келтиргач, кўнгли бир оз таскин топди. У Торғиннинг ёлғизликдан зерикиб, азобланишидан чўчирди.

Торғин буларнинг барини пайқаб юрса ҳам кўнгли безовта эди. Эрта-индин қишлоғга кўчишни ўйлаб ваҳимага тушарди. «Кечагина ёши катталиги учун ҳурмат қилиб югани — Вакиланинг юзига қандай қарайман... Бўйга етиб қолган боласи бу қилмишимни бетимга солиб таъна қилса, ўлганим-ку! Эл-юрт нима дейди?» — деган ўйлар тез-тез ёдига тушиб, ўйлаган сари яраси янгилашиб борарди. Обдан боши қотиб, тинкаси қуриган Торғин бир куни Ршиманни қўярда-қўймай қишлоғга юборди. Бундан: «Бирдан бориб менинг кимлигимни кўрдингми, дегандай бўлмайлик, уларнинг эти ўлиб турсин!» — деган мақсади бор эди. Торғиннинг бу фикрига қўшилиб, Ршиман бир куни вақт топиб қишлоғга жўнаб кетди.

...Ршиман келганда Худойманди йўқ экан. Чотқолдаги Теракли сойнинг нариёғидан терак кесиб келгани кетибди. Вакила бўлса ёлғиз ўзи қимирлаб, қўра олдиларида сочилиб ётган қўйларнинг қийидан таппи тайёрлаётган экан. Кутилмаганда чолнинг келиб қолга-

нини кўриб ияги қийшайиб, қўли титраб, қувончдан йиғлаб юборай деди. Шу севинч билан:

— Вой, худойим-ей, сенмисан? Ҳозиргина: кечакундуз қўй ортидан юриб оғриб қолмадимикин деб ўйлаб ўтирувдим. Тинчмисан?— деган эди, Ршиман астагина «шукур» деб минғирлаб қўйди-да, дарров гапни ишга бурди.

У ҳатто белбоғини ечиб, нафасини ҳам ростламай, уй-атрофни, эшик-деразани, ғамланган ўтин-чўпни кўриб чиқди. Ора-сира атрофида гирдикапалак бўлиб юрган Вакилага: «Анов андоқ, мунов мундоқ экан, ўғлинг келса, айтиб қўярсан», деб рўзғор ҳақида қайғургани бўлмаса, бошқа ортиқча бир сўз айтгани йўқ. Вакила бир-икки марта: «Чой дамлайин, иссиқ овқат ичиб кет», деб таклиф қилган эди: «Йўқ, овора бўлма», деб қайириб ташлади. Фақат қайтишга отланганидагина:

— Торғинни олиб келганман, ҳозир у қўйларга қараб қолди,— деди-да, Вакилага тикилди. Кейин:— орамиздаги ўша гапни Худойманди биладими, унга айтганмидинг?— деб сўради.

— Қайдан билсин, сенинг бу қилмишингни нахотки оғиз очиб тилга оладиган иш деб билсанг?.. Шу ишингни ўйласам еган-ичганим татимайди... Тун бўйи мижжа қоқолмайман. Нима бўлса ҳам, бу бир уқубат бўлди-ку... Бунинг оқибатини бир худойимнинг ўзи билади...

— Бўлди, бўлди, нима, осмон узилиб ерга тушибдим,— унинг сўзини бўлди Ршиман.— Эндиги жаврашингдан фойда йўқ. Худоймандига айтиб қўй, рўзғорнинг кам-кўстини тезроқ тугатсин совуққа қолмай... Кейин, бир ёрдамчи беришибди, кўчириб келармиш дерсан. Ким экан деб сўраса, боши очиқ биттасидир-да, дегин.

Буни Худоймандининг ҳам қулоғи пишиб турсин, деган хаёлда айтди. Унинг мақсадини Вакила пайқади.

...Шу воқеадан кейин орадан бир ҳафта ўтди. Торғин Ршиманга бир-икки марта: «Қишлов томонга яна бориб келсанг, нима қилади?» деб ғинғиллаганди, «энди кўчиб боришимизга ҳам оз қолди, нега энди бекорга қатнайверарканман», деган жавобни олди.

Кутилмаганда бу ерга Вакиланинг ўзи келиб қолди.

Кузги ўтловга бир келиб, юз кўришиб қайтиш кераклигини ҳис қилган Вакила олдинига юраги бетламади. Охири: «Таваккал, катта бошимни кичик қилиб борсам-борай. Бу ерга кўчиб келиб қолса бир-биримиз билан ит-мушук бўлиб юрмайлик. Бўлар иш бўлиб, бўёғи кўчгандан кейин гердайишдан нима фойда»,— деб ўйлаб юрганида Худойманди:

— Отамнинг аҳволи у ёқда нима кечдийкин, бунинг устига ёрдамчиси ҳам сўққа бош бўлса,— деб хавотирга тушавергандан кейин Вакила бир келиб-кетишдан бошқа чора топа олмади.

...Туш пайти. Торғин эшик олдида самоварга тутантириқ чопар, кичкина Тўкен атрофга сочилган пайрахаларни териб юрарди. Қишлов томондаги тепаликда отлич кўринди.

— Опа, меҳмон келяпти!— деб қичқириб юборди бола.

Бу ким бўлди экан, деб аланглаб қараган Торғин от устидаги оқ рўмолли аёл эканини кўриб: «Вакилаку!»— деган ўйдан юраги зириллаб кетди. Этагини қоқиб, ўрнидан турди.

— Далада тентирамай, уйда кутиб олайн,— деб ичкарига кирди. Бироқ уй ичида ҳам ўтиролмай, яна ташқарига чиқди. Шундан кейин ҳам нима қилишини билмай, хижолатпазликдан ҳеч қаерга сигмай эшик олдида куймаланиб юриб, тутантириқларни йиғиштирган бўлди.

Вакила буларни кўриб-сезиб келарди. Бўлиб ўтган ишга кўникиб қолган Вакила, ўз тақдиридан хафалангани бўлмаса, Торғинга нисбатан дилида кек сезмаганди. Энди эса ўз қўли билан тиклаган ўтови ёнида худди уй соҳибасидай кириб-чиқиб юрган бегона аёлни кўриб, табиатида асло бўлмаган ҳис—ғазабланиш, жаҳолат уйғонди.

«Бу қанақаси бўлди? Суюқ оёқ хотин! Бировнинг уйига кириб олиб, гижинглашини қаранг, номуссизни!»— деган хаёл кўнглидан ўтиб гижиниб қўйди.

Уятдан ўзини қаерга қўйишини билмай турган Торғин ўзини қутурган бўри қаршисига чиқиб қолган қўзичоқдай ҳис қилиб, Вакилага рўпара келди. Унинг рўйхуш бермаётганига қарамай, отдан тушириб олди.

— Эсон-омонмисиз, бойвучча?— деди. «Бойвучча» деган сўзни атайлаб ўйлаб қўйгани учун эмас, Вакиладан уялиб, ўзини паст олиб, нари бориб-бери келиб тургани учун беихтиёр оғзидан чиқариб юборди.

Вакила бу ҳурматни пайқаб турса-да, «лом-мим» деб оғиз очмади. Вужудидан тошиб кетай деб турган ғазабни аранг жиловлаб, ўтовга қараб юрди. Уй ичидаги оройишталикни кўриб уларни писанд қилмагандай тўғри бориб тўрга чиқиб ўтирди. Бу аснода Вакиланинг отини боғлаб ўтовга кирган Торғин ўтиришга ҳам юраги бетламай, остонада туриб қолди. Вакила беихтиёр унга қаради. Қаради-ю, ёш аёлнинг қаппайиб турган қорнига кўзи тушди. Ўз кўзига ишонмай, ичлари зириллаб кетди. Тавба, бу не кўргулик! У бутун воқеанинг бор даҳшатини энди ҳис қилди. Юрагида «қилт» этиб кетган нарса томоғидан ўтиб, оғиз, бурун ва кўзларини ачиштириб юборди. Ўтирган жойида дил тўлқинларидан тебраниб-тебраниб, кўзидан ёш оқизиб, айтиб-айтиб фарёд чекди:

— Вой-ей, ўз уйимга ўзимни меҳмон қилиб қўйган, худойим-ей! Бу не кўргуликки, шунча йил яшаб, етган жойим, қилган орзуйим шу бўлса! Худойим-ей...

Вакила азада айтиб йиғлагандай узоқ «ув» тортди. Умр бўйи кўрган азоблари, ерга қўйган қатор фарзандлари, урушда ҳалок бўлган уч арслони—ҳаммаси бу йиғида бирма-бир эсландики, эшитган одамнинг унга қўшилиб фарёд чеккиси келиб кетарди.

— Тор оламни кенг қилган, ўзини шерга тенг қилган қулинларим омон бўлса, шу ҳолга тушармидим,— деб уввос солганида Торғиннинг ҳам юраги орқасига тортиб кетди. Кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқди.

Вакила ўзини босолмай, оҳ уриб:

— Дўстга зор, душманга хор қилгунча жонимни олсанг нетарди?— деб зорланарди. Ўз тақдирини лаънатлаб-лаънатлаб чарчагач, тинчий бошлади.

Торғин бир-икки бор уни овутмоқчи бўлди, лекин беихтиёр кўзидан оққан ёш, ачиниш, тўлқин уриб турган ҳислардан ортиб бирор сўз айтолмади. Фақат йиғлаб-йиғлаб дилини бўшатиб олган Вакиланинг қўлига қўйиб юбориш учун сув келтирди.

Қўлини чайиб, юзини ювиб бўлган Вакила уфлаб ўтирганича, яна Торғинга кўз ташлади. Томоғини қириб:

— Үзларинг аввалданоқ ошиқ-маъшуқ бўлишиб, ҳамма ишни енг ичида битказиб қўйган экансизлар-да, — деб Торғиннинг оғир оёқлигига ишора қилди. Лекин бу ишорада на ғазаб ва на норозилик бор эди. Вакила оққўнгил бўлгани учун ҳам Торғиннинг ҳозирги аҳволини яхши тушунарди.

— Ҳа-а, шундай бўлиб қолди... Тақдир экан... — Үзини номусдан қайга қўйишини билмай жавоб қилди Торғин.

Иккалови бир-бирига сир бермасликка уринарди. Баъзан жимиб қолишар, бу ноқулай сукутдан қутулиш учун бир амаллаб гапни гапга улашарди. Вакила:

— Сени бундай деб ўйлаган эмасдим. Сени қандай шайтон йўлдан урди? — деб очикчасига сўраб қолди. — Қариганда такадай сакроғич бўлиб қолган чолимизнинг шайнига сўз йўқ. Лекин ёлғиз ўғлимиз эшитиб қолса қийин бўлади-да, — деганича яна кўзидан оқаётга хасратга рўмолининг учини босди.

Торғин Вакилага қаршилик ҳам билдирмади, уни юпатадиган бирор сўз ҳам айтмади. У ўз гуноҳининг оғирлигини янгитдан ҳис қила бошлади. Пашша қутулиш учун қанча зўр берса, ўргимчак тўрига шунчалик қаттиқроқ ўралиб қолгани каби у ҳам айбини тобора чуқурроқ тушуна борарди.

Бу ҳолдан қутулиш учунми ё чин дилдан чиқарибми, Торғин бир-икки бор чой дамлаш учун турмоқчи ҳам бўлди. Лекин Вакила бунга кўнмади:

— Йўқ, овора бўлма, наҳотки мени чой ичиб, суҳбатлашиб кетгани келган, деб ўйласанг. Ҳатто, эр таллашиб, ёқа бўғишгани ҳам келган эмасман. Эрта-индинга кўчиб борсаларинг—ўғри мушукдай олайишиб юрмайлик деб, ўйлагандим. Мен жаҳлдан ҳам тушарман, йиғлаган бўлсам—овуниб ҳам қоларман, лекин ёлғиз ўғлимизга жабр бўлди-да... Отасининг бу қилигини ҳали билмайди у, — сўзини нафаси ичига тушиб тугатди Вакила.

Унинг самимий гапларидан енгил тортган Торғин, бу ишлардан Худоймандининг беҳабар эканини билгач, рўпарасида янги бир давон қад тиклаганини сездди. Ундан ошиб ўта олишига кўзи етмади. Тушкунлик вужуд-вужудини ўртаб юборди. Юпанч ўрнини ўкинч, қувонч ўрнини тушкунлик эгаллаб олди.

У Вакилани кузатгач, юраги бўм-бўш бўлиб қол-

ганини пайқади. На табиат гўзаллиги, на истиқбол умидлари ва на қалбидаги ёниб турган илиқ чўғни ҳис қилди. Вужудини хорғинлик эгаллади. У ҳеч нимани сезмасди.

VI

Тонгда эсан совуқ шамол шимолдан келди. Одатда қуёш чиққач, атроф илиб кетарди. Бу гал ундай бўлмади. Аксинча, қуёш қанча юқориласа, совуқ шамол шунчалик зўрайиб борарди. Ниҳоят, шамол чийиллаб, ўз ҳукмронлигини таъкидлай бошлади.

Саргайган майсалар, бир-бирини қувалашиб чирпираётган хазонлар гўё атрофда изғишиб бошпана излашаётгандек эди. Ҳаво қовоғини солиб олди, гўё унга ҳам ёқмаётгандай бу манзара.

Тонг отганда зумраддек тиниқ бўлган кўк юзини узук-қуроқ булутлар тўсиб қўя бошлади. Улар бирига қўшилиб, кун тушдан оғанда бутун осмонни эгаллаб олдилар.

Боягина енгил кийиниб отар орқасидан кетган Ршиман, вақт пешиндан оғгач, қаттиқ совуқ қотди. Охири: «Мана, худонинг куни ҳам қайтди-да»,— деганича, тоқати-тоқ бўлиб уйга қайтди. Бунинг устига, бу йил яхши келган куздан талтайиб, юнги дурустроқ ўсиб улгурмаган қўйлар дабдурустдан келган совуққа чидаш беролмай, пана жой излаб қолишди.

Ршиман одатича Қопали—кузги яйловнинг ғарб томонига қўйларни ҳайдаб бориб, ўзи уйга қайтиб келарди. У майда-чуйда ишларни битказиб бўлгунича қўйларнинг олди қўтонга етиб келгучийди.

Бугун совуқдан тентираб қолган молларни бир йўла ҳайдаб келмоқчи бўлди. Пана жойларда ётоқлаб қолмоқчи бўлган қўйларнинг ҳали у ёнидан, ҳали бу ёнидан ўтиб, «қув-қувлаб» ўтовга шошилди. Илгари юрган сари рўпарасидан урган совуқ шамол суягидан ўтиб борарди. У ўзича: «Бу йилги кузнинг ҳақи ҳам қолмади... Энди қишнинг бошлангани-бошланган... Қаттиқ совуққа қолмай, эртага кўчиб олмасак, Торғиннинг мазаси қочиб қолади»,— деб ўйлаб қўйди. Кейин яна: «Ўзи, бу шамолдан чўчиб, қўрқиб ўтиргани йўқмикан?» — дея отига қамчин босди...

Вакиланинг келиб кетганини эшитган Ршиманинг кўнгли жойига тушиб, энди Торғинни фақат ўзиники ҳисоблаб, бир меҳрига ўн меҳр қўшилганди. Шундан бери: «Тезроқ қишлоғга кўчиб жойлашсак экан»,— деб ўйлаб юрарди. Кейинги пайтларда унинг озиб, ранги кетиб қолгани, тез-тез кўз ёши қилиб олиши кўнглига қаттиқ тегарди. Чунки, Торғиннинг ойкуни яқинлашиб, қадам ташлашлари ҳам оғирлашиб қолганди.

«Тезроқ кўчиш керак,— ўйлади у.— Қишлоғ тинч, шароит ҳам бу ердан кўра тузук».

Ҳозир совуқ қотиб, чарчаб, мазаси қочиб келаётган бўлса ҳам, ичида эртага қишлоғга кетишни, шундан кейин жимгина, тинч кунларнинг бошланишини ўйлаганда совуқ егани ҳам, чарчагани ҳам унутилиб, юраги қувончга тўлиб кетарди.

Отар ўрганган маконига келиши билан қўйлар жой-жойини тезгина топиб ўрнаша бошлади. Қолган-қутган қўйлари ҳайдаб қўтонга қамагач, Ршиман отининг бошини ўтовга бурди.

Лекин ҳеч ким кутиб олмади. Тўкен ҳам кўринмади.

«Қаерга ғойиб бўлишдикин?»— ҳайрон бўлди Ршиман. Кейин Торғиннинг кейинги пайтларда уйқучан бўлиб қолганини эслаб, хотиржам бўлди.

— Торғин,— дея товуш берди-да, отини бойлай бошлади.

Катта-катта қадам ташлаб ўтовга етиб келган Ршиман қаттиқроқ чақирди:

— Торғин!

Жавоб ҳам кутмай, ўтовнинг наमत эшигини қайриб ташлаб ичкарига бош суқди. Ичкари қоронғи эди.

— Торғин, уйдаман! Эй, Торғин!... Торғин!!!— деб бор овоз билан чақирди.

Бироқ жавоб бўлмади. Кираверишга суяб қўйилган жез лаганининг астагина акс садо бергани бўлмаса, уй ичи жимжит—ҳувиллаб ётарди.

Бўғилиб кетди. Орқасига бурилиб ҳовлига отилди. У бошини кесакига уриб олганини ҳам, бошидаги бўрки учиб кетиб, ўтовда қолганини ҳам сезмади. Атрофга қаради. Ҳеч ким йўқ. Совуқ шамол сочларини тўзғитди. Қичқирмоқчи бўлди. Овози чиқмади. Ўтов атрофини айланиб:

— Торғи-ин!— деб ўжириб юборди. Бу гал унинг бўғиқ овози катта она туянинг ғамгин товушига ўхшаб чиқди.

У ўзини йўқотиб қўйди. Фикрлари чуваллашиб кетди. Гандираклаб келиб отига зўрға миниб олди-да, қишлоғга қараб бурди. Бийдай дала, ўжар табиат ихтиёрида эгасиз қолиб кетаётган бир отар қўй хаёлига ҳам келгани йўқ. Қулоқ-бурунларни учириб кетгудек бўлиб, борган сари авжга минаётган изғиринни ҳам сезгани йўқ.

Учқур хаёллар жиловини тута олмай, узук-юлуқ фикрлардан, тахминлардан кўнгли ваҳимага тўлди. «Торғин?! Унга нима бўлди! Балки... Вакила ранжитгандир! Шу тундаги эркалалари қанчалар қувонч бахш этганди! Нега?! Ё, бу хайрлашув олдидан қилинган эркалалашмиди? Дунёга келиб кўрганим фақатгина шуми? Бир умрга татирлик эди-ку?»— деган ўйлар қалбига бигиздек санчилиб, тинкасини қуритиб юборди.

Остидаги отга беаёв қамчи босиб, қишлоғга тасирлатиб кириб келди. Унинг важоҳатидан хавотирланиб, эшик олдида Вакила қотиб турарди. Отдан юлқиниб тушаркан, даҳшат билан:

— Эй, Торғин қани?— деб хайқирди. Жавобини ҳам кутмай, қулочкашлаб, зарб билан Вакилага қамчи туширди.

— Вой-вой, вой-во-ей, мен қаердан билай, ўлдим-ку!— деб қамчидан бошини паналаганича додлаб юборди Вакила.

— Торғин қаерда, деб сўраяпман сендан!— деганича Ршиман баттар тутоқиб қамчи кўтарди. Лекин уни тушуришга улгурмади. Шу пайт уйдан югуриб чиққан Худойманди қамчини ушлаб қолди.

— Опамнинг айби нима! Торғинни излаётган бўлсангиз, боягина бир милиционер, оғасиман, деб келиб, машинада олиб кетибди-ку. Опамнинг биров билан нима иши бор,— деди ёш йигит адолат талаб қилгандай.

Қамчиси қўлидан тушиб кетган Ршиман:

— Нима дединг? Ҳа-а-а,— деди қалтираган овоз билан. Бақувват елкалари букилиб, азамат гавдаси титраб-бўшашиб, турган жойида шилқ этиб ағанаб тушди. Кейин куракдай-куракдай кафти билан юзларини тўсиб:

—О-о-оҳ!— деб ўкириб юборди.

Бу галги товуши йиғлашни унутиб юборган, бирор пайт йиғлаб кўрмаган кекса одамнинг элас-элас кўзга чалиниб йироқлашаётган—кеч келиб эрта тарк этган бахти билан хайрлашаётгандаги инграши эди. Уни эшитган ҳар кимса, ғоятда оғир ғамни кўтара олмай қолган мағрур одамнинг ёрилиб кетган юрагидан ана шундай садо чиқади, деб ўйларди.

МУНДАРИЖА

Абдужамил Нурпеигов. ОШҚОРА ДИЛ СУЗЛАРИ. Тўхтамурод Баҳромов таржимаси	5
Тўлан Абдиков. МЕҲМОНЛАР. Ҳожиакбар Шайхов таржимаси .	9
Уролхон Бўкеев. ҚАРИБУҒУ. Ҳусан Рўзиметов таржимаси .	27
Дўкенбой Дўсжонов. ЧАВАНДОЗ. Ҳусан Рўзиметов таржимаси.	42
Давлат Исабеков. БИРИНЧИ ҚИРОВДАН КЎКЛАМГА ҚАДАР. Тўхтамурод Баҳромов таржимаси	65
Абиш Кекилбоев. БАХТ ЧУПИ. Абдулла Исомиддинов таржимаси	86
Мухтор Мағовин. ХАЗИНАБОН. Ҳайдарали Ниёзов таржимаси	114
Кажигали Муҳамбетқалиев. ҚИШ КЕЧАСИ. Наримон Орифжонов таржимаси	139
Қалдарбек Найманбоев. ТОНГДАН ТУШГАЧА. Абдумажид Шомирзаев таржимаси.	148
Бексултон Нуржекеев. БИРИНЧИ МУҲАББАТ. Икром Қобилов таржимаси.	180
Тинимбой Нурмағамбетов. ОТА МАКОН. Мурод Абдуллаев таржимаси.	201
Қодирбек Сегизбоев. САВОЛ АЛОМАТИ. Ҳожиакбар Шайхов таржимаси.	232
Оқсулув Сейдимбеков. КУЗАҚДА. Сабриддин Сабриддинов таржимаси.	254

На узбекском языке

ПЕСНЯ ДРУЖБЫ

РАССКАЗЫ МОЛОДЫХ КАЗАХСКИХ
ПИСАТЕЛЕЙ.

Перевод с казахского

составитель Калдарбек Найманбаев.

Издательство «Еш гвардия», Ташкент—1982

Совместное издание «Еш гвардия», Ташкент—
«Жалын», Алма-ата.

Редактор: Султон Жаббор

Рассом Э. Валиев

Расмлар редактори А. Фуломов

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор С. Саидалимов

ИБ № 1014

Теришга берилди 16. 06. 1982 й. Босишга рухсат этилди 9. 11. 1982 й. Формати 84×108¹/₃₂. № 3 босма коғозга «школьная» гарнитурда юкори босма усулида босилди. Босма листи 9,0+0,125 форз. Шартли босма листи 15,12+0,21 форз. Нашир листи 15,35. Тиражи 15000. Баҳоси 1 с. 20 т. Буртма. № 191.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.